

М.ТОЖОН, А.ХУРРАМОВ

Мамаражаб Тожонов – Кандидат филология  
Кыргызстана түменинде түгүштөн. Гөлөвөнөн францидай  
доктори, Жалқаро педагогика францидай  
академиктөрдөн күбүйр альзам би та мөнеграфия, 3  
та үчүн, 21 та үчүн, илмий-хөтүүбий күпілшаманың  
муаллафи. 100 дан ортук нұсқалы жорналдан да  
республикалык журналдан Олтай да үртап макалалар  
материалдары түтшисшериде көннөлөлдерин чөт  
эттеген.

М.Тожон үзинен ишмий мөнегидағы ага бүләк  
20 га пәнде шөлгөндердөн иштөн. Бугун да үртап  
үзбекштөн Республикасының Олтай да үртап макалалы  
ортук нұсқалыни хөтүүндөн Олтай да үртап макалалы,  
көсбә-хүндирик риволюциондык мөркөздөн директор Үрнөбөсирин  
пәннөөндердөн көлөмөдө.

Мурод Баракаев – Ыңзордо выполнити Кыргызстан  
түменинде түгүштөн. Педагогика факультети нөкөнүүн,  
доцент. З та монография, 2 та үчүн, б та үчүн да  
ишимында күпілшамалар мұаллағында 100 даңы  
ортук нұсқалыни хөтүүндөн на республикалык макалалар  
журналда да әкемшеми макалаларда түтшисшериден иштөн  
макалалардың чөт мөнеги. Бугун да үртап макалалы  
номинации Тожоновт 2010-2011 жылдардағы унноресентелі  
“Математика үкиттүн мөнеги” конференция  
доңдатылғанында иштөн көлөмөдө.

Айвар Хуррамов – Кандидат филология,  
Чирокчи түменинде түгүлгөн. Узбекистон  
республикасының Олтай да үртап макалалы  
важандылык хөтүүндөн Олтай да үртап макалалы  
хөтүүндөн тальымының риволюционтырылыштың мөркөзинин  
ката ишмий хөтүүндөн иштөнүүсүн. 1 та монография,  
1 та үчүн күпілшама, 2 та үчүн да ишмий-услубый  
күпілшамалар мұаллағында 30 та иштөн хөтүүндөн  
республикалык ишмий журналда да әкемшеми  
материалдары түтшисшериде макалалардың  
эттеген.



# MATEMATIKA ҮКИТТҮН МЕТОДИКАСЫ

A. XYPPARAKAEV  
M. TOKHNEB.

## МАТЕМАТИКА ҮКИТТИШ МЕТОДИКАСЫ

ТОШКЕНТ



FAN IN  
TECHNOLOGY

74.58  
77-60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

М.ТОЖИЕВ, М.БАРАКАЕВ, А.ХУРРАМОВ

# МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(Ўкув қўлланма)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хизуридаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари буйича  
ўқуя-услубий бирлашималар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши  
томонидан «Математика ўқитиш методикаси» таълими йўналиши  
тадаббалари учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган



ТОШКЕНТ – 2017

**УУК: 372.851(072)**

**КБК 74.58**

**Т-60**

**Т-60 М.Тожиев, М.Баракаев, А.Хуррамов. Математика ўқитиш методикаси. // Ўкув кўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 328 бет.**

**ISBN 978-9943-11-519-4**

Ўкув кўлланма педагогика йуналишидаги олий таълим мұассасаларининг «Математика ўқитиш методикаси» фан дастури асосида ёчиликтада бўлиб, янги авлод укув адабиётларини яратишта кўйилган талаблар асосида шакслантирилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва урга маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йуналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кеңташи томонидан «Математика ўқитиш методикаси» таълими йуналиши талabalари учун ўкув кўлланма сифатида тавсия этилган.

Ўкув кўлланма педагогика институтлари ва университетларининг математика факультетлари талabalari ва профессор ўқитуачилари учун мўлжалланган бўлиб, узлуксиз таълим тизимиининг барча бугниларида фаолият курсатадиган ўқитувчилар, тадқиқотчилар хлмда юсбий таълим йуналишларида таҳсил олувчилар учун ҳам зарур малба сифатида хизмат килади. Ўкув кўлланма педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш масалаларига багишланган дарслик, ўкув ва услубий кўлланма ҳамда ишланмалар, шунга оид бошқа адабиётларни яратиш, ўкув машғулоти ва дарс лойихаларини ишлаб чиқиш, уларни таълим жараёнига амалий татбик этиш бўйича услубий ёрдам беради.

Ўкув кўлланма икки кисмдан иборат булиб, 1-кисм – «Математика ўқитиш умумий методикаси»га, 2-кисм эса «Математика ўқитиш хусусий методикаси»га бағишлиланган.

**Тақризчилар:**

**Г.В.Злоцкий** – педагогика фанлари доктори, профессор;

**Рахымбек Досымхон** – педагогика фанлари доктори, профессор;

**Ф.Х.Сайдалиева** – педагогика фанлари номзоди, доцент;

**А.Ахлимирзаев** – педагогика фанлари номзоди, доцент.

**ISBN 978-9943-11-519-4**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017.**

## КИРИШ

Хозирга кунда мамлакатимиз таълим тизимиға инновацион-педагогик, ахборот коммуникацион технологияларини замонавий таълим усул ва воситаларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришни амалға ошира оладиган, технологик билимлар тизимиға эга бўлган замонавий ўқитувчиларга бўлган талобни оширади.

Узлуксиз таълим жараёнидаги олиб борилаётган барча ҳаракатлар шу мақсадга эришишда муҳимдир. Шулардан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги вақтда барча ўкув фанларини замонавий педагогик технология асосида ўқитишнинг мақбул йуллари тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини пайдо бўлиши ва унинг тадрижий давоми бўлган математика ўқитиш методикаси фанидан талабаларга дарсни аввалдан лойиҳалаш асосида билимлар бериш таълим соҳасидаги янгиликлардан бириди.

Педагогика олий таълим муассасаларида математика ўқитишни тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда. Шуларни ўтиборга олган “Математика ўқитиш методикаси” фанидан янги шивод ўкув адабиётларини яратиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланилади.

Математика ўқитиш методикаси ўзининг усул ва методикасига ба бўлиб, илоҳида фан сифатида педагогика олий таълим муассасаларининг «Математика ўқитиш методикаси» номи билан аталган (олдинги номи «Математика») таълим йўналишида таҳсил олаётган ташаббалир томонидан ўртишилади.

Хозирги замонанийлашув шаронтида ҳам ҳар бир фан бўйича, жумладан, математико фянни бўйича таълим олувчиларга етарли дарожида билимлар бериш асосий масалалардан ҳисобланаб, бунга бришинин таъминлаш, бунда “Математика” фани (мамлакатдаги борча таълим босқичлари учун) ДТС (давлат таълим стандарти)лари, МТ (Малака талаблари), ўкув режа ва фан дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва математика таълимини имзоли ошириш, уни ривожлантириш ҳамда мазкур жараёнини япиди такомиллаштириш “Математика ўқитиш методикаси” фанининг асосий визифаси ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўрганиш ва ўқитиши бўйича илмий-методик тадқиқотларнинг асосий мақсади ҳисобланиб, бу ишлари таълим соҳаси ходимлари (таълим муассасалари бошқарувчилари, ўқитувчи-мураббийлар) ва ота-оналар, “Математика” фанини ўргатишга ихтисослашган турли ижтимоий гурухлар (фанларии чукур ўргатишга йўналтирилган турли ўкув марказлари) ўртасидаги кўпприк вазифасини бажаради.

Бунга эришишда “Математика” фани мазмунини тўғри аниқлай олиш муҳим ҳисобланиб, таълим жараёни мазмунни (барча босқичлар учун) аниқлашга ҳозирги шароитда куйидагича ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. “Математика” фани бўйича барча таълим босқичларида ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган таълим босқичи учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, “Ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган” ўрта умумтаълим мактабларида ёки “Аниқ ва табиий фавларга ихтисослашган” ўрта умумтаълим мактабларида математика мазмунни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

2. “Математика” фани бўйича турли таълим йўналишларида (Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ёки олий таълим босқичида) ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган йўналиш учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, “Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги” таълим муассасаларида математика мазмунни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

3. Узлуксиз таълим тизимида таълим олувчилар ақлий қобилиятларининг ривожланиш даражаси ва қизиқишлидан келиб чиқсан ҳолда математик таълим мазмунни ва ўқитиши жараёнини ташкил этиш муаммоси.

4. Узлуксиз таълим тизими турли босқичлари учун ишлаб чиқилган математик таълим мазмунини жамиятдаги таълимга бўлган муносабат, таълим тизими, унда фаолият юритувчи ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда математикани ўқитиши имкониятларини ишлаб чиқиши муаммоси[5].

Юқоридаги муаммоларни самарали ҳал этишда “математик” тушунчалар, ўқитиши тамойиллари, қонуниятлари, методлари ва услублари барча йўналишларда ўкувчи-талабалар учун (табақалаштирилган таълимга суюнган ҳолда) тушунарли ва ўзлаштириш осон бўлган кўринишда булинига эришиш талаб этилади. Бунда

математика буйича ўкув материаллари (мазмунини), математика фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини, давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларни ишлаб чиқувчи соҳа мутахассисларини замонавийлашув шароитига мос бўлиши, таълим патижаларини тўғри ва холисона баҳолаш усулларини тўғри ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш муҳим хисобланади.

Умуман, ҳозирги шароитда таълимнинг ҳар бир босқичида “нимани (умумий мазмун) ўқитиш мумкин ва бунга зрипиш учун нима қилиш керак?” ва “кимни ўқитиш керак, унга айнан нимани ўқитиш керак (айнан ҳар бир ихтисосликда), нима учун айнан шуни ўқитиш керак (мақсад), қандай ўқитиш керак (метод, шакл, восита, технология)?” деган масалаларни самарали ҳал этиш бугунги математика ўқитиш методикаси олдидағи кечиктириб бўлмайдиган муаммолар хисобланади.

Ҳозирги кунда “нимани ўқитиш керак?” эмас, балки “нимани ўқитиш мумкин ва буни қандай амалга ошишириш мақсадга мувофиқ?” кўринишда таълим жараёнини ташкил этишга ёндашиш математика ўқитишни замонавийлаштиришда асосий рол ўйнайди.

Ушбу ўкув қўлланма математика ўқитиш методикаси фани умумий методика масалалари мавзулари буйича маъруза машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, 15 та маъruzani ўз ичига олади. Ўкуп қўлланмада ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми мавжуд булиб, улар катта модуллар ва ўрта модулларга ҳамда ўкув соатларининг умумий сонига қараб ўкув режа асосида тақсимланган.

Ўрта модул таркибидағи кичик модулларга аниқ мақсадларнинг қўшилтини ишларига ажратилган вақтнинг чегаралангандиги педагогик технология жорий этилганлигининг энг муҳим белгисидир.

Модуллардаги таянч тушунчаларнинг ва назорат саволларининг апиқланиши ҳамда тест саволларининг тузилиши эталланган билимларни малакага айлантириш учун замин яратади. Маъruzada ўрга модулда қўлланадиган дарс тури, босқичлари ҳамда қўлланадиган педагогик метод ва услубларни апиқлаб, ишлатадиган жойларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ўкув қўлланмада ўз аксини топган. Таълим жараёнида ўқитишнинг техник восита-лиридан унумли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади. Муайян лойиҳа ўқитишнинг техник воситаларини топиб, қўлланиш жойларини апиқлаш ҳам мазкур ўкув қўлланмада ўз аксини топган.

Мазкур ўкув қўлланма педагогика институтлари ва университетларнинг математика факультетлари талабалари ва укитувчилари учун мўлжалланган.

Ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «Вазирлик тизимида 2015–2017 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари» доирасидаги «Олий таълим муассасаларидаги ўкув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти («Математика ўқитиш методикаси» таълими йўналиши мисолида)» мавзусидаги амалий лойиҳада олинган натижалар асосида шакиллантирилди.

Мазкур ўкув қўлланмани тайёрлашда 2015 йили «Fan va texnologiya» нашриёти томонидан чоп этилган М.Тожиев, М.Баракаев ва А.Хуррамовларнинг “Математика ўқитиш методикаси фани ўкув машгулотларининг лойиҳаси” номли ўкув ва илмий-методик қўлланмаси асос қилиб олинди ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матнни айрим қисмларини шакиллантиришда В.М.Колягин, В.И.Мишин, Г.И.Саранцев, Н.М.Рогановский, Rolf Biehler Roland w. Scholz Rudolf Strasser Bernhard Winkelmannларнинг ғоялари ва профессорлар Ж.Икрамов, С.Алихонов, Б.Зиямуҳамедовларнинг айрим манбаларидан фойдаланилди ва профессор Н.Ғайбуллаевнинг маслаҳатлари эътиборга олинган.

Ўкув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш соҳасида меҳнат килаётган ва ишимизга илмий, услубий ва амалий фикрлари ҳамда ёрдамини берган педагогика фанлари доктори, Жанубий-Қозоғистон давлат педагогика институти профессори Раҳымбек Досымхон, педагогика фанлари доктори, профессор Г.В.Злоцкий, педагогика фанлари номзоди, доценти Ф.Х.Сайдалиева, педагогика фанлари номзоди, доценти А.Ахлимирзаев, физика-математика фанлари номзоди, доцентлар А.Мавлянов, Д.Турдибоев ва Б.Тошпўлатовларга муаллифлар миннатдорчилигини билдиради.

Ўкув қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни [tajiev@mail.ru](mailto:tajiev@mail.ru), [tajiev@umail.uz](mailto:tajiev@umail.uz) электрон почталарига юборишингизни сўраб қоламиз.

*Муаллифлар.*

## **БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ФАН СИФАТИДА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ, ЎҚУВ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДАГИ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ**

**1.1-МАВЗУ.** Математика ўқитиши методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатида мақсади, мазмуни.

**Кичик модуллар:**

1. Математика ўқитиши методикаси фанининг предмети
2. Математика фанини ўқитиши методикасининг умумий, хусусий ва аниқ методикаси
3. Математика ўқитишининг умумтаълими, тарбиявий ва амалий мақсадлари
4. Математика ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси
5. Математик таълим жараёнини амалга оширишининг дидактик тамойиллари
6. “Математика ўқитиши методикаси» фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатида мақсади, мазмуни” мавзусининг лойиҳалари

#### **1. Математика ўқитиши методикаси фанининг предмети**

Барча тарихий даврда ҳар бир жамиятда ўз фуқароларига давр галаба даражасида билимлар беришда асосий эътиборни уларнинг фаолияти ва фан-техника тараққиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда фанлар асосларини ўргатиш асосий вазифалардан бири бўлиб келган.

Лйникса, математика бўйича етарли даражада билимларга эга бўлиш: биринчидан, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини шахс сифатидан шаклланишида муҳим ўрин тутса, иккинчидан, келгусида самарали касбий ва ҳаётий фаолият юритиш имкониятларини оширади.

“Математика” сўзи қадимги грекча “mathema” сўзидан олинган бўлиб, у “фан”, “билим” деган маънioni англатиб, мазкур фанинг ўрганадиган обьекти материядаги мавжуд нарсаларнинг фазовий

формалари ва улар орасидаги микдорий муносабатлардан иборатдир.

Математика фани ўз ривожланиш даври мобайнида қуйидаги даврларни босиб ўтган:

1) Математиканинг пайдо булиш даври – амалий ҳисоблашлар ва ўлчашлар, сон ва фигура тушунчаларини шаклланиши билан белгиланади. Бу даврда арифметика ва геометрия каби математиканинг бўлимлари ўз бошланғич асосларига эга бўлди.

2) Ўзгармас микдорлар даври. Мазкур давр эрамизгача бўлган VI-V асрлардан бошланиб, бу даврда математика фани ўзининг тадқиқот тушунчаларига (сон ва шакл) ва усулларига эга бўлган мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланди. Натижада унинг янги соҳаси ҳисобланган “Алгебра” фани пайдо бўлди. Унинг ривожланишида буюк ватандошларимиз Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Умар Хайём, Абу Али Ибн Сино, Улугбек, Ал-Фарғонийлар катта ҳисса қўшишиди.

3) Ўзгарувчи микдорлар даври. XVII асрдан бошланиб XIX аср биринчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда математиканинг тадбиқий соҳалари кенгайди, функция ва у билан боғлиқ равишда узлуксизлик ва ҳаракат ғоялари асосий ўринни эгаллади. Натижада “Математик анализ” фани пайдо бўлди ва ривожланди.

4) Ўзгарувчи муносабатлар даври. Бу давр XIX аср иккинчи ярмидан бошланиб то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олиб, мазкур даврда:

абстракт назариялар ва математик тузилмаларнинг роли ошди;

математик моделлаштириш усуллари барча соҳаларда кенг кўлланила бошланди;

алгебраик структуралар, янги назария ва йўналишлар пайдо бўлди ва у соҳалар ривожланишда давом этмоқда.

“Интеллектуал билимлар” асли ҳисобланмиш – XXI асрда “Математика” кундан-кунга тараққий этиб, унда турли назарий кашфиётлар амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда унинг амалий тадбиқлари соҳаси кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳам “Математика” фан сифатида ҳам, ўкув предмети сифатида ҳар бир жамият аъзоларига ўргатилиши ва уларнинг ўрганиши талаб этилади.

Бунга сабаблар қуйидагилар:

## **1. Математика фан сифатида:**

моддий борлиқнинг фазовий ва миқдорий муносабатларини акс эттирувчи қонунларни тўла ва чукур ўрганиш, тарғиб этишини талааб этади;

ўрганилаётган қонуниятларнинг қандай мазмунга эгалиги ва уларнинг қандай усул билан асосланганлиги ривожланиш даражаси билан хисоблашмайди;

унда тадқиқотчининг шахсий фазилатлари, у ёки бу математик қонуннинг қандай кашф этилганлиги муҳим эмас;

математика фани маълум тизимда яратилади ва ривожланади, у бир-бирига боғлиқ қатъий кетма-кет келувчи қонунларни очиб беради.

Бунда математика фанининг бошланғич (асосий) тушунчалари, қабул қилинган аксиомалари унинг учун бошланғич асос булиб хизмат қиласди.

## **2. Математика ўқув предмети сифатида зса:**

ўқувчиларга математикадан билим, кўникма ва малакалар берилади;

математик билимлар беришда ўқувчилар ёш хусусиятлари хисобга олинади;

янги математик тушунча ёки қоян киритишга ёндашиш муҳим аҳамиятга эга ва шу асосда уни баён этиш усули танланади;

абстракт тушунчалар изоҳлар ва мисоллар билан берилади;

ўқитишда такрорлаш хам амалга оширилади;

ўқув предмети фан тизимини қисқартириш ва бузиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда математика фани шартли равишда қуйидаги бўлимларга бўлган ҳолда ўрганилади.

### **1. Элементар математика.**

Элементар математика мустақил мазмунга эга бўлган фан бўлиб, у олий математиканинг турли тармоқларидан, яъни назарий арифметика, сонлар назарияси, олий алгебра, математик анализ ва геометрияning мантикий курсидан олинган элементар маълумотлар ясосига курилгандир. «Элементар математика» фани мактаб математика курсининг асосини ташкил қиласди.

### **2. Олий математика.**

Олий математика фани зса реал оламнинг фазовий формалари ва улар орасидаги миқдорий муносабатларни тўла ҳамда чукур акс эттирувчи математик қонуниятларни аниқлаш билан шуғулланади.

**Математика курсининг асосий мақсади – Давлат таълим стандартида белгилаб кўйилган минимал математик билимлар системасини (ўқувчиларнинг ёш психологик ва физиологик хусусиятларини хисобга олган ҳолда) мълум бир ўқитиш методикаси асосида ўқувчилар томонидан эгалланишига зришишини таъминлашдан иборатdir.**

“Методика” сўзи грекча сўз булиб, “йўл” деган маънени англатади. “Математика ўқитиш методикаси” фани эса Педагогика фанлари туркумига кириб, у жамият тараққиети даражасида таълим мақсадларига мос келувчи математикани ўргатиш ва ўрганиш конуниятлари билан шугулланувчи мустақил фан бўлиб, унинг **асосий вазифаси** куйидагилардан иборат:

булгуси математика ўқитувчиларида математика фанини анъанавий ва замонавий ўқитиш методлари бўйича базавий билимларни шакллантириш ва улардан ўз касбий фаолияти жараёнида самарали фойдалана олиш кунимка ва малакаларни шакллантириш;

таълимнинг мазкур анъанавий ва замонавий ўқитиш методларидан таълим жараёнини ташкил этишда ўринли ва самарали фойдалана олиш малакаларни шакллантириш;

математикани ўқитишнинг анъанавий ва замонавий таълим воситалари, уларнинг ишлаш тамойиллари билан таништириш;

мазкур таълим воситаларидан таълим жараёнини ташкил этишда ўринли ва самарали фойдалана олиш малакаларни шакллантириш;

ўрта умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида математика туркумидаги фанларни ўқитиш методикаси билан таништириш;

мустақил равишда ўз касбий билимларни ошириб бориш малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.

“Математика ўқитиш методикаси” фанини ўрганиш орқали талабалар куйидагиларни билиши:

математикани ўқитиш методларининг замонавий муаммоларини ва унинг ривожланиш анъаналарини;

амалий касбий фаолияти жараёнида замонавий инновацион педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан математикани самарали ўқитишда фойдалана олиш йўлларини ва ҳ.к.ларни билиши талаб этилади.

Математика ва уни ўқитиш масалаларини Ўрта Осиёда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850), Абу-л-

Аббос Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний (798-861), Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг ибн Тархон Форобий (870-950), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (4.10.973-13.12.1048), Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (06.08.980-18.06.1037), Ғиёсiddин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Ҳайём (15.05.1048-14.12.1131), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Абу Бакр Насриддин Тусий (18.02.1201-25.07.1274), Муҳаммад Тарагай Улугбек (22.03.1394-27.10.1449), Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ар-Румий Қозизода (1364-1436), Ғиёсiddин Жамшид ибн Масъуд ал-Кошӣ (1385-22.06.1429), Аловиддин ибн Муҳаммад Али Кушчи (1402-1474) ларнинг асарларида кўриш мумкин.

Математика ўқитиши методикаси ҳақидаги тушунча биринчи бўлиб шнейцариялик педагог-математик Г.Песталоццининг 1803 йилда ёзган «Сонни кўргазмали ўрганиш» асарида баён қилинганди.

XVII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб математика ўқитиши методикасига доир масалалар билан рус олимларидан академик С.Е.Гурев (1760-1813), XVIII асрнинг биринчи ва иккинчи ярмидан эса Н.И.Лобачевский (1792-1856), И.Н.Ульянов (1831-1886). Л.Н.Толстой (1828-1910) ва атоқли методист-математик С.И.Шохор-Троцкий (1853-1923), А.Н.Остроградский ва бошқалар, Марказий Осиёда Жалол ад-дин ибн Ниёз Муҳаммад Ҳатирчигий-Миёнколий, Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абду-р-Рашид ас-Сижовандий, Самеъ-ад-дин Муҳаммад, Абд-ал-Карим, Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Омулий, Шариф-ад-дин Сайфий, Муҳаммад Шариф Маҳмуд, Муҳаммад ибн Бобо ал-машҳур бикалони-л-муфтий Самарқандийлар шуғулландилар[12].

Шунингдек, назарийётчи педагоглар қаторига Маҳмуд Коғарий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, А.Навоий, Кашофий, Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919), Фитрат (1886-1938), Абдулла Авлоний (1878-1934) ва кўпгина бошқа сиймоларни қўшса бўлади. Улар математика фанини ўқитиши методикасига илмий нуктаи назардан қараб, унинг прогрессив асосларини иплаб чиқдилар.

Масалан, А.Н.Остроградский «Онг кузатишдан кейин пайдо бўлади, онг реал, мавжуд оламга асосланган» деб ўз қарашларини илгари сурган эди.

Кейинчалик математика, математика тарихи ва уни ўқитиши методикасининг турли йўналишлари билан Н.А.Изволский, В.М.Брадис, С.Е.Ляпин, И.К.Андронов, Н.А.Глаголева,

И.Я.Демман, А.Н.Барсуков, С.И.Новоселов, А.Я.Хинчин, Н.Ф.Четверухин, А.Н.Колмогоров, А.И.Маркушевич, А.И.Фетисов ва бошқалар, Марказий Осиёда С.Х.Сирожиддинов, Г.П.Матвиевская, Т.Азларов, Ш.Қ.Фармоянов, Р.К.Отажанов, С.И.Афонина, С.Ж.Жалолов, Ҳ.Назаров, Қ.Остонов ва бошқалар шуғулландилар.

1970 йилдан боплаб математика курсининг мазмуни замонавий фан дастурлари асосида ўзгартирилди, натижада уни ўқитиш методикаси ҳам ишлаб чиқилди. Замонавий фан дастури асосида ўқитилаётган математика, математика тарихи ва уни ўқитиш методикаси бўйича Ш.О.Алимов, В.М.Колягин, Р.С.Черкасов, Ж.Икромов, Н.Ғайбуллаев, Б.Боймхонов, А.М.Пишкано, В.Г.Болтянский, И.С.Бровиков, В.М.Монахов, В.И.Мишин, А.Г.Мордкович, А.А.Столяр, Г.И.Саранцев, В.А.Гусев, Д.В.Манивич, Ҳ.Сиддиков, Н.И.Чикандова, А.Нурметов, Р. Вафоев, П.М.Эрдниев, Т.Тұлаганов, Н.Шербоев, Э.Янгибоева, И.М.Гайсинскаялар илмий-тадқиқот ишларида үз аксини топган бўлса, XX аср охири XXI аср бошларида янги авлод Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқун режа ва фан дастурлари асосида математика ўқитиш методикасини ривожлантиришга қаратилган ишлар А.Абдуқодиров, Г.В.Злоцкий, М.Тожиев, Е.У.Медеуов, Д.Рахимбек, Р.Ибрагимов, А.Мубараков, Ҳ.Ибрагимов, А.Нарманов, Д.И.Юнусова, Б.Абдуллаева, А.Ғ.Хикматов, Ф.Ражабов, С.Алихонов, Ҳ.Ҳ.Назаров, Ч.Мирзаев, О.Л.Мусирмонов, С.Машарифова, Т.Матжонов, М.Раимов, Н.Эшпўлатов, А.Норматов, М.Баракаев, Р.Турғунбоев, А.Ахлимирзаев, Э.Мардонов, О.Халиллаев, Ф.Сайдалиева, Н.Жумабоев, А.Эшмуродов, А.Юсупова, М.Жумаев, Н.Бекниёзов, Қ.Жуманиёзов, И.Раҳмонов, А.Жалилов, М.Носирова, Г.Р.Мухамедова ва А.Акмаловлар ва бошқа методист олимларнинг номлари билан bogлиқ. Шунингдек, XXI асрнинг янги авлод Малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда ўкув адабиётларини яратишда ҳамда математикани ўқитиш ва математика ўқитиш методикасини такомиллаштиришда О.Гайназаров, А.Алимов, Г.Изетаева, М.Кўчқаров, З.Сиддиков, И.Зулфуқаров, Г.Опаева, Д.Кўчкоров, Э.Худайназаров, А.Хуррамов, К.Мамадалиев, Д.Турдибоевларнинг ушбу йўналишга бағишлиган илмий-тадқиқот ишлари асос бўлади.

## **2. Математика фанини ўқитиш методикасининг умумий, хусусий ва аниқ методикаси**

“Математика ўқитиш методикаси” фани учта: математикани ўқитишининг умумий методикаси, математикани ўқитишининг хусусий методикаси ва математикани ўқитишининг аниқ методикаси бўлимларига ажратилган ҳолда ўрганилади.

Математика ўқитиш методикаси фани таълим жараённи билан боғлиқ бўлган қуйидаги саволларга жавоб беради:

1. Нима учун математикани ўрганиш керак? (Математикани ўқитиш мақсади ва вазифасини ўз ичига олади).
2. Математикадан нималарни ўрганиш керак? (Математикани ўқитиш мазмунини ўз ичига олади).
3. Математикани қандай ўрганиш мақсадга мувофиқ? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқитиш усулларини ўз ичига олади).
4. Математикани қаерда ўрганиш мақсадга мувофиқ? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи таълим шакллари ўз ичига олади).
5. Математикани нима ёрдамида самарали ўрганиш мумкин? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи таълим воситаларини ўз ичига олади).
6. Математикани сифатли ва самарали ўрганишни олдиндан кафолатлаш мумкинми? (Математикани ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи замонавий инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўз ичига олади).

Ҳозирги замонавийлашув шароитида ҳам ҳар фан бўйича, жумладан, математика фани бўйича ўқувчиларга етарли даражада билимлар бериш асосий масалалардан ҳисобланниб, бунга эришишни таъминлаш, бунда “Математика” фани (мамлакатдаги барча таълим босқичлари учун) ДТС (давлат таълим стандарти)лари, МТ (Малака талаблари), ўкув режа ва фан дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва математика таълимини амалга ошириш, уни ривожлантириш ҳамда мазкур жараённи янада такомиллаштириш “Математика ўқитиш методикаси” фанининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мазкур фан доирасида:

математикани ўргатиш ва ўрганиш бүйича илмий-методик тадқиқотлар амалга оширилади;

турли таълим босқичларида математик таълим мазмунини илмий-методик жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда аниқлаб беради;

амалга оширилган илмий-методик тадқиқотлар натижасида олинган натижаларни амалиётга татбиқ қилган ҳолда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

математик таълимни амалга оширувчиларни касбий фаолиятга тайёрлайди;

мазкур жараёнда математик таълим жараённи иштирокчилари хисобланган: фан ўқитувчилари, ота-оналар, таълим муассаси раҳбарияти ва мураббийлар каби турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Дидактик нұқтаи назардан ёндошганда “Математика”нинг асосий мақсади мазкур фан туркумига кирувчи фанлар бўйича:

Давлат таълим стандарти ва малака талаблари, ўкув рёжа ва фан дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиши;

узлуксиз таълим тизимида “Математика” фанини ўқитишини амалга ошириш ва мазкур жараённи ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Юкоридагилар узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўрганиш ва ўқитиши бўйича илмий-методик тадқиқотларнинг асосий мақсади хисобланиб, бу ишлари таълим соҳаси ходимлари (таълим муассасалари бошқарувчилари, ўқитувчи-мураббийлар) ва ота-оналар, “Математика” фанини ўргатишга ихтисослашган турли ижтимоий гуруҳлар (фанларни чукур ўргатишга йўналтирилган турли ўкув марказлари) ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Бунга эришишда “Математика” фани мазмунини тўғри аниқлай олиш мухим хисобланиб, таълим жараённи мазмунини (барча босқичлар учун) аниқлашга ҳозирги шароитда кўйидагича ёндашув мақсадга мувофиқ хисобланади:

1. “Математика” фани бўйича барча таълим босқичларида ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган таълим босқичи учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, “Ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган” ўрта умумтаълим мактабларида ёки “Аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган” ўрта умумтаълим мактабларида математика мазмуни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

2. "Математика" фани бўйича турли таълим йўналишларида (Урта махсус, касб-хунар таълими ёки олий таълим босқичида) ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган йўналиш учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, "Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги" таълим муассасаларида математика мазмуни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

3. Узлуксиз таълим тизимида таълим оловчилар ақлий қобилиятларининг ривожланиш даражаси ва қизиқишлидан келиб чиқкан ҳолда математик таълим мазмуни ва ўқитиш жараёнини ташкил этиш муаммоси.

4. Узлуксиз таълим тизими турли босқичлари учун ишлаб чиқилган математик таълим мазмунини жамиятдаги таълимга бўлган муносабат, таълим тизими, унда фаолият юритувчи ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан келиб чиқкан ҳолда математикани ўқитиш имкониятларини ишлаб чиқиш муаммоси.

Юкоридаги муаммоларни самарали ҳал этишда "математик" тушунчалар, ўқитиш тамойиллари, қонуниятлари, методлари ва услублари барча йўналишларда ўкувчи-талабалар учун (табақалаштирилган таълимга суюнган ҳолда) тушунарли ва ўзлаштириш осон бўлган кўринишда бўлишига эришиш талаб этилади. Бунда математика бўйича ўкув материаллари (мазмунни), математика фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини, давлат таълим стандартлари ва ўкув режанарни ишлаб чиқувчи соҳа мутахассисларини замонанийлашув шароитига мос бўлинти, таълим натижаларини тўғри ва холисона баҳолаш усулларини тўғри ишлаб чиқишига эътиборни қаратиш мухим ҳисобланади.

Айниқса, турли таълим йўналишларда ўқитилаётган математика мазмунини соддалаштирган ҳолда уларнинг малакали мутахассис бўлиб этишига хизмат қилишини таъминлашга эришиш, буларга асосланган ҳолда янги авлод ўкув дарслекларини яратиш юкорида санаб утилган муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қиласи. Бунда, Узбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" Конун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да Давлат таълим стандарти ва малака талабларини ва Узбекистонда қабул қилинган мазкур хужжатлар ҳамда Республика Президентининг ёш авлод фазилатларига қўяётган талабларини инобатга олиб, буюк мутафаккирларни инсон ижтимоий сифатларига қўйган мезонлар тизимидан, шунингдек ҳар бир

ўрганилаётган мавзу ўзидан олдин ўрганилган мавзулар билан узвий боғлик ҳолда баён қилиниши, “фанлараро алоқадорлик”, “тизимлилик”, “изчилик”, “илмийлик”, “оддийдан мураккабга”, “таълимни ҳаёт билан боғлаган ҳолда ўқитиши” каби дидактик тамойилларга асосланилиши кўзланган мақсадга эришишда муҳим ўрин тутади. Таълим жараёнини бундай ташкил этишга алоҳида бир таълим технологияси деб қарасак, бунда юқорида биз санаб утган дидактик тамойиллар мазкур технологияни такомиллашишига хизмат қилгаян ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда мавжуд бўлган камчиликларни тез илғаб олиш ва уни бартараф этиш имкониятини яратиб беради.

Умуман, ҳозирги шароитда таълимнинг ҳар бир босқичида “нимани (умумий мазмун) ўқитиши мумкин ва бунга эришиш учун нима қилиш керак?” ва “кимни ўқитиш керак, унга айнан нимани ўқитиши керак (айнан ҳар бир ихтисосликда), нима учун айнан шуни ўқитиши керак (мақсад), қандай ўқитиши керак (метод, шакл, восита, технология)?” деган масалаларни самарали ҳал этиш буғунги таълим олдидағи кечиктириб бўлмайдиган муаммолар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “нимани ўқитиши керак?” эмас, балки “нимани ўқитиши мумкин ва буни қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ?” кўринишда таълим жараёнини ташкил этишга ёндашиб математика ўқитиши замонавийлаштиришда асосий рол ўйнайди.

### Математика фанини ўқитишининг умумий методикаси.

Бу бўлимда математика фанининг мақсади, мазмуни, шакли, воситалари ва методлари ҳамда технологияларига асосланган ўкун фанининг методик системаси педагогик, психологик конуниятлар ҳамда дидактик тамойиллар асосида очиб берилади.

Масалан: математика фанини ўқитишида қўлланиладиган замонавий таълим усуллари ва технологиялари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари, математика фанининг илмий изланиш методлари, математик тушунчалар ва уларни киритиши методикаси каби назарий ва амалий материаллар ўрганилади.

Ҳозирги кунда мазкур бўлим педагогика олий таълим муассасаларида («Математика ўқитиши методикаси» таълим йўналишида) бир семестр давомида ўрганилади.

## **Математика фанини ўқитишининг хусусий методикаси.**

Бу булимда математика ўқитиши умумий методикаси қонун ва қоидаларининг аниқ мавзуу материалларига татбиқ килиш йўллари ўрганилади.

**Масалан:**

- a) Натурал сонларни киритиш методикаси;
- b) Тенгламалар ва тенгсизликлар мавзусини ўрганиш методикаси;
- c) геометрик материалларни ўрганиш методикаси;
- d) функция ва унинг графигини ўрганиш методикаси;
- e) кўпбурчаклар ва кўпёклилар мавзусини ўқитиши методикаси;
- f) каср сонлар мавзусини ўрганиш методикаси ва ҳ.к.

## **Математика фанини ўқитишининг аниқ методикаси.**

Бу бўлим икки кисмдан иборат:

1. Умумий методиканинг хусусий масалалари.
2. Хусусий методиканинг аниқ масалалари.

**Масалан:**

1) VII синфда математика дарсларини режалаштириш ва уни ўтказиш методикаси дейилса, бу умумий методиканинг хусусий масаласи бўлиб ҳисобланади.

2) VII синфда ўрганиладиган математикадан бир соатлик дарсни режалаштириш ва уни ўтказиш методикаси дейилса, хусусий методиканинг аниқ методикаси ҳисобланади[9].

### **3. Математика ўқитишининг умумтаълимий, тарбиявий ва амалий мақсадлари**

Таълим муассасаларида математика ўқитишининг мақсади кўйидаги учта омил билан белгиланади:

1. Математика ўқитишининг умумтаълимий мақсади.
2. Математика ўқитишининг тарбиявий мақсади.
3. Математика ўқитишининг амалий мақсади.

Математика ўқитишининг умумтаълимий мақсади ўз олдига кўйидаги вазифаларни қўяди:

а) Ўқувчиларга маълум бир дастур асосида математик билимлар тизимини бериш.

Бу билимлар тизими математика фани тўғрисида ДТСда белгилаб кўйилган минимал даражадаги билимларни бериш

талабига мос келиши ва шунга эришиш орқали уларни математика фанининг юкори булимларини ўрганишга тайёрланини назарда тутади. Шунингдек, математик таълим жараённада белгиланган дастур асосида ўкувчиларда эгаллаган билимларининг ишончли эканлигини текшириш ва назорат қилиш усулларини кўллай олиш малакалари шакллантирилади.

б) Ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма математик билимларини таркиб топтириш.

Математика фанини ўрганиш орқали ўкувчиларда ўз она тилларида хатосиз сўзлаш, ўз фикрини аник, равshan ва лўнда қилиб баён эта билиш малакалари шакллантирилиши талаб этилади.

с) Ўкувчиларни математик қонуниятлар асосида реал ҳақиқатларни билишга ўргатиш.

Бунда ўкувчиларга реал оламда юз берадиган энг содда ҳодисалардан тортиб мураккаб ҳодисаларгача барчасининг фазовий формалари ва улар орасидаги микдорий муносабатларни тушунишга имкон берадиган ҳажмда билимлар бериш кўзда тутилади.

Бундай билимлар бериш орқали эса ўкувчиларда фазовий тасавиур қилиш малакалари шаклланади ва шу орқали уларда мантиқий тафаккур қилиш кўникмалари ривожлантирилади.

**Математика ўқитишининг тарбиявий мақсади ўз олдига қуйидагиларни кўяди:**

а) Ўкувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш.

Бу билиш назарияси асосида амалга оширилади.

б) Ўкувчиларда математикани ўрганишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва уни янада ривожлантириш.

Математика дарсларида ўкувчилар дастлабки дарсларданоқ мустақил равишда хulosса чиқаришга ўрганадилар. Улар бунга ўз кузатишлари ва шу кузатишлари орқали мантиқий тафаккур қилишга ўрганиш натижасида хulosса чиқарадилар. Чиқарилган барча хulosалар математик қонуниятлар билан тасдиқланади.

Математика ўқитувчисининг вазифаси ўкувчиларда мустақил мантиқий фикрлаш қобилийтларини шакллантириш билан бир вактда уларда математик қонуниятларни ўрганишга бўлган қизиқишларини тарбиялашдан иборатdir.

с) Ўкувчиларда математик тафаккур ва маданиятни шакллантириш.

Математика дарсларида ўрганиладиган ҳар бир математик холоса жуда кўп математик тушунча ва қонуниятлар билан ифодаланади ҳамда у қатъийликни талаб қиласди. Ўқувчиларда мазкур қонуниятларни босқичма-босқич ўрганиш жараёнда мантиқий тафаккур қилиш ривожланади ва математик холоса чиқариш маданияти шаклланади. Ўқувчиларда математик маданиятни шакллантиришда бирор математик қонуниятни ифода этадиган фикрларни символик равишда тўғри ифодалай олишлари ва аксияча, символик равишда ифода қилинган математик қонуниятни ўз она тилларида ифода қила олишларига ўргатиш муҳим ўринн тутади.

d) Ўқувчиларда тизим(система)лар назарияси ва ундан келиб чиқувчи объектив борликка система(мажмуи)ли ёндашув асосида қарашни тарбиялаш.

Ҳар бир ишда тизимлар назариясидан келиб чиқиш, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради, баъзи мураккаб ишларда, масалан, кибернетикада замонавий алоқа тизими ва космонавтикада мажмулар назариясини эгалламай туриб, ўша ишни бажариб ҳам булмайди. Таълим-тарбия жараёни ҳам ўта мураккаб бўлгандиги туфайли, тизимлар назариясидан фойдаланмай туриб, уни замонавий тарзда амалга ошириб бўлмайди; иккинчидан, тизимлар назарияси ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиласди; учинчидан, тизимлар назарияси муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиришни осонлаштиради ҳамда бериладиган билимни ўқитувчи томонидан тез тушунтириш, ўкувчи томонидан тез ўзлаштириш ва уларни узоқ вақт эсда сақланишига хизмат қиласди. Чунки, инсон онг ва тафаккури, унинг тарихий ривожланиши жараёнда тизимлар назарияси қонуниятларига мос равишда шаклланган. Аслида, мажмулар назарияси инсон онгининг табиий фаолиятидан олинган. Бекорга уни органик усул дейилмаган.

Биринчи бор “бутун борлик катта ва кичик мажмулардан иборат” – деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м.авв.490-430) айтиб кетган. У: “бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади” – деб таъкидлаган»[47]. Шу фикрга яқин фикрни қадимга юонон файласуфи Марк Аврелий Антонин ҳам айтган: «Ҳамма нарса бир-бирига чатишиб кетган. Ҳамма ерда илохий узвийлик мавжуд.

Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосида бирлашиб, айнан бир оламни безашга хизмат қиласы»[47]. Бу икки аллома фикрларидан бутун дүнө чексиз күп, үзаро узвий боғлиқ бўлган бутунлик, яъни тизимлардан ташкил топганини англаса бўлади.

Ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам курса бўлади. Бутун борлик қандайдир, үзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганини Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида ҳам кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар үзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган. Бироқ оламни ихтиёрий, гоҳо нотўғри англашимиз натижасида, табиятдан берилган мажму ёндашув тафаккуридан ажралиб қолганимиз. Ўзлигимизга, яъни табиий моҳиятимизга қайтиш учун мажмулар назариясини ўрганишимиз шарт.

**Математика ўқитишининг амалий мақсади ўз олдига қўйидаги вазифаларни кўяди:**

а) Математика курсида олинган назарий билимларни кундалик хаётда учрайдиган элементар масалаларни ечишга татбиқ қила олишга ўргатиш.

Бунда асосан ўқувчиларда:

эгаллаган назарий билимларини бевосита ва бильосита кундалик амалиётга боғлай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

уларда турли сонлар ва математик ифодалар устида арифметик амаллар эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлаш учун маҳсус тузилган амалий масалаларни еча олишга ўргатиш ва х.к.

б) Математикани ўқитища таълим воситаларидан тўғри ва ўринли фойдалана олиш малакаларини шакллантириш.

Бунда математика дарсларида таълим воситалари ҳисобланган техника воситаларидан, кўргазмали қуроллар, жадваллар, схемалар ва ҳисоблаш воситаларидан ўқувчиларнинг тўғри ва ўринли фойдалана олиш малакаларини таркиб топтириш назарда тутилади.

с) Ўқувчиларни мустақил равишда математик билимларни эгаллашга ўргатиш.

Бунда асосан ўқувчиларни ўкув дарслекларидан ва илмий-оммабоп математик китоблардан, замонавий ахборот технологияларидан мустақил таълим олиш малакаларини шакллантириш назарда тутилади.

d) Ўқувчиларда математик таълим жараёнини система сифатида тасаввур этишни шакллантириш.

Таълим-тарбияда синергетиканинг мажмуа ёндашув гамойилидан ва кўйилган мақсаддан келиб чиқиб, жуда кўп мажмуаларни аниқлаш мумкин. Чунончи, бутун узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимига мажмуа сифатида қараш зарурлиги асослаб берилган[25]. Шу билан бир қаторда узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида курса ҳам бўлади. Ўқитувчининг бутун фаолиятини, уни алоҳида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида мажмуалар сифатида ўргаиса ҳам бўлади.

Шу ерда узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнини ва унинг алоҳида босқичларининг асосини, шунингдек, ўқитувчи ва педагоглар фаолиятининг ҳар бир мақсадини амалга ошириш жойини нима деса бўлади? деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу бутун таълим-тарбия соҳасининг биринчи ғиши - дарс ҳисобланади.

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда ўюнтириладиган ва аник мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир.

Дарсга мажмуи нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда олдимизга қўйган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, бир дарснинг ўзида бир неча турдаги мажмууларни ажратса бўлади.

Дарс расмий таълим-тарбия соҳасининг бирламчи асоси, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг асосий ташкил этувчиси бўлиб, у ўқитувчи-педагогларнинг фаолият кўрсатиш жойи ҳисобланади. Уни амалга ошиши учун, аввало, ўқувчи ёки талабалар бўлиши шарт. Бу дарснинг биринчи таркибий қисмидир.

Дарсни олиб бориш учун ўқитувчи-педагог бўлиши шарт. Бу эса дарснинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади.

Шунингдек, дарсни амалга ошириш учун синф хонаси ёки аудитория, унинг ичидаги жиҳозлар яъни техник воситалар зарур. Бу дарснинг учинчи таркибий қисми ҳисобланади. Ўқитишининг техник воситалари таркибига: аудитория ёки синф хонаси, ичидаги жиҳозлар – парта ёки стол-стул, ўқитувчининг курсиси ва ишчи столи, маъруза учун минбар, доска ва ахборот узатиш техникалари, ахборот узатиш техник воситалари таркибига эса: кодоскоп, эпидоскоп, монитор-компьютер, овоз узатиш техникаси ва бошқалар киради.

**Эслатма.** Баъзилар ўқитиши жараённiga ахборот технологияларини кўллашни педагогик технология демоқдалар. Бу хато. Чунки ахборот технологиялар – педагогик технологиянинг таркибий бир қисми холос.

Ўқитувчи-педагогларнинг дарс ташкил этиши учун ўкув режа, фан дастури, дарслик ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар керак бўлиши ҳам баҳс қилинмайдиган ҳақиқат. Бу дарснинг тўртинчи таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар қандай таълимий жараён дарс бўлиб ҳисобланиши, у сухбат ёки оддийгина мулоқот бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчилар педагогик усул ва услублар билан куролланган булишлари шарт. Бу дарс деган бир бутунликнинг ажralмас бешинчи таркибий қисми ҳисобланади (I-чизмага қаранг).



I-чизма. (Дарс маъжмуи)

**Эслатма.** Маълумки, инсон муаяйн мақсадга эришиши учун бир қатор усуллардан фойдаланади. Анъанавий дидактика ва методикада улар «Таълим усуллари» «Таълим методлари» деб юритилмокда. «Метод» тушунчаси ҳалқаро тушунча бўлиб, меъёрий ҳужжатларда ҳамда педагоглар жамоатчилиги томонидан кенг қўлланилгани учун ушбу ўкув-методик қўлланмада ҳам «метод» ва «усул» тушунчаларни бир маънода қўлланилди. Услуб

деб мақсадға эришишда құлланиладиган тадбир ва чораларга айтилади.

Дарснинг навбатдаги таркибий қисми – дарсда керак бўладиган меъерий хужжатлар. Уларга мутсадди ташкилотларда тасдиқланган намунавий дастур, ишчи дастур, ўкув режаси, тақвим режа, дарслик, ўкув-методик қўлланмалар, маъruzанинг матни ёки дарс лойиҳаси ва бошқа дидактик материаллар киради. Буларнинг ҳаммаси дидактика тамойиллариға асосан тузилган бўлиб, ўзаро бир-бирига мос тушиши шарт. Узок ҳорижий мамлакатларнинг ҳаммасида буларни бир сўз билан куруюклуюм дейилади.

#### **4. Математика ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси**

«Математика ўқитиш методикаси» фанининг методологик асоси билиш жараёнинг асосланган бўлиб, у «Математика» фанини ўқитиш қонуниятларини ўрганиш жараённида педагогика, мантиқ, психология, математика, лингвистика, фалсафа, кибернетика каби фанлар билан узвий алоқада бўлади (2-расм).

«Математика ўқитиш методикаси» фани математик таълимининг мақсади, мазмуни, шакли, методи ва воситаларини ўкув жараёнинг татбик этиш қонуниятларини ўрганиш жараённида физика, чизмачилиқ, кимё ва астрономия каби фанлар билан ҳам узвий алоқада бўлади.

Масалан.

а) “Математика ўқитиш методикаси” фани педагогик туркумдаги фанлардан ҳисобланиб, у ўз мақсад ва вазифаларига эришишда “Педагогика” ютуқларидан кенг фойдаланади.

б) Маълумки, математик таълим жараёнини ташкил этишда унинг асосий субъектларидан бири ҳисобланган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, тасаввури, тафаккури, хотираси, лиққати, ақл-идроқи, қобилияти, истеъоди, фикрлаши кабиларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Буларга эса психология қонуниятларига асосланмасдан туриб эришиб бўлмайди.

с) Мактабда математика ўқитиш мантиқ илмига ҳам таянади. Чунки, бир томондан математикани ўқитиш мантиқий математик тилга ўргатиш ҳисобланса, иккинчи томондан, у фан сифатида мантиқ қонунилари асосида курилган.

d) Математика ўқитишида (айниқса, мактабда) асосий шарса ўқитувчининг педагогик маҳорати хисобланиб, уни санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, “ўқитувчи актёр бўлиши керак” – деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи санъатни урганиш ва санъатни эгаллаши лозим.

e) Математикани ўқитишида ички алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, унга амал қилиш ҳам муҳим ҳисобланади (Масалан: геометрия ва алгебра курслари орасидаги боғланиш). Мазкур ички алоқалар геометрик масалаларни ечишида алгебраик усувларни кўллашда, худди шунингдек, геометрик усувлар ёрдамида алгебраик масалаларни ҳал қилишда, айниқса, “Алгебра” курсини ўқитишида геометрик тасвир ва усувлардан фойдаланиш жараёнида “Геометрия” курси билан билан боғлиқлиги ёркин намоён бўлади.

Ёки «Функцияларнинг хоссалари»ни исботлашда ёки функция графикларни турли силжитишларда геометрик усувлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Математика фанининг бошқа фанлар билан узвий алоқаси қуидаги икки йул билан амалга оширилади:

1) Математика тизимининг яхлитлигини сақлаган ҳолда бошқа фанларининг дастурларини унга мослаштириш.

2) Бониқа фанларда ўрганилган материаллардан математик қонуниятлар, формулалар ва теоремаларни самарали ўрганишида ёрдам берадиган материаллардан математика ўқитиш жараёнида фойдаланиш[9].

Ҳозирги кунда математика таълими мазмунини ўрганишини бошқа фанлар билан мослаштириш масаласи етарли даражада ҳал килинган.

#### Масалан.

1) VII синфда «Функция ва унинг графиги» мавзусини ўрганишида (функция графигини тасвирлашда) «Физика» фанидан фойдаланилади.

2) VIII синфда «Геометрик ясашлар»га доир билимлар беришида «Чизмачилик» фанидан фойдаланилади.

Математика дарсларида бошқа фанлардан фойдаланиши масаласини дастурда аниқ кўрсатиш қийин жараён ҳисобланиб, у ҳар бир ўқитувчининг касбий ва амалий тайёргарлиги даражаси билан боғлиқ бўлади. Ўқув материалини режалаштиришда ва дарсга тайёрланиш жараёнида буни ўқитувчи томонидан ҳисобга олиниши талаб этилади.

Масалан. «Тенгламалар» мавзусини ўрганиш жараенида физик миқдорлар орасидаги боғланишларни акс эттирадиган тенгламалар, жумладан «Харакатланаётган жисемнинг тезлигини топиш тенгламаси», «Иссиклик баланси тенгламаси», «Иссикликдан чи-зиқли кентайиш тенгламаси» кабилардан фойдаланган ҳолда мисол-масалаларни ечиш ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича англашган билимларни эгаллашларига олиб келади.

Худди шунингдек, «Фоизлар», «Пропорционаллик» каби мавзуларни ўрганишда «Кимё» ва «Физика» фанларида ўрганилган мавзулар бўйича ( Масалан:1) 20% ли эритма ҳосия қилиш учун эритиладиган моддадан 240 г сувга қанча солиш керак? 2) 5% ли 400 г эритмани қайнатиб, 200 г га келтирилди. Энди эритманинг ўткирлиги қанча бўлади?) масалалар тузиш ва уларни ечиш ҳам кўзланган мақсадга эришишда муҳим ҳисобланади.



2-расм. Математика ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси

Таълим тизимида математика фанини ўқитишда фанлараро узвий алоқадорликка эришиш таълим мақсадларига эришишни

олдиндан кафолатлашда муҳим ўрин тутади. Албатта, бу ўқитувчидан юкори даражада тайёргарликни талаб этади.

## 5. Математик таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиллари

Таълим жараёни самарадорлиги – уқув-тарбия жараёнида кўйилган мақсад ва эришилган натижা ўртасидаги фарқдир. Таълим жараёнида кўйилган мақсад ва эришилган натижা ўртасидаги тафовут қанча кам бўлса, таълим шунча самарали саналади.

Хозирги кунда республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида оз вакт ва кам маблаг сарфлаб таълимнинг самарадорлигини ошириш энг долзарб муаммо саналади.

Таълим самарадорлигини оширишнинг икки хил кўрсаткичи мавжуд:

1. Самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари.
2. Самарадорликнинг миқдор кўрсаткичлари.

Самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари маълум мазмунни ва фаолият усусларини эгаллаш шартларга кўра аниқланиб, у кўйидагиларни ўз ичига олади:

уқув-тарбия ишларини шахснинг энг юкори даражадаги тараққиётини мўлжаллаб ташкил этиш;

таълим жараёни мақсади ва натижаси ўртасидаги тафовутни узлуксиз камайтириш;

таълим воситаларининг таълим жараёнига мослигини таъминлаш;

уқув материали ва фаолият усусларини бир пайтда (параллел равашашда) ўзлаштириш.

Самарадорликнинг миқдор кўрсаткичлари эса таълим мақсади ҳамда ўқувчилар эришган ҳақиқий билим, малака ва тараққиёт ўртасидаги фарқларга кўра аниқланади.

Таълим жараёни ижтимоий ҳодиса ҳисобланаби, уни ташкил этиш ва бошқаришда қандай талабларга риоя қилишга аниқлик киритиш муҳим ҳисобланади. Булар кўпгина адабиётларда таълим тамойиллари, яъни дидактик тамойиллар деб юритилиб, улар ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар сифатида изоҳланади.

Дидактиканинг тамойиллари – комил инсонни тарбиялашда ўқишиш ва ўқитишиш жараёнининг хусусиятлари, ўкувчи-талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, згалланиши

логин деб топилган малака ва қуникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика тамойиллари ҳар иккала фаолиятни, яъни педагог ва ўкувчи-талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради

Демак, ўқитиш тамойиллари таълимнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи хисобланади.

Дидактик тамойиллар таълим жараёнининг иккала субъектига, яъни ҳам ўқитувчи, ҳам ўкувчи-талабага алоқадор бўлиб, таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда уларнинг фаолиятига қўйиладиган талаблар ҳамда қоидалар мажмуасидан иборатdir.

Дидактик олимлар Дидактик тамойиллар моҳиятини ёритища турли нуқтаи-назарларни асос қилиб олишган.

Масалан. Педагог олим К.Сосницкийнинг фикрича, Дидактик тамойиллар умумий қонуниятлар бўлиб, улар таълим жараёнида катъий риоя қилиш йўли билан амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири таълим жараёнининг муайян компонетига тааллуклидир.

Жумладан, кўргазмалилик тамойили таълим воситаларига боғлиқ бўлса, ўкувчи-талаба шахсини ривожлантириш тамойили таълим максадига боғлиқ бўлади.

Дидактик тамойилларни белгилашда ҳам бир қанча ёндашувлар мавжуддир.

Масалан. Педагог олим Н.А.Сорокин таълимнинг ривожлантирувчи ва тарбиялончи ҳусусиятларини қонуният сифатида белгилайди ва шулар асосида Дидактик тамойиллари таснифини беради.

В.И.Загвязинский эса ўкув-тарбия жараёнида амал қилинадиган қонуниятлар ва дидактик тамойиллари ўртасидаги алоқадорликни хисобга олган ҳолда Дидактик тамойиллар таснифини беради.

Дидактик тамойиллар умумидидактик категория хисобланиб, улар:

1. Таълимнинг барча турлари: индивидуал, грухли, умумсинф.
2. Даражалари: бошланғич таълим, ўрта умумтаълим, ўрта маҳсус, касб-хунур таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим.
3. Субъектлар: ўқитувчи, ўкувчи-талabalар жамоаси.

4. Ўкув-тарбия жараенининг ҳамма компонентлари: таълим мақсади, мазмуни, вазифаси, воситаси, методлари, ташкилий шакллари, натижаларига тегишли бўлган умумий қойдалардан иборат бўлиб, буларни таълим тизимида фаолият юритувчи барча ходимлар билиши талаб этилади.

Дидактика тарихида дидактик тамойилларни тартибга солиш масаласи билан биринчилардан бўлиб Я.А.Коменский шугуулланган бўлиб, у узининг “Буюк дидактика” асарининг XV-XVIII бобларида амалдаги тамойилларни асослаб берган эди [56].

Ундан кейин дидактика тамойиллари тараққиётiga немис классик педагоги Адольф Дистервег муҳим ҳисса кўшди. Унинг 1835 йилда чол этилган “Немис ўқитувчиларини тайёрлашга доир қўлланма” номли асарида дидактик тамойиллар мазмуни ҳамда ўқитувчи ва ўкувчи-талабалар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб тизимга солинган. Унда кўргазмалилик, тушунарлилик, изчиллик, мустақиллик тамойиллари билан бир қаторда тизимлилик, илмийлик, таълимда ўкувчи-талабаларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, фаоллик каби тамойиллар ҳам ўрин олди.

А.Дистервегнинг асосий хизматларидан бири шундаки, у кўргазмалилик, тушунарлилик, фаоллик каби тамойилларни ўзига хос атамалар билан номлади.

Демак, Я.А.Коменский ва А.Дистервег асарларида дидактик тамойиллар таълим жараёнига кўйилган талаблар шаклида баён этилган.

Хозирги кунда дидактик тамойиллар тизимини асослашга онд маҳсус илмий-педагогик тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, рус педагог олими В.И.Загвядинский ўзининг илмий тадқиқотлари орқали дастлаб таълим жараёнида амал қилинадиган қонуниятларни аниклаб, сўнгра шу қонуниятларга мос келадиган дидактик тамойилларни танлаш мақсадга мувоғик эканлигини аниклади.

#### Масалан:

- таълимни ўкувчи-талаба шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналганлиги;
- таълимни кундалик ҳаёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг политехник характеристи ва қасбга йўналганлиги;
- таълимни илмийлиги;

- таълимни тизимлиги;
- таълимнинг мажмуавий характерга эгалиги;
- таълимни фаоллиги ва мустақиллиги;
- таълимнинг узлуксиз таълимга айланиши;
- таълимни ташкил этишда оғзаки, кўргазмали ва амалий методлардан етарли даражада фойдаланиши;
- хотира ва ижодий фаолиятни ўзаро уйғунлаштириш;
- ижобий эмоционал фан ва мотивларни шакллантириш;
- таълимни тушунарлилиги ва истиқболлилиги;
- таълимнинг пухталиги;
- якка тартибдаги ва жамоавий ўкув ишларни қушиб олиб бориш;
- таълимни тарбиявий ва ривожлантирувчилилиги ва ҳ.к.

У ёки бу дидактик ҳодисага оид карашларни дидактик тамойиллар категорига киритишнинг ўзига хос мезонлари аниқланган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

**Умумийлиги.** Дидактик тамойиллар ўкув-тарбия жараёнининг барча компонентлари, яъни таълимнинг мақсади, мазмуни, воситалари, методлари, ташкилий шакллари ва натижалари билан узвий боғликдир.

**Масалан.** Ўкувчи-талабаларнинг реал билиш имкониятларига мос келадиган таълим мазмунини белгилашда таълимнинг турли меъерий хужжатларини, яъни ўкув дастури, дарслик, ўкув қулланмаларини яратишда, таълимнинг ташкилий шакллари, воситалари, усулларини танлашда дидактик тамойилларга риоя қилинади.

**Амалиёт учун яроқлилиги.** Дидактик тамойиллар – педагогик амалиётга йўналтирилган бўлиб, улар таълимни бугунги кун талабларидан келиб чиқсан холда ташкил этиш, бошқариш ва назорат қоидаларини белгилаб беради. Мазкур қоидалардан келиб чиқсан холда таълим жараёни “таълим-тарбия бирлиги”, “назария билан амалиётнинг ўзаро бирлиги”, “таълим воситалари, методлари, шакллари ва таълим мазмунининг ўкувчи-талаба шахсига йўналанлиги” каби ғоялар орқали амалга оширилади.

Дидактик тамойилларнинг математика таълим самарадорлигини оширишга йўналанлиги. Таълим мақсади, мазмуни, воситалари, методлари ва ташкилий шаклларини:

барча таълим муассасалари олдига кўйилган ижтимоий талаб ва эҳтиёжларга мувофиқлаштириш;

үқувчи-талабаларнинг энг юкори даражадаги тараққиётини кузлаб таълим жараёнини ташкил этиш;

улар томонидан ўрганилаётган таълим мазмуни ва фаолият усулларини бир вақтда эгаллашларига зришиш каби тадбирларни ўкув-тарбия жараёнига узлуксиз жорий этиш йўли билан таълим натижасининг сифати яхшиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дидактик тамойилларнинг ҳар бири алоҳида мазмун-моҳиятга эга бўлиб, уларнинг бир-бири билан алмаштириш ёки бирини иккинчиси ўрнида қўллаш мумкин эмас (Аммо, дидактик тамойилларнинг бири иккинчиси учун ўлчов вазифасини бажара олади).

**Масалан.1)** Илмийлик тамойилига таълимнинг турли бўгинлари (бошлангич, ўрта умумтаълим, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими, олий таълим ва таълимнинг бошқа турлари)да амал қилиш учун тушунарлилик тамойилига амал қилинади.

Чунки, тушунарлилик тамойили, биринчидан, ўкув-тарбия ишларини таълим даражаларига қараб аста-секин мураккаблаштириш ва қийинлаштириб боришни тақозо этса, иккинчидан, ўкувчи-талабаларнинг ўз ички имкониятлари (фаоллиги, онглилиги ва ҳ.к.)ни ҳисобга олишни талаб этади. Натижада илмийликка асосланиш тушунарлиликка олиб келади.

Умуман таълим жараёнида дидактик тамойилардан тўгри ва ўринли фойдалана олиш тизимлилиқдан изчилликка, мустақилликдан фаолликка, кўргазмалилиқдан онглиликка олиб келади.

**Масалан.** Ўкувчи-талабаларнинг таълим жараёнида мустақиллиги ва фаоллиги қўйидаги коидаларга риоя қилиш йўли билан таъминланади:

ҳар бир дарсда янги ўкув материалларини ўрганишдан олдин ўкувчи-талабаларга унинг мақсади, кундалик ҳаётда ва амалий фаолиятда зарурлигини тушунтириш талаб этилади. Чунки, мақсад олдиндан англанган натижа бўлиб, у таълимнинг истиқболлилигини таъминлайди ва кафолатлайди;

ўрганилаётган янги ўкув материалининг мазмуни ўкувчи-талабалар индивидуал хусусиятлари ва реал билиш имкониятларига мос келиши;

янги материални эгаллаш жараёнида мавзуга оид турли муаммолар, муаммоли саволлар ва топшириклар орқали муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш;

қўйилган муаммо, савол, топшириклар моҳиятидан келиб чиқиб таълимни ташкил этиш ва бошқариш;

янги ўкув материаларини ўргатиш жараёнида ўқувчи-талабаларга анализ ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив холосалар чиқаришни ўргатиш (чунки, ўқувчи-талаба ақлий фаолият усулларини ўрганиш оркали ўз олдига қўйилган муаммоларни ҳал этиш сирларини тушлайди. Бу эса уларда згалланган билимлардан амалиётда тўғри ўринли фойдалана олиш қобилиятлари шаклланишига ва ривожланишига олиб келади).

Дидактик тамойиллар ўқитиш мазмуни, усуллари, шакли ва воситаларини аниклади ҳамда улар ўқитиш қондалари билан биргаликда кўлланилади. Ўқитишнинг турларидан келиб чиқсан ҳолда мазкур жараёнда баъзи ўқитиш тамойиллари кучайтирилади, баъзилари эса камаяди. Натижада маҳсус ўқитиш тамойиллари пайдо бўлади.

Математика фанини ўқитишнинг дидактик тамойиллари: мимлакатда жамият ва фан қўядиган талабларидан келиб чиқсан ҳолда таълим жараёнини амалга ошириш ва мазкур жараёнда амал қилинадиган асосий талабларни ўз ичига олади.

Энди, Математика фанини ўқитишнинг айрим дидактик тамойилларига алоҳида тўхталиб утайлик.

**Дидактиканиңг илмийлик тамойили.** Мазкур тамойил таълим тизимида ўрганиладиган математика фани:

- мазмунининг илмий бўлиши;
- математиканинг ҳозирги аҳволи ва унинг ривожланишини объектив акс эттиришни;

таълим мазмуни ва уни ўқитиш усуллари ҳозирги замон математика фани савияси ва талабларига мос келишини таъминлашни ўз ичига олади.

Илмийлик тамойилида математик тушунча ва ҳукмларни ифодалашда илмий нуқтан назардан ёндошиш талаб этилади. Шунингдек, мазкур тамойилда ҳар бир математик ҳукм асосланган бўлса ҳам исботланган деб қарамаган ҳолда унга танқидий нуқтаи назардан ёндошиш, таъриф ва теоремаларни бир-биридан ажратади. Олиш каби услубий жиҳатларга зътибор бериш талаб этилади.

Масалан.

1) Бирор тенгламанинг ечимлар тўпламини аниқлашада рационал сонлар тўпламидан кент бўлган ҳақиқий сонлар тўплами ёки

ҳақиқий сонлар түпламидан көнг бүлған комплекс сонлар түплами мавжудлигини ўкувчиларга тәькидлаб ўтиш мүмкін.

2) Соннинг иолинчи даражасини тенглик кўринишда ёзилиши търиф эканлиги ва улар исботланмаслигини тъкидлаш мүмкін.

3) Турли масалалар ечимларини таясифлашда уларнинг кундалик амалий ҳаётга мос келиш ёки келмаслигини аниқлаш мүмкін. Бу орқали математика фанини инсон кундалик ҳаётида амалий қулланилишини очиб бериш нимконини яратади.

**Дидактиканиң тарбиявийлик тамойили.** Мазкур тамойилга асосланган ҳолда математик таълим жараёнини ташкил этиш ўкувчиларда:

зийраклик, топкирлик, ақллилик каби инсоний хислатларини;

иродалылик, чидамлилик, сабр-тоқатлилик, пухталик, аниқлик, ватанга муҳаббат, ростгүйлик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларини;

математика фанини ўрганишга бўлған қизиқишиларини ошириш;

мустақил билим олиш малака ва кўнималарини шакллантириш ва уни янада ривожлантириш;

математик тушунча ва тасаввурларни шакллантириш орқали математик тафаккурини шакллантириш;

фазовий тасаввурларини кенгайтириш орқали хотира ва дикқатини ривожлантириш;

ижодий тафаккурини тарбиялаш кабиларни амалга ошириш имкониятларни оширади.

**Дидактиканиң кўргазмалилик тамойили.** Мазкур тамойил математика фанини ўқитишининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланиб, у ўкувчиларнинг англанган ҳолда билимларни эгаллашларида муҳим ўрин тутади.

**Масалан.**

1. Бошланғич синфларда сон тушунчасини киритиш, арифметик амаллар мазмунини онгли равишда тушуниб этишда муҳим ўрин тутади.

2. Геометрия курсини ўқитища кўргазмалилик тамойилидан самарали фойдаланиш ўкувчилар фазовий тасаввурларини, пировардида математик тафаккурини ривожланишида муҳим ўрин тутади.

**Дидактиканиң табақалаштириш тамойили.** Мазкур тамоийил таълим жараёнини ташкил этишда синфда ва аудиторияда йигилганлар ёши жиҳатидан, фан турларига қизиқиши ва ишчи

тили ҳамда иқтидорлари, жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланиш діражаси бир-бирига яқын бўлишини талаб этади.

**Масалан.** “Ижтимоий-гуманитар” таълим йуналишларида Үқитиладиган математиканинг мазмуни қандай бўлиши керак? “Аниқ фанлар” га ихтисослашган таълим йуналишларида-чи? каби муаммоларни ҳал этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш Йўлларини кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутади. Пировардида, нимани ўқитиш керак? – деган эмас, балки интеллектуал асрнинг: нимани ўқитиш мақсадга мувофиқ деган? – тамойилига ҳам амал қилиш имкониятларни оширади.

Юқоридагилардан куринадики, ҳар бир фаннинг, жумладан математика фанини ўқитишида кулланиладиган дидактик тамойиллар ургатиш ва урганишнинг илмий педагогик қонуниятлари ва амалий тажрибаларини ҳар томонлама илмий-методик таҳлил қилиш натижасида аниқланган асосий қоидалар экан.

## 6. «Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўкув предмети сифатида мақсади, мазмуни» мавзусининг лойиҳалари

### Модулнинг номи ва мақсадлари

#### 6.1-жадвал

| Модулнинг номи   | Модулдан қусланган мақсадлар  |
|--|---|
| Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўкув предмети сифатида мақсади, мазмуни | Талаба: «Математика ўқитиш методикаси» фани «Педагогика» туркумидати алоҳида фанлардан бири эканлигини билади; у жамиятимиз тараққисти даражасида таълим мақсадларига мос келувчи математикани ўқитиш, ўрганиш қонуниятларини ўрганадиган мустакил фан эканлигини тушунади; «Математика ўқитиш методикаси» фанининг предмети нимадан иборат эканлигини англайди; фан сифатида унинг тараққиёт босқичларини таҳлил эта олади; уларнинг «Математика ўқитиш методикаси» фанига бўлган қизиқишлари шаклланади. Шу билан бирга, улар математика ўқитиш методикаси фанидаги ўрганилаётган ҳар бир математик тушунча, търиф, ҳукм ва холосаларни англайди; қундалик хаётда учрайдиган элементар муаммоларнинг геометрик кўринишлари ёки уларнинг символлар билан ёзилган аналитик ифодаси эканлигини тасаввур эта олади; |

таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиларини математик ўқитиш жараёнига қўллай олади; келажакда ушбу мавзу бўйича дарс ва укув машғулотлари лойиҳаларини тузা олади; математика ўқитиш методикаси фани мақсадини, мазмунини изоҳлай олади ва амалда қўллай олади.

## Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

**6.2-жадвал**

| T/р | Кичик модуллар номи                                      | Кичик модулларниг мақсадлари  |
|-----|--|---|
| 1.  | Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети           | Талаба математика ўқитиш методикаси фанининг предмети жамиятимиз таракқиёти даражасида таълим мақсадларига мос келувчи математика фанини ўргатиш ва ўрганиш қонуниятлари билан шугуулланадига мустакил фан эканлигини билади; математика фани шартли равишда элемеистар ва олий математика бўлимларга булинган ҳолда ўрганилишини тушунади; математика фанининг ривожланиш даврларини тахдил қила олади; математика ва уни ўқитиш масалалари билан шугуулланган олимлар илмий фаолиятгини тушунади; математика курсининг асосий мақсадини англайди; математика ўқитиш методикаси масалалари билан шугуулланган олимлар тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади; уларда илмий билиш фаолиятлари шаклланади; олган билимларини амалда қўллай олади. |
| 2.  | Математика ўқитишнинг умумий, хусусий ва аник методикаси | Талаба математика фанининг мақсади, мазмуня, шакли, усуслари хақида умумий тушунчаларга эга бўлади; уни ўқитиш воситаларининг методик системасини педагогика ва психология фанлари қонуниятлари хамда дидактик тамойиллари асосида очиб беришни тушунади; "Математика" фани мазмунини тўғри аниқлай олади; математика ўқитишни умумий методикасининг қонун-коидаларини математика ўкув машғулотларидағи аник мавзу материалларга татбик қила олади; уларни амалда қўллай олади. Шунингдек, талаба аник методика асосан икки кисмдан иборат эканлигини билади, математиканинг бирор боб мавзулари учун умумий ва маҳсус методикасининг хусусий масалалари сифатига каралишини англайди, уларни амалда қўллай олади.                        |

## 6.2-жадвалнинг давоми

|    |   |   |
|----|---|---|
| 3. | <p><b>Математика ўқитишнинг умумтаълимий, тарбиявий, амалий мақсади</b></p>     | <p>Талаба математика ўқитишнинг умумтаълимий, тарбиявий, амалий мақсадларини тушунади; математика ўқитишнинг умумтаълимий мақсади орқали мәълум бир дастур асосида математик билимлар тизими етишини билади; улар онгида оғзаки ва ёзма математик билимлар таркиб топади; таълим-тарбияда синергетиканинг системални (мажомуя) ёндашув тамойиллни тушунади; математик қонуниятлар асосида реал ҳақиқатларни билиш кўникмаси пайдо бўлади. Шунингдек, талабаларнинг математика ўқитишнинг тарбиявий мақсади орқали илмий дунёкароши шаклланади, уларда математиканни ўрганишга бўлган қизиқиш тарбияланади, математик тафаккури ва маданияти шаклланади ва бу илмларни згаллайди.</p>  |
| 4  | <p><b>Математика ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.</b></p> | <p>Талаба математика ўқитиш методикаси фани физика, педагогика, психология, фалсафа, лингвистика ва мантиқ фанлари билан узвий алоқада эканлигини билади; уни илмий методик жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уларни уқувчиларга тушунтириш кераклигини англайди; математика ўқитиш методикаси фанини ўқитиш қонуниятларини тушунади, уни ўргатишда бошқа фанлар билан узвий алоқадорлигини кўрсатиш орқали талабаларни ушбу фани ўрганишга бўлган қизиқиш кўникмаси шаклланади ва тарбияланади; ўқитиш методикаси фанини бошқа фанлар билан алоқасини ўрнатишда педагогика, психология, лингвистика, фалсафа ва мантиқ хаби фанлар ҳам давр талабига мос келувчи амалий характердаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлигини тасаввур эта олади; таълимнинг ислоҳ килиниши заруриятдан келиб чикқанлигини хис эта олади ва уларни таълим амалиетига қултай олади.</p> |
| 5  | <p><b>Математик таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиллари</b></p> | <p>Талаба математик таълим жараёнини амалга оширишда фойдаланиладиган дидактик тамойилларини билади; таълим самарадорлигини оширишнинг сифат ва миқдор курсаткичларини билади; дидактик тамойиллар ўқувчи томонидан илмий билимларнинг узлаштирилиши, эгалланishi лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қондаларини ўз ичига олишини англайди; дидактик тамойиллар моҳиятини ёритишида турли нуктаси назарлар ва карашларни таҳлил эта</p>  |

## 6.2-жадвалнинг давоми

|  |  |  |
|--|--|--|
|  |  | олади; дидактик тамойиллар таълим самарадорлигини оширишга йўналганилигини англайди ва математика фанини ўқитишда кулланиладиган дидактик тамойиллар ўргатиш ва ўрганишнинг илмий педагогик ҳонуниятлари ва амалий тажрибаларини ҳар томонлама илмий-методик томонидан таҳдил қила олади ҳамда уларни таълим жараённада куллай олиш кунинкаси шакланади. |
|--|--|--|

### Кичик модуллар ичидаги таянч тушучалар на улар асосида тузилган назорат саволлари

## 6.3-жадвал

| T/p | Таянч тушучалар  | Назорат саволлари  |
|-----|--|--|
| 1.  | Методология, Математика, методика, фан, билим, уйғониш даври, элементар математика, олий математика, мнимал математик билимлар системаси | <p>1) Математикани ўқитишнинг методологиясини таҳдил қилиб беринг?</p> <p>2) Математика нимани ўрганади?</p> <p>3) «Усул» ёки «услуб» деганда нимани тушунасиз?</p> <p>4) «Методика» сўзининг маъносини айтиб беринг?</p> <p>5) Математикани уйғониш даври қайси йилларни ўз ичига олади?</p> <p>6) «Ўқитиш методикаси» деганда нимани тушунасиз?</p> <p>7) «Математика ўқитиш методикаси» деганда нимани тушунасиз?</p>   |
| 2.  | Умумий методика, хусусий методика, аниқ методика, характерли хусусият, максад, мазмун, шакл, усул, услуг, восита, дидактик тамойил       | <p>1) Математиканинг характерли хусусиятларини айтиб беринг?</p> <p>2) «Математика ўқитиш методикаси» фани нимани ўрганади?</p> <p>3) Математика ўқитиш методикаси фанининг “умумий методика” бўлими нимани ўргатади?</p> <p>4) Математика ўқитиш методикаси фанининг “хусусий методика” бўлими нимани ўргатади?</p> <p>5) Математика ўқитиш методикаси фанининг “аниқ методика” бўлимида нималар ўрганилади?</p> <p>6) Таълим максади деганда нимани тушунасиз?</p> <p>7) Таълим мазмунини дегандачи?</p> |

### 6. З-жадвалнинг давоми

|    |  |  |
|----|--|--|
| 3. | Умумтаълимий мақсад, тарбиявий ва амалий мақсад, илмий дунёкараш, математик тафаккур ва маданият, тасаввур, фазовий тасаввур, мантикий мулоҳаза  | 1) Математика фанини ўқитишдаги умумтаълимий мақсад нималардаи иборат?<br>2) Математикани ўқитишдаги тарбиявий мақсадларни айтиб беринг<br>3)) Математикани ўқитишдаги амалий мақсадларни айтиб беринг<br>4) Талабаларда мантикий математик билимларни шакллантириш учун нималарга аҳамият бериш керак?<br>5) Фазовий тасаввур деганда нимани тушунасиз?<br>6) Талабаларнинг фазовий тасаввурларини шакллантириш учун қандай методик конуниятлардан фойдаланиш керак?<br>7) Мантикий мулоҳаза юритиш деганда нимани тушунасиз? |
| 4. | Фанларнинг методологик асоси, математика фанининг бошка фанлар билан алоқаси, математик таълим, педагогика, мантиқ, психология, лингвистика, фалсафа, физика, чизмачилик, кимё, илмий тамоийил, идеализация. | 1) Билишининг илмий тамоийил деганда нимани тушунасиз?<br>2) Талабалар мустақил равишда математик билимларни ошириш учун нималарга аҳамият беришлари керак?<br>3) Фанлараро алоқадорлик деганда нимани тушунасиз?<br>4) Математикани ўқитиш ва ўргатишида фанлараро алоқадорликка эришиш имкониятларига мисоллар келтиринг.<br>5) Идеализация деганда нимани тушунасиз?  |
| 6  | Математик таълим жараёнини оширишнинг дидактик тамоийиллари  | 1) Таълим жараёни самарадорлиги деганда нимани тушунасиз?<br>2) В.И.Загидинскийнинг конуниятларга мос келадиган дидактик тамоийилларни кўрсатиб беринг?<br>3) Дидактиканинг илмийлик тамоийини асослаб беринг?<br>4) Дидактиканинг табакалаптириш тамоийини асослаб беринг?<br>5). Дидактиканинг тарбиявийлик тамоийини асослаб беринг?  |

**Кичик модулнинг назорат саволлари асосида  
тузилган тестлар**

| T/p | Саволлар   | Мумкин бўлган жавоблар |   |
|-----|--|------------------------|---|
| 1.  | Математика методологияси бу  | A                      | Таълимот услуби   |
|     |  | B                      | Методлар хақидаги таълимотдир   |
|     |  | C                      | *Ушбу фанга хос бўлган объектив борлиқни ўрганиш учун кулланиладиган тадқиқот услуби хақидаги таълимот                          |
|     |  | D                      | Объектив борлиқни ўрганиш учун кулланиладигая тадқиқот услуби   |
| 2.  | Математика нимани ўрганади?  | A                      | *Мазмундан ажратилган ҳолда объектив борлиқдаги шакл ва муносабатларни  |
|     |  | B                      | Ҳаракатнинг алоҳида шаклларини  |
|     |  | C                      | Ҳаракат шаклларини  |
|     |  | D                      | Материянинг ҳаракат шаклларини  |
| 3.  | Математикани уйғониш даври қайси йилларни уз ичига олади                 | A                      | Эрамизнинг XIX асрдан ҳозирги давргача бўлган вактнинг ўз ичига олади   |
|     |  | B                      | Эрамизнинг XVII асрдан то XIX аср гача  |
|     |  | C                      | *Қадим йиллардан бошлаб э.о V-VII асрлар.   |
|     |  | D                      | Эрамиздан аввалги VIIдан бошлаб, ҳозирги даврнинг XVII аср гача   |
| 4.  | Математиканинг характерли ҳусусиятлари                                   | A                      | Эрамизнинг XIX асрдан ҳозирги давргача бўлган вактни ўз ичига олади   |
|     |  | B                      | Эрамизнинг XVII асрдан то XIX аср гача  |
|     |  | C                      | *Қадим йиллардан бошлаб э.о V-VII асрлар  |
|     |  | D                      | Эрамиздан аввалги VIIдан бошлаб, ҳозирги даврнинг XVII аср гача   |
| 5.  | Математика ўқитвиш методикаси асосий нечта бўлимдан иборат?              | A                      | 7 та..  |
|     |  | B                      | 5 та..  |
|     |  | C                      | 9 та..  |
|     |  | D                      | *2 та   |
| 6.  | Математика ўқитвиш методикаси предмети шартли равищада кандай бўлимларга | A                      | *Математика ўқитвишнинг умумий методикаси, математика ўқитвишнинг ҳусусий методикаси ва математика ўқитвишнинг аник методикаси. |

#### 6.4-жадвалнинг давоми

|     |   |   |  |
|-----|---|---|--|
|     | (кисмларга) булиниди?   | B | <b>Математика ўқитишнинг умумий методикаси ва математика ўқитишнинг хусусий методикаси</b>   |
|     |   | C | <b>Математика ўқитишнинг умумий методикаси ва математика ўқитишнинг конкрет методикаси</b>   |
|     |   | D | <b>Математика ўқитишнинг хусусий методикаси</b>  |
| 7.  | Математика ўқитишнинг амалий максади ўз олдига қандай вазифаларни кўяди?    | A | <b>Кунинка</b>   |
|     |   | B | <b>Математикани ўқитишда техник восита ва кургамали қуроллардан фойдаланиш масалаларини шакллантириш</b>   |
|     |   | C | <b>Ўкувчиларни мустакил равишда математик билимларни эгаллашга ўргатиш</b>   |
|     |   | D | <b>*Математика курсида олган назарий билимларни кундалик ҳётда учрайдиган элементар масалалар ечишга татбиқ кила олишга ўргатиш</b>  |
| 8.  | «Математика ўқитиш методикаси» фани қандай кисмларга бўлиб урганилади?      | A | <b>Математика ўқитишнинг умумий ва хусусий методикаси</b>  |
|     |   | B | <b>Математика ўқитишнинг умумий ва аниқ методикаси</b>   |
|     |   | C | <b>Математика ўқитишнинг хусусий ва аниқ методикаси</b>  |
|     |   | D | <b>*Математика ўқитишнинг умумий, хусусий ва аниқ методикаси</b>   |
| 9.  | Математика ўқитиш методикасининг умумий методикаси бўлими нимани ўргатади?  | A | <b>Математика ўқитишнинг конуниятларини ўргатади</b>   |
|     |   | B | <b>Математикани тушунтириш йулларини ўргатади</b>  |
|     |   | C | <b>Арифметика, алгебра ва геометрияларни ўқитишни ўргатади</b>   |
|     |   | D | <b>*Математика фанининг максади, мазмуни, шакли, методлари ва унинг воситаларининг методик тизимини педагогика, психология ҳамда дидактик тамоилилар асосида очиб беради</b> |
| 10. | Математика ўқитиш методикасининг хусусий методикаси бўлими нимани ўргатади? | A | <b>Математика ўқитиш конуниятларини ўрганади</b>   |
|     |   | B | <b>*Математика ўқитиш умумий методикасининг қонун ва қоидаларини аниқ мавзу материалларга татбиқ килиш йулларини ўрганади.</b>   |

#### 6.4. жадвалыннг даюоми

|     |   |   |   |
|-----|---|---|---|
|     |   | C | Аник мавзу мазмунини түшүнтиришини<br>үрганали  |
|     |   | D | Математика конуниятларини дарс<br>жараёнига татбиқ килиш йүлларини<br>үрганилади  |
| 11. | Математика<br>ўқитишнинг аник<br>методика бўлими<br>нимани ўргатади?              | A | *Бирор бобни мавзу материаллари<br>учун умумий методик конуниятлар<br>ҳамда мазкур боб мавзулари учун<br>ишлиб чиқилган методик конуниятлар<br>татбиқларини ўрганади  |
|     |   | B | Хусусий методика билан умумий<br>методика биргалиқда ўрганилади.  |
|     |   | C | Талабаларга дарс ўтиш коидалари<br>ўргатилади   |
|     |   | D | Умумий методика коидаларининг дарс<br>жараёнига татбиқини ўрганади.   |
| 12. | Математика фанини<br>ўқитишдаги<br>умутаълимий<br>максадлар нималардан<br>иборат? | A | Ўкувчи-талабаларга дастур асосида<br>математик билимлар системасини<br>беришни ўрганади   |
|     |   | B | Ўкувчи-талабаларда мантикий<br>фикрлаш қобилятларини<br>шакллантириш йўлларини ўрганади   |
|     |   | C | *Ўкувчиларга маълум бир дастур асосида<br>математик билимлар тизимини<br>бериш, уларда оғзаки ва ёзма матема-<br>тик билимларни таркиб топтириш<br>ҳамда математик қонуниятлар асосида<br>реал ҳақиқатларни билишга ўргатиш<br>йўлларини ўрганади |
|     |   | D | Ўкувчи талабаларга математик<br>қонуниятларни ўргатиш   |
| 13. | Математикави<br>ўқитишдаги тарбиявий<br>максадни айтиб беринг                     | A | “Педагогика” фани қонуниятларига асос-<br>ланган холда тарбияни амалга ошириш   |
|     |   | B | Амалий характердаги мисол ва<br>масалалар счиш асосида таълим<br>жараёнини ташкил этишга эришиш   |
|     |   | C | *Ўкувчиларда илмий дунёкарашни,<br>математик тафаккурни ва математик<br>маданиятни ҳамда шулар асосида<br>математикани ўрганишга бўлган<br>қизиқишиларини ошириш  |
|     |   | D | Ўкувчиларда илмий дунёкарашни<br>шакллантириш   |

#### 6.4-жадвалнинг давоми

|     |  |   |  |
|-----|--|---|--|
| 14. | “Таълим” деганда нимани тушунасиз                        | A | Ўқитувчи фаолияти  |
|     |  | B | Уқувчи фаолияти  |
|     |  | C | *Уқитувчи билан ўқувчилар орасидаги онгли, аниқ максадга йўналтирилган фаолият   |
|     |  | D | Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги янгича фаолият                                   |
| 15. | Математик таълимнинг методи деганда нималарни тушунасиз? | A | **“Метод” сўзи грекча сўз булиб унинг лугавий маъноси “Йўл кўрсатиш” демакдир.   |
|     |  | B | “Метод” сузи лотинча сўз булиб унинг лугавий маъноси “Услуб” демакдир            |
|     |  | C | “Метод” сўзи мактабдаги маззу мазмунини очиб берувчи қоидаларни ўрганиш демакдир |
|     |  | D | “Метод” сўзи мактабдаги теоремаларни исботлашда ишлатилиладиган қоида демакдир   |

#### Дарс тури ҳамда унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

#### 6.5-жадвал

| Ўқув машғулотининг шакли | Мустақил таълим элементларига ясосланган маъруза машғулоти   |
|--------------------------|--|
| Таълим усуллари          | Модулли таълим, қиёсий тахлил  |
| Таълим воситалари        | Талабалар ўқув фаолияти тартиби (модул картаси) – тарқатма материал; ўқув-методик қўлланма, тахлил жадвали |
| Таълим шакллари          | Оммавий, гурӯхий, якка тартибда, жуфтлиқда, жамоавий   |
| Ўқитиш шароитлари        | Оддий аудитория  |
| Мониторинг ва баҳолаш    | Модулда курсатилган барча топшириклар натижалари   |

#### Ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материалларнинг қўлланиш жойлари

#### 6.6-жадвал

| Т/р | Ахборот технологиялари  | Дидактик материаллар              |
|-----|-------------------------|-----------------------------------|
| 1   | Ёзув доскаси            | Қоидалар ифодаланган тақдимот     |
| 2   | Компьютер, мультимедиа, | Ўқув ва кўргазмали материаллар ва |

| Ёзув доскаси |   | слайдларнинг нусхалари  |
|--------------|---|---|
| 3            | Компьютер, ёзув доскаси   | Жадвал  |
| 5            | Компьютер таълим методикасининг изчилигигини таъминлаш  | Математика ўқитиш методикаси фанига доир дарслик, услубий қўлланмалар ва ўкув-методик мажмува ва кўрсатмали қуроллар ҳамда ўкув маънгупотларнинг лайихалари, тест |
| 6.           | Маззу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар орқали намойиш килиш | Тест  |

6.7. Мавзусининг мазмуни ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн СЦЕНАРИЙСИ берилади.

6.8. Фойдаланиладиган қўнимчча адабиётлар:[2, 4, 6, 9, 12, 14, 16, 19, 24, 25, 35, 39, 58, 59].

## ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛ

### МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ, СИНФ ДАРС СИСТЕМАСИ, ЗАМОНАВИЙ ДАРС ВА УНГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**2.1-МАВЗУ.** Математика фанини ўқитиши шакллари,  
математикадан замонавий дарс ва унинг  
тузилиши, математика дарсларни ташкил этиш  
методлари ва дарс турлари

#### Кичик модуллар:

1. Таълим шакллари ҳақида тушунча. Математика фанини ўқитиши шакллари.
2. Математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши.
3. Математика дарсларининг турлари ва уларнинг тузилиши.
4. Математика дарсига қўйилган талаблар.
5. Математика дарсларини ташкил этиш методлари.
6. «Математика фанини ўқитиши шакллари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларини ташкил этиш методлари ва дарс турлари» мағзусининг лойиҳалари

#### 1. Таълим шакллари ҳақида тушунча, математика фанини ўқитиши шакллари

Дарс – бу мантиқан тугалланган, бутун вакт билан чегара-ланган ўқув-тарбия жараёнининг қисмидир. Математика дарси-нинг белгилари қўйидагилардан иборат бўлади:

- 1) Таълим ва тарбия вазифалари ҳал қилинади;
- 2) Конкрет ўқув материали мухокама этилади;
- 3) Мақсадларни амалга ошириш учун мос ўқитиши усуллари таанланади;
- 4) Ўқувчилар жамоасининг маълум тарзда фаолияти ташкил этилади.

Дарсда асосий дидактик (ўқув) мақсадининг мавжудлиги.

Бунда:

- а) янги материални ўрганиш (тушунчани шакллантириш, қонун ва алгоритмлар ўрнатилади);

в) ўрганилаётган билимларни мустаҳкамлаш (такрорлаш, масалалар ечиш)

Дарсда тарбиявий масалалар ҳам ҳал қилинади. Бунда:

а) ўкувчилар қизиқишини уйғотиш ва сақлаш;

б) ўкувчиларнинг ўқишига масъулиятини ошириш;

в) математикани ўрганишга эҳтиёж ва кўникмаларни тарбиялаш  
Ўкув материалининг асосланган ҳолда ташланиши. Бу:

1) асосий ўкув мақсадининг мазмунига мос келиши;

2) етарли ҳажмда ўкув материалининг мавжудлиги;

3) конкрет ва абстракт материалнинг оптимал муносабатда бўлиши;

4) назарий ва амалиётнинг ўзаро алоқасининг ёритилиши.

Дарсда ўкувчилар фаоллигини оширувчи ўқитиш усулларини кўллаш:

а) ўкувчиларнинг ўзлари навбатдаги муаммоларни ифодалай олиши;

б) киритилаётган түпунчаларни таърифлапни амалга оширишлари зарур.

Дарснинг ташкилий пухталиги:

а) ўқитуячи дарс материалини эркин билиши;

б) ҳар бир навбатдаги савол услубиятини билиши, уни ўргатиш усул ва воситаларини эгаллаган бўлиши;

в) ўкувчилар индивидуал хусусиятларининг тақсимоти тўғри йўлга куйилиши, синф тахтаси ва дафтардаги мазмун ва ёзувлар жойлашишини хисобга олиш, дарсда кўргазмали куроллар ва техник воситалардан фойдаланиш.

Математика ўқитувчисининг дарсга тайёргарлик тизими ҳуйндагиларни ўз ичига олади:

1. Янги ўкув йили арафасидаги тайёргарлик, бунда календарь иш режаси тузилади.

2. Ўкув мавзуси буйича дарслар системаси тузиб чиқилади.

3. Ҳар бир дарсга тайёргарлик, конспектлар тайёрлаш.

Дарсга тайёргарлик кўриш куйидаги ишларни бажаришни кўзда тутади:

1) ўқунчиларни мавзуга киритиш, уларга навбатдаги ўкув масалани кўзиш;

2) янги тушунчаларни баён этиш;

3) киритилаётган тушунчалар хоссаларини қандай топиш мумкинлигини кўрсатиш;

- 4) индуктив асослашга эришиш;
- 5) бир хил типдаги масалани ечиш усулини күрсатиш;
- 6) дарсга масалаларни материалга мөс таңлаш;
- 7) ўкувчиларни масала шарти билан таништириш;
- 8) таңланган масала қандай ечилишини баён қилиши лозим.

Математика бўйича ўкувчилар билимини баҳолаш ва текширишнинг асосий мақсадлари кўйидагилар:

Ўкувчилар томонидан ўкув материалини ўзлаштириш сифатини хамда предмет бўйича дастурда кўзда тутилган билим, кўнигма ва малакаларни згаллаш савиясини текширишдан иборат.

Бу уч хил текширишни ўз ичига олади: жорий (уй вазифасини текшириш, оғзаки сураси, кундалик баҳо қўйиш ва ҳ.к.), оралиқ назорат ёки даврий назоратлар (назорат ишлари, мавзу ёки боб бўйича назорат ишлари ва ҳ.к.), якуний назорат чорак учун ёки ярим йиллик назоратларини ўз ичига олади.

Билимларни баҳолаш тартиби қўйидаги даражаларга булинади:

**1-даражса** – математикадан давлат таълим стандартида белгилаб берилган билимларни ўзлаштиришнинг минимал даражасини бажарганилар “паст” даража хисобланади.

**2-даражса** – репродуктив даражада бўлиб, ДТС да белгилаб берилган билимларни ўзлаштиришнинг минимал даражасидан юкори бўлганлари “ўрта” баҳоланади.

**3-даражса** – реконструктив даражада кўлланиладиган ДТС даги билимларнинг имконият даражаси талабларга жавоб берадиганлари “юкори” баҳоланади.

**4-даражса** – ДТСда белгилаб берилган билимларни ўзлаштиришнинг имконият даражасига мувофиқ келадиган ва уни ижодий кўллай оладиганлар “ўта юкори” баҳоланади.

Барча фанлар қатори умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида математика фани бўйича машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакли дарё бўлиб, умумий урта таълим ва урта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида олиб бориладиган ўкувтарбияний жараённинг асоси хисобланади. Дарсга жуда кўп педагог-олимлар томонидан қўйидагича таърифлар берилган.

**Дарс** – синфда тақвим-мавзу режа асосида белгиланган вакт давомида ўқитувчи томонидан ўкувчилар учун ўкув-тарбия жараённинг мақсадли ташкил этилишидир.

**Дарс** – мазмуни Давлат таълим стандартларида, умумий ўкув соатлари, ўкув режаси ва ўкув дастурларида белгилаб кўйилган

ҳамда шулар асосида 45 (ёки 80) дақиқа давомида күзланган мақсадга эришиш йулидаги ўқитувчи ва укувчилар (талабалар)нинг биргаликдаги фаолиятидир.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида математика фани бўйича машғулотларни ташкил этиш шакллари қўидагилардан иборат:

Дарс.

Экскурсия.

Ўй ишлари.

Факультатив.

Синфдан ташқари машғулот ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда педагогикада замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс ўзи қандай дарс? – деган савол туғилиши табиий.

«Замонавий дарс шундай дарс-ки, унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий имкониятларини етарли даражада ишга солиб, ривожланишини таъмиилайди. Ўқувчи эса ўзи нағбатида билимларни чукур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди» – деб ёзди педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ғ.Йулдошев [48].

Замонавий дарсни ташкил этиш ҳозирги кун ўқитувчисидан юқори тайёргарликни талаб этиб, улар асосан қўидагиларни ўз ичига олади:

хар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг назарий асослари бўйича етарли маълумотга эга бўлиши;

юқори касбий тайёргарликка эга булиши ва мустақил равишда ўз устида ишлаши;

замонавий педагогик технология ва интерфаол методларни кўллаган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши;

ўзи дарс берадиган фан бўйича ўкув меъёрий хужжатларни яхши билиши, жумладан:

а) Давлат таълим стандарти ва унинг таркибий қисми бўлган билим, кўникма ва малака ҳақида тушунчага эга бўлиши;

б) таянч укув режа, ўкув дастурлари, тавқим мавзуу режа, баҳолаш мезонини билиши ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда умумий ўрта ва касб-хунар, ўрта махсус таълим тизимида дарснинг мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг

характерига қараб қуйидаги турларидан кеңг фойдаланилиб келинмоқда:

янги мавзу мазмуни билан таништириш;  
янги мавзуни мустақкамлаш;  
әгалланған билим, малака ва күнікмаларни текшириш;  
ұкув материалини тақрорлаш ва умумлаштириш.

Үз навбатида дарснинг қуйидаги турларидан таълим жараённанда фойдаланиб келинмоқда:

1. Назарий дарс, сұхбат, аралаш дарс.
2. Мустақил ишлар, лаборатория ишлари, амалий ишлар, экскурсия.
3. Назорат дарслари (өззеки сұраш, ёзма иш, синов, назорат иши, аралаш иш).

Дарснинг мантиқий тузилиши ва билим жараённининг характеристика күра:

кириш дарс;  
әгалланадиган билимлар билан бирламчи таниппиш дарси;  
янги билимларни әгаллаш дарси;  
әгалланған билимларни амалиёттә құллаш дарси;  
күнікмалар ҳосил қилиш дарси;  
умумлаштириш, қайтарыш ва мустақкамлаш дарси;  
назорат дарслари;

аралап дарс каби турларга ажралиши М.А. Данилов билан Б.П.Есипов томонидан ишлаб чықылған тасниф бўлиб, улар үз таснифларига икки дидактик мақсад ва дарснинг узлуксиз тизимдаги ўркини асос қилиб олганлар. Улар қуйидагилар:

- 1) аралаш дарслар;
- 2) янги материал билан танишиш;
- 3) олинган билимни мустақкамлаш;
- 4) ўрганилған нарсани тартибга келтириш ва умумлаштириш;
- 5) билим ва күнікмаларни ҳосил қилиш;
- 6) билимларни текшириш.

Б.Зиёмухamedов, М.Тожиевлар дарсларни ўтиш асосига қараб, қуйидаги турларга ажратади:

1) а) дарс-лекция; б) дарс-сұхбат; в) кино дарси; г) назарий ёки мустақил ишлар дарси; д) аралаш дарс.

2) а) мустақил ишлар дарси; б) дарс – лаборатория; в) амалий ишлар дарси; г) дарс – экскурсия.

3) а) оғзаки сұраш; б) ёзма синов; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат иши; е) арапаш дарс.

Уларнинг фикрича, арапаш дарс шу кунгача ўзининг қимматини саклаб қолғанлигининг сабабларидан бири, ундаги тұрт элемент истаган кетма-кетликда құлланиши мүмкінлегі бўлиб, бу турдаги дарс дидактикасиңг деярли барча талабларига жавоб беради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг фикрича, 80% дарслар шу турда олиб борилади.

Материалнинг юқори даражада ўзлаштирилишини амалий машғулот дарслари таъминлаб беради. Улар маъruzадан фарқли равишда:

ўкувчиларнинг кўпроқ фаол бўлишлари билан;

кўпроқ ўқитувчи томонидан бевосита раҳбарлик қилиниши билан;

ўзаро қайта алоқанинг кўпроқ жадаллашуви билан характерланади.

Шунинг учун мутахассисни самарали ва фаол шакллантириш жараёни амалий машғулотлардагина юз беради. Аиъанавий шакл эса назарий ва амалий қисмларнинг бирлашувини таклиф этади. Бу ерда ўкувчиларнинг мавзу буйича кўпроқ дифференциалланган ўқитиш шакли муҳим ахамият касб этади, бунда талабалар гурухи алоҳида кичик гурухларга бўлинади ва улар уз кучлари доирасида амалий вазифаларга эга бўлади.

Бугунги кунда, ўкувчиларни ўқитишнинг негизида тизимли, мустақил ўқиши ёки мустақил таълим ётиши зарур, чунки айнан у фаолиятнинг барча соҳаларидағи илғор ўзгаришларга нисбатан мослашувчан тарзда йўл топа олишга имкон беради.

## 2. Математика буйича замонавий дарс ва унинг тузилиши

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кабул қилинганидан кейин мамлакатимизда таълим тизимининг барча боскичлари учун Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда барча дарслар ана шунга асосланган ҳолда олиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар бир дарс таълим-тарбия жараёнидан иборат бўлиб, унда мазкур жараённинг мақсади, мазмуни, шакли, методлари ва воситалари орасидаги ўзаро алоқалар тўла ўз аксини топади. Ҳозирги кунда таълим жараёнини ташкил этишда диалог,

мулокот, ҳамкорликда ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гурухларда ўқитиш каби замонавий методлардан кенг фойдаланилиб келинмокда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юкорида қайд этилган таълим шаклларидан фойдаланиш ҳар бир дарсда ўрганилаётган янги мавзу мазмунининг умумтаълимий, тарбиявий ва амалий мақсадларига эришишда ва уларга эришишни олдиндан кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

Замонавий математика дарсида қўйидаги дидактик мақсадларга эришиш назарда тутилади:

дарснинг болпида ўқувчиларнинг олдиндан эгаллаган билим, кўнирма ва малакалари текширилади (мазкур текшириш саволжавоб асосида ёки дидактик тарқатма материаллар асосида ўтказилиши мумкин. Бунда ҳар бир ўқувчининг аввалги ўтилган мавзу мазмунини қандай ўзлаштиргани ва қандай қийинчиликка учрагани ҳамда мазкур мавзу материали юзасидан ўқувчиларнинг олган билим, кўнирма ва малака текширилади. Бунда:

ҳар бир ўқувчи томонидан берилган жавобларни ўқитувчи назорат килиб боради ва етарли даражада изоҳлаган ҳолда баҳолайди;

дарснинг асосий мақсадидан келиб чиқкан ҳолда янги мавзу ўқувчиларга тушунтирилади;

эгалланган янги назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўқувчилар билан ҳамкорликда мисол ёки масалалар ечилади;

ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган назарий ва амалий характердаги саволлар асосида дарснинг мақсадига қай даражада эришилганлик аниқланади;

уй вазифа эълон қилинади ва уни бажариш юзасидан зарур курсатмалар берилади.

Юқоридагилардан кўринадики, математика ўқитувчиси дарсга тайёргарлик куриш ва уни ташкил этишда:

биринчи навбатда ўрганиладиган мавзу мазмuni ва уни ўрганишдан мақсад нима экандигини аниқлаб олиши;

шу асосда ўтиладиган дарсда қандай ўқув-методик жараённи амалга оширишига аниқлик киритиб олиши (дарсда фойдаланиладиган воситалар, шакл, таълим методи ва технологиялари ва. х.к.);

янги материални ўкувчиларга тушунтиришга ва уни мустаҳкамлаш юзасидан мисол ва масалалар ечишга кўлпроқ вактни ажратиши;

дарснинг самарали бўлишига эришиш мақсадида дарснинг хар бир босқичи учун назарий ва амалий характердаги савол ва масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиши;

дарснинг хар бир босқичида ўкувчиларнинг фаол иштирок этишига эришиши;

хар бир ўкувчининг дарс жараёнидаги иштирокини назорат қилиб боришга эришиши;

дарс якунида кўзланган мақсадга эришишни таъминлаши ва унга қай даражада эришганинг ўкувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш орқали аниклатпи талаб этилади.

«Биквадрат тенглама илдизларни топиш» мавзусини ўргатиш методикаси дарсини куриб чиқайлик.

### 1. Дарснинг мақсади.

a) Таълимий мақсади: ўкувчиларда биквадрат тенглама ва унинг илдизлари буйича Давлат таълим стандарти талаби дарожасида билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.

b) Тарбиявий мақсади: ўкувчиларда «Биквадрат тенглама ва унинг илдизлари» мавзусининг амалиётга татбиқини ўргатиш ва шу асосда уларнинг мантиқий фикрлашларини ўстириш.

c) Амалий мақсади: Ўкувчиларнинг фундаментал билимларини ривожлантириш орқали уларда мустақил ўз билямларини ошириш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда математик тафаккурини ўстириш ва шу орқали мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

### 2. Утилган мавзуу материалини сураш ва ўкувчиларни янги мавзуни ўрганишга тайёрлаш.

Бу босқични қўйидаги кўриннишдаги саволлар асосида амалга ошириш мақсаддага мувофик:

a)  $ax^2 + bx + c = 0$  ва  $x^2 + px + q = 0$  кўриннишдаги ифодалар қандай тенгламалар дейилади?

b)  $y = ax^2 + bx + c$  квадрат учҳаддан тўла квадратга ажратиш учун қандай айний алмаштиришларни бажариш керак?

c)  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенгламани ечинг.

Тестлар.

1. Квадрат тенгламанинг умумий кўриниши.

a)  $ax^2 + bx + c = 0$ ; b)  $ax^2 + bx = 0$ ; c)  $ax^2 + bx + cd = 0$ .

2.  $x^2 = d$  тенглама қачон иккита ҳақиқий илдизга эга бўлади.  
a)  $d = 0$ ; b)  $d > 0$ ; c)  $d < 0$ .
3.  $d < 0$  да  $x^2 = d$  тенглама нечта ҳақиқий илдизга эга.  
a) Битта; b) Иккита; c) Ҳақиқий илдизга эга эмас.
4.  $x^2 - 49 = 0$  тенгламани ечинг.
5. a) 49; b)-7 ва 7; c)-49 ва 49.
6.  $ax^2 + bx + c = 0$  квадрат тенгламада а коэффицентта қандай шарт кўямиз? a)  $a \neq 0$ ; b)  $a = 0$ ; c)  $a < 0$ .

### 7. Янги мавзу баёни.

Буни қуйидаги кўринишдаги савол-жавоб асосида амалга ошириш мақсадга мувофик:

**Ўқитувчи:**  $6x^4 + 5x^2 + 1 = 0$  тенгламани қандай тенглама деб итаймиз?

**Ўқувчилар:** 4-даражали тенглама дейилади.

**Ўқитувчи:** Тўғри, шундай дейиш ҳам мумкин, аммо математика бундай кўринишдаги тенгламалар биквадрат тенглама деб итлади ва унинг умумий кўриниши  $ax^4 + bx^2 + c = 0$  каби бўлади. Хўш бундай тенгламани қандай ечиш мумкин?

**Ўқувчилар:** Биз бундай тенгламаларни ечмаганмиз.

**Ўқитувчи:** Агар  $x^2 = y$  деб белгиласак ва  $x^4$  ни у орқали ифодаласак, у қандай кўринишга келади?

**Ўқувчилар:** Мулоҳаза юртиш, илгари згалланган билимларига асосланган ҳолда  $x^4 = y^2$  кўринишда ифодалаш мумкинлигини ийтиниади.

**Ўқитувчи:** Юқоридаги белгилашларга асослансан, у ҳолда  $ax^4 + bx^2 + c = 0$  тенгламани қандай кўринишида ёзишимиз мумкин?

**Ўқувчилар:**  $ay^2 + by + c = 0$  кўринишда ёзишимиз мумкин. Бу у номаълумга нисбатан квадрат тенглама бўлиб,  $y_{1,2} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$  формула ёрдамида унинг ечимларини топиш мумкин.

**Ўқитувчи:**  $6x^4 - 5x^2 + 1 = 0$  тенгламада  $x^2 = y$  белгилашни киритсан ва мазкур тенгламани у ўзгарувчи орқали ифодаласак, қандай кўринишга келади?

**Ўқувчилар:**  $6y^2 - 5y + 1 = 0$  квадрат тенглама кўринишига келди.

**Ўқитувчи:** Бундай куринишдаги тенгламани ечишни биламизми?

**Үқувчи:** Ҳа, биламиз. Уни қуйидагича ечамиз.

$$y_{1,2} = \frac{5 \pm \sqrt{5^2 - 4 \cdot 6 \cdot 1}}{2 \cdot 6} = \frac{5 \pm \sqrt{25 - 24}}{12} = \frac{5 \pm 1}{12}$$

$$y_1 = \frac{5+1}{12} = \frac{6}{12} = \frac{1}{2} \Rightarrow y_1 = \frac{1}{2} \text{ бўлади.}$$

$$y_2 = \frac{5-1}{12} = \frac{4}{12} = \frac{1}{3} \Rightarrow y_2 = \frac{1}{3} \text{ бўлади.}$$

**Ўқитувчи:** Биздан қандай номаълумни топиш сўралган эди?

**Ўқувчилар:**  $x$  – номаълум топиш талаб қилинган эди.

**Ўқитувчи:**  $x$  номаълумни қандай топамиз?

**Ўқувчилар:**  $x^2 = y$  тенглиқдан  $x^2 = \frac{1}{2}$  бўлади, бундан  $x_{1,2} = \pm \frac{1}{\sqrt{2}}$ .  $x^2 = \frac{1}{3}$  тенглиқдан эса,  $x_{3,4} = \pm \frac{1}{\sqrt{3}}$  бўлади.

#### 4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.

Бунинг учун  $18x^4 + 10x^2 - 8 = 0$ ;  $x^4 - 7x^2 + 12 = 0$  кўринишдаги мисолларни ўқувчилар билан биргаликда ечиш мақсадга мувофиқдир.

#### 5. Уйга вазифа бериш.

**Эслатма:** Уйга вазифасини бериш ишини тўғри ташкил этиш ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамланида мухим ўрин тутиб, уларда мустақил ишлаш малакасини шакллантиради. Шунингдек, математика фанини ўрганишда чидамлилик ва тиришқоқлик хислатларини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам уй вазифаси кўпчилик ўқувчиларнинг кучи етадиган, унинг маъносини ва қандай бажариш кераклигини тушуна оладиган даражада булиши керак. Бу ўқитувчидан уй вазифасини белгилашда ўқувчиларнинг уни бажаришга тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олишни талаб этилади.

### 3. Математика дарсларининг турлари ва уларни тузилиши дарс тури ва босқичларини аниқлаш

Амалга оширмоқчи бўлаётган педагогик жараён қандай дарс тури ва босқичига тааллукли? – деган саволга жавоб бериш учун дарснинг турлари ва босқичлари тўғрисидаги маълумотга эга булишимиз шарт.

Дарснинг мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг хироктерига қараб дарслар: кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда куллаш дарси; кўникмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, тақрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси; шоҳорат дарслари; аралаш дарс каби турларга ажратилади.

Дарслар ички тузилишига қараб ҳам босқичиларга бўлинади. Я.А.Коменский ва И.Ф.Гербартлардан бошлаб, шу кунгача дарснинг тўрт бўлакдан иборат бўлган босқичи ҳукм суриб келмокда. Буларга:

- а) янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш;
- б) янги билимларни эгаллаш;
- с) янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш;
- д) эгалланган билимларни амалиётда кўллапи.

Бу турдаги дарс аралаш дейилади.

Аралаш дарсларнинг ҳозирги кунгача сақланиб қолишининг исосий сабабларидан бири, мазкур дарсдаги тўрт унсур истаган кетма-кетликда қулланиши мумкин. Шу билан бир қаторда бу турдаги дарс жараёнида дидактиканинг деярли барча талабларига ғришиш осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларнинг фикрича, 80% дарслар шу турда олиб борилишини таъкидланилади.

Бу турдаги дарсларнинг яна бир афзаллиги шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, ўкувчи-табобаларнинг билимларни қабул қилиш имкониятлари, тайёрларлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратилган вақтни дарс ичидаги тўрт унсурга ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юкорида айтилган афзалликлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам мавжуд. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс олиб борувчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши тақрорлаб чиқаман деган ўқитувчига албатта янги билим бериш учун кам вақт колади. Бу эса янги мавзуни баён қилиш ва уйниги филларни талаб даражасида беришга тўсқинлик қиласди. Шунинг учун кейинги вақтларда, педагогик амалиётда бир турдаги фаолият билан шугулланувчи дарслар пайдо бўла боплади. Буларга: янги билимларни эгаллаш дарслари, янги кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари, билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш

дарслари, билим ва кўникмаларни тежшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари, билим ва кўникмаларни амалиётда синаб кўриш дарслари.

Бу дарс турлари шундай номлангани билан, дарс ичидағи аралаш дарсларнинг тўрт унсурининг бири узайтирилиб, қолганлари кисқартирилган бўлади. Масалан, дарсларга ажратилган 45 дақиқани, янги билимларни эгаллаш дарс босқичида, дарсни ташкил қилиш ва ўтган дарсни тақорорлаш қисмига 2 – Здақиқа берилади. Бу вактда ўқитувчи ўтган дарсни тақорорламасдан қисқача эслатиб ўтади, холос ва ҳоказо. Куйида бу турдаги дарсларнинг ички тузилишини кўриб чиқамиз.

Янги билимларни эгаллаш дарси. Бу турдаги дарснинг таркибий қисми тузилиши тахминан қуйидагича бўлади:

1. Илгари ўтилган билимларни эслаш.
2. Янги билимларни баен этиш.
3. Янги билимнинг ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Назарияни қўллаш намунасини курсатиш.
5. Уйга вазифа бериб, дарсни якунлаш.

Эгалланган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарси. Бу турдаги дарснинг таркибий қисми тузилиши тахминан қуйидагича бўлади:

1. Назарий билимларни эслаш.
2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўникма хосил қилиш.
3. Дарсни якунлаш.
4. Уйга вазифа бериш.

Тақорорлаш дарси. Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш дарслари билан тақорорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва дарснинг ички тузилишига тааллуклидир. Шу билан бирга, бу дарсларнинг орасида тақорорланетган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган, бальзи жойлари тақорорланади. Билган нарсасини ҳадеб тақорорлайнермайди. Тақорорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари тақорорланади.

Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва билим ҳамда кўникмаларни тақомиллаштириш дарси. Бу турдаги дарснинг таркибий қисми тузилиши тахминан қуйидагича бўлади:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш.

2. Билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал илоқадорликни кўрсатиш.
3. Назарий билимларнинг ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Билимларни умумлаштирган қоида билан таништириш.
5. Мавзу бўйича эгалланган билимларни ҳосил килинган қўникмалар билан такомиллаштириб, малака даражасига етказиш.
6. Дарснинг натижаларини якунлаш.
7. Уйга вазифа бериш.

Эгалланган билим ва қўникмаларни текшириш (назорат) дарси. Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши: ўқитувчи тоғирикларни эълон қиласди, укувчилар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йигиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва тоғириклари шундай ифодаланиши керакки, ўкувчиларнинг жавобларидан улар билимларни пунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

Умумий урта ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида «Математика» фанини ўқитища асосан дарснинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

1. Янги мавзу мазмунини баён қилиш дарси.
2. Янги мавзуни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўкувчиларнинг билимларини, қўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Ўкув материалларини тақрорлаш ва умумлаштириш дарси.
5. Арапаш дарс.

Бундай турдаги дарслардан фойдаланиш ҳар бир дарснинг дидактик максад ва мазмунини ўкувчилар томонидан етарли даражада англанишида мухим ўрин тутади.

Умумий урта ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида «Математика» фани бўйича дарсларда янги мавзу мазмунини тушунтириш асосан уч хил методда амалга оширилади:

1. Маъруза.
2. Суҳбат.
3. Мустақил ишлар.

**Масалан.** Ҳозирги кун таълим тизими талабларидан келиб чиқкан ҳолда мулоҳаза юритсан, «Суҳбат» методидан фойдаланган ҳолда дарс жараёнини ташкил этиш замонавий педагогик технологияни кўуллаш имкониятларини оширади. Мазкур методнинг афзаллик томони шундан иборатки, ундан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этишда мавзу мазмунини ўкувчининг ўзи баён қиласди. Мантиқий мулоҳазалар чиқариш вақтида ва турли хисоблашларни бажаришда ўқитувчи ўкувчиларга мавзу

мазмунини очиб берувчи мантикий кетма-кетликка эга бўлган саволлар тизими орқали мурожаат қиласди. Бу саволларга жавоб бериш орқали ўқувчиларнинг мавзу мазмунини чукурроқ эгаллаш имкониятини оширади.

Куйида «Сұхбат» методидан фойдаланган ҳолда «Бир неча кўшилувчилар йигиндисининг квадрати формуласи»ни келтириб чиқаришни кўриб чиқайлик.

**Ўқитувчи:** Икки сон йигиндисининг квадрати тўғрисидаги ифодани эсингизга келтиринг (Ўқувчилардан бири доска олдига таклиф этилади ва икки сон йигиндисининг квадратини ифодаловчи формулани ёзиш сўралади).

$$\text{Ўқувчи: } (a+b)^2 = a^2 + 2ab + b^2$$

**Ўқитувчи:** Энди  $(a+b+c)^2$  нинг қандай ифодаланишини аниклайлик.

Агар биз иккита кўшилувчи йигиндиси квадратининг ифодасини биладиган бўлсак, учта кўшилувчи йигиндиси квадратини ифодасини чиқаришни қандай амалга ошириш маъсдага мунофик?

**Ўқувчи:** Шу уч сон йигиндиси квадратини икки сон йигиндиси квадрати кўринишида тасвирласак,  $(a+b+c)^2 = [(a+b)+c]^2$  бўлади.

**Ўқитувчи:** Бу ёзилган йигиндини квадратга кўтариш, мумкин бўлган ҳамма соддалаштиришларни бажаринг (Бир ўқувчини доска олдига таклиф килиш мумкин).

$$[(a+b)+c]^2 = (a+b)^2 + 2(a+b)c + c^2 = a^2 + 2ab + b^2 + 2ac + 2bc + c^2 = a^2 + b^2 + c^2 + 2(ab + ac + bc)$$

**Ўқитувчи:** Юқоридаги тартибда мулоҳаза юритиб,  $(a+b+c+d)^2$  ифода (тўртта кўшилувчи йигиндиси)нинг квадратини хисоблаш формуласини келтириб чақаринг?

**Ўқувчи:**

$$(a+b+c+d)^2 = [(a+b)+(c+d)]^2 = (a+b)^2 + 2(a+b)(c+d) + (c+d)^2 = \\ - a^2 + 2ab + b^2 + 2ac + 2ad + 2bc + 2bd + c^2 + 2cd + d^2 = a^2 + b^2 + c^2 + d^2 + 2(ab + ac + ad + cd)$$

**Ўқитувчи:** Ушбу  $|x^2 - 3x - 9| = -5$  – тенгламани «Савол-жавоб» методидан фойдаланган ҳолда ечайлик.

**Ўқувчи:** Бу тенгламани ечиш учун уни  $x^2 - 3x - 9 = -5 \Rightarrow -x^2 + 3x + 9 = -5$  тенгламалар кўринишида ёзаб оламиз.

**Ўқитувчи:**  $x^2 - 3x - 9 = -5 \Rightarrow -x^2 + 3x + 9 = -5$  тенгламаларни қандай коидага асосланган ҳолда ёздингиз?

**Үқувчи:** Агар бизга  $|a|$  сони берилган бўлса, у куйидагига тенг ёди:  $|a| = \begin{cases} a, & a > 0, \\ 0, & a = 0 \\ -a, & a < 0 \end{cases}$

**Ўқитувчи:** Хўш, у ҳолда ҳосил қилинган тенгламалар қандай счилади?

**Ўқувчи:**

$$x^2 - 3x - 9 = -5 \Rightarrow x^2 - 3x - 9 + 5 = 0 \Rightarrow x^2 - 3x - 4 = 0$$

**Ўқитувчи:**  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенгламани қайси формуладан фойдаланиб ечамиз?

**Ўқувчи:**  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенглама келтирилган квадрат тенглама бўлгани учун ва  $x^2 + px + q = 0$  тенгламанинг умумий ечими  $x_{1,2} = -\frac{p}{2} \pm \sqrt{\frac{p^2}{4} - q}$  - формула ёрдамида топилади.

**Ўқитувчи:**  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенгламани бу формулага қандай қилиб қўямиз?

**Ўқувчи:**  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенгламада  $p = -3$  ва  $q = -4$  бўлиб, биз уларни  $x_{1,2} = -\frac{p}{2} \pm \sqrt{\frac{p^2}{4} - q}$  формулага кўйсак,

$x_{1,2} = -\frac{(-3)}{2} \pm \sqrt{\frac{9}{4} - (-4)} = \frac{3}{2} \pm \sqrt{\frac{25}{4}} = \frac{3}{2} \pm \frac{5}{2}$  бўлади. Бундан,  $x_1 = \frac{3}{2} + \frac{5}{2} = \frac{8}{2} = 4$ ;

$x_2 = \frac{3}{2} - \frac{5}{2} = -\frac{2}{2} = -1$  бўлади. Демак,  $x_1 = 4$ ;  $x_2 = -1$  бўлади.

**Ўқитувчи:**  $-x^2 + 3x + 9 = -5$  тенгламани қандай ечиш мумкин?

**Ўқувчи:** Буни ҳам квадрат тенглама кўринишига келтирамиз  
 $-x^2 + 3x + 9 = -5 \Rightarrow -x^2 + 3x + 9 + 5 = 0 \Rightarrow -x^2 + 3x + 14 = 0$ . Охирги тенгликнинг  
 хар иккала томонини  $(-1)$  га купайтирасак,  
 $-x^2 + 3x + 9 = -5 \Rightarrow -x^2 + 3x + 14 = 0 |(-1) \Rightarrow x^2 - 3x - 14 = 0$  бўлиб, охирги  
 $x^2 - 3x - 14 = 0$  тенглама берилгани  $-x^2 + 3x + 9 = -5$  тенгламага тенг кучли  
 бўлади.  $x^2 - 3x - 14 = 0$  тенглама ҳам юкоридаги каби ечилади.

Бу мисоллар ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини аниқлашга ва шу билан бирга ўтилган материални мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Янги назарий материални ўрганиш» дарсида қўлланиладиган методлардан яна бири бу ўқувчиларнинг мустақил ишлариdir. Ўқувчиларнинг мустақил ишларида мисол ва масалалар счиш, теоремани турли хил усусларда исботлаш, ўрганилаётган мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда формулаларни келтириб

чиқариш, бу формулалар татбиғига доир мисол ва масалаларни ечиш каби ўкув методик ишлар амалга оширилади.

Масалан: Ўқитувчи «Тўла квадрат тенглама ва унинг илдизларини топиш» мавзуси ўрганилгандан кейин, «Келтирилган квадрат тенглама ва унинг ечимлари» мавзусини мустақил иш сифатида бериши мумкин. (Бунда ўқитувчи «Квадрат тенглама ва уни ечиш» мавзусининг мазмунини очиб берувчи мантиқий кетма-кетликка эга бўлган саволлар тузиши ва бу саволлар билан ўкувчиларга мурожаат қилиш орқали йўналтириб туриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур жараёнда ўқитувчи ҳар бир ўкувчининг берилган топшириқ мазмунини очиб беришда йўл кўйган хато ва камчиликларини ўз вақтида түгрилаб бориши талаб этилади. Чунки, бусиз «Мустақил ишлар» методи орқали ўкувчилар билимини чукурлаштириш мумкин бўлмай қолади.

Математика дарсларида «Маъруза» методидан ҳам фойдаланган ҳолда дарслар ташкил этилиб, бунда ўқитувчи томонидан мавзу мазмунини баён этишда у фаолрок бўлади. Бунда у ўкувчиларга баён этилаётган мавзу мазмунидан керакли қисмини ёзib олиш ва керакли чизмаларни чизиб олиш юзасидан кўрсатмалар бериб боради.

Мазкур метод ёрдамида дарсни ташкил этишда:

ўқитувчи назарий материалнигина змас, балки мисол ва масалаларни ҳам ўзи бажариши;

мантиқий мулоҳазаларни ҳам ўзи айтиши;

барча чизмаларни чизиш ва ёзувларни ёзишни ҳам ўзи бажариши мумкин.

«Маъруза» методидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этишда ўқитувчининг мавзу мазмунини баён қилиш йўли ўкувчилар учун намуна булиши, ўкувчилар ҳам ўз фикрларини ўқитувчикидек баён этишга интиладиган булиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ўқитувчи нутқининг саводхоялик даражаси, келтириладиган мулоҳаза ва исботлар етарли даражада асосланган булиши ҳамда нутқи равон булиши самарали таълим беришга ясос бўлиб хизмат қилади.

«Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш» дарслари деганда асосан ўрганилган ўкув материалини (назарий мълумотларини) такрорлаш ҳамда ўкувчиларни ўтилган мавзу материаллари юзасидан малака ва кўнижмаларини шакллантириш учун мисол, масалалар ечиш орқали дарсни ташкил этиш тушунилади.

Ўтилган назарий материалларни тақрорлаш олдиндан эгалланган билимларни чуқурлаштиришга, ўтилган мавзу мазмунига кенгроқ нұктаи назардан қарашиға олиб келади.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш дарсларида қуйидагиларға ытибор беріш лозим:

янги мавзу мазмуніда көлтирилған асосий түшүнчаларнинг үкувчилар томонидан үзлаштирилғанлық даражасига;

янги мавзудаги теорема ёки унинг исботини үкувчилар томонидан баён этилиш даражасига;

янги мавзуда үрганилған теорема ва формулалардан мисол, масалалар ечишда үкувчиларнинг фойдалана олиш даражасига.

Үкувчиларнинг янги мавзу мазмунини кундалик ҳаётда учрайдиган элементар муаммоларга татбиқ қилиш даражасини доимий равишда ҳисобға олиб бориш талаб этилади.

Үкувчиларнинг янги мавзу бүйіча эгаллаган билим, күникма ва малакаларини текшириш: оғзаки сүраш ёки әзма иш методи әрдамида аникланиши мақсадға мувоғиқ ҳисобланади (Бундай дарсларини үтказишида үкувчиларга оғзаки сүраладиган мавзу материаллари ва улар асосида үқитувчи томонидан тузилған саволлар кетма-кетлиги ёки әзма иш вариантыларидаги мисол-масалалардан намуналар бир ҳафта олдин өзөн қилиниши керак).

«Үкув материаллар тақрорлаш-умумлаштириш» дарслари математика дарсларида бирор боб үтиб бўлингандан кейин мазкур боб бүйіча згалланган билим, күникма ва малакаларини умумлаштириш характеристидаги тақрорлаш дарслари кўринишида ташкил этилади.

«Ўтилган материалларни тақрорлаш-умумлаштириш» дарслари олдин эгалланган билимларни чуқурлаштиришга, уларни маълум бир тизимга солишига ва ўтилган материалга умумийроқ нұктаи назардан қарашиға ёрдам беради. Математика фани бүйіча «Ўтилган материалларни тақрорлаш-умумлаштириш» дарсларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

ўкув йили бошидаги тақрорлаш-умумлаштириш дарси;

кундалик тақрорлаш дарси;

тематик тақрорлаш-умумлаштириш дарси;

якуний тақрорлаш-умумлаштириш дарси.

Ҳар бир тақрорлаш дарси ўз ўрни ва мақсадига эга бўлиб, ўкув йили бошидаги тақрорлаш дарсида үқитувчи аввалги синфда

ўтилган асосий мавзу материалларининг мазмуни ҳамда бу мавзуларда ишлатилган асосий математик тушунчаларни саволжавоб асосида ўқувчилардан сўраши ва сўнгра узи етарли даражада умумлаштириб бериши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Математика фанини ўрганишда ўқитувчидан ҳар бир дарсда янги мавзувининг мазмунини тушунтириш жараёнида илгари ўтилган мавзулар мазмуни ва улардаги математик тушунчалардан фойдаланган ҳолда янги дарсни ташкил этиши талаб этилади. Мазкур жараёнида олдиндан ўрганилган материаллар қайта эсга туширилади. Бу одатда «Кундалик такрорлаш» дарси деб юритилади.

Математикадан бирор боб мавзу материаллари урганилиб бўлинганидан кейин алоҳида такрорлаш-умумлаштириш дарслари ўтказилади. Бундай такрорлаш дарслари «Тематик такрорлаш-умумлаштириш» дарси деб юритилади.

**Эслатма.** Ўқитувчи такрорланадиган боб мавзу материалларини ўз ичига олуви мантикий кетма-кетликка эга бўлган саволларни ўқувчиларга бир хафта илгари бериб қўйиши ва ана шу саволлар асосида тематик такрорлаш дарси бўлишини зълон қилиши лозим. Мазкур саволлар асосида ўқувчилар «Тематик такрорлаш» дарсига олдиндан тайёргарлик кўришлари керак.

Бунда такрорлаш дарснни ўқитувчи «Савол-жавоб» методидан фойдаланган ҳолда ташкил этиши мақсадга мувофиқ хисобланади. Чунки, ушбу методдан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш натижасида ўқувчиларни ўқитувчи раҳбарлигига мавзулар кетма-кетлиги ва уларда қатнашаётган математик тушуничалар орасидаги мантикий боғланишларни англанган ҳолда тушуниб етиш имкониятлари ошади ҳамда уларнинг мазкур боб материаллари юзасидан эгаллаган билимларини мантикий кетма-кетликка эга бўлишини ва умумлашишини таъминлайди.

Ўқув йили охирида ўқув режаси буйича албатта такрорлаш дарслари режалаштирилган булади. Бундай такрорлаш дарслари «Якуний такрорлаш дарси деб юритилади. «Якуний такрорлаш» дарсида ўқув йили давомида ўтилган ҳар бир боб мавзу материаллари такрорланган ҳолда умумлаштирилиб борилади.

«Якуний тақрорлаш-умумлаштириш» дарсларининг самарали булиши учун «Ўқув йили бошидаги», «Кундалию», «Тематик тақрорлаш» дарслари ўз вақтида ўтказилган бўлиши талаб этилади. «Якуний тақрорлаш-умумлаштириш» дарслари орқали ўқувчиларининг йил

давомида олган билимлари умумлантирилади ва система-лаштирилади.

Тажкиба кўрсатадики, «Якуний тақорорлаш-умумлаштириш» дарсларини ҳамма ўқитувчилар ҳам методик жиҳатдан тўғри таш-кил қиласкермайдилар. Кўлгина математика ўқитувчилари «Якуний тақорорлаш-умумлаштириш» дарсини ўтказишда қўйидаги кам-чиликларга йўл қўядилар:

дарсларини ўтказишни фақат ўқув йили охирига режалаштиради;

дарси учун материал танлашга жиддий ёндашишмайди;

дарсини ўтказиш методикасини тўғри танлай олмайди;

дарси учун материал юзасидан савол ва топшириқлар системасини ишлаб чиқмайди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун ўқитувчи «Якуний тақорорлаш-умумлаштириш» дарсини ўтказишдан олдин қўйидагиларга зътибор бериши мақсадга мувофиқ хисобланади:

дарсининг мазмуни ўша синф ёки курсни умумлаштирувчи характерда бўлиши;

ҳар бир «Тақорорлаш-умумлаштириш» дарси мазмуни бўйича саволлар системаси тузилган бўлиши;

дарсларида ишланадиган машқлар системаси тузилган бўлиши; тузилган саволлар ва машқлар системаси тақорорланаётган материални системалаштирувчи ва умумлаштирувчи характерда бўлиши;

дарсини ўтказиш методикасига зътиборни кучайтириш ва ҳ.к.

Ўқитувчи «Тақорорлаш-умумлаштириш» дарси учун мавзуларни боб ёки курсни ўз ичига оладиган материаллардан танлаши мазкур дарслар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Масалан, УП синфда “Кўлбурчакларнинг юзи” номли бобга қўйидагича режа тузиш мумкин:

1. Геометрик фигуранинг юзи ҳақида тушунча.
2. Қавариқ ва ботик кўлбурчаклар
3. Учбурчак, тўртбурчак ва трапециянинг юзи.
4. Параллелограмм юзи.

5. Трапеция юзини ҳисоблаш формулалари учбурчак, тўртбурчак юзларини ҳисоблаш формулаларининг умумлашган ҳоли эканлиги ва ҳ.к.

#### 4. Математика дарсига қўйилган талаблар

Хозирги кунда таълим жараёнини ташкил этишда мумкин қадар ортиқча рухий ва жисмоний куч сарфламасдан туриб, кўзланган таълим мақсадларига самарали эришиш асосий талаблардан биридир. Бундай талабларга эришишни тъминлаш – таълим жараёни ва уни ташкил этишга янгича ёпдашувни талаб этиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:

қисқа вақт ичидан ўкувчилар томонидан олдиндан белгиланган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда етарли назарий билимларни згаллашларига эришиш;

шу асосда маълум фаолият кўникма ва малакаларини шакллантириш;

шаклланган мазкур фаолиятни ўз вақтида назорат қилиб бориш;

ўкувчилар томонидан згаллашган назарий ва амалий билимлар даражасини доимий равишда баҳолаб бориш ва ҳ.к.

Математика дарсларининг таҳлили шуни кўрсатадики, дарснинг мақсади унинг таркибий тузилиши ва барча босқичларини ўзаро мантиқий муносабатларини аниқлайди. Бунга эришиш куйидаги талабларнинг бажарилишида ўз аксини топади:

1. Ҳар бир математика дарси аниқ мақсадга (таълимий, тарбиявий, амалий) йўналтирилган бўлиши. Яъни, ҳар бир дарсда ўтилаётган мавзу мазмунини тушунтириш орқали ўкувчилар мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ҳамда уларни ақлий ва маънавий тарбиялашга эришилиши шарт ҳисобланади.

2. Дарс вақтини ва унда ўрганилаётган мавзу мазмунини тўгри тақсимлаш. Бу математика дарсида ўкувчиларни ўрганилаётган мавзу мазмунини яхши ўзлаштиришлари орқали математик, умуминтеллектуал ва ўқув фаолиятига нисбатан билим, кўникма ҳамда тафаккур қилиш фаолиятларининг шаклланишига олиб келади.

3. Дарсни ташкил этишда таълим-тарбия методи ва воситаларини тўғри ва ўринли танлаш. Яъни, ҳар бир ўқитувчи ўрганилаётган мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда таълим методлари (тушунтириш, илмий изланиш, холоса чиқариш ва ҳ.к.)дан қайсиларидан фойдаланилса, ўкувчилар мавзу мазмунини яхшироқ ўзлаштиришларини аниқлаб олиши лозим, шундагина дарс самарали бўлади.

4. Ўқувчиларнинг билишга доир бўлган фаолиятларини шакллантириш учун ўкув жараёнини ҳар хил усулларда ташкил қилиш.

Замонавий дарсни ташкил этиш ҳозирги кун ўқитувчидан юқори тайёргарликни талаб этади. Ўқитувчи ҳар бир дарега пухта тайёрланмасдан туриб таълим жараёнини самарали ташкил эта олмайди. Дарс жараёни самарадорлиги ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиш билан белгиланади. Эътиборсизлик билан режалаштирилган ва пухта тайёрланмаган, ўқувчилар имкониятлари билан уйгунашмаган дарс самараисиз бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриши лозим.

## 5. Математика дарсларини ташкил этиш методлари

«Метод» сўзи грекча сўз бўлиб «Усул» деган маънони англатиб, ўқитиш методлари деганда ўқитувчи ва ўкувчи талабаларнинг биргаликдаги аник мақсадга қаратилган фаолиятлари мажмуси тушунилади.

Ёки, усул (метод) – мақсадга етишишда кўлланиладиган таълимий тадбирлар ёки ўкув жараёнини амалга оширишда кўлланиладиган услублар системаси (мажмуя) [25].

Услуб – таълимий ва тарбиявий мақсадларга эришишда, муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун кўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуи (русча адабиётларда у педагогик «приём» деб каралган).

Методика – мақсадга эришиш жараёнида кўлланиладиган метод (усул) ва услубларни қўллаш йўриқномаси.

Таълим услублари – таълим усулларининг таркибий қисми бўлиб, таълим жараёнини амалга оширишда, учрайдиган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган тадбир ва чоралардир.

Математика дарс жараёнини амалга оширишда усул ва услубларни белгилаш. Педагогикада ўқитиш усули деб, таълимий мақсадларга эришишда кўлланиладиган педагогик чора-тадбирлар, яъни услублар йиғиндисига айтилади. Ваҳоланки, юкорида айтганимиздек, бошқа фаолият соҳаларида буни услуб – методика деб номлайдилар.

Шундан келиб чиқиб, “5110100 – Математика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши (мутахассислиги)нинг очилиши

муносабати билан «Методика» тушунчаси мөнъиятига тўхталиб ўтиш жоиз.

Педагогикада ҳам методика деган тушунча мавжуд. Бу тушунча, таълимий мақсадга эришишда кўлланиладиган педагогик усул ёки чора ва тадбирларни кўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади.

Педагогикада усул атамаси устида бошқа тушуичалар ҳам мавжуд. Чунончи, усуљарни педагог кўллайдиган бўлса, ўқитиши суали, талаба кўллайдиган бўлса, ўрганиши суали дейилади. Ўқитувчи ва талабаларнинг билим эгаллаш мақсадида биргаликда кўллайдиган усулларни маърифий ёки педагогик усуллар дейилади.

Усул ва услублар юзасидан бошқача фикрлар мавжуд.

**Методика:** юононча “methodike” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “Бирор ишни мақсадга мувофиқ бажариш усулларнинг мажмуи” маъносини билдиради.

Ҳар бир таълимий усулни бир бутунлик (мажму) деб билиб, уни ташкил қилувчи унсурларни таҳлил қилиб чиқканда, уларнинг ҳар бири услугуб (приём) бўлиб чиқмоқда. Эътибор беринг, услубнинг фалсафий талқинида, мақсадга етишишда кўлланиладиган усуллар тизими услугуб деб айтилган. Педагогикада унинг акси бўлиб чиқмоқда. Яъни педагогик мақсадга эришишда кўлланиладиган усулнинг бир унсури педагогик услугуб бўлмоқда. Бу тушунчалар педагогика илм-фанида анъанавий қулланиб келингандиги учун, биз ҳам шунга буйсуниб, педагогикада қабул килинган тушунчалардан фойдаланамиз.

Таълимий усул – мураккаб, кўп погонали, кўп киррали диссептив, очик, қайтарилиувчан марказлашган ижтимоий мажму бўлиб, дарс жараёнини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Педагогик усулларда, таълим жараённида объектив мавжуд бўлган қонуниятлар, таълим мақсади, мазмуни, тамоиллари ва таълим беришнинг шакллари ўз ифодасини топган бўлади. Таълимтарбия усулларида дидактиканинг барча тамоиллари ўз ифодасини топган экан, улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, таълим усуллари ўзгариши билан дидактика тамоиллари ҳам такомиляша боради ва бутун узлуксиз таълим-тарбия жараённинг такомилига ўз таъсирини ўтказади.

Педагогик усуллар таркибида объектив ва субъектив услублар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулнинг таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истисносиз ва доимий равишда ҳукм

сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чикувчи услублар киради. Субъективларига уқитувчи ва педагогнинг шахсий сифатларидан, ўкувчи ва талабаларнинг ҳамда ўкув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чикувчи услублар киради[16].

Ҳар қандай педагогик усулни шаклантиришда, албатта, объектив услубларга сұянилади. Ҳеч қачон субъектив услубларга кенг үрнн берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги мұносабатларни оптималлаштириш устида доимий тортишувлар бўлган ва бўлиб келмокда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойятиб борилиши керак, аммо бу ҳаракат мөъридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнан, субъектив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиш педагогнинг ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишганининг белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги нисбатни мувозанатда ушлаш жуда қийин. Чунки педагогик усул ўқитувчи ва педагогларнинг дарс беришдаги асосий қуроли бўлиб, ўқитувчи режалаштирган мақсадни, мақсадга эришиш чора-тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чикувчи ва ечилиши шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жараёнининг мантигини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳоратини ва бошқа кўплаб нарсаларни узида ифодалаши керак.

Куриб турганимиздек, педагогик усул кўп қиррали ижтимоий борлик бўлиб, унга таъриф берганда, унинг ҳамма томонларини ифодалаш қийин. Шунинг учун унга қуйидагича қисқа таъриф бериш мумкин.

**Педагогик усул – бу таълимий мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда, муайян режа асосида қиладигаи ҳаракатларининг тартиби.**

Педагогик усул кўп томонли бўлгани учун ҳам, уни гурӯхлаштирганда истаган жабҳасини асос қилиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам, педагогик усулларнинг таснифи жуда кўп. Педагог ва ўқитувчилар учун усулларни турларга ажратганда, албатта, педагогик амалиёт талабаридан келиб чиқиш тўғри булади.

## **6. «Математика фанини ўқитиш шаклари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларини ташкил этиш методлари ва дарс турлари» мавзусинаг лойиҳалари**

### **Модулнинг мавзуси ва мақсадлари**

#### **6.1-жадвал**

| <b>Модулнинг номи</b>  | <b>Модулдан кузланган мақсадлар</b>   |
|--|---|
| <b>Математика фанини ўқитиш шакллари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларни ташкил этиш методлари ва дарс турлари</b> | <p><b>Таълими:</b> Талаба математика фанини ўқитиш шакллари билан танишиб, замонавий дарс, унинг тузилиши ва математика дарси алгоритми нимадан иборат эканлигини тушуниб етади; математика дарсларини самарали ташкил этиши усувлари билан танишиб, математика дарсларини ташкил этиш методикаси ва шу асосда математика фанини ўқитишнинг методик системасини таҳлил эта олади; математика дарси жараёнида урганилаётган мавзунинг мақсади, мазмуни, шакли, методи, унда фойдаланиладиган таълим воситалари ва кўзланган мақсадга эришишини олдинидан кафолатлашга хизмат килувчи таълим технологияларини илмий-методик жихатдан умумий ўртататлим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тиғими ўкувчиларига тушунтириб бериш кўникмаси шакланади ва уларни ўз касбий фаолияти жараёнида қуллай олади; дарс турлари билан танишади; дарс методлари ва турларини танлаш малакаларини эгаллайди; математика фанини ўқитиш шакллари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларни ташкил этиш методлари ва дарс турлари бўйича дарс машгулотларининг лойиҳаларини мустакил тузиш кўникмаси ҳосил бўлади. Уларни амалда қўллай олади</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талабаларда хар бир математика дарси ўкув тарбиявий жараёнининг асоси эканлиги хакида тушунча пайдо бўлади; хар бир математика дарсининг мақсади, мазмуни, унда фойдаланила-диган таълим шакли, методи, воситалари ва технологияларини хисобга олган холда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўкувчиларини илмий билиш гоялари асосида тарбиялаш кўникмаси шакланади</p> <p><b>Амалий:</b> Талабаларда хар бир математика дарси</p> |

## 6.1-жадвалнинг давоми

|  |  |
|--|--|
|  | мавзусининг мақсади ва мазмунига мос келувчи амалий характердаги мисол ва масалалар ечиш орқали умумий ургаташлим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасалари уқувчиларида утилаётгаян мавзуга доир амалий мазмунга эга бўлган билимларнинг мажмуга кўникмаси ҳосип бўлади. |
|--|--|

## Модул ичидағи кичик модуллар номлари ва мақсадлари

### 6.2-жадвал

| Т/р | Кичик модуллар номи  | Кичик модулларнинг мақсади   |
|-----|--|--|
| 1   | Таълим шакллари хақида тушунча. Математика фанини ўқитиш шакллари                    | Талабада ўқитиш шакллари хақида олдиндан маълум бўлган билимлари янада чукурлашади; умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимида математика фанини ўқитиш шакллари хақида етарли маълумотга эга бўлади; дарсга тайёргарлик тизимини билади; таълим шаклларини тўғри тандай олиш кўникмалари шаклланади; замонавий дарсни ташкил этиш ҳозирги кун талаби эканлигини тушунади; дарс тури ва босқичларидан кенг фойдаланиш кўникмаси ривожланаади; замонавий дарсни ташкил этиш ҳозирги кун ўқитувчисидан юқори тайёргарликни талаб этилишини на куннинг талаби эканлигини тушунади ва уларни таълим амалиётига қўллай олади |
| 2   | Математика бўйича замонавий дарс ва унинг тузилиши                                   | Талабанинг дарс, замонавий дарс ва уларнинг тузилиши хақида билимлар доираси кенгаяди; умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимида математика фанидан замонавий дарс ва унинг тузилиши хақида билимларни эгаллайди; умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимида математика дарсларини ташкил этиш хақида кўникмалар шаклланади   |
| 3   | Математика дарсларининг турлари ва уларни тузилиши дарс тури ва босқичларини аниқлаш | Талабада дарсни ташкил этиши методлари хақида олдиндан маълум бўлган билимлари кайта эсга туширилиши па мустахкамланиши орқали янада чукурлаштирилади; умумий ўрта таълим ва ўрта  |

## 6.2-жадвалнинг давоми

|    |   |  |
|----|---|--|
|    |   | максус, касб-хунар таълим тизимида математика фани буйича дарсларни ташкил этиш методлари билан танишади ва улардан фойдаланиши малака ва кўникмалари шаклланади; дарс методларини тўғри ва ўринли танлашнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини тушуниб етади; дарс методларини тўғри ва ўринли танлаш малака ва кўникмаларига эга бўлади   |
| 4  | Математика дарсига кўйилган талаблар        | Талабада дарс турлари хақидаги олдиндан маълум бўлган билимлари эсга тушпирлиди ва мустаҳкамланади; умумий ўрта таълим ва ўрта максус, касб-хунар таълимни тизимида фойдаланишадиган дарс турлари билан етарли даражада танишади; дарс турларидан касбий педагогик фаолияти жараённида фойдалана олиш малака ва кўникмалари шаклланади   |
| 5. | Математика дарсларини ташкил этиш методлари | Талаба анъанавий ва ноанъанавий таълим методларини билади; замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш кўникмаси шаклланади; дарс жараёнида танқидий фикрлашни шакллантиришга ва ривожлантиришга асосланиш лозимлиги хақида тасаввурга эга бўлади; уларни амалда кўллай олади. Талаба таълим методларини танлашни билади; методларни танлашда моддий-техника базанинг ўрнини тушупади; фойдаланишадиган ўқитиш шакллари ва воситаларини танлаш буйича кўникма шаклланади ва уларни таълим амалиётига кўллай олади. |

## Кичик модуллар ичидаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

### 6.3-жадвал

| T/p | Таянч тушучалар   | Таянч тушунчалар асосида тузилган назорат саволлари   |
|-----|---|---|
| 1   | Дарс, дарс тури ва бос-кичлари, ўқитиш шакли, математика фанини ўқитиш шакллари | <p>1) Ўқитиш шакли деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2) Математика фанининг ўқитиш шакли деганда нимани тушунасиз?</p> |

**6.2-жадедавнинг давоми**

|    |  |  |
|----|--|--|
|    |  | 3) Уқитишнинг кандай шакларини биласиз?<br>4) Уқитишни ташкил килишнинг қайси шакли асосий хисобланади?<br>5) Урганилаёттан мавзуни чукуррок англаб олиш учун нима килиш зарур?  |
| 2. | <b>Дарснинг мақсади, замонавий дарс, дарсни ташкил қилиш воситалари, дарсни тузилиши, модел</b>  | 1) Дарс деганда нимани тушунасиз?<br>2) Замонавий дарс деганда-чи?<br>3) Дарснинг тузилишини тушунтириб беринг.<br>4) Билимларни әгаллаш үчун кандай воситалар керак?<br>5) Куйидаги моделлардан зиг асосийини күрсатинг?  |
| 3. | <b>Дарсни ташкил этиш, дарсни ташкил этиш методлари, дарс методлари таснифи, математика фанини ўқитища фойдаланиладиган дарс методлари, уларни танлаш, ўтилган материалларни тақоришлаш-умумлаштириш</b> | 1) Дарсни ташкил этиш деганда нимани тушунасиз?<br>2) Дарсни ташкил этиш методлари деганда-чи?<br>3) Дарс методлари таснифини айтиб беринг.<br>4) Математика фанини уқитища фойдаланиладиган ўзига хос дарс методларини айтинг.<br>5) Барча дарс босқичлари курсатилган дарсни асослаб беринг?                                 |
| 4  | <b>Математика бўйича замонавий дарс турлари, унга куйиладиган талаблар</b>   | 1) «Дарс турлари» деганда нимани тушунасиз?<br>2) Замонавий дарс турларини айтиб беринг.<br>3) Замонавий дарсга куйиладиган талабларни айтиб беринг.<br>4) Барча дарс таркибига тула кирадиган босқични айтиб беринг?<br>5) Кандай дарс тури ва босқичларини биласиз?  |
| 5. | <b>Математика дарсларини ташкил этиш методлари, анъянавий ва ноанъянавий таълим методлари, таълим методларини танлаш, дарс босқичлари</b>  | 1) Дарсни ташкил этиш методларини айтиб беринг?<br>2) Анъянавий таълим методлари қуллаш урнини курсатиб беринг?<br>3) Ноанъянавий таълим методлари деганда нимани тушунасиз?<br>4) Амалий ишларни бажаришда қулланиладиган методларни курсатинг?<br>5) Математика дарсларида амал қилинадиган дидактик тамойилларни курсатинг. |

**Кичик модулнинг назорат саволлари асосида тузилган  
тест тошириклари**

6.4-жадвал

| <b>T/p</b> | <b>Саволлар</b>   | <b>Мумкин булган жавоблар</b> |  |  |  |
|------------|---|-------------------------------|--|--|--|
| 1.         | Урганилаётган мавзуни чукурроқ англаб олиш учун нима қилиш зарур? | A                             | Билим, күникма   |  |  |
|            |   | B                             | Кўйилган муаммони ҳал этилишига қаратилган муаммоли вазияти ташкил этиш ва саволлар мажмуасидан фойдаланиш |  |  |
|            |   | C                             | Дарсни шундай ташкил қилиш керакки унда ўқувчилар албатта иштирок этсин                                    |  |  |
|            |   | D                             | *Учитувчи ва ўқувчи ўртасида сухбат (диалог)   |  |  |
| 2.         | Ўқитишини ташкил қилишнинг қайси шакли асосий хисобланади?        | A                             | Дарс   |  |  |
|            |   | B                             | Гурухли машғулот   |  |  |
|            |   | C                             | *Индивидуал машғулот   |  |  |
|            |   | D                             | Синфдан ташкари машғулотлар  |  |  |
| 3.         | Барча дарс турлари курсатилган дарсни кўрсатинг?                  | A                             | *Комбинациялашган дарслар, янги дарсни урганиш дарси   |  |  |
|            |   | B                             | Билим, күникма ва малакаларни мустахкамлаш дарси   |  |  |
|            |   | C                             | Билим, күникма ва малакаларни назорат қилиш дарси, Комбинациялашган дарслар, янги дарсни урганиш дарси     |  |  |
|            |   | D                             | Такрорлаш дарси  |  |  |
| 4.         | Кўйидагилардан қайси бирин дарс таркибига тўла киради?            | A                             | *Янги мавзуни ўрганиш  |  |  |
|            |   | B                             | Дарснинг ташкилий кисмини мустахкамлаш   |  |  |
|            |   | C                             | Ўтилган мавзу бўйича уй вазифасини текшириш орқали ўқувчиларнинг билим, күникма ва малакаларини аниqlаш    |  |  |
|            |   | D                             | Билим, күникма   |  |  |
| 5.         | Билимларни эгаллаш учун қандай воситалар керак?                   | A                             | Кургазмали куроллар  |  |  |
|            |   | B                             | *Китоблар, босма асосдаги дафтарлар  |  |  |
|            |   | C                             | Ўқитиш воситалари  |  |  |
|            |   | D                             | Схема, чизма, расмлар  |  |  |
| 6.         | Кўйидаги моделлардан энг асосийсини кўрсатинг?                    | A                             | Маълумотнома   |  |  |
|            |   | B                             | Топшириклар ёзилган карточкалар, методик кулланма  |  |  |
|            |   | C                             | Мисол ва масалалар тўплами, маълумотнома   |  |  |
|            |   | D                             | *Дарслик, босма асосдаги дафтар  |  |  |
| 7.         | Хозирги кунда таъ-  | A                             | Индивидуал машғулотлар шаклида.  |  |  |

|     |   |    |  |
|-----|---|----|--|
|     | лим қандай шаклларда ташкил этилмокда                                   | B  | Гурухли машғулотлар шаклида.   |
|     |   | C  | *Синф-дарс, маъруза ва таълим мусасасидан ташқари машғулотлар тақлида.   |
|     |   | D  | Синфдан ташқари машғулотлар шаклида  |
| 8.  | Таълимнинг гурухли шакли қандай турларга ажратилади?                    | A  | Умумлаштирилган гурухли шакли.   |
|     |   | B  | Табакалаштирилган гурухли шакли.   |
|     |   | C  | *Табакалаштирилган ва умумлаштирилган гурухли шакллари.  |
|     |   | D  | Табакалаштирилган гурухли ва синф-дарс.  |
| 9.  | Дарс – бу.....  | A  | Синфда тақвим-мавзу режа асосида белгиланган вакт давомида уқитувчи томонидан укувчилар учун укув-тарбия жараёнининг мақсадли ташкил этилишидир.   |
|     |   | B  | Уқитувчи ва ўкувчиларнинг биргаликдаги фаолияти.   |
|     |   | C  | *Дарс – мазмунни ДТСларида, умумий ўкув спектлари, ўкув режаси ва ўкув дастурларида белгилаб кўйилган ҳамда шулар асосида 45 (ёки 80) дақика давомида кўзланган мақсадга эришиш йулидаги уқитувчи ва ўкувчилар (талабалар)ни биргаликдаги фаолиятидир. |
|     |   | D  | Ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти.   |
| 10. | Математика дарсларида амал килинадиган дидактик тамойилларни кўрсатинг. | A  | Илмийлик, онглийлик ғамойиллари  |
|     |   | B  | Онглийлик, кургазмалийлик тамойиллари  |
|     |   | C  | Фаоллик тамойили, пухта ўзлаштирип тамойили, тизимлийлик тамойили  |
|     |   | D  | *Илмийлик тамойили, онглийлик тамойили, кургазмалийлик тамойили, фаоллик тамойили, пухта ўзлаштириш тамойили, тизимлийлик тамойили, назария билан амалиётнинг боғлиқиги тамойили, фанлараро алокадорлик тамойили                                       |
| 11. | Ҳар бир дарс нечта босқичдан иборат?                                    | A  | *4   |
|     |   | B  | 2  |
|     |   | C  | 3  |
|     |   | D  | 5  |
| 12. | Барча дарс типлари курсатилган дарсни кўрсатинг?                        | A) | Комбинациялашган дарслар, янги билимларни урганиш дарси  |
|     |   | B) | Билим, кўникма ва малакаларни мустахкамлаш дарси   |
|     |   | C) | *Билим, кўникма ва малакаларни назорат килиш дарси, Комбинациялашган дарслар,  |

|     |   |    |   |
|-----|---|----|---|
|     |   |    | янги билимларни ўрганиш дарси, тақорлаш дарси   |
|     |   | D) | Тақорлаш дарси  |
| 13. | Куйидагилардан кайси бири дарс таркибиға тұла киради?               | A) | *Янги мавзуни ўрганиш   |
|     |   | B) | Дарснинг ташкилий кисмини мустаҳкамлаш  |
|     |   | C) | Үтилған мавзу бүйіча уй вазифасини текшириш орқали үкүвчишарнинг билим, күнікма ва малакаларини аниклаш   |
|     |   | D) | Билим, күнікма ва малакаларни баҳолаш   |
| 14. | Синф-дарс системасыда асосан кайси илмий методлардан фойдаланилади? | A) | *Барча методлардан  |
|     |   | B) | Анализ, синтез  |
|     |   | C) | Сұхбат, диалог  |
|     |   | D) | Индукция, дедукция Абстракция конкретлаштыриш, умумлаштыриш   |
| 15. | Дарснинг кандай түрларини биласиз?                                  | A) | *Янги үкув материалини ўрганиш дарси, билим, күнікма ва малаканы тақомиллаштыриш дарси умумлаштыриш жа системалаштыриш дарси, билимни назорат килиш дарси, комбинациялашган дарси |
|     |   | B) | Лекция дарси, амалий машғулоттар, лаборатория   |
|     |   | C) | Янги үкув материалини ўрганиш дарси   |
|     |   | D) | Билим, күнікма ва малаканы тақомиллаштыриш дарси  |

### Дарс түри ва унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

*6.5-жадвал*

| T/p | Қабул қилинган үқуп машғулотининг түри | Қўлланиладиган педагогик усул ва усуллар   |
|-----|--|--|
| 1   | «Кириш үкув машғулоти», дарс-матъзуза. | «Танишув», «самъуз», «муаммоли баён», «кургатмали».  |
| 2   | «Янги билимларни згаллаш»              | «Бумеранг (саволлар алмашуви)», «муаллиғта саволлар (мағзунини ойдинлаштыриш)», «мурокот». |
| 3   | «Янги билимларни згаллаш»              | «Айтиб бериш», «мурокот» «ҳамкорликда баҳолаш (шерик фикри)».                              |
| 4   | «Янги билимларни згаллаш»              | «Айтиб бериш», «Блиц сұров», «мурокот».  |
| 5   | «Кайтариш мустаҳкамлаш»                | «Мурокот», «Фронтал сұров»   |

**Үқув жараёнида фойдалапиладиган ахборот технологиялар ва  
дидактикалык материалларнинг қулланиш жойлари**

**6.6-жадвал**

| <b>T/p</b> | <b>Ахборот технологиялари</b>  | <b>Дидактикалык материаллар</b>  |
|------------|--|--|
| 1          | Езуў доскаси   | Коидалар ифодаланган тақдимот  |
| 2          | Компьютер, мультимедиа, ёзуў доскаси   | Үқув ва күргазмали материаллар ва слайдларнинг нусхалари   |
| 3          | Компьютер, ёзуў доскаси  | Жадвал   |
| 5          | Компьютер таълим услугиётининг изчилигини таъминлаш  | Математика ўқитиш методикаси фанига доир дарслек, услугбий қулланмалар, үқув-методик мажмуда күрсатмали қуроллар ҳамда үқув маинуотларнинг лойихалари, тест. |
|            | Мавзуу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар оркали намойиш килиш | Тест   |

**6.7. Мавзусининг мазмуни ва үқув жараёнини амалта ошириши ифода этувчи мати СЦЕНАРИЙСИ берилади.**

**6.8. Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:[4, 5, 9,13, 16, 19, 20, 25, 32, 36, 37, 39, 51, 55].**

## **УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **МАТЕМАТИКАДАН ДАРСГА ТАЙЁРЛАНИШ. ДАРС ТАҲЛИЛИ, ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ**

**3.1-МАВЗУ.** Математика дарсига тайёрланиш ва дарс таҳлили.  
Математика дарсига қўйиладиган талаблар. Ўқувчиларниң  
билимларини назорат қилиш ва баҳолаш

#### **Кичик модуллар:**

1. Математика дарсига тайёрланиш ва унинг босқичлари.
2. Дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилиш жиҳатлари.
3. Математика дарсининг таҳлил қилиш методикаси.
4. Ўқувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.
5. «Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили, математика дарсига қўйиладиган талаблар, ўқувчиларниң билимларини назорат қилиш ва баҳолаш» мавзусининг лойиҳалари.

#### **1. Математика дарсига тайёрланиш ва унинг босқичлари**

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуидаги иккита босқичда амалга оширилади:

##### **1) Ўқитувчининг дарсга умумий тайёргарлиги.**

Ўқитувчининг дарсга умумий тайёргарлиги доимий равища амалга ошириб бориладиган жараён бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади:

Давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастур ва уларга берилган тушунтириш хатларини ўрганиб чиқиш;

ўқув фанига оид янги илмий-методик адабиётлар билан доимий равища танишиб бориш;

ўз фани соҳасидаги энг янги маълумотларни тўплаш, муаммоли масала ва топширикларни, тест материалини жамлап;

ҳар бир дарсда қўлланилиш мумкин бўлган кўргазмали материаллар ва ўқув жиҳозларини тўғри танлай олиши ва улардан Ўринли фойдаланиш;

иљгор педагогик тажрибаларни доимий равища ўрганиб бориши орқали ўз билимларини кенгайтириб бориш;

компьютер техникасидан дарс жараёнида фойдалана олиш мөхордтини опириб бориши, электрон дарслерлар, матн мухиррirlари, [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) ахборот порталига жойлаштирилган мінъумотлардан самараги фойдалана олиш талаб этилади.

## 2) Үқитувчининг кундалик дарсга тайёргарлиги.

Үқитувчининг дарсга кундалик тайёрланиши дарсни ташкил этиш, ўкувчиларга бериладиган билим, күнкіма ва малакаларни қолдана даражада ўзлаштиришини таъминлайди. Дарсга тайёрланиш алгоритми (коидалар мажмуи) барча омиллар, холатларни хисобга олиш ва кафолатлайдиган изчил тадбир бўлиши зарур. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда куйидаги тавсияларга риоя қилиши лозим.

**Ўқитувчи дарсга тайёрланишдан олдин куйидагиларга утиборини қаратиши зарур:**

дарсда ўкувчи шахсини ривожлантириш учун аввало, унинг идрокини кучайтириш ва хотирасини мустаҳкамлаш асосида ўкув материалларининг хотирада сақланишини таъминлаш зарур;

дарснинг мақсадига зришиш учун ўкув материалларини тўғри ташлаш, бунда ўкувчиларнинг билим савиасини хисобга олиш ва дарсни жиҳозлашга жиддий эътибор бериш;

ўкув материаллари ўкувчиларга тушунарли булиши учун гыллимнинг метод ва услубларини тўғри танлапи ҳамда ўринли қўллай олиши мухимdir.

Дарс ўқитувчига жуда катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳар бир дарсга пухта тайёрланиш тажрибали ўқитувчи учун ҳам, ёш ўқитувчи учун ҳам бир хил масъулият юклайди. Бунда ҳар бир ўкувчи шахсини ҳар томонлама чукур урганиш талаб этилади. Чунки ўкувчи шахси таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадга оршишишнинг асоси хисобланади.

Шунинг учун, биринчидан, ўқитувчи синф жамоасининг куйидаги ўзига хос бўлган хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

ўкувчиларнинг билими ва ўзлаштириш савиаси;

ўкувчиларнинг фанга бўлган муносабати;

сифнинг ишлаш тезлиги;

билим, күнкіма ва малакаларнинг шаклланганлиги;

ҳар хил турдаги ўкув жараёнига муносабати;

ўкувчилар интизоми.

Иккинчидан, ҳар бир ўкувчининг индивидуал хусусиятларини утиборга олиш зарур:

ўкувчи асаб тизимиning шаклланганлиги даражаси;  
ўзаро фикр алмашинуви;  
хиссиятга берилувчанлиги;  
янги материалнинг ўкувчилар томонидан қабул килинишини бошқариш;  
ёмон кайфиятни тарқатиш йўлларини билиш;  
ўзининг билим ва қобилиятига ишониш;  
таълимнинг турли дидактик воситаларининг ишлаш тамойилларини ва улардан тўғри ҳамда ўринли фойдаланишни билиш.

Ўқитувчи олдида турган асосий вазифалардан яна бир ўкувчиларга бериладиган таълим-тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришдан иборатdir.

Демак, ўқитувчи ҳар бир дарсни режалаштирганда дарсни юқори савияда ўтишини таъминлаш учун етарли даражада дарс ишланмасини батафсил тузиши, аниқ вазиятларни зътиборга олган ҳолда дарсларни турли шаклларда уtkазиши талаб этилади.

Ўқитувчи томонидан дарсга куидалик тайёргарлик куйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофик ҳисобланади:

таквим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган вакт аниклантириб олинади;

давлат таълим стандарти ва ўкуя дастуридан ўтилаётган мавзу юзасидан ўкувчидаги қандай тушуичалар шакллантирилиши, яъни ушбу мавзу бўйича қандай билим, малака ва кўнижмалар шакллантирилиши лозимлиги аникланади ҳамда шу асосда дарс мақсадлари аникланади;

мазкур дарсда фойдаланиладиган таълим воситалари (техник воситалар, слайдлар, кургазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар) аникланади ҳамда дарсга тайёрлаб кўйилади;

дарснинг структураси, тури, методлари ва ўқитиш услублари белгилаб олинади;

фанлараро боғланиш имкониятлари аникланади ва ундан дарс жараёнида фойдаланиш йўллари белгилаб олинади;

ўқитувчи ва ўкувчиларнинг дарсдаги ҳамкорликдаги фаолиятлари режалаштирилади;

ўкувчиларнинг дарсдаги мустакил фаолиятлари ҳажми белгилаб олинади;

дарсда эгалланган билим, кўнижма ва малакаларни мустахкамлаш усул ва шакллари белгилаб олинади;

уй вазифасининг ҳажми белгилаб олинади;

Ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш усуулари белгилаб олинади;  
дарсни якунлаш шакллари белгилаб олинади;  
белгиланган талаблар асосида юқоридагиларга асосланган ҳолда дарс ишланмаси тайёрланади.

### Дарс ишлапмасини тайёрлаш

Ҳар бир дарс:

маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилиши ва пухта режалаштирилган бўлиши;  
мустақкам маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиявий йўналишга эга бўлиши;

дарснинг кундалик турмуш ва амалиёт билан боғланган бўлиши;  
хилма-хил метод ва услублардан, воситалардан кенг ва унумли, үринли фойдаланган ҳолда олиб борилиши;

ўқувчиларнинг кунт билан ишлашларини таъминлайдиган бўлиши

машғулотларни бутун синф билан ёппасига олиб бориш ва ўқувчилар билан якка тартибда ишлашни ҳисобга олган ҳолда ималга ошириш режалаштирилган бўлиши лозим.

Машғулотларнинг муваффакиятли ўтиши таълим жараёнининг тўғри режалаштиришни ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғликдир.

### Ўқув жараёнини режалаштириш

Ўқув жараёнини режалаштиришда ўқитувчидан куйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

1. Дарс мавзусини, мақсад ва вазифалари, тури, тарбиявий имкониятларини аниқлаш.
2. Дарс учун керакли кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар ва зарур жиҳозларни тайёрлаш.
3. Дарснинг вазифасидан келиб чиқсан ҳолда унинг ҳар бир босқичи учун зарур бўлган материаллар, фактлар, мисол, машқ ва топширикларни танлаш.
4. Таълимнинг метод ва услубларини тўғри танлаш.
5. Ўқувчилар учун мустақил ва уйда бажариладиган вазифаларни белгилами.

**6. Кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотта ажратилган вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш лозим.**

Буларнинг барчаси дарс ишланмасида ёки дарснинг технологик харитасида ўз ифодасини топади.

### **Дарс ишланмаси (Технологик харита)**

Дарс ишланмаси (дарснинг технологик харитаси) ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган хужжат бўлиб, уни тузишдан кўзланган асосий мақсад – ўқитувчи билан ўкувчиларнинг дарс жараёнида биргаликдаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмунини ёритиб бериш ва шу орқали таълим самарадорлигини оширишга эришишдан иборат.

Дарс ишланмалари учун тайёр қолия йўқ, чунки жонли дарс жараенни ҳеч қандай қолилга солиб бўлмайди. Дарс маълум бир мақсадга қаратилган, ДТС талаблари асосида ўкувчиларга билим, кўникма ва малака бериш натижасини аниқ белгилаб олган ҳолда ўқитувчининг маҳорати, ўкувчиларнинг тайёргарлиги даражаси асосида режалаптирилади.

**1. Дарс манзузи (тақвим-мавзуу режа асосида белгиланади).**

**1. Дарс мақсади:**

Таълимий (ўкувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини қандай шакллантириш, ривожлантириш кўзда тутилган ҳолда белгиланади).

Тарбиявий (шахснинг қандай сифатлари шакллантирилиши кўрсатилади).

Ривожлантирувчи (ўкувчилар ақлий фаолиятининг қандай шаклларини ҳамда мантиқий жараёнларини узлаштирадилар ва бу қандай ривожлантирувчи натижа бериши ифодаланади.)

**2. Дарс тури (тақвим-мавзуу режа бўйича дарснинг тури курсатилади).**

**3. Ўқитиши методлари:** (методлар, услублар, таълим технологиялари).

**4. Дарс жиҳози:** ўкув техник воситалар, кўргазмали куроллар, маълумотлар манбаи, ўқитиши дидактик воситалари танланади.

**5. Янги билим беришдаги таянч тушунчалар:** Янги материални ўзлаштириш учун ёрдам берадиган таянч билимларнинг муҳимларини ажратиш, ўкувчиларнинг мустақил ишларини режалаштириш, фанга тегишли бўлган тарихий маълумотлар бериш,

үнинг амалий аҳамияти, ўзига хос саволларнинг кўриниши, фанга бўлган қизиқиши ошириш, масалаларнинг янгича ифода қилиниши, муаммоли вазият яратиш, иш жараёнида назорат шаклини белгилаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, тескари алоқани ўрнатиш шакллари учун вақт кўрсатилади.

#### **6. Янги тушунчалар ва ҳаракат усулларини шакллантириш:**

Ўрганилиши лозим бўлган янги тушунчалар ва уларни ўзлаштириш усулларини кўрсатиш;

Давлат таълим стандарти талаблари асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи, дарс учун билимларнинг кенгайтирилиши ва чукурлаштирилишини кўрсатиш;

билимни ўзлаштириш босқичида билиш, фаолияти усулларини шакллантириш;

мустакил иш турини аниқлаш;

фанлараро алоқани ўрнатиш усулларини белгилаш;

индивидуал топшириқларни бажариш учун (карточкалар, муаммоли ва маълумотли саволлар) дидактик материалларни белгилаб олиш.

#### **7. Куллаш (кўникма ва малакаларни шакллантириш).**

Дарс жараёнида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар аниқ кўрсатилади.

##### **Масалан:**

саволни тўғри кўйиш малакаси, сабабини аниқлаш, таснифлаш, таққослаш;

тескари алоқа ўрнатиш усуллари белгиланади, суралиши лозим бўлган ўқувчилар исми, шарифлари кўрсатилади ва бошқалар.

**8. Уйга вазифа(асосий вазифа кўрсатилади, тақрорлаш учун саволлар, ижодий топшириқлар берилади).**

**Изоҳ.** Уй вазифасининг ҳажми синфда бажарилган ишнинг 2/3 кисмидан ошмаслиги керак.

##### **Дарс ишланма режасининг тузилиши**

**Сана** \_\_\_\_\_

**Синф** \_\_\_\_\_

**Мавзу:** \_\_\_\_\_

**Мақсад** \_\_\_\_\_

**Таълимий:** \_\_\_\_\_

**Тарбиявий:** \_\_\_\_\_

**Ривожлантирувчи:** \_\_\_\_\_

Тури: \_\_\_\_\_  
 Методлари: \_\_\_\_\_  
 Жиҳозланиши: \_\_\_\_\_

### Дарс босқичларидаги узвий кетма-кетлик

| Ташкеллий   | Янги билимни ўзлаштириш   |
|---|---|
| Уй вазифасини текшириш  | Янги билимни мустаҳкамлаш (янги мавзу бўйича олдиндан тайёрланган саволлар асосида) |
| Хар томонлама билимларни текшириш<br>(ўтилган мақулар бўйича олдиндан тайёрланган саволлар асосида) | Уй вазифаси бўйича ахборот, йуриннома   |
| Янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш   |   |

### Дарс қисмининг мазмуни

| Дарс босқичи | Вакти | Кўлланиладиган метод | Ўқувчи фаолияти | Ўқитувчи фаолияти |
|--------------|-------|----------------------|-----------------|-------------------|
|              |       |                      |                 |                   |

Демак, ўқитувчи дарсни режалаштиришида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва олдинги ўтилган дарсни такрорлаш, билим ва малакаларни текшириш кераклигини эсда тутиши, оғзаки ва ёзма кўникмаларни ифодалаш, нутқ маданияти устида ишлаш маҳоратини такомиллаштириши, дарсдаги материалларни яхши ўрганиб чиқиши ва ўқувчилар хотирада сақлаши керак булган матнларни ёддан билиши лозим.

**Эслатма.** Дарс – ўқитишни ташкил этишининг ўзгармас шакли эмас, чунки ўкув амалиёти ва педагогик таффаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Шундай экан, берилаётган тавсиялардан ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш ва шу орқали, уни янада бойитиб бориш муҳим ҳисобланади.

### Педагогик технология тамойиллари асосида ўкув машғулоти лойиҳаларини тузиш

Профессор-ўқитувчилар олдида талабаларда модулли таълим технологияси асосида ўкув машғулотлар лойиҳаларини тузиш кўникмасини шакллантириш вазифаси туради.

Математика ўқитувчиси дарсга киришдан олдин ушбу дарснинг лойиҳасини тузиб чиқиши мақсадга мувофиқ.

## Дарсларниң лойиҳалари тузиш ЙУРИҚНОМАСИ

**Баригчи –** Ўкув фанининг умумий мақсади ҳамда шу фаннинг катта ва ўрта бўлаклар(модул)ининг олдига қўйилган мақсадларини ифода этувчи, кейинчалик, барча ўкув машғулотларниң лойиҳасини тузишга хизмат қиладиган умумий жадвалларини тузиш:

1) муайян ўкув фанини яхлит бир бутунликда аиглаб, уни энг юқори иерархия погонадаги «Энг катта модул» деб қабул қилинади. Сўнгра, ўкув фанининг олдига қўйилган умумий таълимиy мақсадлари ва бу фанга ажратилган соатлар белгиланиб, жадвал шаклига келтирилади.

Ўкув фанининг умумий мақсадлари, шу ўкув фани учун ишлаб чиқилган ДТС ва жамиятни мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий сифатларига қўйган талабларига жавоб бериши шарт.

2) Шу фан, яъни энг катта модул ичидаги билимларниң мантиқий боғликлиги ва фикрниң тугалланганлигидан келиб чиқиб, ўкув материали катта бўлакларга, яъни бобларга бўлиб чиқлади ва улар «Катта модул» деб номланади. Шундан сўнг, ҳар бир катта модулнинг мақсадлари белгиланади, уларга ажратилган соатлар кўрсатилиб, жадвал шаклига келтирилади.

Катта модуллар мақсадлари энг катта модулдаги мақсадлардан келиб чиқиб, унинг ажрајмас бир қисми сифатида бўлиши шарт. Ҳар бир катта модулга ажратилган соатлар йигиндиси, шу фанга берилган соатларниң умумий сонига тенг бўлиши керак.

3) ҳар бир катта модул (боб)лар ичидан мантиқан боғлик бўлган, шу билан баробар, ҳажм жиҳатидан бир жуфт соатлик ўкув машғулоти орқали талabalарга етказилиши лозим бўлган билимлар ажратилади ва уларга «Ўрта модул» деб ном берилиб, уларниң ҳам таълимиy, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари кўрсатилади ҳамда жадвал шаклига келтирилади.

Шу билан миллий педагогик технология тамойиллари асосида ўкув машғулотларини лойиҳалашнинг умумий жадваллари тузилган бўлади.

**Иккичи –** Ҳар бир жуфт соатлик ўкув машғулотининг, яъни ҳар бир «Ўрта» модулнинг хусусий жадвалларини тузиш:

1) бир жуфт соатлик ўкув машғулоти, яъни ўрта модулни, унда бериладиган билимларниң мантиқий боғлиқлиги ва фикрниң тугаллаганлигини инобатга олиб, бир нечта «кичик» модулларга

бўлинади, сўнгра юкорида кўйилган умумий мақсадлардан келиб чиқсан холда ҳар бир кичик модул олдига кўйилган таълимий мақсадлар белгиланади ва ҳар бир кичик модулга ажратиладиган вақт курсатилади.

Шундан сўнг, шу кичик модул якунида талабалар бажариши шарт бўлган иш-ҳаракатлар аниқланади ва жадвал шаклига келтирилади.

2) ҳар бир кичик модул орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчаларни ажратиб, улар асосида талабалар билим ва кўнкмаларини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади, баҳолашнинг тур ва мезонлари аниқланади ҳамда жадвал шаклига келтирилади.

3) ўкув машғулотининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган машғулотнинг типи белгилаб олиниб, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар кўrsатилади сўнг, муайян ўкув муассасасида мавжуд ахборот коммуникация технологиялар ичидан ҳамда мазкур ўкув материалининг характеристидан келиб чиқиб, ҳар бир кичик модулдаги ўкув машғулотини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўrsатилган жадвал яратилади.

Шу билан «Педагогик технология» тамойиллари асосида битта ўкув машғулотини лойиҳалашнинг хусусий жадвалларини тузиш вазифаси бажарилган бўлади.

**Учинчи** – Ушбу ўкув машғулоти лойиҳасини тузишнинг хусусий жадвалларида кўrsатилган тартиб бўйича, ўкув машғулоти жараёнини амалга оширишнинг намунавий сценарийси езилади. Унда ҳар бир ўрта модулда бериладиган билимлар бирма-бир ифодаланиб, уларни ўкувчи-талабаларга етказишида қўлланиладиган дарс типи, педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўrsатилади.

Сценарий матни «педагог» – «ўкувчи-талаба» диалоги майлида езилади ва умумий билан хусусий методологик асослардан келиб чиқилади.

Матнда, калин ва курсив ҳарфлар билан ажратилган жойлари талабалар ёзиб олишлари учун тавсия қилинади.

## **2. Дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилиши жиҳатлари**

**«Энг яхши методист – энг яхши ўқитувчи»** эканлигидан келиб чиқсан ҳолда дарсни кузатувчи дарс жараённада ҳам ўз кисбий маҳоратини оширади, ҳам дарсни кузатилаётган ўқитувчи кисбий маҳоратини ошишига ёрдам беради.

Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи доимий равишда дарсларни кузатиши ва уни методик, педагогик ҳамда психологик жиҳатдан таҳлил қилиб бориши талаб этилади.

**Эслатма:** Ўқитувчидаги дарснинг ўкув режаси, мавзу буйича турли ишланмаларнинг, шу билан бир қаторда, турли дидактик тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар тайёрлаган бўлиши керак. Дарсни таҳлил қилувчи томонидан ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки танишиб чиқилмасдан, унинг дарсга бўлган тайёргарлиги бутун дарс давомида кузатилиши ва таҳлил этилиши шарт.

Бунда қуидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ хисобланади:

**1. Дарснинг мақсад ва вазифаларининг қўйилитпи.** Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад қўйганми? Мақсадни қанчалик тұғри қўйган?

**2. Таҳкилий таҳлили.** Дарс ўтиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги, аввало ўкувчилар кайфияти ва соғлиги, синф хонаси ва досканинг тозалиги, бўр ва намланган латтанинг борлиги, замонавий таълим воситалари билан таъминланганлиги, мабодо айrim ўкувчилар бирор сабабга кўра дарсга қатнашмаётган булса, уларнинг номи ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига қўйилиши кабилардан ташқари ўқитувчининг дарсга ҳозирлиги, унинг ташқи киёфасига ҳам эътибор берилади.

**3. Дидактик (таълимий) таҳлили.** Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан муракқабга томон йуналганлиги, кўрсатмалик ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётйлиги, жонли ва равон тилда очиб берилиши.

**4. Методик (услубий) таҳлил.** Бунда ўқитувчи фаолиятининг иккى томони назарда тутилади.

Биринчидан, ўкув дастури буйича мавзу неча соатга мўлжалланган бўлса, уни қандай метод ва услуб асосида ўкувчининг ёши ва индивидуал-психологик хусусиятини хисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, ўкувчиларни ўйлашга, изланишга мажбур этиши ва унга шароит яратиши.

**Иккинчидан, ўзининг ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намойиш этиши.** Бунда ўқитувчининг ижодкорлиги, методик маҳорати кўзга ташланиши лозим. Чунки, илғор педагогик ва новаторлик тажрибалар мана шу ердан бошланади.

**5. Методологик таҳлил.** Халқ таълими йўналишидаги карорлар, талаблар, давлат тили, миллий рух, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соҳа бўйича буюк алломалар, олимларнинг қилган ишлари, фикрлари, ўзгаришлар асос қилиб олиниши мумкин.

**6. Психологик таҳлил.** Аввало ўқувчи-талабанинг кайфияти, унинг соғлиги, жамоадаги соғлом мухит, уларнинг хушёрлиги, диққатининг баркарорлиги ва кўлами, фанга бўлган қизиқиши, дарс берадиган ўқитувчисига муносабати, ҳозиржавоблиги, сезгирилиги ва топқирлиги, идрски, янги ва аввалги материалларни эсда сақлаши, образли ва минтақавий тафаккури, ўқувчи-талаба фантазияси, олдида турган масъулиятга нисбатан уларнинг иродали ёки иродасизлиги, қобилият, билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулодда вужудга келган вазиятдан чиқа олиши, ўзини бошқара олиши.

**7. Педагогик таҳлил.** Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб, масъулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, ўқувчи-талабалар гурӯҳи билан тил топиша олиш маҳорати, унинг маданияти, одобидан ташқари қандай қилиб дарс жарабенида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўқувчи-талабаларга бера олиши ҳамда ўқитувчининг нутқ маданияти назарда тутилади.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия, экологик, иқтисодий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, нафосат ҳамда миллий истиқлол ғоясини сингдириш, тарбия элементлари қандай амалга оширилади?

Бу тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда эътибор берилди?

Дарснинг тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди?

Бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шуня алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг мазмунли, равон нутқини ҳеч қачон бошқа нарсага қиёслаб ёки алмаштириб бўлмайди.

**8. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги таҳлили.** Бунда қуйида гиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

Ўқувчи-талабаларни фикрлашга ўргатиши;

аниқ фикр ва материалларни урганиб муроҳаза юритиши, фикр билдириши;

ўқувчи-талабаларни изланишга, кидириб топишга ўргатиши;  
ўқувчи-талабанинг ўзи мустакил фикрга эга бўлиши.

**9. Якуний таҳлил ёки хулоса қисм.** Кузатувчининг мутахассис сифатидаги таклиф ва йўл-йўриқларининг баёни.

Дарс якунини таҳлил этиш жараённида, аввало, дарс ўтган мутахассис галиргани маъқул. Сўнг таҳлилда иштирок этувчилар гапиради.

**Изоҳ:** Ўқитувчининг дарсига ва унинг фаолиятига бир соатлик дарс таҳлили буйича хулоса чиқариб бўлмайди, танқидий баҳо бериш учун ўқитувчининг ҳар бир шаклдаги бир неча дарсни кузатиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

**Эслатма.** Дарс мақсадига эришилганликни белгилашда ўқитувчининг эмас балки ўқувчи-талабанинг мақсадга эришганлик даражаси асосий ҳисобланади.

### **Дарс ташкил этиш маҳорати, дарс мазмуни ва методини баҳолаш анкетаси**

| Т/р | I. Дарс ўтиш маҳоратини баҳолаш   | Баҳолаш мезонлари |   |   |   |
|-----|---|-------------------|---|---|---|
|     |   | 2                 | 3 | 4 | 5 |
| 1   | Асосий мавзунинг аниқ ёритилганлиги   |                   |   |   |   |
| 2   | Дарснинг аниқ режа асосида олиб борилганлиги  |                   |   |   |   |
| 3   | Кўргазмали куролтар, компютердан самарали фойдаланганлиги   |                   |   |   |   |
| 4   | Ўқитувчининг ўзини тута билиши  |                   |   |   |   |
| 5   | Ўқитувчининг ўқувчи-талабаларни ўзига жалб қила олиш маҳорати   |                   |   |   |   |
| 6   | Ўқитувчининг ҳис-ҳаяжон билан дарс ўтиши  |                   |   |   |   |
| 7   | Ўқитувчининг ўқувчи-талабаларни фаол катнашиш ва савол беришга чакира олиши                             |                   |   |   |   |
| 8   | Ўқитувчи ўқувчи-талабалар томонидан берилган савол я ва жавобларга саводхонлик билан муносабатда бўлиши |                   |   |   |   |
| 9   | Ўқитувчининг нутқ маданияти   |                   |   |   |   |
| 10  | Умуман олганда дарс «яхши ўтилди»   |                   |   |   |   |
|     | II. Дарс мазмуни ва методини баҳолаш  |                   |   |   |   |

|           |   |  |  |
|-----------|---|--|--|
| 11        | Дарс мақсадининг аниқ ифода этилганлиги   |  |  |
| 12        | Ўқитувчи таңланган методга амал қилиши  |  |  |
| 13        | Методикани яхши тушунишини намойиш этиши  |  |  |
| 14        | Дарс мағзумининг аниқ ифода этилиши   |  |  |
| 15        | Ўз вактида мантиқий ва түшунарлы мисалларни көлтирилиши   |  |  |
| 16        | Уқув материалини уқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини мунтазам назорат қилиб борганды |  |  |
| 17        | Дарсда кириш, асосий қисм, якунловчи қисмларнинг мавжуддиги                                     |  |  |
| 18        | Умуман олганда дарс яхши түзилган ва яхши утилди  |  |  |
| Жами балл |   |  |  |

**Эслатма.** Юқорида қайд этилган талабларни ҳар бир ўқитувчи томонидан тўла бажарилиши улар томонидан самараали дарсни ташкил этишлари, унинг мақсадларига эришишни кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

### 3. Математика дарснинг таҳлил қилиш методикаси

Бизга маълумки, ҳар бир дарс қуидаги босқичлардан иборат эди.

1. Утилган дарсни ўқувчилардан сурош ва уни мустаҳкамлаш.
2. Янги мавзунинг ўқитувчи томонидан тушунтирилиши ва уни мустаҳкамлаш.
3. Уйга вазифа бериш.

Ана шу асосий уч босқични амалга оширишда ўқитувчининг илмий-методик фаолияти босқичма-босқич мантиқий таҳлил қилинади.

1. Утилган дарсни ўқувчилардан сурош пайтида, ўқитувчи томонидан ўқувчиларга мавзу юзасидан берилган саволлар тўғри бўлдими ёки йўқми?
2. Доскага чиқкан ўқувчиларга саволлар тўғри берилдими, кўшимча саволлар-чи?
3. Уларнинг билимларини баҳолашда ўқитувчи рейтинг мезонига риоя килдими, ўқувчиларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан таҳлил қилиндими?
4. Утилган мавзуни ўқувчилардан сурош учун ўқитувчи ортиқча вақт сарф қилмадими?

5. Тарқатма материални ечиб бўлган ўқувчилар билими қандай биҳоланди?

6. Ўқитувчининг ўзи аввалги мавзу мазмунини ва ўқувчилар жиобларини қисқача таҳлил қилиб якунладими?

7. Янги мавзунинг мазмунини очиб беришда илмий-методик ҳаттога йул кўймадими?

8. Янги мавзуни қандай метод билан тушунтириди?

9. Янги мавзуни мустаҳкамлашга қандай эътибор берди?

10. Янги мавзунинг геометрик маъносини кўрсатиб бера олдими?

11. Уйга берилган вазифалардан намуна кўрсатдими?

12. 45(80) дақиқалик вақтни тўғри тақсимладими?

13. Ўқитувчи мавзу мазмунини тушунтиришда ўзини қандай тутди?

14. Ўқитувчи янги мавзуни тушунтиришда гурӯҳ ўқувчи-табаларини ўзига қаратса олдими?

15. Ўқитувчи ўқувчи-табаларнинг шахсиятига тегмадими?

16. Дарс таҳлилидан сўнг ўқитувчига бериладиган укув, илмий, методик ва тарбиявий маслаҳатлар.

Ҳар бир математика дарсини таҳлил қилиш юқоридаги саволларга жавоб топиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина дарснинг таҳлили самарали булади.

#### 4. Ўқувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш

«Ижрони текшириш»нинг тўғри йўлга кўйилиши ҳар қандай иш соҳасида катта аҳамиятга эга бўлгани сингари, ўқитишиш ишларида ҳам гоят катта аҳамиятга эгадир. У, ўқитувчига ўқувчиларда масъулият туйғусини тарбиялашга, ўқувчиларнинг билимларидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб олишга, ўз ишини тўғри баҳолашга имкон беради.

Ўқувчиларнинг билимларини текшириш иши мунтазам равишда, яъни ҳар куни олиб борилиши керак. Даставвал янги материални баён этгандан кейин унинг қай дарожада тушунилганлигини текшириб олиш лозим. Дарснинг асосий мақсади утиладиган мавзу мазмунини ўқувчиларга тушунтириш эканини, ўқувчилар билимни асосан дарсда олишлари кераклигини зсда тутиб, ўқитувчи ўзининг шу мақсадга эришган ёки эришмаган-

лигини ҳар бир дарсда ўтилган мавзу мазмунининг асосий қисмини ўқувчи-талабалардан сўраш орқали текшириб бориши зарур.

Билим ва қўнималарини баҳолаш тури ва мезонини зиклаш. Назорат саволлари таянч тушунчалар асосида тузилиб, таянч тушунчалар оз бўлса, уларнинг ўзларидан текшириш учун саволларни тузиб кўйса бўлади. Таянч тушунчалар кўп бўлса, улар орасидан муҳимларини танлаб олиб, савол шаклига келтириб, назорат саволлари тузилади.

Билимларни назорат қилишда кўйиладиган балл ва баҳолар ўқувчи-талабада қандай таассурот қолдирганини, ўртоқларининг уқишидаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доимий равишда кузатиб бориш учун керак. Ўқувчи-талабалар билимни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилди.

Педагогика фани билимларни ўз вактида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини кўрсатади:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига караб ДТС лари қандай бажарилётганини назорат қилиб, таҳлил этиш ва вазифаларни белгилаш.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи-талабалар билимлари янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлиар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажralmas қисмидир. Назорат жараённида ёзма, оғзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш, айникса, умумтаълим мактабларида кенг тарқалган. Бу асосан савол-жавоблар орқали олиб борилади. Бунда якка сўраш, фронтал сўраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда кўп вақт талаб қилганлиги сабабли, назорат жараёнини фаоллаштиришда кам вақт ичida кўп сонли ўқувчиларни назорат қилиш мақсадида бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чет эл тажрибалари ва узимиздаги куплаб тажрибалар

натижасида рейтинг услуби бутунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинган.

Рейтинг – баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, бирор ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг ёрдамида ўкувчи-талабаларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турии услублари – сифат, тавсиф миқдорий услубларидан иборат.

Тест топшириғи деганда, аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларини белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини, бирор аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

**Тестнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:**

назорат учун кам вақт сарфланади;

назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;

кўп сонли ўкувчи-талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;

билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;

барча ўкувчи-талабаларга бир хил қийинлиқдаги саволлар берилиб, бир хил синов ўтказилади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим босқичларида ўкувчи-талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўкувчи-талабаларнинг бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантириш гоясига асосланади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўкув режасига киритилган ҳар бир фан бўйича ўкувчи-талаба ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир чорак ва семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йигиндиси ўкувчи-талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича ўкувчи-талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади: жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат.

**Жорий назорат** – бу ўрганилаётган мавзуларнинг уқувчи-талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганлигини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, уқувчи-талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир ўрта модул бўйича аниқланиб боришини кўзда тутади. Бу эса уқувчи-талабанинг узлуксиз билим олиши ва натижасини муттасил назорат қилиб боришини назарда тутади.

**Оралиқ назорат** – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган катта модул бўйича уқувчи-талабанинг билимини аниқлаш, демак, оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва уқувчи-талабаларга ўзлаштириш курсаткичларини ошириш имконини беради.

**Якуний назорат** – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича олинади. Семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўплланган баллар бўйича аниқланади.

Эгаллаган билим ва кўникмаларни текшириш дарси. Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи топшириқларни зълон қиласи, уқувчи-талабалар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йигиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва топшириқлари шундай ифодаланиши керакки, уқувчи-талабаларнинг жавобларидан улар билимларни шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

Уқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш даражасини турли йўллар билан текшириш мумкин, яъни бирор формулани чиқариш ёки бирон теоремани исботланадиги асосий мулоҳазаларни уқувчи-талаба томонидан бажариш, илгаридан тайёрлаб қўйилган мавзу мазмунига доир саволларни бериш, олинган назарий хулосаларни масала ёки мисоллар ечишга татбиқ қила олиш қобилияtlарини аниқлаб билишдан иборатdir.

Ўқитувчи дарсда ўтиладиган мавзу мазмунига қараб уқувчи-талабалар фаолиятларини олдиндан белгилаши керак бўлади. Агар дарсда янги мавзу ўтиладиган бўлса, унда ўқитувчининг ўзи мавзу мазмунини маъруза ёки сухбат усуслари орқали тушунтиради. Агар дарсдаги мавзу аввалги ўтилган мавзуга доир мисол ёки масала ечиш бўлса, унда мустақил ишлаш ёки якка тартибда топшириқлар бериш усусларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг натижасида

ўкувчи-талабалар ўзларининг интеллектуал қобилиятлари оркали мавзу мазмунини, у назарий ёки амалий характерда булишидан қатъий назар, яхши ўзлаштирадилар.

Хатоларни ўкувчи-талабаларга албатта тузаттириш керак, шу ҳолдагина текшириш ишлари мақсадга мувофиқ булади.

Бундай текширганда бажарилган ишнинг тўғрилигини, топшириқнинг тўла бажарилишини ҳамда ишнинг чиройли, озода ва батартиб бажарилишини зътиборга олиб, уй вазифаларини бажаришга алоҳида рейтинг мезонлари асосида баҳо қўйиш керак.

Дафтарларни текшириб бориш ўқитувчига ўкувчи-талабалар томонидан берилган вазифаларни буш ўзлаштирилган жойларини, мисолларни ечишдаги йўл қўйган хатоликларини аниқлаб олишга ва ўз вақтида уларни тўғрилаб олиш чораларини кўришга имкон беради.

Ўкувчи-талабалар билимини текшириш йўлларидан яна бири улардан оғзаки сўрашдир. Бунинг учун аввало ўқитувчи томонидан мавзу мазмунини очиб берадиган мантиқий кетма-кетликка эга бўлган таърифлар, қоидалар, мураккаб бўлмаган ҳулосалар ва теоремаларнинг исботини тушунтириб беришни талаб этадиган саволлар тизими тузилади. Савол уларга берилиб, жавобини уйланига бир неча дақиқа вақт берилади. Сунгра бир ўкувчи-талабадан сўралади. Унинг жавобини баҳолашда бутун гурух иштирок этади (тўғри, ногтўғри, етарли даражада мукаммал, жавоб асосли ё асосли эмас ва х.к.); жавобга қўшимча қилувчиларга ёки хатони тузатувчиларга ҳам сўз берилади.

Жавоблар рейтинг асосида баҳоланади, бирок гурух(синф) журналига ёзилмайди, уч-тўрт марта берилган жавобларга ўқитувчи томонидан умумий балл қўйилиб, бу балл гурух(синф) журналига (ҳамда ўқувчининг кундалик дафтарига) ёзиб қўйилади. Бу ҳолда ўқитувчи берилган савол ва олинган жавобларни маҳсус юритилган рейтинг дафтарига ёзиб боради.

Масалан, В синфда «Сонларнинг булинини» мавзусидан қейин шундай саволларни тузиб олиш мумкин:

1) Берилган сонларнинг (12, 18 нинг) умумий бўлувчиси деб қандай сонга айтилади ва ундан сонлар нечта?

2) Берилган сонларнинг (масалан, 24 билан 36 нинг) энг катта умумий бўлувчиси деб қандай сонга айтилади ва у қандай топилади?

3) Қандай сон берилган сонларнинг (масалан, 12 ва 9 нинг) умумий бўлинувчиси деб аталади ва бундай сонлардан нечтасини топиш мумкин?

4) Қандай сон берилган сонларнинг (масалан, 14 ва 21 нинг) энг кичик умумий бўлинувчиси деб аталади ва у қандай топилади?

5) 4 га бўлиниш белгиси, уни тушунтириб беринг.

6) Сон қандай шартда 15 га бўлилади?

7) Йигинди жуфт сон бўлиши учун кўшилувчиларнинг ҳар бири жуфт сон бўлиши зарурми? Мисоллар келтириинг.

8) Соннинг (масалан, 84 нинг) ҳамма бўлувчилари қандай топилади?

Мактаб тажрибасида доскага чиқариб сўрашнинг турли йўуллари кўлланилади. Доскага бир ўкувчини чиқариб бирон холоса чиқартириш, теоремани исботлаш ёки масала ечириш кўпроқ кўлланилади, синфдаги бошқа ўкувчилар эса доскага чиқсан ўкувчининг жавобини эшлиб турадилар. Бу холда жавоб берувчи ўз жавобини бемалол, тўла уйлаб олиш, уни баён этишга тайёрланиб олиш имкониятидан маҳрум бўлади, чунки унга ўқитувчи ҳам караб туради, ўкувчилар ҳам ўзларининг сабрсизликлари билан уни безовта қиласи, шошилтиради.

Доскага чақирилганиларнинг жавобини эшлишга келганда иш бошқача: уларнинг жавобларини бутун синф ўкувчилари элдитиши керак. Бу вақтда синф ўкувчиларини доскадаги ўкувчилар жавобларини эшлишга жалб қилиш керак. Чакирилган ўкувчилар жавоб бергандан кейин, бошқа ўкувчиларга кўшимча қилишга, тузатишлар беришга, ўз фикрларини вайтишга имкон берилади. Бу саволга тўла ва тўғри жавоб олингандан кейин ўқитувчи шу ўкувчининг ўзига энди узок тайёрланишни талаб этмайдиган ва илгаридан белгилаб қўйилган саволларни бериши мумкин.

Баъзи ўкувчиларнинг жавоб берувчи ўкувчига шу мавзуга доир кўшимча саволлар беришига йўл қўйилади. Бу, ўкувчиларни шу мавзуга оид материалларни эсга тушириш имконини беради. Бунда ўкувчиларни муҳим саволлар беришга ургатиш талаб этилиб, бунинг учун ўқитувчи мавзуни ўрганиш вақтида ўрганиладиган материалнинг энг керакли ва муҳим томонларини ажратиб кўрсата билиши керак бўлади.

Ҳар холда, сўраш усулидан қатъи назар, ўқитувчи: сўраладиган материални илгаридан белгилаб қўйиши, саволларнинг қай тарзда берилишини пухта йўлаши, масала ечилишининг ёки исботнинг

қандай бориши кераклигини ҳам олдиндан уйлаб қўйиши лозимдир. Шундагина ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларнинг олган билимлари сифатли булади.

Ўқувчилар билимини текширишнинг яна бир усули бу ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзуга ва тақрорлашга доир саволлар ёзилган карточкаларни олдиндан тайёрлаб қўйишдир. Бундай карточкалар доскага чиқарилган 2-3 ўқувчига берилади ва тайёргарлик (жавобни уйлати, доскада керакли ёзувларни ёзиш) учун 8-10 дақиқа вақт кўrsatилади.

Доска олдидағи ўқувчилар тайёрланаётганда ўқитувчи синфдаги қолган ўқувчилар билан сухбат ўтказиши ёки бутун синфа мустақил иш бериши мақсадга мувофиқ. Доскага чиқарилган ўқувчилар ўз жавобларини тўла баён этганда ўқувчилар дикқат билан тинглашади ва улар томонидан ҳар бир саволнинг жавобидан кейин қўшимча қилишга имкон берилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини рейтинг асосида баллар билан баҳолаб боради.

Сўраш усули қандай бўлишидан қатъий назар, унга нисбатан баъзи мажбурий талаблар қўйишга тўғри келади. Бу талаблар куйидагилардан иборатdir.

a) маълум мақсадни кўзда тутиш керак. Бу мақсад баъзи ўқувчиларга аниқ бўлмаслиги мумкин, аммо ўқитувчи уни очикоидин тасаввур қилиши шарт;

b) мавзунинг асосий қоидаларини тақрорлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши ҳамда теоремалар, урганилган қонунилар ва бажариладиган шакл ўзгартиришлар орасидаги боғланишини аниқлашга, фазовий тасаввурларни кенгайтиришга, мантикий фикрлашни ўстиришга, ўз фикрини тўғри ва чиройли нутқ билан баен этишга ёрдам бериши керак;

c) берилган саволни тезлик билан ўқиб олиш ва қисқа, аниқ жавоб бера олиш қобилиятини ўқувчиларда тарбиялаш керак;

d) теорема ё қонуниларнинг айтилишига дикқат қила билишга, жавобнинг, ёзувларнинг ва чизмаларнинг тўғрилигини баҳолай билишга, қўшимча ва тузатишлар кирита олишга ўргатиши керак;

e) ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар ўқувчилар учун тушунарли ва имкони борича оз вақт талаб қиласидиган бўлиши шарт.

Езма текшириш ишлари (ёзма иш, тест назорат ишлари) қисқа вақтга: 10-12 дақиқага мўлжалланган, айримлари эса купрок 1-2 соатга мўлжаллаб берилиши мумкин. Қисқа вақтга мўлжалланган

ёзма ишларни дарснинг иккинчи ярмида бериш мақсадга мувофик. Ўкувчининг синфда ўтилган материални ўзлаштириши уни тушуниши билан узвий боғлиқдир, шунинг учун ҳам ўқитувчи уй вазифасини белгилашда ўкувчиларнинг уни бажаришга тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олиши керак. Чунки, берилган вазифаларгина белгиланган мақсадга эришишга, яъни ўкувчиларни ўтилган мавзуулар мазмунини пухта ўзлаштиришларига олиб келади.

Топширикнинг содда ёки муракаблигига қараб ўкувчилар томонидан ҳисоблашларни тез бажара олишларини, айний шакл алмаштиришларни бажара билишини, тайёр тенгламаларни тез еча билишини, геометрик фигуralарнинг хоссаларини айтиб бера олишларини текширишлар кузда тутилган бўлиши керак.

### 5. «Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили, математика дарсига кўйиладиган талаблар, укувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш» мавзусининг лойинҳалари

#### Модулининг мавзуси ва мақсадлари

*5.1-жадвал*

| <b>Модулининг номи</b>  | <b>Модулдан кўзланган мақсадлар</b>  |
|---|--|
| <b>Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили, математика дарсига кўйиладиган талаблар, давлат таълим стандарти, ўкув режа, фандастурия, ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш</b> | <b>Таълимий:</b> Талаба математикадан иш режани тузишни билади; математика ўқитувчисининг асосий фаолияти турларини тушунади; умумий ўрта таълимнинг математикадан давлат таълим стандарти ўкувчилар умумтаълим тайёргарлиги сависига кўйиладиган талабларни таҳлил қила олади; ўкув режани ва фан дастурини шакллантира олади; математика дарсига тайёргарлик куриш ва дарсни таҳлил қилиш кўникмаси шаклланади; математика дарсига кўйиладиган талабларни англайди; ҳар бир дарснинг лойинҳалаш ва шу лойиха асосида дарсни ташкил этиш кўникмаси шаклланади; илмий методик ишланмалардан фойдаланган ҳолда дарсга тайёргарлик куриш ва уни таҳлил қилишга доир билимлар маъжумасини хосил қила олади ҳамда улардан касбий фаолияти жараённида амалий фойдаланиш малака, кўникмалари шаклланади; ўкувчилар эгаллаган билимларни текшириш ва назорат қилиш усулларини билади ҳамда улардан касбий фаолияти жараённида амалий қўллай олиш малака ва кўникмалари шаклланади |

|  |  |
|--|--|
|  | <p><b>Тәрбиявий:</b> Талабада математика дарсига тайёргарлик ва уни таҳлил қилишга доир мавзу мазмунини ўтиш оркали умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларида математика фанини ўрганишга булган кизиқишиларини ошириш куникмаси шаклланади хамда уларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялатни амалга ошира олади.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада бирор мавзу бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларида мустақил билим олиш маҳалларини тақлантира олади; шу асосда уларда мантикий фикрлаш кобилиятларини ривожлантириш кўникмаларини эгаллайди</p> |
|--|--|

## Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

5.2-жадвал

| T/p | Кичик модуллар номи                                      | Кичик модулларнинг мақсадлари  |
|-----|--|--|
| 1.  | <b>Математика дарсига тайёрланиш ва унинг босқичлари</b> | Талаба дарсга тайёрланиш ҳакида билимга эга бўлади; дарсга тайёрланиш босқичлари ҳакида тушунчага эга бўлади; дарсга умумий тайёргарликни амалга ошира олади; дарс ишланмасини тайёрлашни билади; ўкув жараёнини режалаштира олади; уларни амалда кўплай олади |
| 2.  | <b>Дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилиши жиҳатлари</b>     | Талаба дарсни кузатади ва уни таҳлил қилишини билади; дарс мақсад ва вазифаларнинг қўйилишини билади; дарсни ташкил этиш маҳорати шаклланади   |
| 3.  | <b>Математика дарсининг таҳлил қилиш методикаси</b>      | Талаба дарс таҳлили ҳакида амалий тушунчага эга бўлади; дарсни туғри таҳлил қила олишни билиш касбий маҳоратни оширишнинг асосий омилларидан бири эканлигини англаб етади  |
| 4.  | <b>Ўкувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш</b>    | Талаба билимларни текшириши ва унинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрнини тушуниб етади; математикадан ўкувчилар билимларини текширишнинг замонавий усуслари ҳакида амалий тушунчаларга эга бўлади   |

**Кичик модуллар ичидаги таянч түшүнчалар ва улар асосида  
түзилгән назорат саволлари**

5.3-жадвал

| <b>T/p</b> | <b>Таянч түшүнчалар</b>   | <b>Таянч түшүнчалар асосида<br/>түзилгән назорат саволлары</b>  |
|------------|---|---|
| 1          | Дарснинг турлари, дарсга тайёрланиш, уннинг боскичлари, дарс ишланымаси ва уни тайёрлаш,                              | <p>1) Дарснинг қандай турларини биласиз?</p> <p>1) Дарсга тайёрланиш деганда нимани түшүнасиз?</p> <p>2) Дарсга тайёрланиш боскичларини айтиб беринг.</p> <p>3) Дарсга умумий тайёрланиш деганда нимани түшүнасиз?</p> <p>4) Дарсга күндалик тайёрланиш деганда нимани түшүнасиз?</p> <p>5) Дарс ишланымаси деганда нимани түшүнасиз? Дарсга тайёрланиш жарабаидагы үкитувчининг асосий вазифалари нималардан иборат?</p>       |
| 2          | Дарсни күзатиш ва уни таҳлил қилиш жиһатлари  | <p>1) Дарсни күзатиш деганда нимани түшүнасиз?</p> <p>2) Дарсни таҳлил қилиш дегандачи?</p> <p>3) Дарсни таҳлил қилиш турларини айтиб беринг.</p> <p>4) Дарснинг ташкилий таҳлили деганда нимани түшүнасиз?</p> <p>5) Дидағтика (таълимий) таҳлил деганда нимани түшүнасиз?</p>   |
| 3          | Математика дарснинг таҳлил қилиш методикаси, үкитувчининг асосий фаолияти турлари, давлат таълим стандарты, ўкув режа | <p>1) Математика дарснинг боскичларни күрсатыб беринг?</p> <p>2) Математика үкитувчисининг илмий-методик фаолиятини боскичма-боскич мағниткүй таҳлил қилиб беринг?</p> <p>3) Математика үкитувчисининг асосий фаолияти турлари нималар?</p> <p>4) Умумий ўрта таълимнинг математикадан давлат таълим стандарты ўкувчилар умумтаълим тайёрларлариги савиясига күйилдидиган талаблар нима?</p> <p>5) Таълим ўкув режаси нима?</p> |
| 4          | Ўкувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш  | <p>1) Дарснинг қандай турлари бор?</p> <p>1) Таълим жарабаини назорат қилиш</p>   |

деганда нимани түшүнөсиз?  
 2) Таълим жараёнини назорат килиш шакларини айтиб беринг  
 3) Таълим жараёнини баҳолаш деганда нимани түшүнөсиз?  
 4) Таълим жараёнини баҳолаш методларни айтиб беринг

### Кичик модулдинг назорат саволлари асосида түзилген тест топширикчалари

5.4-жадвал

| Т/Р | Саволлар   | Мүмкүн бўлған жавоблар |  |   |   |
|-----|--|------------------------|--|---|---|
| 1.  | Дарснинг қандай турларини биласиз?   | A                      | *Янги ўкув материалини ўрганиш дарси, билим, кўнирма ва малакани такомиллаштириш дарси, умумлаштириш ва системалаштириш дарси, билимни назорат килиш дарси, комбинациялашган дарси | B | Лекция дарси, амалий машрутлар, лаборатория   |
|     |  | C                      | Янги ўкув материали ўрганиш дарси  | D | Билим, кўнирма ва малакани такомиллаштириш дарси  |
|     |  | A                      | ўртача мажбурий даражани белгилайди  | B | *минимал мажбурий даражани белгилайди   |
|     |  | C                      | максимал мажбурий даражани белгилайди  | D | энг юкори мажбурий даражани белгилайди  |
| 2.  | Умумий ўрга таълимнинг математикадан давлат таълим стандарти ўкувчилар умумтаълим тайёргарлиги савиясига қўйилади? | A                      | ўртача мажбурий даражани белгилайди  | B | *минимал мажбурий даражани белгилайди   |
|     |  | C                      | максимал мажбурий даражани белгилайди  | D | энг юкори мажбурий даражани белгилайди  |
|     |  | A                      | *Математика фанига ажратилган соатларнинг максимум миқдорини аниқлайди   | B | Ажратилган соатларнинг минимум ҳажмдаги миқдорини аниқлаб, мақтабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўлади |
| 3.  | Таълим ўкув режаси нима?   | C                      | Хар бир синфдаги муайян ўкув предмети бўйича таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади  |   |   |

**5.4-жадвайнинг даоми**

|    |   |   |  |
|----|---|---|--|
|    |   | D | Мактабянинг молиявий таъмино-тини белгилашга асос бўлади   |
| 4. | Ўқитувчининг ўкувчилар билимини текшириш ва баҳолашдан асосий мақсад нима?      | A | Кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш  |
|    |   | B | Ўкувчилар билимини баҳолаш   |
|    |   | C | Ўкувчиларнинг фан буйича дастурда назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш  |
|    |   | D | *Ўкув материалининг ўкувчилар томонидан ўзлаштириш сифатини аниқлаш  |
| 5. | Математика ўқитувчисининг асосий фаолияти турлари кўйидагилардан иборат         | A | Математика дарсни ташкил қилишдан  |
|    |   | B | Рахбарларни улуглаб, макташдан иборат  |
|    |   | C | Дарс ўтиппдан  |
|    |   | D | *Турли адабиётларни дастурларни дарсланиларни, ўкув методик кўлланмаларини, ўкув воситаларни таҳлил килиш ўкувчиларнинг ёшлари ва имконияларига мос материални тўплаб олиш, дарс мазмунини конструкциялаш режалаштириш, ўкувчилар фаолиятини ташкил килиш дарс жараёнини бошқариш ўзининг ва ўкувчиларнинг фаслиятини баҳолашдан |
| 6. | Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши нечта босқичдан иборат бўлади?                  | A | *2 та  |
|    |   | B | 4 та   |
|    |   | C | 3 та   |
|    |   | D | 5 та   |
| 7. | Ўқитувчининг дарсга тайёрланиш жараёнидаги асосий вазифалари нималардан иборат? | A | *Синф жамоасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; хар бир ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; ўкувчиларга бериладиган таълимтарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш хамда юкори босқичга кутаришдан   |
|    |   | B | Хар бир ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши; синф хонасининг тайёргарлик   |

*5. 4-жадвалининг давоми*

|     |   |   |
|-----|---|---|
|     |   | <b>даражасини аниқлаши керак</b>  |
| 8.  | Дарс ишланмаси замонавий ўкув адабиётларида кандай номланади? | <p>C Синф жамоасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши; Техник воситалар билан таъминланганлик даражасини аниқлаши керак</p> <p>D Ўкувчиларга бериладиган таълимтарбия сифатини ошириш, уни янада ривоҷлантириш ҳамда юкори босқичга кутариш; ўкув адабиётлар билан таъминланган даражасини аниқлаши керак</p> <p>B Тақвимий-мавзуйй режа</p> <p>C Мавзу сценарийси</p> <p>D *Технологик харита</p>   |
| 9.  | Дарснинг ташкилий босқичларини курсатинг.                     | <p>A Уй вазифасини текшириш; янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; янги билимларни мустаҳкамлаш</p> <p>B Янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; янги билимларни мустаҳкамлаш; уй вазифаси бўйича ахборот, йўрикнома тайёрлаш</p> <p>C Янги билимларни мустаҳкамлаш; уй вазифаси бўйича ахборот, йўрикнома тайёрлаш; хар томонлама билимларини текшириш (ўтилган мавзулар бўйича саволлар тайёрлаш)</p> <p>D *Уй вазифасини текшириш; янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; хар томонлама билимларини текшириш (ўтилган мавзулар бўйича саволлар тайёрлаш)</p> |
| 10. | Дарснинг янги билимни ўзлаштириш босқичларини курсатинг       | <p>A Янги билимни мустаҳкамлаш (янги мавзу бўйи саволлар тайёрлаш); уй вазифасини текшириш.</p> <p>B *Хар томонлама билимларини текшириш ўтилган мавзулар бўйича саволлар тайёрлаш); уй вазифаси бўйича ахборот, йўрикнома бериш.</p> <p>C Янги билимни мустаҳкамлаш (янги мавзу бўйича саволлар тайёрлаш); хар томонлама билимларини текшириш (ўтилган мавзулар бўйича саволлар тайёрлаш).</p>   |

|     |  |          |  |
|-----|--|----------|--|
|     |  | <b>D</b> | Хар томонлама билимларни текшириш (ўтилган мағзулар буйича саволлар тайёрлаш); яшги материални ўзлаштиришга тайёрлаш.  |
| 11. | Дарсни педагогик нұктаиназардан таҳлил этиш деганда нимәні түшунасиз?                              | <b>A</b> | *Ўқитувчининг мастьулиятли ўзишига, ташки киёфаси, синф жамоаси билан тил топиша олиш маҳорати, унинг маданияти, дарс жараённанда умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўкувчига бера олиши хамда нутқ маданияти назарда тутилади.                    |
|     |  | <b>B</b> | Дарс жараённанда умуминсоний тарбиянинг таркибияй қисмларини ўкувчига бера олиши хамда нутқ маданияти назарда тутилади.  |
|     |  | <b>C</b> | Ўқитувчининг ўзишига мастьулият билан ёндашиши ва ташки киёфаси қандай эканлиги назарда тутилади.  |
|     |  | <b>D</b> | Ўқитувчининг синф жамоаси билан тил топиша олиш маҳорати ва маданияти назарда тутилади.  |
| 12. | Дарс таҳлили жараённанда методологияк нұктаназардан таҳлил этишдә нималарға эътибор қараташ керак? | <b>A</b> | Халқ таълими йұналишидагы ҳукumatтимиз томонидан қабул қилингандар көрорлар ва таълим тизими олдига күйилған талабларини кай даражада түшуниши   |
|     |  | <b>B</b> | *Ҳукumatтимизнинг Халқ таълими йұналишидагы көрорлари, талаблари, давлат тили, миллий рух, маданияттинг гузал дурдоналари, шу соҳа буйича буюк алломалар, олимларнинг қылған ишлари, ва фикрларидан үқитувчининг дарс жараённанда фойдалана олиш даражаси. |
|     |  | <b>C</b> | Маданияттимиз гузал дурдоналари, шу соҳа буйича буюк алломалар, олимларнинг қылған ишлари, ва фикрларидан дарс жараённанда фойдалана олиш даражаси.  |
|     |  | <b>D</b> | Ўқитувчинийнг маънавий киёфаси   |
| 13. | Ўқитувчининг ўкувчилар билимини  | <b>A</b> | *Ўқув материалининг ўкувчилар томонидан ўзлаштириш сифатини  |

текшириш ва баҳолашдан асосий мақсад нима?

анқлаш

- B Ўқувчилар билимини баҳолаш  
C Ўқувчиларнинг фан бўйича дастурда назарда тутилган билим, кўникум ва малакаларини ўзлаштириш даражасини аниклаш  
D Кўникум ва малакаларини ўзлаштириш даражасини аниклаш

14. Йонрий изорат дейилгандага нима тушунилди?

- A Савол-жавоб, уй вазифасини текшириш  
B Ўқитиш натижаларини якунлаш  
C \*Хар бир мавзунинг тугашидаги упсизладиган сўров  
D Савол-жавоб

15. Ўқувчилар билим, кўникум ва малакаларини "Сухбат" методи ёрдамида текширишга кандай талаблар қўйилади?

- A Маълум мақсадни кузда тутиш керак ва бу мақсад баъзи ўқувчиларга аниқ бўлмаса-да, ўқитувчи у ҳакида тўла тасаввурга эга бўлиши шарт; Ўқувчиларда бериладиган саволларни тезлик билан ўқия олиш, кисқа, лўнда ва аниқ жавоб бера олиш кобилиягини шакллантиришга эришиши талаб этилади  
B Теорема ёки математик конуниятларнинг айтилишига диккат билан эътибор қарата олишига масала ёки мисол жавоби, ёзувлар ва чизмаларнинг түргилигини ва тугалланганлигини баҳолай билишга; уларга кўшимча ва тузатишлар кирита олишига ўргатиши керак; савол-жавоб жараёнида ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар равон, мазмунли бўлиши ва оз вақт талаб киласидиган бўлиши шарт  
C Ўқувчиларнинг бутун курс давомида эгаллаган билим, кўникум ва малакаларини текширишга хизмат килиши керак  
D \*Мавзунинг асосий қоидаларини тақрорлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши; теоремалар, урганилган математик конуниятлар ва бажариладиган шакл ўзгаришиш

#### 5.4-жадвалниң давоми

лар орасидаги боғланишни аниклашга; фазовий тасаввурларни кенгайтиришга; мантикий фикр-лашни устиришга; ўз фикрини түгри ва чиройли нутқ билан баён этишга ёрдам бериши керак

### Дарс тури ҳамда унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

#### 5.5-жадвал

|                                 |   |
|---------------------------------|---|
| Ўкув машғулотининг шакли        | Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза   |
| Ўкув машғулотининг тури ва типи | Аралаш дарс; янги билимларни згаллаш; билимни кўникмага айлантириш                          |
| Қўлланиладиган услублар         | Тушунтириш; айтиб бериш; ишнострация; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест |
| Таълим воситалари               | PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЕТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар) |
| Таълим шакллари                 | Якка холда, жамоавий, оммавий   |
| Ўқитиш шароитлари               | Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория  |
| Мониторинг ва баҳолаш           | Езма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест топшириклари           |

### Ўкув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик материалларнинг қулланиш жойлари

#### 5.6-жадвал

| Ахборот технологиялар   | Дидактик материаллар   |
|---|--|
| Мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар оркали намойиш қилиш | Математика ўқитиш методикаси фанига доир дарслік, услубий қўлланмалар ва курсатмали куроллар |

6.7. «Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили, ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш» мавзусининг мазмуни ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

6.8 Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:[4, 5, 6, 9, 14, 16, 19, 20, 25, 26, 38, 42, 58,59].

## **ТҮРТИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **ТҮРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА МОДУЛИ**

#### **МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ**

**4.1-МАВЗУ.** Математикани ўқитишида илмий изланиш методлари: кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари

##### **Кичик модуллар:**

1. Математик таълимнинг ўзига хос методлари.
2. Илмий изланиш методлари: математика ўқитишида кузатиш ва тажриба.
3. Математика ўқитишида таққослаш методи.
4. Математика ўқитишида анализ ва синтез методлари.
5. Математика ўқитишида абстракциялаш, умумлаштириш, аниклаштириш ва таснифлаш методлари
6. «Математикани ўқитишида илмий изланиш методлари: кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари» мавзусининг лойиҳалари.

##### **1. Математик таълимнинг ўзига хос методлари**

«Метод» сўзи юонча сўз бўлиб, «тадқиқот» ёки «йўл кўрсатиш» деган маънони билдиради.

«Таълим методи» тушунчаси эса ҳозирги замон методика ва дидактика фанларидағи асосий тушунчалардан бири бўлиб, бу тушунча яқин вақтларга қадар турли методик адабиётларда турли мазмунда кўллаб келинган.

Жумладан, XIX асрга қадар бўлган методик адабиётларда «метод» тушунчаси математика курсининг асосий мазмунини баён қилувчи мавзунинг тавсифи сифатида ишлатиб келинган.

**Масалан.** «Сонларни урганиш методи», «Геометрик фигуранларни ўрганиш методи» ва ҳ.к.

Ўқитишиш ва ўрганиш методикаси – бу ўқитувчи ва талабаларнинг имуналиги бўлиб, улар ёрдамида билим, кўнишка ва

малакаларнинг ўзлаштирилишига эришилади. Ҳар бир ўқитиш методи ўргатиш ва ўрганиш йўллари мажмуй сифатида қаралади.

Ўқитиш ва ўрганиш методикаси таълим методикасининг муаммоларини умумий ҳолда ҳал қилган бўлиб, у ўзининг кўйидаги икки жиҳати билан тавсифланади:

1) Ўқитиш (Ўқитувчининг фаолияти): ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини бошқариш ва текширишга доир ахборот турлари, метод, услугуб ва воситалари.

2) Ўрганиш (Ўқувчи-талабаларнинг онгли билиш фаолияти): ўкув материалини ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштиришнинг турлари, усул ва воситалари.

Ўқитиш ва ўрганиш методлари ўзаро бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлиб, улар таълим тизимида ўқитиш жараёнини амалга оширади. Таълимий методларни кўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Илмий изланиш методлари, яъни тафаккурнинг мантиқий методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш).

2. Ўқитиш методлари ва технологиялари (эвристик метод, программалаштирилган таълим методи, муаммоли таълим методи, маъруза ва сұхбат методлари, интерактив ва ноанъянавий ҳамда замонавий таълим методлари).

3. Хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналогия).

## **2. Илмий изланиш (тафаккурнинг мантиқий) методлари: математика ўқитишда кузатиш ва тажриба**

Тафаккур билишнинг ўзига хос рационал босқичи бўлиб, унинг ёрдамида нарса ва воқеа-ҳодисалар орасидаги энг муҳим бояганишлар ва муносабатлар аниқланади ҳамда улар фикр, тушунча, мушоҳада, хулосалар орқали моддийлашади.

Фалсафадан маълумки, олами билиш ижодий жараён бўлиб, у инсондан нарса ва воқеа-ҳодисаларни тўғри англашни тақозо этади. Бунга эса 2 хил йўл билан эришилади [50]:

а) қундалик ҳаёти ва амалий фаолияти жараённида;

б) олами чукур англаш ва илмий билиш фаолияти орқали.

Психологияда эса тафаккур қилиши: шахс идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарса ва воқеа-ҳодисалар тўғрисида,

умумийлашган ва абстракт түшүнчаларга эга бўлган обьектлар ус гида ақлий ҳаракатлар қилиш жараёнидир.

Бизга маълумки, математика фанини ўрганадиган обьект митериядаги нарсаларнинг фазовий шакллари ва улар орасидаги микдорий муносабатлардан иборатdir. Ана шу шакллар орасидаги микдорий муносабатларни аниқлаш жараёнида математиклар изланишининг ялмий методларидан восита сифатида фойдаланадилар. Фундаментал математикадаги илмий изланиш методлари бир вақтнинг ўзида математика фанини ўқитиш методлари вазифасини ҳам бажаради.

**Масалан**, кузатиш ва тажриба методи – асосан табиий экспериментал фанларда қулланиладиган эмпирик метод бўлиб, унда тажриба йули билан тасдиқланадиган жумлалар ҳақиқат ўрнига хизмат қила олмайди.

Аммо математикани ўрганишни онгли фаолият кўринишида эътироф этсак, таълим бериш нафақат тайёр билимларни бериш, балки бу билимларни эгаллашга олиб келувчи билиш методларини ўрганишни ҳам талаб этади. Чунки, билиш методлари (кузатиш ва тажриба, таққослаш, аналогия, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, умумлаштириш ва конкретлаштириш, таснифлаш) орқали турли гипотезалар (фаразлар) шаклланади ва улар кейинчалик бошқа билиш методлари ёрдамида тўғри ёки нотуғри эканлиги исботланади.

**Масалан:**

**1-гипотеза.** «Математика» фанини ўқитиш жараёнида фанлараро алокадорликка эришиш – уни ўқитиш самарадорлигини оширади.

**2-гипотеза.** «Математика» фанини ўқитиш жараёнида назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига эришиш – уни ўқитиш самарадорлигини оширади.

**3-гипотеза.** «Математика» фанини ўқитишда мазкур жараённи инновацион технологиялар асосида лойиҳалашга эришиш орқали ташкил этиш – уни ўқитиш самарадорлигини оширади.

**4-гипотеза.** «Математика» фанини ўқитиш жараёнида амалий мазмундаги топшириқларни бажариш орқали назарий билимлар бериш – уни ўқитиш самарадорлигини оширади ва х.к.

**Кузатиш** – теварак-атрофдаги, борлиқдаги обьектларни табиий ҳолда ўрганиш, унинг хосса ва муносабатларини ўрганиш методидир.

**Математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи метод кузатиш дейилади.**

Кузатиш асосан қуидаги йуллар билан олиб борилади: ўқитувчи ўқувчи-талабаларда мавжуд бўлган билимлар даражасини аниқлаш учун назорат материалларини тайёрлаб, уларга тавсия қиласди. Кузатиш жараёни мураккаб бўлиши билан бирга ўқувчи-талаба учун энг мақбул жараён, чунки бу жараён орқали тажриба ортади. Маълумки, тажриба ортириш орқали ўқитиш ва ўрганишда билиш жараёнининг кучайиши келиб чиқади. Бунда, асосан, ўқитувчидаги ёки бу мавзуни ўқувчи-талабаларга ўргатишнинг энг қулай методларини топа билиш имконияти пайдо бўлади.

**Тажриба** – объект ва ҳодисаларни ўрганиш методи бўлиб, тажриба ёрдамида ўрганилаётган объект ва ҳодисаларнинг табиий ҳолати ва ривожланишига таъсир кўрсатамиз, уларни қисмларга бўламиз ҳамда бошқа объект ва ҳодисалар билан бирлаштирамиз.

Демак, математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги микдорий муносабатларни сунъий равишда бўлак (қисм)ларга ажратиш ёки уларни бирлаштириш тажриба методи дейилади.

Тажриба тушунчаси турли кўринишда намоён бўлипши мумкин, яъни:

а) ўқувчи-талабалар сонлар устида ишлаётганда, сонларни таққослаб кўриб, ҳар бир ўрганилаётган сонда микдорий бирликлар қай тарзда қатнашаётганини аниқлаш ёки текис геометрик фигураналар билан ишлаётганда қавариқ фигураналар параметрининг ўзгариши юзанинг ўзгаришига олиб келишини аниқлаш мумкин;

б) ўхшаш математик қонуниятлар орасидаги мавжуд ўзгаришларни таққослаб, тажрибадан тегишли хulosаларни чиқариш мумкин;

в) сонли тўпламларда бажариладиган амаллар ўзаро бир қийматли мосликнинг бажарилиши натижасига кўра тажриба ҳосил қилиш мумкин.

Юқоридагилардан куринаидики, кузатиш ва тажриба биргаликда қўшилиб ўқувчи-талабаларни қилинаётган меҳнатга онгли тарзда ёндашишга ундейди. Шу билан бирга, ўз тажрибаси учун ишлаш ҳолати ва уни ҳимоя қилиш, сифатларни тажриба қилишга ҳам ижодий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, кузатиш деб объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи методга айтилади. Объектдаги

нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги миқдорий муносабатларни сунъий равишда бўлак қисмларга ажратиш ёки уларни бирлаштириш методи тажриба дейилади. Кузатиш ва тажриба орқали математикани ўқитиш ҳамда урганиш методларини танлаш мумкин.

### Масалан:

1. Тажриба методи орқали қўшиш амали учун ўрин алмаштириш қонунини, яъни  $m + n = n + m$  ўринли эканлигини асослаб бериш мумкин.

**Масала.** Иккита қизил ва кўк қоп берилган бўлиб, биринчи қизил қопда  $m$  та қизил, иккинчи кўк қопда  $n$  та кўк шарчалар бор. Ҳар иккала қопда нечта шар бор?

Бу масалани ечишни икки хил усулда амалга ошириш мумкин:

а) барчасини биринчи қизил қопга солиш мумкин, у ҳолда  $m + n$  та шар бўлади.

б) барчасини иккинчи кўк қопга солиш мумкин, у ҳолда  $n + m$  та шар бўлади.

**Хулоса.** Ҳар иккала ҳолда ҳам қондаги шарлар сони бир хил бўлгани учун  $m + n = n + m$  бўлиб, бу қонун барча ҳакиқий сонлар устида қўшиш амалини бажарганда ўринли бўлади.

2. Тажриба методидан фойдаланган ҳолда ҳар қандай учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси  $180^{\circ}$  га teng эканлигини кўрсатинг.

Масалани ҳал этиш транспортёр ёрдамида амалга оширилади ва ўкувчилар томонидан  $180^{\circ}$  атрофидаги натижаларга эришилади (ҳар қандай ўлчаш натижаси тақрибий хисобланади).

Юқоридагилардан кўринадики, кузатиш ва тажриба методи реал ҳолатларнинг математик тавсифини бажариб берган ҳолда, мазкур жараёнда олинган математик тушунчалар, гипотезалар ёки формулалар келгусида ҳакиқаттага айланишида билиш жараёнининг бошқа методларидан фойдаланган ҳолда асослаб берилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда куйидаги таърифларни киритиш мумкин:

**1-таъриф.** Математик обьектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи метод кузатиш методи деб юритилади.

**2-таъриф.** Математик обьектдаги нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги миқдорий муносабатларни сунъий равишда бўлакларга ажратиш ёки уларни бирлаштириш тажриба методи деб юритилади.

Мазкур методлар билиш жараёнининг умумий қонуниятлари ҳисобланиб, уларни математика фанини ўқитиши жараённанда қўллаш ёки унинг келгусидаги ривожига эришиши таъминлашда фойдаланиш ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

1. Мактаб математика курсини тўла мантикий изоҳлашга хизмат қиласди.

2. Математика фанини ўзлаптириш усулларини ўзида ифодалайди, яъни математика курсида ўрганиладиган мазмун билан ўқитиши методлари орасидаги алоқани ўрнатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим жараёнида кузатиш ва тажриба методларидан фойдаланиш аник мақсадларга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, мазкур жараёнда ўкувчилар мъълум бир математик қонуниятларни, геометрик фактларни кура олиши талаб этилади. Бусиз кузланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатда кузатиш ва тажриба методларини таълимнинг эвристик методлари сифатида ҳам қараш мумкин.

### 3. Математика ўқитишида таққослаш методи

Психология курсидан маълумки, таққослаш ҳар қандай тушуниш ва тафаккурнинг асоси бўлиб, у ёрдамида оламдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида тушуичалар ҳосил қилинади. Агар бирор қаралаётган объект, воқеа ёки ҳодисани ҳеч нарса билан таққослаш ва у орқали улар орасидаги фарқини билиш мумкин бўлмаганда эди, у ҳолда уша объект, воқеа ёки ҳодиса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган бўлар эдик.

Юқоридагилардан куриниб турибдики, таққослаш орқали фикр юритиши операцияси сезгиларимиз ва идрокларимизда ҳали шаклланмаган ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш зарурияти вужудга келган пайтда намоён бўлади. Шунингдек, сезги ва идрокимизда даставвал нарсаларнинг ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқланувчи томони кузга яққол ташланади.

Таққослаш операцияси икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин:

1. Амалий, конкрет нарсаларни бевосита таққослаш.

Масалан. Инсон иккита қўлида юк кўтариб туриб бир неча хил таом мазасини қиёслashi ёки иккита пайкалдаги пахтазор

хосилдорлигини чамалаш ёрдамида таққослаши – бу амалий таққослаш ҳисобланади.

**2. Назарий, яъни тасаввур қилинаётган образлар ва нарсаларни онгда фикран таққослаш.**

**Масалан.** Инсон теварак-атрофдаги барча нарса ва ҳодисаларни бевосита акс эттириш, яъни сезги органлари орқали ҳар доим ҳам сезиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун, инсон томонидан тўпланадиган билимларнинг аксарияти сезги органлари эмас, балки фикр юритиш орқали, яъни мантикий фикрлаш ёрдамида англанади. Бунда таққослананаётган обьектлар орасидаги ўхшашлик ва фарқлар назарий таққослаш орқали амалга оширилади.

Демак, инсон олаётган катта ҳажмдаги ахборотларнинг бир-биридан фарқини фикран таққослаш ёрдамида англаб етади. Жумладан, ўқувчилар мияда уйлаётган нарсаларини фикран солиштириб курадилар.

Тажриба курсатадики, нарса ва ҳодисаларни бирор белгисига асосланган ҳолда таққослашда қийинчиликлар юзага келади. Шунинг учун ҳам доимо берилаётган ахборотлар моҳиятига дик-қат-эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, таққослаш қанчалик тушунарли ва аниқ бўлса, мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш осон бўлади. Бунда шахс олдига аниқ мақсад кўйилса, ёки ўрганилаётган обьект моҳиятига кириб бориш учун кўрсатмалар берилса, у ҳолда фикран таққослашда хатолар микдори кескин камаяди. Таълим жараёнида эса таққослаш устида қанчалик кўп машқ қилинса, у ҳолда таққослаш кўниумаси шунчалик мукаммал бўлади. Натижада фикр юритиш самарали бўлади.

Ўрганилаётган математик обьектдаги нарсаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқловчи метод таққослаш методи дейилади[9].

Маълумки, ҳар бир инсон табиатан атроф-мухит билан ҳамкорликда яшайди. Инсон онгли бўлгани учун атроф-мухитдаги ўзгаришларни ҳар кунни кузатади ва кечагисини бугунгиси билан қиёслашга ҳаракат қиласиди. Таққослаш жараёнида қуйидаги шартларга амал этиш талаб этилади:

таққослананаётган обьектлар бир жинсли бўлиши лозим;

таққослаш – ўрганилаётган обьектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларига нисбатан бўлиши керак;

таққосланытган объектлар бүйсунадиган қонунияттар имкони борича қайсиdir даражада бир-бирига боғлиқ бўлиши назарда тутилади.

Таққослаш – биринчидан, кузатилаётган объектларнинг бир хиллиги ёки бир хил эмаслигини аниқлашга имконият яратиб, унда таққосланытган объектларнинг ички тузилмаси ва унда кўлланытган қонунияттар сони бевосита бир турдан иккинчи турга олиб утишни тақозо этса, иккивчидан, у сонлар тўпламида бажарилиши мумкин бўлган амалларнинг таркибий кўринишида маълум узгартиришлар яратиш керак эканлигини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таққосланытган объектларда бажарилиши лозим бўлган тизимларда урганилиши кераклиги талаб этилади.

Умуман, таққослаш методи ёрдамида таққосланытган объектларнинг ўхшаш ва фарқли, яъни уларда умумий ва умумий бўлмаган хоссалари аниқланиб, таълим жараёнида ундан фойдаланиш ўкувчи-талабалар томонидан билимлар тизимининг чукурроқ, фалпроқ бўлишига имконият яратади.

Таққослаш методидан фойдаланилганда унинг куйидаги тамойилларига риоя қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

а) Таққослаш маънога эга бўлиши керак.

б) Таққослаш жараёнида аянқ касбий ва ўрганилаётган фан мазмунидан келиб чиқсан ҳолда таққослаш амалга оширилаётганилиги белгилаб кўйилиши талаб этилади.

1-мисол. Кўпбурчакларни юзаларига ва периметрига кўра таққослаш мумкин.

Хулоса. 1) Кўпбурчаклар бир хил юзага эга бўлса-да, периметрлари турлича ҳам бўлиши мумкин.

2) Кўпбурчаклар бир хил периметрга эга бўлса-да, турлича юзага эга бўлиши мумкин.

с) Таққослаш тўлиқ бўлиши керак.

Умуман, таққослашда:

1) таққосланытган тушуничалар бир жинсли бўлса;

2) мухим аҳамиятга эга бўлган белгилар орқали таққосланасигина тўғри натижага олиб келади:

2-мисол. Мактаб алгебра курсида арифметик прогрессия пайдини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқариш таққослаш методи орқали амалга оширилади.

**Таъриф.** Иккинчи ҳадидан бошлаб узидан аввалги ҳар бир ҳадига бирор ўзгармас сон қўшилишидан ҳоснл бўладиган сонлар кетма-кетлиги арифметик прогрессия дейилади.

Фараз қиласлик,  $a_1, a_2, a_3, \dots, a_n$  куринишдаги сонлар кетма-кетлиги ва  $d$ - ўзгармас сон берилган бўлсин, у ҳолда юқоридаги таърифга асосан:

$$a_2 = a_1 + d \quad (1)$$

$$a_3 = a_2 + d \quad (2)$$

У ҳолда (1) ва (2) дан:

$$a_3 = a_1 + d + d = a_1 + 2d \quad (3) \text{ бўлади.}$$

Худди шунингдек,  $a_4 = a_3 + d = a_1 + 2d + d = a_1 + 3d \quad (4)$  бўлади.

(3) ва (4) ларнинг ўзаро таққослаш ҳамда индукция методини татбиқ қилиш натижасида арифметик прогрессия  $n$  - ҳадини хисоблаш формуласи:  $a_n = a_{n-1} + d = a_1 + (n-2)d + d = a_1 + (n-1)d$  эканлиги аниқланади.

**Хулоса.** Арифметик прогрессия  $n$ -ҳади  $a_n = a_1 + (n-1)d$  формула ёрдамида топилади.

#### 4. Математика ўқитишда анализ ва синтез методлари

Анализ фикрлаш жараёнининг номаълумдан маълумга бориш шакли ёки номаълумлардан маълумларга томон изланиш методи бўлиб, бунда ўқувчи-талаба берилган объектда қатнашаётган номаълумни аниқлагандан сўнг, объектни майда объектларга бўлиб ўрганади.

Психологиядан маълумки, дарс жараёнида тафаккурнинг анализ қилиш фаолияти муҳим ўрин тутади. **Масалан.** Савод ўргатиш, одатда, нутқни анализ қилишдан, яъни, гапни сўзларга, сўзларни бўгинларга, бўгинларни товушларга ажратишдан бошланади. Математикада эса, масалани ечишда дастлаб унинг шартидаги маълумлар ажратиб чиқлади, сўнгра номаълумлар топилади. Мазкур тушунчага психологлар қуйидагича таъриф беради: *бутунлардан булакларга томон излаш методига анализ дейилади.*

Демак, анализ натижасида берилган тушунча фикран бўлакларга булиниб, шу бўлакларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар аниқланади.

Синтез методи оркали эса ана шу булаклар ўзига хос бўлгани хусусиятларига кўра фикран бирлаштирилади ёки яхлит ҳолги келтирилади[18].

Демак, синтез – бу маълумлардан номаълумларга томон излаш методи бўлиб, у фикрлаш жараёнининг рост, бир қийматли, аникланган қонуниятларининг номаълумга бориш шаклидир.

Анализ ва синтез биргаликда бериладиган обьектни ҳал қилиш алгоритмини аниклаш ёки режасини тузиш имкониятини яратиб боради. Машҳур психолог Л. Рубенштейннинг фикрига қараганда, анализ ва синтез соғ, алоҳида ҳолатда учрамайди. Анализ жараёнида қандайдир даражада синтез ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ҳам у синтез оркали анализ қилиш, анализ оркали синтез қилиш фикрлари билан тўлдирилади. Ҳақиқатан ҳам, анализ қилиш жараёнида номаълумнинг қисман маълум булган миқдорига ўтиш жараёнида тўпланган фикрларни тақкослаймиз, уни маълум даражада умумлаштиришга харакат қиласмиз, сунгра эса иккинчи маълум билан боғлаймиз. Демак, анализ қилиш жараёнида қисман синтез ҳам қиласмиз. Бундан куринаники, анализ ва синтез ўзаро боғлик ҳолда ва бир-биридан ажралмаган ҳолатда қулланилар экан.

Шунингдек, математикада бир-биридан келиб чиқунчи анализ ҳам учрайди. **Масалан:** *A* жумла бўлиши учун *B* жумланинг рост бўлиши зарур ва етарли.

## 5. Математика ўқитишида абстракциялаш, умумлаштириш, аниклаштириш ва таснифлаш методлари

### Абстракциялаш методи

Абстракциялаш – бу ўрганилаётган обьектдаги нарсаларнинг муҳим белгиларини, сифат ёки хусусиятларини фикран ажратиб олиб, мазкур белги, сифат ёки хусусиятларни мустақил фикр обьектига айлантиришдан иборат тафаккур операцияси хисобланиб, у ўқувчи-талабаларнинг билим савиасини биринчи даражасидан иккинчи даражасига ўтиш жараёнини аниклашга ва ифодалашга хизмат қилувчи методдир.

**Масалан.** Турли геометрик шакллар: учбурчак, туртбурчак, кесик конус, кесик пирамида, параллелограмм, кўпбурчак, параллелепипед ва ҳоказоларни кузата туриб, улар учун умумий бўлган белгини, яъни бурчакни фикран ажратишлари, сунгра

умуман „бурчак“ түшүнчеси тұғрисида фикр юритишлари лозим бұлади.

Фан ва технология кундан-кунга жадал суратлар билан ривожланиб бораёттган ҳозирги шароитта узатилаёттган ахбороттарнинг маълум қисмигина абстракт ҳолда инсон маънавий мулкига айланмоқда. Мазкур билимларни хиссий билиш ёрдамида ўзлаштириш имконияти йүқлиги сабабли уларни абстракциялаш йўл билан ўзлаштириб олиш талаб қилинади. Аммо абстракция ҳолатидаги ахборотлар қийинчилик билан ўзлаштирилади. Чунки, улар яқкол кўргазмаликка асосланмаган бұлади. Шундай бўлсада, ҳозирги кунда абстракт ҳолатда қабул қилинаёттган билимлар ҳажми кундан-кун ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб: янги кашфиётлар, ихтиrolар туфайли келиб чикувчи конуниятлар, ички мураккаб боғланишлар абстракцидлаш атамасида ўз ифодасини топмоқда.

Таълим тизимида эгалланадиган билимларнинг аксарият қисми абстракциялашдан кенг фойдаланишни талаб этиб, у ўқувчи-талабаларга абстракциялашни амалга ошириш йўл ва усуллари билан доимий равишда танишириб боришни талаб этади. Бунга зришиш ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал жиҳатдан интенсив ривожланишига олиб келади ва уларнинг мустақил билим олиш фаолияти такомиллаштирилади. Натижада абстракциялаш ёрдамида қиймат, сон, кенглик, тенглик, узунлик, катталик, қаттиқлик, зичлик, баландлик, геометрик шакл, босим, солиштирма оғирлик каби түшүнчалар тизими абстракт түшүнчаларни қийинчиликсиз ўзлаштириш имкониятларини оширади.

Умуман, абстракциялаш натижасида түшүнчаларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган аломатлари ажратиб олиниб, асосий эътибор уларнинг муҳим аломатларига қаратиласи [18].

Энди математика фаяини ўқитиши жараёнида абстракциялашдан фойдаланишта доир мисоллар кўрайлик.

1-мисол. Ўқитуачи абстракциялаш методини ўқувчиларга  $3 \cdot 5 = 15$  мисол орқали түшүнтириши мақсаддга мувофик.

Бизга маълумки, бу оддий математик тенгликдир, аммо у объектив оламдаги маълум бир конуниятларни акс эттиради. Агар биз  $3 \cdot 5 = 15$  тенгликка маълум бир шартларни қўйсак, у ҳолда бу тенглик қўйидаги конуниятларни ифодалайди:

а) агар 3 сонини – қаламларнинг сони, 5 сонини эса ҳар бир қаламнинг қиймати десак, у ҳолда 15 сони жами қаламларнинг қийматини (қанча туршилини) ифодалайди.

б) агар 3 сонини одамнинг пиёда юрган вақти, 5 сони эса уншиг бир соатдаги тезлиги десак, у ҳолда 15 сони одамнинг пиёда 3 соат ичидаги босиб утган шулини ифодалайди.

**2-мисол.** Биз физика курсида жисмнинг ҳаракат тезлиги тушунчасини  $v_t = v_0 + at$  формула билан, металл стержень узунлигини қиздирилгандаги ўзгаришини  $l_t = l_0 + at$  формула билан, чизикли функциянинг бурчак коэффициентли формуласини эса чизикли функция формуласининг физикада ёзилиши эканлигини кўрамиз.

Юкоридаги мисоллардан куриниб турибдики, абстракциялаш методида объектларнинг факатгина муҳим белгилари ҳақида суз юритилиб, уларнинг турли кўринишлари буйича фикр юритилмас экан. Ўкувчи-талабаларга математик абстракциялаш методини ўргатиш улар томонидан математик объектларни муҳим белгиларини ажратса олиш ҳамда илмий тушунчаларни самарали ўзлаштиришларида муҳим ўрин тутади.

#### Умумлаштириш методи

Умумлаштириш методи математика фанини ўқитишининг илмий изланиш методларидан бири бўлиб, бирлик фикрлашлардан умумий фикрлашларга утища муҳим ўрин тутади.

Мактаб математика курсида умумлаштириш методи куйидаги холатларда қўлланади:

математик тушунчаларни умумлаштириш;

теоремаларни исботлашда умумлаштириш;

мисол ва масалаларни ечишда умумлаштириш.

#### 1) Математик тушунчаларни умумлаштириш.

**Търиф.** Математик объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур шакли математик тушунча дейилади.

Ҳар бир математик тушунча ўзининг икки томони билан характерланади:

а) тушунчанинг мазмуни;

б) тушунчанинг ҳажми.

**Търиф.** Тушунчанинг мазмуни деб, ана шу тушунчани ифодаловчи асосий хоссаларнинг тўпламига айтилади.

**Масалан.** Түртбұрчак түшунчасини күриш чиқайлик. Түртбұрчак түшунчасининг мазмұни қуйидаги асосий хоссалар тұпламидан иборат:

түртбұрчакнинг диагонали уни иккита учбурчакка ажратади;

ички қарама-қарши бурчакларнинг йигіндиси  $180^{\circ}$  га тең;

диагоналлари бир нүктада кесишады ва шу нүктада иккиге булинади.

**Таъриф.** Түшунчанинг ҳажми деб ана шу түшунчага кирған барча объектлар тұпламига айтилади.

**Масалан.** Түртбұрчак түшунчасининг ҳажми түртбұрчак түшунчасига кирған барча түртбұрчак турларидан: параллелограмм, квадрат, ромб ва трапециядан иборат.

Юқоридагидан күринадики, түртбұрчак түшунчасининг ҳажмини томонлари узунлуктарининг міндори турлича бўлган барча түртбұрчаклар ташкил этар экан. Ҳажм жиҳатидан кенг, мазмун жиҳатидан тор бўлган түшунчани жинс түшунчаси ва аксинча ҳажми тор, мазмұни эса кенг бўлган түшунчани тур түшунчаси деб юритилади.

**Масалан.** Акслантириш түшунчасини олайлик. Бу түшунчадан тескари ва тескариланмайдиган акслантириш түшунчалари келиб чиқади.

Бунда акслантириш түшунчаси тескариланувчи ва тескариланмайдиган акслантириш түшунчаларига нисбатан жинс түшунчаси, тескариланувчи ва тескариланмайдиган акслантириш түшунчалари эса акслантириш түшунчасига нисбатан тур түшунчаси бўлади. Юқоридаги мулоҳазалардан күринадики, жинс түшунчаси тур түшунчаларига нисбатан умумий бўлган түшунча экан.

**Таъриф.** Тур түшунчаларидан жинс түшунчаларига ўтиш умумлаштириш дейилади.

Таърифдан күринадики, умумлаштириш жараённіда ўрганилаётган түшунчалар орасыда умумий характерли мөсликлар үрнатилиб, улар орқали умумий фикрлашларга ўтилади. Юқоридаги мулоҳазалардан күриниб турибдик, умумлаштириш жараённіда умумлаштирилган түшунчанинг ҳажми ортиб, мазмұни тораояр экан.

**Мисол.** Акслантириш түшунчасининг ҳажми Н ва мазмұни  $\beta$ , тескариланувчи акслантириш түшунчасининг ҳажми V ва мазмұни  $\alpha$  бўлсин. “Түшунчани умумлаштириш” таърифига асосан қуйидаги

муносабат ўринли бўлади:  $(V \subset H) > (\alpha > \beta)$ . Бу ерда  $V$  – тескариланувчи акслантиришнинг ҳажмига объектив акслантириш киради.  $H$  – акслантиришнинг ҳажмига эса барча акслантиришлар киради. Шунинг учун тескариланувчи акслантириш тушунчаси акслантириш тушунчасининг қисми бўляпти.

Бошқача айтганда, акслантириш тушунчаси тескариланувчи ва тескариланмайдиган акслантириш тушунчаларининг умумлашгаш холи экан.

Энди унинг мазмунига келсак, бу ерда тескариланувчи акслантириш деганда биз факат шу акслантиришнинг хоссаларинигина ўрганамиз. Демак, биз ўрганадиган тушунчанинг мазмуни аниқ. Энди акслантириш тушунчасини олсак, бу ерда биз ўрганадиган тушунчанинг мазмуни ноаникроқ, чунки акслантириш тушунчасидан иккита, яъни тескариланувчи ва тескариланмайдиган акслантириш тушунчалари келиб чиқади. Булардан куриниб турибдикি, тескариланувчи акслантириш тушунчасининг мазмуни акслантириш тушунчасининг мазмунидан катта экан, яъни:  $\alpha > \beta$ .

Умуман, ўкувчиларда тушунчаларни шакллантириш самарадорлиги уларнинг аклий ривожланишлари даражасига ва аклий фолиятларнинг аниқ мақсад сари йўналтирилганлитига боғлиқ бўлади.

### Аниқлаштириш методи

“Аниқлаштириш бир жиҳатдан абстракциялаш ва умумлаштириш жараёнига қарама-қарши ёки шу жараённинг тескарисидир” [49]. Аниқлаштириш, биринчидан, умумий астрект белгини якка объектларга татбиқ этишда намоен бўлади.

**Масалан.** 1) “Оқ” ранг деганда кишининг кўз олдига кор, қофоз, пахта кабилар келади.

2) “Тўртбурчакли” деганда бу белги: трапецияга, квадратга, параллелограмга, китобларга, ўкув хонаси деворларига татбиқ қилиниши мумкин.

Иккинчидан, умумий ва якка белгилари кам бўлган умумийликни очиб беришда намоён бўлади.

**Масалан.** 1) Кесма, нур, тўғри чизик, учбурчак, тўртбурчак, кўлбурчак кабиларни умумий ҳолда текис фигуралар деб қараймиз.

2) Оқ, қизил, қора, яшил, сарик кабиларни умумий ҳолда ранг деб қараймиз.

Демак, юқоридагилардан күринадики, урганилаёттан объектнинг ширсаларнинг хоссаларини бир томонлама хусусий ҳолда фикрлари аниклаштириш бўлар экан.

Аниклаштириш методи ақлий фаолият бўлиб, унда ўрганилаётган объектнинг у ёки бу жиҳати унинг қолган жиҳатларига бояланмаган ҳолда бир томонлама қаралади.

1-мисол.  $a^2 - b^2 = (a - b) * (a + b)$  – бу формулани аниқ ҳоллар учун қўйидагича қўллап мумкин:

$$\sqrt{81^2 - 63^2} = \sqrt{(81 - 63)(81 + 63)} = \sqrt{18 \cdot 144} = 12 \cdot 3\sqrt{2} \approx$$

$$\approx 36 \cdot 1.144 \approx 50,9.$$

2-мисол. Бизга маълумки, косинуслар теоремасини

$c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos(a^\circ b)$  формула билан ифодалаймиз: Агар  $(a^\circ b) = 90^\circ$  бўлса, соя  $90^\circ = 0$ , у ҳолда  $c^2 = a^2 + b^2$  – Пифагор теоремаси келиб чиқади.

### Таснифлаш методи

Психологиядан маълумки, атроф оламни билишда битта нарса ёки ҳодисани эмас, балки, кўплаб турли нарса ва ҳодисаларни ўрганишга тўғри келади. Мазкур жараёнда ўрганиш учун қулайлик яратиш мақсадида атроф оламдаги ана шу кўплаб нарсаларни уларнинг муҳим ёки ўхшаш белгилари бўйича гурухларга пажратишга тўғри келади. Нарса ва ҳодисаларни бундай кўринишда гурухларга ажратиш одатда таснифлаш деб юритилади.

Демак, таснифлаш – бу мантикий амал бўлиб, у ўрганилаётган нарсалар тўпламини маълум ўхшашликлар ва фарқлар бўйича қисм тўпламларига – гурух ёки синфларга ажратишдан иборат экан.

Таъриф. Жинс тушунчаларидан тур тушунчаларига ўтиш таснифлаш дейилади.


Таснифлаш жараёнида ўкувчи-талабалар математик объектиларнинг муҳим ёки ўхшаш белгиларига асосланган ҳолда, уларни бир синфга ажратишга ҳаракат қиласидилар, яъни уларни ўхшаш, умумий ва фарқли томонларини қараб бир-биридан ажратадилар, бунинг натижасида улар тушунчаларни классификация қиласидилар.

Масалан. 1) Менделеевнинг „Элементларнинг даврий тизими“ жадвали таснифлашга мисол бўлади. Олим элементларни атом оғирлиги ортиб боришига, кимёвий сифатларининг бир типдагига ва бошқа белгиларига қараб тартиб билан жойлаштириб чиқкан.

2) Ўзбек тилшунослигига сўз туркумлари куйидагича таснифланади: от, сифат, феъл, сон.

3) Психология фани соҳалари буйича куйидагича ҳам таснифланади: мухандислик психологияси, авиация психологияси, космос психологияси, меҳнат психологияси, патопсихология, олигофрено психология, сурдопсихология, тифлопсихология, маҳсус психология, болалар, усмирлар, ўспиринлар, катта ёшдагилар психологияси, ёш даврлари психологияси, суд иши психологияси, криминал психология, юридик психология ва ҳ.к..

4) Тўртбурчак тушунчасини таснифлаш қуйидагича амалга оширилади:



**4.6. «Математикани ўқитишида илмий изланиш методлари: кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари» мавзусининг лойиҳалари**

**Модулнинг мавзуси ва мақсадлари**

**4.1-жадвал**

| Модулнинг номи  | Модулдан кўзланган мақсадлар   |
|---|--|
| Математикани ўқитишида илмий изланиш методлари: кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари | <p><b>Таълимий:</b> Талаба математик таълимнинг ўзига хос методлари можиятини тушуниб етади; ўқитиш – ўқитувчи фаолияти, ўрганиш эса ўкувчилар онгли билиш фаолияти эканлигини тушуниб етади; математика ўқитишида илмий изланиш методлари хақида тасаввурга эга бўлади; математикани ўқитишида кузатиш ва тажриба, таққослаш, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методларини назарий жиҳатдан тушунади; илмий изланиш методлари ва ўқитишининг замонавий методлари ҳамда хуласа чиқариш методларини таҳдил эта олади; математика ўқитишида анализ ва синтез методларининг ўрни ва аҳамиятини тушуниб етади; юкорида таъсизланган методларнинг назарий жиҳатдан асосланган маъмурини ўкувчиларга етказиб бериш кўникмаси хосил бўлади ва уларни амалда кўллай олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талабада математика ўқитиш жараёнида илмий изланиш методларидан фойдаланиши орқали илмий дунёкаралаш шаклланади; мактаб ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқиётган ўкувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлиарини тарбиялаш кўникмалари шаклланади ва ривожланади.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада математикани ўқитиш жараёнида илмий изланиш методлари маъмурини тушуниш орқали бу тушунчаларни кундалик ҳаётда учрайдиган мисол ва масалаларни ечишга татбик килиш кўникмаси шаклланади.</p> |

**Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари**

**5.2-жадвал**

| T/r | Кичик модуллар номи                      | Кичик модулларнинг мақсади   |
|-----|--|--|
| 1.  | Математик таълимнинг ўзига хос методлари | Талаба математик таълимнинг ўзига хос методлари можиятини билади; «Таълим методи» тушунчаси методика ва дидактика фанларидаги асосий тушунчалардан бирин |

### 5.2-жадвалниң давомы

|    |  |   |
|----|--|---|
|    |  | эканлигини түшүнәди; математика ўқитиши методикаси фанида «ўқитиши (ўқитувчининг фаолияти)», «ўрганиш (ўкувчиларниң онгли билиш фаолияти)» эканлигини англайды; математика курсида таълим методлари классификациясини таҳлил этта олади; уларни амалда күллай олади   |
| 2. | Илмий изланиш методлари: математика ўқитищда күзатиш ва тажриба          | Талаба күзатиш ва тажриба методлари илмий изланиш методлари эканлигини түшүнәди; тажриба ва күзатиш методлари таърифини билади; уларни математика дарсларидағи амалий тәтбиқ этта олади; тажриба ва күзатиш методларини психологик нұктанан назардан мағыносини очиб берса олади, мисол ва масалалар ечишда бу методларни тәтбиқ жилиш күнікмаси шаклланади |
| 3. | Математика ўқитищда таққослаш методлари                                  | Талаба математика ўқитищда таққослаш методи таърифини билади; мисол ва масалаларга күллай олиш күнікмаси шаклланади   |
| 4. | Математика ўқитищда анализ ва синтез методлари                           | Талаба анализ ва синтез методлари таърифини билади; уларни математика дарсларидағи тәтбиқини мисоллар бердамида курсатиш күнікмаси шаклланади; уларни амалда күллай олади   |
| 5  | Математикани ўқитищда умумлаштырыш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари | Талаба умумлаштырыш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари таърифини билади; уларни математика дарсларидағи тәтбиқини мисоллар бердамида курсатиш күнікмаси шаклланади; уларни амалда күллай олади   |

**Таянч түшүнчалар на улар асосида түзилген назорат саволлари**

### 5.3-жадвал

| Т/р | Таянч түшүнчалар  | Назорат саволлари  |
|-----|---|--|
| 1.  | Метод, ўқитиши – ўқитувчининг фаолияти, ўрганиш – ўкувчиларниң онгли билиш фаолияти, илмий изланиш методлари, | 1) Математика ўқитищдаги илмий изланиш методларига нималар киради?<br>2) Математика дарсларида илмий изланиш методларининг мақсадлари нималардан иборат?<br>3) Математика ўқитищдаги илмий изланиш методлари кандай номланади? |

|   |   |   |
|---|---|---|
|   |   | <p>4) Таълим жараёни қандай субъектларни ўз ичига олади?</p> <p>5) Ўкувчиларнинг онгли фаолияти таълим жарабўнида қандай аталади?</p>   |
| 2 | Кузатиш ва тажриба, Кузатишва тажриба методи, мактаб математика курсининг тула мантикий изохланиши, таълим методлари таснифлаш, математик объект, мисдорий муносабат, бирлаштириш, булакларга ажратиш | <p>1) Тажриба методининг таърифини айтинг</p> <p>2) Кузатиш методининг таърифини айтинг</p> <p>3) Билиш жараёнининг умумий қонуниятларини таҳлил қилиб беринг?</p> <p>4) Таълим методларини таснифлаган педагог-олимларнинг номларини келтириинг ва таҳлил этиб беринг.</p> <p>5) Бўлакларга ажратиш деганда нимани тушунасиз?</p>  |
| 3 | Таққослаш, фигуralарнинг ўхлаш ва фарқли тімонлари, асосий ва асосий булмаган хоссалар, бир жинслик, арифметик прогрессия п-хадини хисоблаш формуласи   | <p>1) Таққослаш методи деганда сиз нимани тушунасиз?</p> <p>2) Таққослаш методи ўрганилаётган объектдаги нарсаларнинг қандай хоссаларига кўра амалга оширилади?</p> <p>3) Арифметик прогрессия п-хадини хисоблаш формуласини келтириб чиқаришда таққослаш методининг ўринини курсатиб беринг?</p> <p>4) Илмий изланиш, ўқитиш ва хулоса чиқариш методларининг математика ўқитишдаги урнини таҳлил қилиб беринг?</p> |
| 4 | Анализ ва синтез, анализ методи, синтез методи, бўлаклардан бутунларга томон излаш, бутунлардан бўлакларга томон излаш, теорема, исбот  | <p>1) Анализ методининг таърифини айтинг.</p> <p>2) Синтез методининг таърифини айтинг.</p> <p>3) Психологик нұктан назаридан анализ ва синтез методларини тушунтириб беринг.</p>   |
| 5 | Умумлаштириш, абстракциялаш, аниклаштириш. таснифлаш  | <p>1) Умумлаштириш методи деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2) Абстракциялаш методи деганда нимани тушунасиз?</p> <p>3) Классификациялаш методи деганда нимани тушунасиз?</p> <p>4) Конкретлаштириш деганда нимани тушунасиз?</p>  |

## Назорат саволлары ясосида түзилганд тест саволлари

5.4-жадеалы

| T/p | Саволлар   | Мүмкін бұлған жаоблар |   |
|-----|--|-----------------------|---|
| 1.  | Математика үқитищдеги илмий изланиш методларынан нималар киради? | A                     | *Илмий изланиш методлари, үқитиши методлари, холоса чыкаруш   |
|     |  | B                     | Умумлаштириш абстракциялаш, конкретлаштириш   |
|     |  | C                     | Программалаштирилген тәртим методи, проблемали метод  |
|     |  | D                     | Индукция, дедукция ва аналогия Кузатиши, тажриба  |
| 2.  | Математика үқитищдеги илмий изланиш методларынан нечта?          | A                     | 9 та  |
|     |  | B                     | 6 та  |
|     |  | C                     | *7 та   |
|     |  | D                     | 5 та  |
| 3.  | Математика үқитищдеги илмий изланиш методларынан нималар киради? | A                     | *Кузатиши, тажриба, таққослаш, анализ ва синтез, индуksия ва дедукция, классификациялаш   |
|     |  | B                     | Индукция, дедукция ва аналогия  |
|     |  | C                     | Проблемали тәртим методи, программалаштирилген тәртим методи  |
|     |  |                       | Тажриба ва кузатиши, таққослаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш, классификациялаш  |
| 4.  | Тажриба методларини тәртифлант                                   | A                     | Математик түшүнчаларни ўрганишга кузатиши дейилади  |
|     |  | B                     | *Математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги миқдорий муносабаттарни сұнъий равище булактарға ажратып еки бирлаштиришга тажриба методи дейилади |
|     |  | C                     | Математик объектдаги нарсаларни бирлаштириш методига тажриба методи дейилади  |
|     |  | D                     | Математик объектдаги нарсаларнинг күриншиларини бирлаштырып ва ажратып тажриба усули дейилади   |
| 5.  | Кузатиши методини тәртифлаңыз                                    | A                     | Математик объектдаги нарсаларни исботлаштыру дейилади   |
|     |  | B                     | Математик объектдаги геометрик фигураларнинг хоссаларни ўргатышина кузатиши методи дейилади   |
|     |  | C                     | *Математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг үзаро муносабаттарини белгилөвчи методта кузатиши дейилади   |

|    |  |   |   |
|----|--|---|---|
|    |  | D | Математик объектдаги нарсаларни фигурантарини урганишга күзетиш дейилади.   |
| 6. | Таққослаш методини таърифланг.                 | A | Иккита ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларни тенглешташта таққослаш дейилади  |
|    |  | B | *Ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқловчи методга таққослаш методи дейилади      |
|    |  | C | Ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини урганишга таққослаш методи дейилади                        |
|    |  | D | Ўрганилаётган геометрик фигуralарни томон ва бурчакларига кўра тенглигини аниқлаш таққослаш методи дейилади                   |
| 7. | Қандай методга анализ метод дейилади?          | A | Бўлақларни ўрганиш методи анализ методи дейилади  |
|    |  | B | *Номаълумлардан маълумларга томон излаш методига анализ дейилади  |
|    |  | C | Бутунларни майдалашга анализ дейилади   |
|    |  | D | Урганилаётган математик объектдаги нарсаларни таҳжил килишга анализ дейилади  |
| 8  | Синтез методи деб нимага айтилади?             | A | Ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг номаълумлари билан маълумлари орасидаги муносабатни ўрганишга синтез дейилади |
|    |  | B | Бутунлардан бўлақларга томон изланишга синтез дейилади  |
|    |  | C | Номаълум сондан маълум сонни топишга синтез методи дейилади   |
|    |  | D | *Маълумлардан номаълумларга томон излаш методига синтез методи дейилади   |
| 9  | Умумлаштириш методи деганда нимани тушунасиз?  | A | Номаълумлардан маълум томон излаш методи  |
|    |  | B | *Бирлик фикрлашдан умумий фикрлашларга ўтиш   |
|    |  | C | Бутунилайдан бўлақларга томон излаш методи  |
|    |  | D | Математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи метод                                |
| 10 | Таққослаш методи деганда сиз нимани тушунасиз? | A | Бирлик фикрлашдан умумий фикрлашларга ўтиш  |
|    |  | B | Бутунилайдан бўлақларга томон излаш методи  |
|    |  | C | Номаълумлардан маълум томон излаш методи  |
|    |  | D | *Ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқловчи метод                                    |

5. 4-жаддатниң давоми

|    |   |   |   |
|----|---|---|---|
| 11 | Классификациялаш методи деганда нимани тушунасиз? | A | *Жинс тушунчаларидан тур тушунчаларига ўтиш   |
|    |   | B | Математик объектдаги хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи метод   |
|    |   | C | Урганилаёттан математик объектдаги нарсаларнинг муҳим белгилари фикрдан ажратиб олиб, ана шу белгини мустакил фикр объектига айлантиришдан иборат тафаккур операцияси |
|    |   | D | Урганилаёттан математик объектдаги нарсаларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аникловчи метод   |
| 12 | Абстракциялаш методи деганда нимани тушунасиз?    | A | Бирлик фикрлашдан умумий фикрлашларга ўтиш  |
|    |   | B | Урганилаёттан математик объектдаги нарсаларнинг хоссаларини бир томонлама хусусий холда фикрлаш   |
|    |   | C | *Урганилаёттан объектдаги нарсаларнинг муҳим белгиларини сифат ёки хусусиятларини мустакил фикр объектига айлантиришдан иборат тафаккур операциясидир                 |
|    |   | D | Математик объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи метод  |
| 13 | Конкретлаштириш деганда нимани тушунасиз?         | A | Маълумлардан номаълумларга томон излаш методи   |
|    |   | B | *Урганилаёттан математик объектдаги нарсаларнинг хоссаларини бир томонлама хусусий холда фикрлаш  |
|    |   | C | Бирлик фикрлашдан умумий фикрлашларга ўтиш Номаълумлардан маълум томон излаш методи   |
|    |   | D | Лекция дарси, амалий машғулотлар, лаборатория   |

Дарс тури ҳамда унда кўлланиладиган усул ва услублар

5. 5-жаддат

| Дарс тури                            | Кўлланиладиган педагогик усул ва методлар   |
|--------------------------------------|---|
| Аралаш дарс, янги билимларни згаллаш | Усул тури: Муаммоли баён килиш, тушунтириш, курсатмалик<br>Усул типи: Оғзаки ва кўргазмали<br>Методлар : Сухбат, тушунтириш, мустакил иш, репродуктив |

**Үқув жарайёнида фойдаланиладиган ўқитишининг техник воситалари ва  
дидактик материалларнинг қулланиши жойлари**

**5.6-жадвал**

| <b>Ўқитишининг техник воситалари</b>   | <b>Дидактик материаллар</b>  |
|--|--|
| Математика дарсларида таълим методларининг қулланишига доир слайдлар намойиш қилинади ва назорат саволлари ҳамда мазкур саволлар асосида тузилган тестлар слайдлар оркали намойиш қилинади | Математика ўқитиши методикаси фанига доир дарслик, методик қўлланмалар ва кўрсатмали куроллар ва ушбу фанни ўқитиши жараёнининг лойиҳалари |

5.7. «Математика ўқитишида қузатиш ва тажриба, такқослаш, анализ ва синтез умумлаштириш, абстракциялаш, аниқлаштириш, таснифлаш методлари» мавзусининг мазмуни ва ўқув жарайинин амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:[4, 7, 9, 13, 14, 16, 17, 19, 20, 22, 24, 25, 27, 29, 32, 35, 36, 38, 53, 54, 55, 58, 59].

## ТУРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ҮРТА МОДУЛИ

### МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШДА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ МЕТОДЛАРИ

**4.2-МАВЗУ.** Математика ўқитишида индукция ва дедукция, аналогия методлари, уларнинг аҳамияти

Кичик модуллар:

1. Математик тўла ва чала индукция методи, дедукция методи.
2. Математик ўқитишида аналогия методи.
3. «Математика ўқитишида индукция, дедукция, ва аналогия методлари, уларнинг аҳамияти» мавзусининг лойиҳалари.

#### I. Математик тўла ва чала индукция методи, дедукция методи

Математикада индукция ва дедукция бу фикрлаш жараёнининг асосида ётадиган методлари ҳисобланади. Индукция сўзи лотинча сўз булиб «хосил қилиш», «келтириб чиқариш» – деган маънони билдиради.

**Тъъриф.** Хусусий хулосаларга асосланган ҳолда умумий хулоса чиқариш методи – индукция методи деб юритилади.

Индукция табиати жиҳатидан икки хил бўлиб, у чала ва тўла индукциялардан иборат.

Чала индукция айрим хусусий мулоҳазаларга таяниб умумий мулоҳаза чиқариш методи ҳисобланади.

Масалан, арифметик прогрессиянинг исталган формуласини келтириб чиқаришда  $a_1 = a_1$ ,  $a_2 = a_1 + d$ ,  $a_3 = a_1 + 2d$ ,  $a_4 = a_1 + 3d$ , деб туриб тўғридан-тўғри  $a_n = a_1 + (n-1)d$  умумий мулоҳазани ёзиб қўямиз. Шунинг учун чала индукция қўйилаётган мулоҳазани тўғрилигини кафолатлай олмайди, чунки  $(n+1)$ да потўғри бўлиши мумкин.

Агар қандайдир  $S$  қоида берилган бўлиб,  $n=1$  учун  $S(1)=1$  булсин.

$S(n)=I$  эканлигидан  $S(n+1)=1$  бўйса, у ҳолда  $S$  қоида барча натурал  $n$  лар учун ўринли бўлади – деб фикрни катъиятли қўйилиши бу фикрни унда қатнашаётган параметрга нисбатан доимо рост бўлишини таъминланишини кафолатлади.

**Таъриф.** Умумий хуносага асосланган ҳолда хусусий хуносалар чиқариш методи – дедукция методи деб юритилади.

Маълумки, тўплам элементлари орасида турлича усувлар билан мулоҳаза юритиш мумкин.

**Масалан.** Бирор буш бўлмаган  $X$  тўплам берилган бўлиб, шу тўплам элементлари орасида қўйидагича мулоҳазалар юритилган бўлсин:

(1). Бирор  $A(x)$  тасдиқ  $X$  тўпламнинг баязи бир элементлар учун тўғри бўлса, у ҳолда  $A(x)$  тасдиқ  $X$  тўпламнинг барча элементлари учун тўғри бўлади.

(2). Бирор  $A(x)$  тасдиқ  $X$  тўпламнинг ҳар бир элементи учун тўғри бўлса, у ҳолда  $A(x)$  тасдиқ  $X$  тўпламнинг барча элементлари учун тўғри бўлади.

Математикада (1) усулдаги каби мулоҳаза юритиш чала (тўлиқмас индукция) индукция, (2) усулдаги каби мулоҳаза юритиш тўла индукция деб юритилади.

«Индукция» сўзи лотинча «*inductio*» сўзидан олинган бўлиб, узбек тилида «хосил қилиш», «яратиш» деган маънони англатади.

**1-мисол.**  $N = \{1; 2; 3; 4; \dots\}$  натурал сонлар тўпламида аниқланган  $A(n) = n^2 + n + 17$  ифоданинг қиймати доим туб сондир.

**Ечиш:**  $n = 1$  бўлса,  $A(1) = 1^2 + 1 + 17 = 19$  – туб сон.

$n = 2$  бўлса,  $A(2) = 2^2 + 2 + 17 = 23$  – туб сон.

$n = 3$  бўлса,  $A(3) = 3^2 + 3 + 17 = 29$  – туб сон.

$n = 4$  бўлса,  $A(4) = 4^2 + 4 + 17 = 37$  туб сон.

Хуносаси.  $\forall n \in N$  сонлар учун  $A(n) = n^2 + n + 17$  ифоданинг қиймати туб сон бўлади.

Бунда чала математик индукция ёрдамида умумий хуносаси чиқарилди. Лекин бу хуносаси хотүғри, чунки  $n = 16$  бўлганда,  $A(16) = 289 = 17^2$  бўлиб, 289 сони мураккаб сондир.

**2-мисол.** Охирги рақами ноль рақамидан иборат бўлган барча икки хонали сонлар иккига қолдиқсиз бўлинади.

**Ечиш:**  $X = \{10; 20; 30; 40; 50; \dots\}$  охирги ёзуви 0 рақамидан иборат бўлган барча икки хонали сонлар тўплами бўлсин.

$x = 10$  бўлса, 10: 2 бўлади.

$x = 20$  бўлса, 20: 2 бўлади.

$x = 30$  бўлса, 30: 2 бўлади.

$x = 40$  бўлса, 40: 2 бўлади.

$x = 50$  бўлса, 50: 2 бўлади.

**Хулоса.**  $X = \{10; 20; 30; 40; 50; \dots\}$  түплемнинг ҳар қандай  $x$  элементи 2 га қолдиқсиз бўлинади.

Чала математик индукция ёрдамида чиқарилган бу хулоса тўғри хулосадир, чунки  $X$  түплемнинг ҳар қандай элементи жуфт сондир (барча жуфт сонлар 2 га қолдиқсиз бўлинади).

**З-мисол.** Охирги рақами 6 рақами билан тугайдиган шундай энг кичик сонни топингки, бу соннинг охирги ёзувидаги 6 рақамини учирив, уни соннинг энг юқори хона бирлиги ўрнига ёзганда ҳосил бўлган сон изланётган сондан 4 марта катта бўлсин.

**Ёчиш.** Йизанаётган сонни рақамлар сони ноаниқ бўлгани учун  $x \cdot 10^k + 6$  кўринишида ёзиб оламиз. Охирги ёзувидаги 6 рақамини учирив, уни соннинг энг юқори хона бирлиги ўрнига ёзганда ҳосил бўлган сон  $6 \cdot 10^k + x$  бўлсин.

$$\begin{aligned} \text{Шартга кўра } 6 \cdot 10^k + x &= 4 \cdot (x \cdot 10^k + 6) \Rightarrow 6 \cdot 10^k + x = 40x + 24 \Rightarrow x - 40x = \\ &= 6 \cdot 10^k + 24 \Rightarrow 39x = 6 \cdot 10^k - 24 \Rightarrow x = \frac{6(10^k - 4)}{39} \Rightarrow x = \frac{2(10^k - 4)}{13}. \end{aligned}$$

Бунда  $x$ -бутун сон бўлгани учун  $(10^k - 4)$  ифода 13 га қолдиқсиз бўлиниши керак.

$$k=1 \Rightarrow 10^1 - 4 = 9 - 4 = 5 \text{ сони } 13 \text{ га бўлинмайди.}$$

$$k=2 \Rightarrow 10^2 - 4 = 100 - 4 = 96 \text{ сони } 13 \text{ га бўлинмайди.}$$

$$k=3 \Rightarrow 10^3 - 4 = 1000 - 4 = 996 \Rightarrow 996 \text{ сони } 13 \text{ га бўлинмайди.}$$

$$k=4 \Rightarrow 10^4 - 4 = 10000 - 4 = 9996 \text{ сони } 13 \text{ га бўлинмайди.}$$

$k=5 \Rightarrow 10^5 - 4 = 100000 - 4 = 99996 \Rightarrow 99996 \text{ сони } 13 \text{ га бўлинади,}$  ҳакиқатан ҳам  $99996 : 13 = 7692$  бўлади.

$$\text{Бундан, } x = \frac{2 \cdot 99996}{13} = 15384 \text{ бўлиб, } x \cdot 10^k + 6 = 15384 \cdot 10^k + 6 = 153846.$$

У ҳолда,  $6 \cdot 10^k + x = 153846 \cdot 4 = 615384$  бўлади. Ҳакиқатан ҳам,  $6 \cdot 10^k + x = 6 \cdot 10^5 + 15384 = 600000 + 15384 = 615384$  бўлади.

Бу тасдиқни исботлашда ҳам чала математик индукциядан фойдаландик.

**4-мисол.**  $(n^3 + (n+1)^3 + (n+2)^3)$ : 9 берилган ифоданинг  $n$  – натурал сон бўлганда 9 га қолдиқсиз бўлинишини исботланг.

Буни тўлиқ индукция методи ёрдамида амалга оширамиз.

Бу метод ёрдамида исботлаш қўйидаги 2 та қадамда амалга оширилади.

**1-қадам.** Берилган тасдиқни  $n=1$  учун ўринли эканлиги текшириб кўрилади.

Агар берилган тасдиқ  $n=1$  учун ўринли бўлса, иккисинчи босқичга ўтилади (Акс ҳолда берилган тасдиқ нотўғри деган умумий хулоса чиқарилади).

**2-қадам.** Берилган тасдиқ  $n=k$  учун ўринли деб фараз қилинади ва у  $n=k+1$  учун ўринли ёки ўринли эмас эканлиги исботланади.

Агар  $n=k+1$  учун берилган тасдиқ  $n$  нинг барча қийматлари учун ўринли деган умумий хулоса чиқарилади (Акс ҳолда, берилган тасдиқ  $n$  нинг ихтиёрий қийматида бажарилмайди деб умумий хулоса чиқарилади.)

Энди юкорида берилган  $(n^3 + (n+1)^3 + (n+2)^3) : 9$  тасдиқнинг тўғри эканлигини исботлайлик.

$$\begin{aligned} \text{1-қадам. } n=1 &\Rightarrow (1^3 + (1+1)^3 + (1+2)^3) : 9 \\ &= (1^3 + 2^3 + 3^3) : 9 \Rightarrow (1+8+27) : 9 \Rightarrow 36 : 9 \end{aligned}$$

Демак,  $(n^3 + (n+1)^3 + (n+2)^3) : 9$  тасдиқ  $n=1$  учун ўринли экан.

**2-қадам.**  $n=k$  учун  $(k^3 + (k+1)^3 + (k+2)^3) : 9$  ўринли деб фараз киламиз ва  $n=k+1$  учун  $((k+1)^3 + (k+2)^3 + (k+3)^3) : 9$  эканлигини исботлаймиз.

**Исбот:**  $(k+1)^3 + (k+2)^3 + (k+3)^3 = k^3 + 3k^2 + 3k + 1 + k^3 + 6k^2 + 12k + 8 + k^3 + 9k^2 + 27k + 27 = k^3 + (k^3 + 3k^2 + 3k + 1) + (k^3 + 6k^2 + 12k + 8) + (9k^2 + 27k + 27) = (k^3 + (k+1)^3 + (k+2)^3) + 9(k^2 + 3k + 3) \Rightarrow (k^3 + (k+1)^3 + (k+2)^3) : 9$  – фаразимизга асосан,  $(9(k^2 + 3k + 3)) : 9$  – кўпайтириш амали хоссасига асосан 9 га бўлинади. Булардан,  $((k+1)^3 + (k+2)^3 + (k+3)^3) : 9$  тасдиқ  $n=k+1$  учун ўринли бўлади. У ҳолда математик индукция методига асосан  $(n^3 + (n+1)^3 + (n+2)^3) : 9$  тўғри бўлади, яъни  $\forall n \in N$  да берилган ифоданинг қиймати 9 га қолдиқсиз бўлинади.

**5-мисол.**  $\forall n \in N$  учун  $(n^4 + 6n^3 + 11n^2 + 6n) : 12$  ни исботланг.

Ечиш:

**1-қадам.**  $n=1$  бўлса,  $n^4 + 6n^3 + 11n^2 + 6n = 1^4 + 6 \cdot 1^3 + 11 \cdot 1^2 + 6 \cdot 1 = 1 + 6 + 11 + 6 = 24 \Rightarrow 24 : 12 \Rightarrow n=1$  да  $(n^4 + 6n^3 + 11n^2 + 6n) : 12$  тўғри бўлади.

$n=k$  учун ўринли деб  $n=k+1$  учун исботлаймиз.

**2-қадам.**  $n=k$  учун  $(k^4 + 6k^3 + 11k^2 + 6k) : 12$  ўринли деб фараз киламиз ва  $n=k+1$  учун  $((k+1)^4 + 6(k+1)^3 + 11(k+1)^2 + 6(k+1)) : 12$  эканлигини исботлаймиз.

**Исбот:**

$$\begin{aligned} (k+1)^4 + 6(k+1)^3 + 11(k+1)^2 + 6(k+1) &= k^4 + 4k^3 + 6k^2 + 4k + 1 + 6k^3 + 18k^2 + 18k + 6 + 11k^2 + 22k + 11 + 6k + 6 = (k^4 + 6k^3 + 11k^2 + 6k) + (24k^2 + 24) + (4k^3 + 44k) = (k^4 + 6k^3 + 11k^2 + 6k) + 12(2k^2 + 2) + 4(k^3 + 11k) \end{aligned}$$

Ҳасил бўлади. Бунда

биринчи күшилувчи фаразга асосан 12 га бўлинади. Иккинчи күшилувчи кўпайтириш амали хоссасига кўра 12 га бўлинади.

Учинчи күшилувчи  $4(k^3+11k)$  нинг 12 га бўлинини исботлаш керак. Бунинг учун ҳам математик индукция методидан фойдаланамиз.

**1-қадам.**  $n=1$  бўлса,  $4 \cdot (1^3+11 \cdot 1) = 1+11 = 12 \cdot 4 = 48$ . Бунда,  $48:12$  тўғри бўлади.

**2-қадам.**  $n=k$  учун  $4(k^3+11k) : 12$  ўринли деб фараз қиласиз ва  $n=k+1$  учун  $4((k+1)^3+11(k+1)) : 12$  эканлигини исботлаймиз.

Исбот:  $4((k+1)^3+11(k+1)) = 4k^3+12k^2+12k+4+44k+44 = 4(k^3+11k)+12k^2+12k+48 = 4(k^3+11k)+12(k^2+k+4)$  бўлади.

Бунда,  $4(k^3+11k)$  ифода қиймати фаразга асосан 12 га бўлинади.  $12(k^2+k+4)$  ифода қиймати кўпайтириш хоссасига асосан 12 га бўлинади. У ҳолда кўшиш хоссасига асосан («Кўшилувчиларнинг ҳар бири бирор сонга бўлинса, у ҳолда улар йигиндиси ҳам шу сонга бўлинади»)  $4((k+1)^3+11(k+1))$  ифоданинг қиймати ҳам 12 га бўлинади.

Демак,  $\forall n \in N$  да ( $n^4+6n^3+11n^2+6n$ ) ифода 12 сонига қолдиқсиз бўлинади.

**6-мисол.**  $\forall n \in N$  учун  $1^2+2^2+3^2+\dots+n^2 = \frac{n(n+1)(2n+1)}{6}$  тенглик тўғри эканлигини исботланг.

**1-қадам.**  $n=1$  бўлса,  $1=\frac{1 \cdot 2 \cdot 3}{6} \Rightarrow 1=\frac{6}{6} \Rightarrow 1=1$ . Демак,  $n=1$  да берилган тенглик тўғри.

**2-қадам.**  $n=k$  учун деб фараз қиласиз-да,  $1^2+2^2+3^2+\dots+k^2 = \frac{k(k+1)(2k+1)}{6}$  тўғри деб фараз қиласиз ва  $n=k+1$  учун  $1^2+2^2+3^2+\dots+k^2+(k+1)^2 = \frac{(k+1)(k+2)(2k+3)}{6}$  тенглик тўғри эканлигини исботлаймиз.

**Исбот:**  $1^2+2^2+3^2+\dots+k^2+(k+1)^2$  да фаразимизга асосан  $1^2+2^2+3^2+\dots+k^2 = \frac{k(k+1)(2k+1)}{6}$  эканлигидан

$$\frac{k(k+1)(2k+1)}{6} + (k+1)^2 = \frac{(k+1)(2k^2+k)}{6} + \frac{(k+1)(6k+6)}{6} = \frac{(k+1)(2k^2+k+6k+6)}{6} = (2k^2+k+6k+6)$$

ни кўпайтувчиларга ажратсан,  $2k^2+k+6k+6 = 2k^2+7k+6 = (k+2)(2k+3)$  бўлади. Бундан,

$$\frac{k(k+1)(2k+1)}{6} + (k+1)^2 = \frac{(k+1)(k+2)(2k+3)}{6} = \frac{(k+1)(k+2)(2k+3)}{6} = \frac{(k+1)(k+2)(2k+3)}{6}.$$

Демак, берилган тенглик,  $n=k+1$  да тўғри экан. Бундан, математик

индукция методига асосан,  $\forall n \in N$  учун  $1^2 + 2^2 + 3^2 + \dots + n^2 = \frac{n(n+1)(2n+1)}{6}$  тенглик түгри экан.

**Таъриф:** Умумий маълумотларга таяниб айрим ёки хусусий холоса чиқариш дедукция дейилади.

**Мисоллар.**

1.  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенгламанинг дискриминантини ҳисоблаб, унинг ҳақиқий ечимлари борлигини кўрсатинг.  $D = 9 + 16 = 25$ .  $D > 0$ . Бизга маълумки, квадрат тенгламани ечиш ҳақидаги қоидага кўра унинг дискриминанти мусбат бўлса, у иккита ҳақиқий ҳар хил ечимга эга эди, шунинг учун  $x^2 - 3x - 4 = 0$  тенглама ҳам иккита  $x_1 = 4$  ва  $x_2 = -1$  ечимларга эга.

2.  $\sqrt{81 - 0,09}$  ифоданинг қийматини ҳисобланг. Бу ифоданинг қийматини ҳисоблаш учун мактаб алгебра курсидан умумий конунийтни ўз ичига олувчи қўйидаги теоремадан фойдаланамиш.

**Теорема.**  $a \geq 0$  ва  $b \geq 0$  бўлганда  $\sqrt{ab} = \sqrt{a} \cdot \sqrt{b}$  бўлади.

Шунинг учун қўйидаги холосани чиқарамиз.

$$\sqrt{81 - 0,09} = \sqrt{81} \cdot \sqrt{0,09} = 9 \cdot 0,3 = 2,7$$

3. Мактаб геометрия курсида косинуслар теоремасининг аналитик ифодаси қўйидагича:

$$c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos a^{\wedge}b \quad (1)$$

Агар (1) да  $\angle a^{\wedge}b = 90^{\circ}$  бўлса,  $\cos 90^{\circ} = 0$ , шунинг учун  $c^2 = a^2 + b^2$  (2) бўлади. Бизга маълумки, (2) Пифагор теоремасининг ифодасидир.

## 2. Математик ўқитишда ашалогия методи

Математика фанини ўқитиш жараёнида бунга эришишда “Аналогия” методидан тўғри ва ўринли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

**Таъриф.** Бир ёки бир нечта умумий тушунчадан аниқлик дараҷаси шундай бўлган бошқа бир ёки бир неча тушунча тўғрисида умумий холоса чиқариш традукцион холоса чиқариш деб юритилади.

“Традукция” сўзи лотинча “традуктио” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “ўрин алмаштириш”, “кўчириш” деган маънони англатади

**Масалан:** Фараз қиласлик,  $\forall a, b, c \in R$  учун:  $a > b$  (1-тушунча) ва  $b > c$  (2-тушунча) бўлсин. У ҳолда,  $a > c$  (янги тушунча) эканлиги келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам,  $(\forall a, b, c \in R)(a > b \wedge b > c \Rightarrow a > c)$  бўлади.

Илмий изланиш методи сифатида традукциянинг маъноси қуидагича бўлади: Бирор муносабатга нисбатан икки объектнинг ўхшашлигига асосланган ҳолда шу объектларнинг бошқа муносабатда ҳам ўхшашлиги тўғрисида холосани чиқаришдир.

Традукцион холоса чиқаришнинг асосий тури – аналогия ҳисобланиб, у грекча “аналогия” сўзидан олинган ва ўзбек тилида “ўхшаш” – деган маънони англатади.

Аналогия бўйича холоса чиқариш қуидаги тартибда амалга оширилади:

1-тасдиқ *A* обьекта *a, b, c, x, ...* хоссаларга эга.

2-тасдиқ. В обьект *a, b, c, ...* хоссаларга эга.

**Холоса:** В обьект *x* хоссага ҳам эга.

Демак, Аналогия ёрдамида холоса чиқариш – бу бирор обьектнинг моделини ўрганиш натижасида ҳосил бўлган билимларга асосланган ҳолда бошқа бир тўла таҳлил қилинмаган обьектнинг моделига бу билимларни тўғри деб кўчиришдир.

**Масалан:** Текисликдаги тўғри тўртбурчак фазода қараладиган тўғри бурчакли параллелепипедга аналог сифатdir, чунки тўғри тўртбурчак учун аникланган муносабатлар параллелепипеднинг ён ёқлари орасидаги муносабатларга ўхшаш, яъни:

тўғри тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари ўзаро параллел ва тенг;

тўғри тўртбурчакнинг иккита ён томони ўзаро перпендикуляр;

тўғри бурчакли параллелепипеднинг қарама-қарши ёқлари ўзаро параллел ва тенг;

тўғри бурчакли параллелепипеднинг ён ёқлари унинг асосларига перпендикуляр.

Юқоридагилардан кўринадики, тўғри тўртбурчак билан тўғри бурчакли параллелепипеднинг хоссаларида қуидаги ўхшашлик муносабатлари мавжуд экан: параллеллик, тенглик ва перпендикулярлик.

Юқоридагилардан кўринадики, иккита обьект орасидаги умумий муносабат (ўхшашлик) лар аналогияга мисол бўла олар экан. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хар қандай ўхшашлик ҳам аналогия бўлавермайди, шунинг учун аналогия қуидаги даражада бўлади:

1. Тўликсиз аналогия.

2. Математик аникликка эга бўлган аналогия.

Ўз навбатида анalogия қуидаги турларга бўлинади:

1. Иккита ёки ундан ортиқ объектларнинг баъзи-бир хоссаларини ўхшашлигига асосланган ҳолда уларнинг бошқа хоссаларини ҳам ўхшашлиги тұғрисида умумий холоса чиқариш аналогия булиб, одатда бундай холоса чиқариш оддий аналогия деб юритилади.

2. Объектлар ўхшашлигидан сабаб ўхшашлигини көлтириб чиқарадиган аналогия. Бу ўз навбатида қуйидаги турларга булинади:

а) таққосланаётган объектлар белгиларининг бир-бирига ўхшашлиги аниқ күриниб турған аналогия. Бу одатда катьй аналогия деб юритилади.

б) таққосланаётган объектлар белгиларининг бир-бирига ўхшашлиги аниқ күриниб турмаган аналогия. Бу одатда катьймас аналогия деб юритилади.

Илмий изланиш методи сифатида аналогия ёрдамида баъзи бир ҳолларда түғрига яқынрок бўлган холоса чиқариш мумкин. Бундай ҳолларда натижани тажриба йўли билан таҳлил қилиш ёрдамида текшириш талаб этилади.

Тўғри холоса чиқаришга олиб келадиган аналогиянинг асосий тури – бу изоморфизмлип.

Икки ёки ундан ортиқ объектлар системасининг изоморфлигини очиб беришда, шу системанинг ихтиёрий биттасига тегишли бўлган ихтиёрий белгини бошқасига қучириш мумкин. Бунда объектлар системасининг исталган биттасини тұла текширган ҳолда унга изоморф бўлган объектларни текширмасдан туриб умумий холоса чиқариш мумкин.

Масалан. Геометрия курсида ўрганиладиган геометрик фигуранлар ва уларнинг хоссалари сонли объектларга қўлланиладиган аналитик муносабатларга мос келади.

Энди аналогияга доир мисоллар кўриб чиқайлик:

1. Тўғри тўртбурчак диагонали узунлигини квадрати унинг иккита томонлари узунликлари квадратларининг йиғиндинисига тенг:  $d^2 = a^2 + b^2$ .

Бу тасдикка нисбатан “Тўғри бурчакли параллелепипед диагонали узунлигининг квадрати, унинг учта ўпчови квадратларининг йиғиндинисига тенг”, яъни  $d^2 = a^2 + b^2 + c^2$  тасдик аналогия бўлади.

2. “Тўғри тўртбурчакнинг юзи  $S = a \cdot b$  формула ёрдамида ҳисобланади” – деган тасдикка нисбатан “Тўғрибурчакли паралле-

лепипеднинг ҳажми  $V = a \cdot b \cdot c$  формула ёрдамида ҳисобланади" деган тасдиқ аналогия бўлади.

3. Формулага қараб нима деб ёзса буладими?

**Жавоб:** Ҳа.

4.  $a+b=c$  дан  $a^2+b^2=c^2$  ва бўлади. Шу холоса тўғрими?

**Жавоб:** Йўк.

5.  $(a+b)^1=a+b$ ;  $(a+b)^2=a^2+2ab+b^2$ ;  $(a+b)^3=a^3+3a^2b+3ab^2+b^3$ ;

$$(a+b)^4 = a^4 + 4a^3b + \frac{4 \cdot 3}{2} \cdot a^2b^2 + 4ab^3 + b^4 \dots$$

**Жавоб:** Тўғри.

Математикани ўқитишида аналогиядан фойдаланиш масаласи билан Д.Пойа, П.М.Эрдниев ва бошқа математиклар шуғулланишган.

Илмий изланишлар ва узоқ йиллик педагогик тажриба шуни кўрсатадики, аналогия – ўқувчиларнинг изланувчаник қобилятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб, қуйидаги ҳолатларда аналогиядан фойдаланиш имкониятлари юқори ҳисобланади:

тушунча таърифини англанган ҳолда тушуниб етишда;

фигура хоссаларини онгли равишда эгаллашда;

нукталарнинг геометрик ўрнини аниқлашда;

Теорема (масала)ларни исботлашда;

Масала (теоремани)ни ечиш (исботлаш) усусларни излашда ва ҳ.к.

Аналогияни юқорида санаб ўтилган имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтайлик. Бунинг учун "Планиметрия" курсида ўрганилган қуйидаги таърифларни қараб чиқайлик:

I. Текисликда берилган бирор А нуктадан бир хил узоқликда ётган нукталарнинг геометрик ўрни (нукталарнинг тўплами) *айланадейилади*.

II. Айланадан ўтувчи ватар – унинг диаметри дейилади.

III. Энг катта ватар – *доира* (айлана) диаметри дейилади ва ҳ.к.

Юқоридаги санаб чиқилган таърифларга "Стреометрия" курсида қуйидаги таърифлар мос келади:

I<sub>1</sub>. Фазода берилган бирор А нуктадан бир хил узоқликда ётган нукталарнинг геометрик ўрни (нукталар туплами) сфера дейилади.

II<sub>1</sub>. Сферанинг марказидан ўтувчи ватари – унинг диаметри дейилади.

Ш<sub>1</sub>. Шарнинг энг катта ватари – унинг диаметри дейилади.

Демак, юқоридагилардан күринадики, “Планиметрия” курсида берилған “айланы”, “айланы диаметри”, “доңра диаметри” каби түшунчалар таърифларыга асосланиб (ұхашаш қилиб), “Стреометрия” курсида “сфера”, “сфера диаметри”, “шар диаметри” түшунчалары таърифлар берилади.

Аналогия түшунчасига тиішкен онолик нұктан назаридан ёндошсак, у “сифат түшүнчалар”нинг ұхаш белгиларында түрі келади. Демак, математиканы үқитишида қаралаётган математик объектлардаги “ұхаш хоссалар”ни ажратып курсата олишга үқувчиларни үргатып талаб этилади. Бунда қаралаётган объектлардан қайси бири ва уларнинг қандай хоссалари аналогияға мөс келишини анықтай олишга хизмат килуучи ҳамда олинған аналогия хато эканлыгини анықлашып хизмат килуучи тоғыширикларни үқувчилар томонидан бажара олишиғи эришиш мүхим хисобланади. Күйіда шундай мазмундаги тоғышириклардан намуналар күриб чиқайлик.

Масалан. 1). “Соннинг 3 га ва 9 га бұлниш белгиси” да асослаған қолда аналогия ёрдамида “шұ соннинг 27 га бұлниши” түгрисида холоса чиқариш мүмкін, яғни “Агар соннинг рақамларининг йиғиплеси 27 га бұлниса, у қолда сон 27 га бұлниши”. Аммо бу холоса нотұғри. Чунки, 272 745 сони 3 билан 9 га бўлинади, лекин у 27 га бўлнимайди. Демак, аналогия ёрдамида чиқарылған холоса ҳақиқатан ҳам ҳар доим ҳам тұғри бўлавермас экан.

2) Үқитувчи: Тұғри түртбұрчак бўйининг узунлигини 2 марта оширсак ва унинг энининг узунлигини 2 марта камайтирсак, унинг юзаси қанчага узгаради?

Үқувчи: Ўзгармайди. Ҳақиқатан ҳам берилған түрі түртбұрчак бўйининг узунлигини  $a$  ва энининг узунлигини  $b$  бўлса,  $S=a \cdot b$  бўлар эди. У қолда  $S=2a \cdot \frac{b}{2} = a \cdot b$  бўлади.

Үқитувчи: Агар шу тұғри түртбұрчак бўйи 20 % га оширсак ва энини 20 % га камайтирсак-чи?

Үқувчи: Ўзгармайди.

Үқитувчи: Бу холоса нотұғри аналогия бўлади, чунки масала шарти бўйича

$x = a + 0,2a; y = b - 0,2b \Rightarrow S = xy = (a+0,2a)(b-0,2b) = ab - 0,04ab = 0,96 ab$  бўлади. Демак, тұғри түртбұрчакнинг юзаси 4% га камайған.

3)  $\frac{\lg 18}{\lg 9} = 2$ , чунки бунга сабаб  $\frac{18}{9} = 2$ . Аммо бу аналогия нотүгри.

Бу ерда ўкувчи  $\lg 18$ ,  $\lg 9$  туташ символ эканлигига ажамият бермаган холда кисқартырди. Ваҳолавки, бу холатда  $\frac{\lg 18}{\lg 9} = \frac{\lg(2 \cdot 9)}{\lg 9} = \frac{\lg 2 + \lg 9}{\lg 9} = \frac{\lg 2}{\lg 9} + \frac{\lg 9}{\lg 9} = \frac{\lg 2}{\lg 9} + 1 = 1 + \frac{\lg 2}{\lg 9}$  бўлади.

4) Энди эса “Нуктадарнинг геометрик ўрни аниқлаш” га доир топшириқларни бажаришда аналогиядан фойдаланишни кўриб чиқайлик. Маълумки, планиметрияда:

Берилган кесманинг учларидан бир хил узоқликда ётган нуктадарнинг геометрик ўрни шу кесманинг уртасига туширилган перпендикуляр тўғри чизикдан иборат бўлади.

Берилган тўғри чизикдан бир хил узоқликда ётган нуктадарнинг геометрик ўрни шу тўғри чизикка параллел бўлган тўғри чизикдан иборат бўлиб, уларнинг сони иккита бўлади.

Стреометрияда бўнга аналогия бўлган тасдиқлар қуйидагича бўлади:

Берилган кесманинг учларидан бир хил узоқликда ётган нуктадарнинг геометрик ўрни шу кесманинг уртасидан ўтказилган перпендикуляр текислиқдан иборат бўлади.

Берилган текислиқдан бир хил узоқликда жойлашган нуктадарнинг геометрик ўрни шу текислиқка параллел бўлган текислиқдан иборат бўлиб, уларнинг сони иккита бўлади.

Фазода (текислиқда) АВ кесманинг учидан масофаларини квадратларининг айрмаси катъий бўладиган нуктадарнинг геометрик ўрни шу кесманинг уртасидан утадиган перпендикуляр текислиқ (тўғри чизик) бўлади.


Умуман, аналогия ёрдамида теоремаларни исботлашда, масалаларнинг ечиш усулларини излашда ўкувчилардан қуйидаги билим, малака ва кўнижмаларга эга бўлиш талаб этилади:

берилган масала (ёки теорема)га аналогия сифат масалани танлай олишни билиши;


танланган масала (ёки теорема)ни ечган (исботлаган) дан сўиг таҳлилни берилган масала (ёки теоремага) га кўчира олишни билиши ва ҳ.к.

**Масалан. 1)** Томонларининг узунлиги мос равишда  $a$ ,  $b$  ва  $c$  бўлган учбурчакга ички чизилган айланы радиуси ( $r_1$ )ни топинг (1-расм).

**2)** Томонларининг узунлиги мос равишда  $a$ ,  $b$  ва  $c$  бўлган учбурчакка ташки чизилган айланы радиуси ( $r_2$ )ни топинг (2-расм).



1-расм



2- расм

**Ечиш:** Да стлаб 2-масала ечилсагина, аналогиядан фойдаланган ҳолда 1-масалани ҳал этиш мүмкін.

| № | 1-масала   | 2-масала  |
|---|--|---|
| 1 | $S_{\triangle ABC} = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)} \Rightarrow p = \frac{a+b+c}{2}$  | $S_{\triangle ABC} = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}$ ,<br>бунда $p = \frac{a+b+c}{2}$ ;  |
| 2 | $S_{\triangle AOB} = \frac{1}{2}ar_1$ ; $S_{\triangle AOC} = \frac{1}{2}br_1$ ;<br>$S_{\triangle BOC} = \frac{1}{2}cr_1$ ; | $S_{\triangle AOB} = \frac{1}{2}r_1$ ;<br>$S_{\triangle AOC} = \frac{1}{2}br_1$ ; $S_{\triangle BOC} = \frac{1}{2}cr_1$ ;               |
| 3 | $S_{\triangle ABC} = S_{\triangle AOB} + S_{\triangle AOC} + S_{\triangle BOC}$  | $S_{\triangle ABC} = S_{\triangle AOB} + S_{\triangle AOC} - S_{\triangle BOC}$   |
| 4 | $S = \frac{1}{2}(c+b+a)r = pr_1 \Rightarrow r_1 = \frac{S}{p}$ ; $r_1 = \sqrt{\frac{(p-a)(p-b)(p-c)}{p}}$ .                | $S = \frac{1}{2}(c+b-a)r_1 = (p-a)r_1 \wedge (a=p-(c+b)) \Rightarrow r_1 = \frac{S}{p-a}$ ;<br>$r_1 = \sqrt{\frac{p(p-b)(p-c)}{p-a}}$ . |

Энди аналогиядан фойдаланиш жараенида йул күйилиши мүмкін бўлган ҳатоларга тўхталиб утайлик.

Аналогиядан фойдаланишда йул кўйиладиган ҳатоларни курсатиша ўқитувчи берилган масаладаги тўғри аналогиядан фойдаланган ҳолда, като аналогияни бевосита узи ёки ўкувчилар билан ҳамкорликда тескари масалаларни ҳал этиш оркали улар билимларини ошириш ҳамда чуқурлаштириб бориши мақсадга мунофик хисобланади.

**Масалалар.** ““-7 манғий сон бўяганилиги учун -x ҳам манғий сон булади” деган тасдикда аналогия ёрдамида чиқарилган хулоса

нотүгри бўлади. Буни кўрсатиш учун учун  $x$ - ўзгарувчига  $-7; -8; 7; 8; 9$ ; қийматларини бериб,  $-x$  нинг ишорасини текшириш керак. Ўкувчининг иштиёкини синдиримасдан, дастлаб уни қуллаб-куватлаган ҳолда  $x=7, x=8$  фикрнинг умумий ҳолда  $x = -7, x = -8$  фикрга қарама-қарши эканлигига ишонч ҳосил қилдириш мақсадга мувофиқ хисобланиб, якуний хуносани ўкувчилар томонидан чиқарилишига эришиш англашган ҳолда тушунчаларга эга бўлинишига олиб келади. Демак,

$$-x = \begin{cases} \text{мусбат сон, } x < 0 \text{ бўлса,} \\ 0, x = 0 \text{ бўлса,} \\ \text{манғий сон, } x > 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Умуман, математика фанини ўқитиши жараёнида “Аналогия” методидан ўринли фойдалана олиш ўкувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожланишига, бу эса ўз навбатида англашган ҳолда билимларни эгаллашларига олиб келади.

### 3. «Математика ўқитишида индукция, дедукция ва аналогия методлари, уларнинг аҳамияти» мавзусининг лойиҳалари

#### Модулниң номи ва мақсадлари

#### 3.1-жадвал

| Модуллар номи  | Модуллардан кўзланган мақсадлар  |
|--|--|
| Математика ўқитишида индукция, дедукция ва аналогия методлари, уларнинг аҳамияти | Таълими: Талаба мактаб ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими математика курсида умумлаштириш тушунчасини математик тушунчаларни умумлаштиришда, теоремаларни исботлашда ва мисол ва масалаларни счишда қўллай олади; абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш методларини амалда қўллай олади; математика ўқитишида индукция, дедукция ва аналогия методлари, уларнинг аҳамияти буйича дарс ва ўкув машгулотлар лойиҳаларини тузиш кўникмасига эга бўлади; илмий изланиш методларининг ўқитиши жараёнидаги аҳамиятини ҳис қиласи ва бу методларнинг мазмун ва моҳиятини кўмий методик жиҳатдан мактаб ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасалари ўкувчиларига етказиб бериш кўникмаси ҳосил бўлади ҳамда амалда қўллай олади. |

**Тарбиявий:** Талаба умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш методларини мактаб ва ўрга маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари ўкувчиларига ўргатиш орқали уларда оламдаги маънуд нарсаларнинг фазовий формалари билан улар орасидаги миқдорий муносабатларнинг мазмунини очиб бериш хамда математика фанини ўрганишга бўлган кизишишларнни тарбиялаш кўникмаси шаклланади.

**Амалий:** Талаба умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш методларини ўргатиш орқали мактаб ва ўрга маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари ўкувчиларида амалий аҳамиятта эга бўлган мисол ва масалаларни ечишга бўлган татбиқларини курсатиб, уларнинг шу соҳадаги математик билимларини ошириш соҳасидаги кўникмаси шаклланади.

### Модул ичидағи кичик модуллар номлари ва мақсадлари

3.2-жадвал

| T/р | Кичик модуллар номи                                     | Кичик модулларнинг мақсадлари   |
|-----|---|---|
| 1.  | Математик индукция ва дедукция методлари, чала индукция | Талаба математик индукция ва дедукция методлари таърифини билади; айрим хусусий муроҳазаларга таяниб умумий муроҳаза чиқаришни англайди; умумий кулосага асосланган ҳолда хусусий кулосалар чиқаришни тасавиур эта олади; ушбу методларни математика дарсларида кўллай олиш кўникмаси шаклланади. |
| 2.  | Математик укитишда аналогия методи                      | Талаба Аналогия методи таърифини билади; ушбу методни математика дарсларида кўллай олиш кўникмаси шаклланади.   |

### Таяпч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

3.3-жадвал

| T/р | Таяпч тушунчалар  | Назорат саволлари  |
|-----|---|--|
| 1.  | Хулоса чиқариш методлари, математик индукция, чала индукция, дедукция | 1) Хулоса чиқариш методлари нечта турга бўлинади?<br>2) Математик индукция деганда нимани тушунасиз? |

|    |                 |  |
|----|-----------------|--|
|    |                 | 3) Тула за чала индукция методи деганда нимани тушунасиз?<br>5) Математик дедукция тушунчасини таърифланг. |
| 2. | Аналогия методи | 1) Абстракциялаш деб нимага айтилади?<br>2) Аниклавитирш деб нимага айтилади?                              |

## Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

3.4-жадвал

| T/r | Саволлар                                     | Мумкин булған жағобалар  |
|-----|--|--|
| 1.  | Индукция дегаңда нимани тушунасиз?           | A *Умумий маълумотларга таяниб, айрим ёки хусусий холоса чиқариш<br>B Иккита қатъи хўқумдан натижавий хўқумни чиқариш<br>C Айрим ёки хусусий маълумотларга таяниб, умумий холоса чиқариш<br>D Бунда бирор математик қонуният $n=1$ ҳол учун ўринли бўлса, уни $n=k$ ҳол учун ўринли деб қабул қилиб, сўнгра $n=k+1$ ҳол учун ўринли эканлигини кўрсатиш              |
| 2.  | Математик индукция дегаңда нимани тушунасиз? | A Айрим ёки хусусий маълумотларга таяниб, умумий холоса чиқариш<br>B Умумий маълумотларга таяниб, айрим ёки хусусий холоса чиқариш<br>C *Бунда бирор математик қонуният $n=1$ ҳол учун ўринли бўлса, уни $n=k$ ҳол учун ўринли деб қабул қилиб, сўнгра $n=k+1$ ҳол учун ўринли эканлигини кўрсатиш<br>D Иккита қатъий хўқумдан учинчи натижавий хўқумни чиқарилиши   |
| 3.  | Дедукция дегаңда нимани тушунасиз?           | A Иккита қатъий хўқумдан учинчи натижавий хўқумнинг чиқарилиши<br>B *Умумий маълумотларга таяниб, айрим ёки хусусий холоса чиқариш<br>C Айрим ёки хусусий маълумотларга таяниб, умумий холоса чиқариш<br>D Бунда бирор математик қонуният $n=1$ ҳол учун ўринли бўлса, уни $n=k$ ҳол учун ўринли деб қабул қилиб, сўнгра $n=k+1$ ҳол учун ўринли эканлигини кўрсатиш |

|    |   |   |   |
|----|---|---|---|
| 4. | Хулоса чиқариш методлари бу нима?               | A | *Индукция, дедукция ва аналогия             |
|    |   | B | Математик индукция, дедукция                |
|    |   | C | Анализ ва синтез, таққослаш                 |
|    |   | D | Умумлантириш абстракциялаш, конкретлаштириш |
| 5. | Хулоса чиқариш методлари нечта турга бўлиниади? | A | 5   |
|    |   | B | 4   |
|    |   | C | 7   |
|    |   | D | *3  |

### Дарс тuri хамда унда кўлланадиган педагогик усул ва услублар

3.5-жадвал

| Дарс тuri                            | Кўлланалигани педагогик усул ва методлар  |
|--------------------------------------|---|
| Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш | <b>Усул ва методлар:</b> Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, курсатмалилик<br><b>Усул типи:</b> Оғзаки ва кўргазмали методлар : Сухбат, тушунтириш |

### Ўкув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материалларниң кўлланиш жойлари

3.6-жадвал

| Ахборот технологиялар   | Дидактик материаллар  |
|---|---|
| Мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлариҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар орқали намойиш қилиш, компьютер, ёзув доскаси | Математика ўқитиши методикаси фанига доир дарслик, услубий кўлланмалар ва курсатмали куроллар хамда ўкув машғулотларнинг лойиҳалари, тест |

3.7. «Математика ўқитишида индукция ва дедукция, умумлаштириш ва абстракциялаш, конкретлаштириш, классификациялаш методлари ва уларнинг аҳамияти» мавзусининг мазмuni ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:[4, 7, 9, 14, 16, 17, 19, 20, 24, 25, 27, 29, 32, 35, 36, 38, 53, 54, 55, 58, 59].

## **БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ҮРТА МОДУЛИ**

#### **МАКТАБ ВА ҮРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАТЕМАТИКА КУРСИДА МАТЕМАТИК МАНТИК ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

**5.1-МАВЗУ.** Математик тушунча, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантикий тузилиши, зарурый етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикаси

**Кичик модуллар:**

1. Тушунчанинг фалсафий, психологик, педагогик ва дидактик мөнъияти
2. Математик тушунча, унинг мазмуни ва ҳажми
3. Таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушувчалар, математик тушунчаларни таърифлаш
4. Математик тушунчалар киритиш методикаси
5. «Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатида мақсади, мазмуни» мавзусининг лойиҳалари

#### **1. Тушувчанинг фалсафий, психологик, педагогик ва дидактик мөнъияти**

Бизга «Педагогика» фанини ўрганиш жараёнидан маълумки, таълим – бу ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги онгли ва аниқ мақсадга томон йўналтирилган билишга доир фаолият булиб, уни змалга оширишдан кузда тутилган асосий мақсад қўйида-гилардан иборат:

ўқувчиларга давлат таълим стандарти орқали белгилаб кўйилган билимлар системасини бериш;

математик билимларни бериш орқали ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилияtlарини шакллантириш.

Таълим жараёнидаги бу икки мақсадга эришиш учун ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ўргатилаётган ҳар бир янги математик тушунча фалсафий, психологик, педагогик ва дидактик

қонуниятларга амал килган ҳолда түшунтириши талаб этилади. Агар ҳар бир фанни, жумладан, математика фанини ўқитиш жараённада бунга эришилса, ўқувчилар онгига билиш деб аталувики психологик жараён ҳосил бўлади.

Фалсафа фанидан маълумки, билиш жараёни – бу жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш демакдир.

Бу борада академик Ю.М.Колягин «Тафаккур – инсон онгига объектив борлиқнинг фаол акс этишидир» – деб таъкидлаб ўтган эди[20].

- Билишнинг таркибий қисми қўйидагиларни ўз ичига олади:
- a) билиш субъекти - индивид, ижтимоий групҳулар, жамият.
  - b) билиш обьекти-олам (моддий ва маънавий обьектлар)
  - c) билим

Юқоридагилардан кўринадики, билиш жараёни тафаккур қилишга боғлиқ бўлган жараён бўлиб, у иккита босқичда амалга оширилади:

1. **Хиссий билиш.** Бу сезги, идрок ва тасаввур орқали амалга ошадиган жараён бўлиб, инсоннинг хиссий билиши унинг сезги, идрок ва тасаввурларида ўз ифодасини топади. Чунки, инсон сезги аъзолари орқали реал дунё билан ўзаро алоқада бўлади. Натижада, сезгилар орқали инсон онгига объектив борлиқнинг субъектив образи ҳосил бўлади.

Инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ташқи обьект (кўзгатувчи) билан субъектнинг (инсон сезги аъзолари, асаб тизими) билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган хиссий жараён сезгилар деб юритилади.

Таърифдан кўринадики, сезгилар ёрдамида нарса, воқеа ёки ҳодисаларнинг баъзи бир хусусиятлари акс этади. Ана шу нарса, воқеа ёки ҳодисанинг инсон онгига тўлалигича акс этиши идрок деб юритилади

Психолог ва физиолог олимларнинг илмий изланишлари натижасидан маълумки, ташқи оламда мавжуд бўлган нарса, воқеа ва ҳодисалар инсон мия пўстлогида сезиш ва идрок қилиш орқали маълум бир из қолдиради. Орадан маълум бир вакт ўтгач, бу излар жадаллашиши ва бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг субъектив образи сифатида қайта тикланиши мумкин. Ушбу объектив оламнинг субъектив образининг маълум вакт ўтгандан кейин инсон онгига қайта тикланиш жараёни тасаввур деб аталади [49].

## **2. Мантикий билиш. Бу тушувча, ҳукм ва холоса орқали амалга оширилади.**

Ҳар қандай мантикий билиш дастлаб ҳиссий билиш орқали амалга ошади, шунинг учун ҳам ҳар бир ўрганилаётган математик объектдаги нарсалар сезилади, абстракт нұктасынаназардан идрок ва тасаввур қилинади. Бунда тасаввур ҳиссий билиш билан мантикий билиш орасидаги күпприк вазифасини бажариб, айниқса илмий тушунчаларнинг шаклланишида ҳиссий таянч вазифасини бажаради. Шуни эсда тутиш керакки, ҳиссий билиш асосий, шаклларидан бири бўлган тасаввур орқали моддий дунёдаги нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг ташқи белгилари инсон онгида акс этади. Аммо уларнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Инсон ўзи сезган, идрок ва тасаввур қилган нарса, воқеа ва ҳодисалар тўғрисида билиш жараёнида мантикий фикр юритиш (тафаккур қилиш) қобилиятига эга бўлади. Мантикий фикр юритиш орқали у нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари тўғрисида чуқурроқ, кенгрок ва тўлароқ билишга эришади. Натижада исталган фан ўрганилаётганда, жумладан, математика фанини ўрганишда ўрганилаётган объектдаги нарса тўғрисида маълум бир математик тушунча ҳосил бўлади. Умуман, мантикий фикр юритиш (тафаккур қилиш) илмий тушунчаларнинг маълум бир тизими орқали ифодаланган бўлади.

Тушунчанинг тилдаги шакли – сўз бўлиб, сўзининг маъниси тушунчани аниклайди.

**Таъриф.** Моддий дунёдаги нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг умумий ҳамда муҳим бўлган белгиларини ўзида акс эттирган илмий фикрга илмий тушунча дейилади.

Тушуичалар одатда, конкрет (аник), абстракт, якка ва умумий каби туркумларга ажратилади[18].

**Таъриф.** Инсонни аник бир нарса, воқеа ёки ҳодиса ҳақида мантикий фикр юритиши орқали ҳосил бўлган тушунча конкрет (аник) тушунча деб юритилади.

**Таъриф.** Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисалардан фикран ажратиб олинган аломатлар ҳақида фикр юритиш натижасида ҳосил бўлган тушунча абстракт тушунча деб юритилади.

**Таъриф.** Ҳар бир нарса, воқеа ёки ҳодисанинг ўзигагина тегишли бўлган тушунча якка тушунча деб юритилади.

**Таъриф.** Бир қанча нарса, воқеа ёки ҳодисаларнинг барчасига тегишли тушунча умумий тушунча деб юритилади.

Тушунчаларнинг ўзаро муносабатлари тафаккурда хукм шаклида акс этиб, улар тиљшуносликда *дарак гап* деб юритилади.

**Таъриф.** Иккита бир-бири билан мантикий алоқада бўлган хукмдан чиқарилган умумий хулоса мантикий хулоса деб юритилади.

**Таъриф.** Тушунчалар, хукмлар ва мантикий хулосалардан ҳосил бўлган янги тушунчалар мажмуига илмий назариялар деб юритилади.

## 2. Математик тушунча, унинг мазмани ва ҳажми

Маълумки, барча фанлар қатори математика фани ҳам атрофимизни ўраб турган дунёни, табнат ва жамият ҳодисаларини ўрганади. Аммо математика мазкур ҳодисаларнинг фақатгина алоҳида томонларини ўрганади.

**Масалан.** Геометрияда бирор нарсанинг ранги, қаттиқлиги ёки массаси кабилар ҳисобга олинмайди, балки нарсанинг шакли, ўлчамлари ўрганилади, яъни абстрактланади. Шунинг учун ҳам геометрияда урганилаётган «объект» ёки «предмет» сўзи ўрнига «геометрик фигура» (кесма, нур, тўғри чизик, бурчак, ромб ва ҳ.к.) сўзи қўлланилади.

Умуман, ҳар қандай математик объектлар – бу моддий олам предмет, воқеа-ҳодисаларидан микдорий ва фазовий хосса ҳамда муносабатларни ажратиш, шунингдек, уларнияг бошқа барча хоссаларини абстрактлашдан иборатdir. Булардан куринаники, математик объектлар реал ҳолда мавжуд бўлмасдан, бизни ўраб турган моддий борликда геометрик фигуralар, сонлар ва бошқалар йўқ бўлиб, улар жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида инсонлар онги билан яратилгандир. Бу математик объектлар фақатгина инсонлар тафаккурида ва математик тилини ташкил этувчи белги ва символларда мавжуд ҳисобланади. Бундан ташқари, математик объектларни ташкил этишда купгина хоссаларидан фақатгина абстрактлашдагина эмас, балки уларга ҳеч қандай реал предмет эга бўлмаган хоссаларни қўшиш ҳоллари ҳам содир бўлади.

**Масалан.** “Тўғри чизик” математик объектда фақатгина реал предметларнинг узунликлари хоссасинигина намоён этмасдан, у реал мавжуд бўлган ҳеч бир предмет эга бўлмаган хоссага ҳам эга

булади, яъни тўғри чизиқ иккала йўналишда ҳам чексиз узунликка эга деган хоссасини ҳам намоён этади.

Математик объектлар ҳакидаги бундай тасаввурларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида ўз даврида А.А. Александров, А.Л.Венгер, В.И.Рижик каби олимлар куйидагича мулоҳаза юритишган эди: «Идеал геометрик тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва шакланишига куйидагилар сабаб бўлади[11]:

1. Амалиёт ва кўргазмали тасаввурлар жисмлар шакллари ва геометрик ясашларни ҳар доим аниқроқ бажариш имкониятини курсатгани ҳамда кўрсатаётганидадир. Бунда тўғри чизиқ кесмасининг давоми ҳакида тасаввур қилас эканмиз, биз унинг принципиал четараларини курмадик. Демак, тўғри чизиқнинг чексиз давом этиши ҳақидаги тасаввур шундан ҳосил бўлади. Аммо бундаги ноаниқликлар моддий жисмнинг ўзига ҳос хусусиятлари ёки шартлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси геометрик ясашларнинг моҳиятига нисбатан олиб қараганда бегона тасодифийдир. Шунинг учун ҳам жисмларнинг шакли ва ўлчамлари чексиз аниқлаштирилувчи деб тасаввур қилингани каби бу ясашлар ҳам чексиз аниқлаштирилувчи сифатида қаралади. Юкоридагилардан идеал геометрик фигуralар ҳақида тасаввурлар ҳосил бўлади.

2. Аниқ мулоҳазалар жуда аниқланган предметларни талаб қиласди. Чунки, ҳулосалар чиқариш ва амалий топшириқларни бажариш учун аниқ қоидалар бўлиши талаб этилади. Ўз навбатида аниқ қоида аниқ тушунчани, аниқ тушунча эса аниқ назарияни талаб этади. Бу идеал тушунчалар қарор топишининг иккинчи сабаби хисобланади».

Юкоридагилардан кўринадики, математика моддий дунёнинг фазовий шакли ва микдорий муносабатларини ўргана бориб, мазкур жараёнда у нафакат абстрактлашнинг турли усулларидан фойдаланади, балки унда абстрактлашнинг ўзи кўп босқичли жараён сифатида иштирок этади. Умуман математика абстрактлаш ва уни билишнинг турли соҳаларида қўллаш имконини берувчи фан ҳисобланади. Чунки, математика фани табиатни билиш ва техникини яратиш куролидир.

Демак, ҳар бир ўрганилаёттан математик объектдаги нарса-лар сезилади, абстракт нуқтаи назардан идрок ва тасаввур қилинади. Булар натижасида ўрганилаётган объектдаги нарса тўғрисида маълум бир математик тушунча ҳосил бўлади.

**Таъриф.** Математик объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур шаклига математик тушунча дейилади.

Математика бўйича ўкувчилар томонидан эгалланган назарий билимлар ва уларнинг амалий тажрибалари, кўшни фанларни ўрганиш орқали эгаллаган билимлари, мактабдан ташқари эгаллаган билимлари ва ҳаётий тажрибалари (албатта таълим жараёнига ташкил этишда улардан уринли ва тўғри фойдаланилса) математик тушунчаларни шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Ҳар бир математик тушунча ўзининг мазмунни ва ҳажми билан характерланади.

**Таъриф.** Тушунчани ифодаловчи асосий хоссалар тўпламига шу тушунчанинг мазмунни дейилади.

**Масалав,** «тўртбурчак» тушунчасини олайлик. Тўртбурчак тушунчасиниаг мазмунни:

1<sup>0</sup>. Тўртбурчак – тўртта учга, тўртта томонга, тўртта бурчакка эга бўлади.

2<sup>0</sup>. Тўғри тўртбурчак диагонали уни иккита учбурчакка ажратади.

3<sup>0</sup>. Ички қарама-карши бурчакларнинг йигиндиси  $180^{\circ}$  га teng.

4<sup>0</sup>. Диагоналлари бир нуктада кесишади ва шу нуктада тенг иккига бўлинади каби асосий хоссалар тўпламидан иборатдир.

**Таъриф.** Тушунчага кирган барча объектлар тўпламига шу тушунчанинг ҳажми дейилади.

**Масалан.** «Тўртбурчак» тушунчасининг ҳажмини аниқлайлик.

1. “Тўртбурчак” тушунчасига кирган барча тўртбурчак турлари деганда параллелограмм, квадрат, ромб ва трапецияни тушунамиз. Бунда тўртбурчак тушунчасининг ҳажми деганда томонлари узунликларининг катталиги турлича бўлган барча туртбурчаклар тушунилади.

2. «Тўғри бурчакли учбурчак» тушунчасининг ҳажми «учбурчак» тушунчасининг ҳажмидан «кичик», чунки «Тўғри бурчакли учбурчак» тушунчасига ҳамма учбурчаклар кирмайди.

Аммо «Тўғри бурчакли учбурчак» тушунчасининг мазмуни «учбурчак» тушунчасининг мазмунидан «кatta», чунки тўғри бурчакли учбурчак тушунчасига факат учбурчаклар хоссалари тегишли булмасдан унинг факат ўзига хос бўлган хоссалари ҳам мавжуд.

Умуман, ҳажм жиҳатидан кенг ва мазмун жиҳатидан тор бўлган тушунча жинс тушунчаси, аксинча, ҳажм жиҳатдан тор ва мазмун жиҳатдан кенг бўлган тушунча тур тушунчаси деб юритилади [18].

Масалан. 1. «Квадрат» тушунчасининг таърифини кўриб чиқайлик: «Ҳамма томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчак квадрат дейилади».

Мазкур таъриф структурасини таҳлия қилсак, қўйидаги жараёнга гувоҳ бўламиш:

а) Таъриф беришда дастлаб таърифланувчи «квадрат» тушунчаси берилади ва кейин унинг «тўғри тўртбурчаю» ва «ҳамма томонлари тенг» бўлиши тўғрисидаги хоссаларини ўз ичига оловчи таърифловчи тушунча киритилади. Бунда квадратнинг «тўғри тўртбурчак» бўлиши тўғрисидаги хоссаси шуни қўрсатадики, барча квадратлар тўғри тўртбурчак бўлади, яъни «тўғри тўртбурчак» тушунчаси «квадрат» тушунчасига нисбатан умумий тушунча ҳисобланади ва у таърифланувчи «квадрат» тушунчасига нисбатан жинс тушунча деб юритилади.

б) Квадратнинг «Тенг томонларга эга» бўлишлик хоссаси тур жиҳатдан хосса қўрсаткичи бўлиб, бу хосса орқали квадрат тўғри тўртбурчакнинг бошқа турларидан фарқи кўрсатилади.

Умуман, мақтаб математика курсининг бошқа тушунчалари таърифи ҳам худди шундай структурага эга бўлиб, уни схема кўринишда тасвирласак, қўйидагича бўлади (4-чизма).



#### 4-чизма.

Тушунчаларни бундай схема асосида таърифлаш жинс ва тур жиҳатдан таърифлаш деб юритилади.

1. Кўпбурчак тушунчаси ёрдамида жинс ва тур тушунчасини кўриб чиқайлик.

Кўпбурчак тушунчасидан иккита қавариқ ва ботик кўпбурчак тушунчалари келиб чиқади. Кўпбурчак тушунчаси бу тушунчаларга нисбатан жинс тушунчаси деб юритилади, чунки унинг ҳажми қавариқ ва ботик кўпбурчаклар ҳажмларидан каттадир. Қавариқ ва ботик кўпбурчаклар эса кўпбурчак тушунчасига нисбатан тур тушунчалари деб юритилади, чунки

улардан ҳар бирининг ҳажми кўпбурчак тушунчасининг ҳажмидан кичик, аммо мазмуналари кўпбурчак тушунчасининг мазмунидан кенг.

### **3. Таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушуичалар, математик тушунчаларни таърифлаш**

Ҳар бир фанда булгани каби математика фанида ҳам таърифланадиган ва таърифланмайдиган (айрим адабиётларда бошлангич тушунчалар ҳам деб юритилади) тушуичалар мавжуд.

Мактаб математика курсида, шартли равишда, таърифланмайдиган энг содда тушуичалар қабул қилинади.

Жумладан, арифметика курсида сон тушунчаси ва кўшиш амали, геометрия курсида эса нукта, масофа, тўғри чизик ва текислик тушунчалари таърифланмайдиган тушунчалар сифатида қаралади. Бу тушуичалар ёрдамида бошқа математик тушунчаларга таъриф берилади.

**Таъриф.** Қаралаётган тушунчаларни бошқаларидан фарқлашга, фанга киритилган янги атама мазмунини ойдинлаштиришга имкон берувчи мантикий усул таъриф деб юритилади.

Тушунчанинг таърифи таърифланувчи тушунча билан таърифловчи тушунчалар орасидаги муносабатдан ҳосил бўлади.

Тушунчанинг таърифи инглизча «*дефиниция (definitio)*» сўзидан олинган бўлиб, «чегара», «бирор нарсанинг охири» деган маънони билдиради. Профессор Ж.Икромов ўзининг «Мактаб математика тили» номли китобида тушунчаларнинг таърифини куйидаги турларга ажратиб кўрсатиб ўтган [18]:

**1) Реал таъриф.** Бундай таърифда қаралаётган тушуячанинг шу гуруҳдаги бошқа тушунчалардан фарқи кўрсатиб берилаб, мазкур жараёнда таърифловчи ва таърифланувчи тушунчалар ҳажмларининг тенг бўлиши муҳим роль ўйнайди.

**Масалан:** «Текисликнинг бирор О нуктасидан баробар узоқликда ётган барча нукталар тўпламига айлана дейилади».

Бу ерда таърифланувчи тушунча айлана тушунчасидир, таърифловчи тушуичалар эса текислик, нукта, масофа тушунчаларидир.

**2) Классификацион таъриф.** Бунда таърифда таърифланадиган тушунчанинг жинс тушунчаси ва унинг тур жihatидан фарқи кўрсатилган бўлади.

**Масалав.** «Барча томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчакка квадрат дейилади».

Бу таърифда «тўғри тўртбурчак» тушунчаси «квадрат»нинг жинс тушунчаси, «барча томонлари тенг» эса тур жиҳатидан фарқини ифода этади.

**3) Генетик таъриф ёки индуктив таъриф.** Бундай таърифда асосан тушунчанинг ҳосил бўлиш жараёни кўрсатилади.

Бизга психология курсидан маълумки, «генетика» сўзи грекча «genesis»сўзида олинган бўлиб, «келиб чиқиш», «манба» деган мънени билдиради.

**Масалан:**

а) «Арифметик прогрессия» таърифини куриб чиқайлик.

**Таъриф.** Арифметик прогрессия деб, иккинчи ҳадидан бошлаб ҳар бир ҳади узидан олдинги ҳадга бир хил сонни кўшиш натижасига тенг бўлган сонли кетма-кетликка айтилади.

Бунда таърифланувчи тушунча – «арифметик прогрессия» тушунчаси, жинс тушунчаси – «сонли кетма-кетлик» тушунчаси иштирок этаяпти. Ундан кейин эса арифметик прогрессия ҳадларини ҳосил қилиш усули баён этилмоқда. Мазкур таърифни формула ёрдамида ифодаласак,  $a_n = a_{n-1} + d$  куринишда бўлиб, бунда  $n \geq 2$  ( $a_1$  – арифметик прогрессия  $n$  – ҳадлари сони,  $d$  – айирмаси) бўлади. Бундай таърифлар – индуктив (хусусий хулосаларга асосланган умумий хулосаларни келтириб чиқариш) таъриф деб юритилади. Бу таърифда манба – “ҳар бир ҳади узидан олдинги ҳадга бир хил сонни кўшиш натижасига тенг” эканлигидир.

б) Тўғри бурчакли учбурчакнинг бирор катети атрофида айланитидан ҳосил бўлган жисмга конус дейилади.

Бу таърифда ҳакикатан ҳам конус тушунчасининг ҳосил бўлиш жараёни кўрсатилган (манба – “тўғри бурчакли учбурчакнинг бирор катети атрофида айланishi”).

с) Тўғри бурчакли трапециянинг баландлиги атрофида айланитидан ҳосил бўлгаян жисмни кесик конус дейилади (манба – “тўғри бурчакли трапециянинг баландлиги атрофида айланishi”).

д) Доиранинг диаметри атрофида айлапишидан ҳосил бўлган жисм шар дейилади (манба – “доиранинг диаметри атрофида айланishi”).

Юқоридагилардан кўринадики, тупуучаларни таърифлашда ҳар бир тушунчанинг мазмуни очиб берилади, яъни тушунчанинг асосий аломатлари ёки муҳим белгилари алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

**Демак, таърифда фақат таърифланадиган тушунчани бошқа турдаги тушунчалардан ажратиб турадиган мұхим белгиларигина иғодаланаң экан.**

Мактаб математика курсида түшүнчаларнинг таърифи икки хил усул билан тузылады:

**1) Берилган тушунчанинг ҳажмига киругчи барча объектлар түпламига асосланилади.**

**Масалан.** Текисликнинг (масофаларни ўзгартмаган ҳолда) ўз-ўзига аксланиши сияжитиш дейилади.

Бу ерда ўқ ва марказий симметрия, параллел күчиринш ва пүктә атрофида буриш тушунчалари сияжитиш тушунчасининг объектига киругчи тушунчалардир.

**2) Берилган тушунчаларнинг аникловчи аломатлар түплемига асосланилади.**

Бундай таърифни тузища тушунчанинг барча мұхим аломатлари санаб **үтилмайди**, аммо улар тушунчанинг мазмунини очиб бериш учун **етарли** бўлиши керак.

**Масалан,** параллелограммнинг мұхим аломатлари қуйидагилардан иборат:

- а) тўртбурчак;
- б) қарама-қарши томонлари ўзаро тенг ва параллел;
- с) диагоналлари кесишиш нүктасида тенг иккига бўлинади;
- г) қарама-қарши бурчаклари тенг.

Параллелограммни таърифлашда а) ва б) аломатлар орқали қуйидаги таърифни тузиш мумкин:

**Таъриф.** «Қарама-қарши томонлари ўзаро параллел ва тенг бўлган тўртбурчак параллелограмм дейилади».

Энди а) ва с) аломатлар орқали таъриф тузайлик:

**Таъриф.** «Диагоналлари кесишиб, кесишиш нүктасида тенг иккига бўлинувчи тўртбурчак параллелограмм дейилади».

Юқоридагилардан кўринадики, тушунчани таърифлашда танланадиган мұхим аломатлар сони етарлича бўлгандагина таърифланаётган тушунча ҳақидаги таъриф тўғри чиқади.

#### **4. Математик тушунчаларни киритиш методикаси**

Мактаб математика курсида математик түшүнчалар икки хил усулда киритилади:

**1) Аниқ-индуктив метод.** Бунда ўкувчилар аввал ўқитувчи томонидан берилган топширикларни бажарган ҳолда ўрганилаётган янги тушунчанинг умумий хоссаларини аникладилар. Сунгра ўқитувчи раҳбарлигига таърифни мустақил ҳолда тузишга ҳаракат қиладилар (янги тушунчани киритишинг бу йўли қуи синфларда кўпроқ ўз самарасини беради).

Аниқ-индуктив метод орқали янги тушунчаларни киритишининг муҳим жиҳатларидан яна бири, мазкур жараёнда муаммоли вазиятлар юзага келади. Бу ўкувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларининг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Фикримизнинг далили сифатида «Параллел тўғри чизиклар» тушунчасини аниқ-индуктив метод орқали киритишни куриб ўтайлик.

| Ўрганиш жараенининг босқичлари  | Тушунча шаклланишининг психологик босқичлари | Ўрганилаётган Параллел тўғри чизиклар» тушунчасининг аниқ модели   |
|---|--|--|
| 1. Параллел тўғри чизиклар тушунчасига мос келувчи мисолларни кундалик хаётимиздан олиш | Сезиш ва идрок юлиши                         | Чизгичининг икки четидаги чизиклар. Досканинг қарама-карши томонларидаги чизиклар  |
| 2. Ана шу тушунчанинг инфодаловчи асосий ва асосий бўлмаган хоссаларини аниклаш.        | Идрок киляшдан тасаввурга ўтиш.              | 1) Тўғри чизикларининг горизонтал жойлашиши (асосий бўлмаган хосса).<br>2) Бу тўғри чизиклар ўзаро бир хил узокликда жойлашган (асосий хосса).<br>3) Тўғри чизиклар умумий нуқтага эгэ эмас (асосний хосса).<br>4) Тўғри чизикларни икки томонга чексиз давом эттириш мумкин (асосий бўлмаган хосса).<br>5) Тўғри чизиклар битта текислиқда ётади (асосий хосса) |
| 3. Агар мавжуд бўлса, бу тушунчанинг муҳим холатларига ҳам каралади.                    |  | Устма-уст тушувчи тўғри чизиклар ҳам бир-биридан бир хил масофада жойлашган булади (масофа узунилиги 0 га тенг)  |

|  |   |  |
|--|---|--|
| 4. «Параллел» сўзининг маъноси.  |   | «Параллел» сўзи грекча «paralelos» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «ёнмаён борувчи» деган маънони англатади  |
| 5. Параллел тўгри чизиклар тушунчасининг асосий хоссасини ажратиш ва уни таърифлаш | Мантиқий билиш, яъни тасаввур ёрдамида тушунчани хосил килишга утиш | <p>1) Бир-бираидан бир хил узокликдаги масофада турувчи тўгри чизиклар жуфтни параллел тўгри чизиклар дейилади (аник бўлмаган таъриф, чунки бирор бурчакнинг томонлари ҳам шу бурчак биссектрисасига нисбатан бир хил узокликда жойлашган бўлади)</p> <p>2) Параллел тўгри чизиклар умумий нуқтага эга бўлмайди (тўла бўлмаган таъриф, чунки, кесишмайдиган тўгри чизиклар умумий нуқтага эга бўлмайди).</p> <p>3) Бир текисликда ётиб умумий нуқтага эга бўлмаган ёки устма-уст тушувчи иккى тўгри чизик параллел тўгри чизиклар дейилади (тулик таъриф).</p> |
| 6. Параллел тўгри чизиклар тушунчасини аник мисолларда курсатиш                    | Тушуичанинг хосил бўлиши  | <p>1) Ўқитувчи синф хонасининг ўзаро параллел бўлган кирраларини кўрсатади</p> <p>2) Кубнинг моделини кўрсатиб, унинг мос кирраларидан ўзаро айкаш бўлган тўгри чизикларни кўрсатади</p>   |

|  |                       |   |
|--|-----------------------|---|
| 7. Параллел түгри чизикларни символик белгилаш | Түшүнчани узлангтириш | Агар бизга $a$ ва $b$ түгри чизиклар берилган бўлиб, улар ўзаро параллел бўлса, уни биз $a  b$ кўринишда белгилаймиз, бунда « $  $ » – параллелик белгиси деб юритилади ва « $a  b$ » – «а түгри чизик $b$ түгри чизикка параллел» – деб ўқилади. |
|--|-----------------------|---|

2) Абстракт-дедуктив метод. Бу метод ёрдамида янги ўрганилаётган математик түшүнча учун таъриф тайёр кўринишда олдиндан аниқ мисол ва масалалар ёрдамида тушунтирилмасдан киритилади.

Масалан. «Тўла квадрат тенглама» түшүнчаси абстракт-дедуктив метод орқали киритилади.

Бу куйидагича амалга оширилади:


1. «Тўла квадрат тенглама» түшүнчасига таъриф берилади.

Таъриф.  $ax^2+bx+c=0$  кўринишидаги тенгламага тўла квадрат тенглама дейилади. Бунда  $x$  – ўзгарувчи,  $\forall a,b,c \in R$  бўлиб,  $a \neq 0$  бўлади.

2) Квадрат тенгламанинг хусусий ҳоллари кўриб чиқилади.

Буни куйидагича жадвал кўринишида тасвирлаш мумкин.

### Тўла квадрат тенглама



3. Ҳосил қилинган келтирилган ва чала квадрат тенгламаларга аниқ мисоллар келтирилади.

Масалан. а)  $2x^2 - 3x - 4 = 0$ - тўла квадрат тенглама.

б)  $x^2 - 5x - 6 = 0$  – келтирилган квадрат тенглама.

c)  $3x^2 + 5x = 0; 2x^2 + 7x = 0; 5x^2 = 0$  – чала квадрат тенгламалар.

**4. Квадрат тенглама тәтбиқига доир амалий мәзмұндары мисоллар билан тәшиштириледі.**

**Масалан.** Бизга «Физика» курсидан маълумки,  $g$ - жисмнинг оркин тушиш тезланиши,  $S$  – босиб ўтган йўли бўлса, у ҳолда

$S = \frac{gt^2}{2}$  формула ёрдамида  $S$  йўлни босиб ўтиш учун сарфланган  $t$ - вақт ни топиш учун юқорида берилган формула  $gt^2 - 2S = 0$  чала квадрат тенглама кўринишга келтириб ечилади.

**5. Квадрат тенгламанинг илдизларини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқариш.**

**1-усул.**  $ax^2 + bx + c = 0$  тенглама илдизлари топилсинг. Бунинг учун қўйидаги айний алмаштиришларни бажарамиз:

$$\begin{aligned}
 ax^2 + bx + c &= a \left[ x^2 + \frac{b}{a}x + \frac{c}{a} \right] = a \left[ x^2 + 2 \cdot \frac{b}{2a}x + \frac{c}{a} \right] = \\
 &= a \left[ x^2 + 2 \cdot \frac{b}{2a}x + \frac{b^2}{4a^2} - \frac{b^2}{4a^2} + \frac{c}{a} \right] = \\
 &= a \left[ \left( x^2 + 2 \cdot \frac{b}{2a}x + \frac{b^2}{4a^2} \right) - \frac{b^2 - 4ac}{4a^2} \right] = \\
 &= a \left[ \left( x + \frac{b}{2a} \right)^2 - \frac{b^2 - 4ac}{4a^2} \right] = 0; \quad a \neq 0, \\
 \left( x + \frac{b}{2a} \right)^2 - \frac{b^2 - 4ac}{4a^2} &= 0 \Rightarrow \\
 \Rightarrow \left( x + \frac{b}{2a} \right)^2 &= \frac{b^2 - 4ac}{4a^2} \Rightarrow \\
 x_{1,2} &= -\frac{b}{2a} \pm \frac{\sqrt{b^2 - 4ac}}{2a} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a} \Rightarrow \\
 \Rightarrow x_1 &= \frac{-b + \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}; \quad x_2 = \frac{-b - \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}
 \end{aligned}$$

**2-усул.**  $ax^2 + bx + c = 0$  тенглама илдизлари топилсинг.

$$ax^2 + bx + c = 0 \Rightarrow ax^2 + bx = -c \mid \cdot 4a \Rightarrow 4a^2x^2 + 4abx = -4ac \mid + b^2,$$

$$4a^2x^2 + 4abx + b^2 = b^2 - 4ac \Rightarrow (2ax + b)^2 = b^2 - 4ac;$$

$$2ax_{1,2} + b = \pm \sqrt{b^2 - 4ac}$$

$$x_{1,2} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

$$x_1 = \frac{-b + \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

$$x_2 = \frac{-b - \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

Агар  $ax^2+bx+c=0$  да  $a=1$  бўлса,  $x^2+bx+c=0$  куринишдаги келтирилган квадрат тенглама хосил бўлиб, унинг ечимлари куйидагича бўлади:

$$x_{1,2} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4c}}{2} = \frac{-b}{2} \pm \sqrt{\frac{b^2}{4} - c}$$

Агар  $b=p; c=q$  десак,  $x^2+px+q=0$  бўлади, унинг ечимлари

$$x_1 = \frac{-p}{2} + \sqrt{\frac{p^2}{4} - q} \text{ ва } x_2 = \frac{-p}{2} - \sqrt{\frac{p^2}{4} - q} \text{ бўлади.}$$

**3-усул.**  $x^2+px+q=0(1)$ ,  $b^2=q; 2ab=p$  десак,

$$b=\pm\sqrt{q}, \quad a=\pm\frac{p}{2\sqrt{q}}$$

буларни (1) га қўйсак, у қуйидаги кўринишни олади.

$$x^2+2abx+b^2=0 \quad (2)$$

(2) га  $a^2x^2$  ни қўшсак ва айирсак  $x^2+2abx+b^2+a^2x^2-a^2x^2=0$  бўлади,  $a^2x^2+2abx+b^2-a^2x^2+x^2=0$  ёки  $(ax+b)^2-a^2x^2+x^2=0$  белгилашга

$$\left(\frac{px}{2\sqrt{q}} + \sqrt{q}\right)^2 - \frac{p^2}{4q}x^2 + x^2 = 0;$$

$$(px+2q)^2 - p^2x^2 + 4qx^2 = 0;$$

кўра  $b=\pm\sqrt{q}$ ;  $a=\pm\frac{p}{2\sqrt{q}}$  эди, шунинг учун  $px+2q=\pm x\sqrt{p^2-4q}$ ;

$$2q=x(-p \pm \sqrt{p^2-4q});$$

$$x_{1,2} = \frac{2q}{-p \pm \sqrt{p^2-4q}}$$

**5. «Математик түшүнчө, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантикий түзилиши, зарурий етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикаси» мавзусининг лойиҳалари**

**Модул мавзуси ва мақсади**

**б. 1-жадвал**

| Модулининг номи   | Модулдан қўзланган мақсадлар  |
|---|---|
| Математик түшүнчә, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантикий түзилиши, зарурий етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикаси | <p><b>Таълимий:</b> Талаба умумий урта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизими математикаси курсида урганиладиган математик мантиқ элементларини билади; билиш, билиш босқичлари (хиссий ва мантикий билиш), түшүнчә, математик түшүнчә, таъриф, аксиомаларни ва теоремалар мантикий түзилишини тушунади; математик түшүнчалар мазмунни ва ҳажми, тур ва жинс түшүнчаларини билади; математик түшүнчалар таърифлари турлари ва математик түшүнчаларни таърифлаш методикасини билади; математик түшүнчаларни дарс жараёнига киритиш методикасини илмий-методик жиҳатдан таҳтил эта олади; математик түшүнчә, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантикий түзилиши, зарурий етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикасига сид дарс ва ўкув машғулоти лойиҳаларини тузиш кўникмалари шаклланади; математик түшүнчаларни киритиш усулини хис кила олади ва уни ўкувчиларга тушунтириш методикаси бўйича билим, кўникма ва малака шаклланади; уларни ўз касбий фаoliyati жараёнида қуллай олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талаба ҳар қандай математик түшүнчакни ўкувчиларга тушунтириш ва уни киритиш методикасини кўрсатиш бизга маълум бўлган илмий билиш назарияси асосида амалга оширилишини тушуниб етади; математика фанини ўрганишга бўлган кизикиш ривожланади; ўкувчиларда математик маданиятни тарбиялаш зарурат эканлигини англайди ва уни амалга ошириш бўйича малака ва кўникмаларни эгалитайди.</p> <p><b>Амалий:</b> Талаба ҳар бир математик түшүнча ҳажми, мазмунни, тури, жинси ва түшүнчаларни</p> |

|  |   |
|--|---|
|  | таърифлаш ҳақидаги ҳамда уларни дарс жараёнига киритишни илмий методик жиҳатидан тушунтиришда кундалик хаётда учрайдиган амалий характердаги толлишириклардан фойдаланиш мақсадига мувофиқ эканлигини тушуниб етади; ўкувчиларда амалий мазмундаги билимлар мажмусини ҳосил килдириш кўникмаси шаклланади; ўкувчиларнинг шахс сифатида шаклланишида ва ривожланишида мантикий билиш мухим ўрин тутишини тушуниб етади; шу асосда ўкувчиларни мантикий фикрлашга ўргатиш методикасини эгалтайди. |
|--|---|

**Модул ичидағи кичик модуллар номлари ва мақсадлари**

6.2-жадвал

| T/r | Кичик модуллар номи   | Кичик модулларнинг мақсадлари   |
|-----|---|---|
| 1.  | Тушунчанинг фалсафий, психологияк, педагогик ва дидактик мөнъияти | Ҳар қандай таълим педагогик жиҳатдан ўз олдига иксита мақсадни кўяди.<br>1. Ўкувчиларга Даалат таълим стандарти асосида ўрганилиши зарур бўлган минимал даражадаги билимлар тизимини бериш.<br>2. Математик билимларни ҳамда шу эгаллаған билимлар юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш орқали ўкувчилар мантикий фикрлаш кобиляйтларини шакллантиришдан иборат бўлиб, бунда билиш психологик жараёни эканлиги ҳамда ухисий ва мантикий билиш босқичлари орқали амалга оширилишини талабалар тушуди. Шунингдек, дидактик нуқтаиназардан математик тушунча, хукм, хулоса ва уларнинг турларини ҳосил бўлиш жараёнини билади; уларни математика дарсларида қўллай олиш кўникмаси шаклланади. |
| 2.  | Математик тушунча, унинг мазмuni ва ҳажми                         | Талаба математик тушунча таърифини билади ва унинг мазмунни ва ҳажмини тушунади; тушунча, математик тушунча, тушунчанинг мазмуни ва унинг ҳажми тўғрисида тасаввур ҳосил булади; улардан педагогик фаoliyati жараёнида амалий татбиқ қила олиш кўникма ва малакалари шаклланади.  |

### 6.2-жадвалнинг давоми

|    |   |   |
|----|---|---|
| 3. | Таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушунчалар, математик тушунчаларни таърифлаш | Талаба таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушунчалар таърифини билади; «таъриф» деган сўзнинг маъносини очиб бера олади; математика фанидаги таърифланмайдиган ва таърифланадиган (кўпгина адабиётларда бошлиягич тушунчалар ҳам деб юритилади) тушунчалар ҳақида маълумотларни англайди; тушунчаларни реал, генетик ва классификацион таърифлаш турлари ҳақидағи билимларни талабалар онгига етказилади; уларни амалда кўлтай олади. |
| 4. | Математик тушунчалар киритиш методикаси   | Талаба математик тушунчалар икки хил аниқ-индуктив ва абстракт-дедуктив усулда киритилишини билади; математик тушунчаларни киритиш методикасини англайди; уларни кўлтай олиш кўникмаси шаклланади.  |

### Кичик модуллари ичидаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

#### 6.3-жадвал

| Тар | Таянч тушунчалар   | Назорат саволлари  |
|-----|--|--|
| 1   | Билиш, ҳиссий билиш, мантикий билиш, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур, математик тафаккур, ҳукм, ҳукмнинг турлар | 1) Билиш деб қандай тафаккур шаклига айтилади?<br>2) Математик тафаккур деганда нимани тушунасиз?<br>3) Ҳиссий ва мантикий билиш деганда нимани тушунасиз?<br>4) Билиш ва ҳиссий билишнинг турларини кўрсатинг?<br>5) Сезги ва идрок тушунчаларни таърифланг.<br>6) Математик ҳукм деганда нимали тушунасиз?<br>7) Математик ҳукмнинг турларини кўрсатинг?                       |
| 2   | Тушунча, математик тушунча, тушунча мазмуни, тушунча ҳажми, рационал билиш                                       | 1) Тушунча деб нимага айтилади?<br>2) Математик тушунча деганда нимани тушунасиз?<br>3) Математик тушунчанинг мазмуни деб нимага айтилади?<br>4) Математик тушунчанинг ҳажми деганда нимани тушунасиз?<br>5) Тушунчани таърифлаш ва таснифлаш жараёнида мавжуд фаннинг ... шаклланади<br>6) Тушунчанинг таърифи деб нимага айтилади?<br>7) Рационал билишларнинг турлари айтинг? |

### 6.3-жадвалининг давоми

|   |   |   |
|---|---|---|
| 3 | Таъриф, реал таъриф, классификацион таъриф, генетик таъриф, жинс ва тур тушунчалари | 1) «Таъриф» сўзининг маъносини тушунтириб беринг.<br>2) Тушунчанинг таърифи деганда нимани тушунасиз?<br>3) Тушунчанинг жинси деганда-чи?<br>4) Тушунчанинг тури деганда нимани тушунасиз?<br>5) Тушунчалар кандай усуллар билан таърифланади?<br>6) Реал таъриф деганда нимани тушунасиз?<br>7) Классификацион таъриф деганда-чи?  |
| 4 | Тушунча, индукция, дедукция, конкрет-индуктив, абстракт-дедуктив                    | 1) Математик тушунчани конкрет-индуктив метод орқали киритиш деганда нимани тушунасиз?<br>2) Математик тушунчани абстракт-дедуктив метод орқали киритиш деганда нимани тушунасиз?<br>3) Тушунчаларни киритиши конкрет-индуктив методи билан абстракт-дедуктив методлари орасида фарқ нимадан иборат?<br>4) Математик хукм умумий ҳолда нечта турга бўлинади?<br>5) Генетик таъриф тушунчасига таъриф беринг |

### Назорат саволлари асосида тузилган тест

#### 6.4-жадвал

| Т/р | Саволлар   | Мумкин бўлган жавоблар |   |   |  |
|-----|--|------------------------|---|---|--|
| 1.  | Билиш деб нимага айтилади?                                       | A                      | Ўрганилаётган нарсани тушунишга билиш дейилади  | B | *Ўрганилаётган объектдаги нарсаларни ўзлаштиришга билиш дейилади   |
|     |  | C                      | Инсон тафаккурининг ўрганилаётган обьектга чексиз ва янада чексиз якнилашуни билиш дейилади | D | Ўрганилаётган нарсани тафаккур орқали хис килиш билиш дейилади   |
|     |  | A                      | Хиссий ва мантикий билиш – психологик жараёндир   | B | *Хиссий билиш – сезги, идрок ва тасаввур орқали, мантикий билиш эса тушунча, хукм ва хулоса орқали ифодаланади |
|     |  | C                      | Хиссий билиш тушунча, сезги, хукм, мантикий билиш эса тасаввур, идрок орқали аникланади     |   |  |
| 2   | Хиссий ва мантикий билиш кандай компонентлар орқали ифодаланади? |                        |   |   |  |

**6 4-жадвалнинг давоми**

|   |  |   |  |
|---|--|---|--|
|   |  | D | Ҳиссий ва мантикий билиш тушунчаларини ўрганишда ишлатилади.   |
| 3 | Математик хукмнинг турларини кўрсатинг                                   | A | теорема, лемма, натижা   |
|   |  | B | *аксиома, постулат, теорема  |
|   |  | C | таъриф, аксиома  |
|   |  | D | таъриф, натижা, лемма  |
| 4 | Математик хукм умумий ҳолда нечта турга бўлинади?                        | A | 9 та   |
|   |  | B | 5 та   |
|   |  | C | 12 та  |
|   |  | D | *3 та  |
| 5 | Математик тушунча деганда нимани тушунасиз?                              | A | Нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур формаси                                       |
|   |  | B | *Математик обьектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур формаси                 |
|   |  | C | Математик обьектнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур формаси                               |
|   |  | D | Объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур формаси                            |
| 6 | Математик хукм деганда нимани тушунасиз?                                 | A | Математик фикрни тасдиқлаш ёки инкор этиш математик хукм дейилади                                    |
|   |  | B | Математик фикрни тасдиқлаш математик хукм дейилади   |
|   |  | C | Математик фикрни инкор этиш математик хукм дейилади  |
|   |  | D | *Тушунчалар асосида хосил килинган математик фикрни тасдиқлаш ёки инкор юлиш математик хукм дейилади |
| 7 | Математик тафаккурнинг турларини кўрсатинг                               | A | Индуктив тафаккур  |
|   |  | B | Аниклаштирилган, диалектик, исходий  |
|   |  | C | *Аниклаштирилган абстракт, индуктив, функционал, диалектик, структуровый, исходий                    |
|   |  | D | Диаликтек, исходий, индуктив   |
| 8 | Тушунчани таърифлаш ва таснифлаш жараенида мавжуд фаннинг ... шаклланади | A | Тушунчаларнинг түгрилиги   |
|   |  | B | *Тушунчалар тизими   |
|   |  | C | Тушунчаларнинг йўналиши  |
|   |  | D | Тушунчани таърифлаш  |

**6.4-жадвалнинг даҳами**

|    |   |   |   |
|----|---|---|---|
| 9  | Тушунчанинг мазмуни деб нимага айтилади               | A | Тушунчани ифодаловчи ҳар кандай хоссаларига   |
|    |   | B | Бирор объект ҳакидаги тушунчанинг муҳим бўлмаган хоссаларига  |
|    |   | C | *Бирор объектнинг барча боғланган муҳим хоссалари тўпламига   |
|    |   | D | Бирор объектнинг хажмига  |
| 10 | Тушунчанинг таърифи деб нимага айтилади?              | A | *Тушунчанинг мазмунини очувчи мантиқий операцияга айтилади  |
|    |   | B | Тушунчанинг исботланган хоссасига айтилади  |
|    |   | C | Тушунчанинг муҳим бўлмаган хоссаларига  |
|    |   | D | Математик формуласига айтилади  |
| 11 | Математик тушунчага таъриф беринг                     | A | Математик тафаккур формасига тушунча дейилади   |
|    |   | B | Урганилаётган нарсаларни тасаввур қилиш математик тушунча дейилади  |
|    |   | C | *Урганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини акс эттирувчи тафаккур формасига математик тушунча дейилади |
|    |   | D | Тушунчаларни тасаввур қилишга математик тушунча дейилади  |
| 12 | Математик ҳукм кандай ифодаланади?                    | A | *Аксиома, постулат ва теорема орқали ифодаланади  |
|    |   | B | Аксиома, индукция ва дедукция орқали ифодаланади  |
|    |   | C | Анализ, синтез, умумлаштириш орқали ифодаланади   |
|    |   | D | Абстракциялаш, бирлик ҳукм, умумий ҳукм орқали ифодаланади  |
| 13 | Тушунчалар кандай усуллар билан таърифланади?         | A | Реал, индуктив, дедуктив усуllibар билан  |
|    |   | B | *Реал, классификацион ва генетик усуllibар билан  |
|    |   | C | Реал, генетик ва дедуктив усуllibар билан   |
|    |   | D | Индуктив, дедуктив ва аналогик усуllibар билан.   |
| 14 | Математик тушунчалар кандай усуллар билан киритилади? | A | Умумий усул ва хусусий усул   |
|    |   | B | Индуктив ва аналогик усул   |
|    |   | C | *Конкрет-индуктив ва абстракт-дедуктив усул   |
|    |   | D | Индукция, анализ ва синтез усул   |
| 15 | Таъриф тушунчаси кайси суздан                         | A | Таъриф сўзи тушунчанинг мөхиятини очиб беради   |
|    |   | B | * «Таъриф» сўзи инглизча definite – сузидан олинган булиб унинг лугавий маъноси «чегара»,                                       |

|   |  |   |
|---|--|---|
|   | <b>олинган ва<br/>унинг<br/>мъносини<br/>айтиб беринг.</b> | «бирор нарсанинг охири» деган мънони<br>билидиради. |
| C |  | «Таъриф» сўзининг мъноси «ураб олмоқ»<br>демакдир.  |
| D |  | Таърифбирор тушунчанинг мазмунини ифода<br>килади.  |

### Дарс тури ҳамда упда қўлланадиган

6.5-жадвал

#### педагогик усул ва услублар

| <b>Дарс турни</b>                       | <b>Қўлланадиган педагогик усул ва услублар</b>    |
|---|---|
| Аралаш дарс, янги<br>билимларни эгаллап | Муаммони баён қилиш, тушунтириш, кўргаз-<br>малик |

### Ўкув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материалларнинг қулланиш жойлари

6.6-жадвал

| <b>Ўқитишининг техник воситалари</b>  | <b>Дидактик материаллар</b>   |
|---|---|
| Тушунчани шакллантириш ва уни<br>киритиш жараёнидаги психологик,<br>педагогик ва дидактик материаллар,<br>мавзу мазмунига доир тузилган тестлар,<br>назорат саволлари ҳамда тест ва назорат<br>саволлари асосидаги слайдларни<br>намойиш қилиш, компьютер, ёзув<br>дооскаси | Математика ўқитиши методикаси<br>фанига доир дарслик, ўкув,<br>услубий қўлланмалар ва<br>кўргазмали қуроллар ҳамда<br>ушбу фан ўкув жараёни<br>лойиҳалари, тест |

6.7. «Математик тушунча, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантиқий тузилиши, зарурий ва етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикаси» мавзусининг мазмуни ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:[4, 9, 10, 14, 17, 18, 19, 20, 21, 24, 25, 27, 31, 32, 34, 35, 46, 58, 59].

## **БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛИ**

### **5.2-МАВЗУ. Ўкувчиларнинг математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ечиш усуллари**

**Кичик модуллар:**

1. Математик таълим жараёнида масаланинг ўрни.
2. Математика ўқитишида масалаларнинг бажарадиган функциялари.
3. Математика ўқитишида фойдаланадиган масалаларнинг таснифи ва уларни ечиш методлари
4. «Ўкувчиларнинг математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ечиш усуллари» мавзусининг лойиҳалари.

#### **1. Математикани ўқитишида масалаларнинг ўрии**

Ўкувчини мантикий фикрлашга, изланишга, ижод килишга, ўз навбатида мустаҳил таълим олишга, ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш мактабнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бунда дарс жараёнида масалалардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, масала ечиш жараёнида ўкувчиларга билим бериш билан бирга уларнинг қобилянятларини ривожлантириш, меҳнатсеварлик, журъатлилик, ирода ва характер каби инсоний сифатларни шакллантиришида имкониятлари юкоридир.

**Таъриф.** Кундалик ҳаётимиизда учрайдиган вазиятларнинг табиий тилдаги ифодаси *масала дейилади*.

Таълим жараёнида ўрганиладиган масала асосан уч қисмдан иборат бўлади:

1. **Масаланинг шарти** – ўрганилаётган вазиятни характерловчи маълум ва номаъум микдорий қийматлар ҳамда улар орасидаги микдорий муносабатлар ҳақидагилар.
2. **Масаланинг талаби** – масала шартидаги микдорий муносабатларда нимани топиш кераклигини ифодалаш.
3. **Масаланинг оператори** – масала талабини бажариш учун шартдаги микдорий муносабатларга нисбатан бажариладиган амаллар йигиндиси [18].

**Маълумки**, математика фанини ўрганадиган обьекти – бу материядаги нарсаларнинг фазовий формалари ва улар орасидаги миқдорий муносабатларни ўрганишдан иборатdir. Буни ўрганиш нисбатан мураккаб жараён ҳисобланиб, унда математик масала мухим ўрин тутади.

**Таъриф.** Мантикий хулосалар, математик амаллар, математик қонунлар ва методларга асосланган ҳолда ечиладиган муаммо – математик масала дейилади.

Математика фанини ўқитиш жараёнида масалалар ҳамма даврларда кўлланилиб келинган бўлиб, таълим жараёнида **математик масала асосан** куйидаги уч йуналигини ўз ичига олади:

1. Математика фанининг назарий қисмлари математик масалаларни ечиш мақсадида ўрганилади.

2. Математика фанини ўргатиш математик масала ва мисолларни ечиш билан биргаликда амалга оширилади.

3. Математика фанини ўрганиш масала ва мисоллар ечиш ёрдамида амалга оширилади.

Юкоридагилардан кўринадики, математик масала ва мисолларни ечиш ўқувчиларнинг шу фанга доир билимларни ўзлаштириш ва уни қундалик амалиётга тадбиқ қилиш малакаларини шакллантиришга ҳизмат қиласи.

Аммо, математик тушунчаларни математик масала ёки мисоллар ёрдамида киритиш ва унинг туб моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш мураккаб педагогик жараён ҳисобланади. Бу ҳар бир математика ўқитувчисидан дарс жараёнида фойдаланиладиган масалаларни ташлашда ёки уларни мустақил тузишда жуда чукур назарий ва амалий тайёргарликка эга **булиши** яъни:

– ўқитувчи томонидан тузилган ҳар бир масала ўтилаётган дарснинг мақсадига ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияtlарига мос келиши;

– янги назарий материалларни ўрганиш дарси учун тузилган масала ва мисоллар мазкур дарсда ўрганиладиган янги назарий тушунчалар моҳиятини очиб берувчи характерда булиши (чунки, мактаб математика курсида карападиган масала ёки мисолларни ечиш жараёnda ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан керакли назарий билим, малака ва кўникмаларгина шакллантирилмасдан, эгалланган назарий билимларни қундалик амалиётга тадбиқ қила олиш малакалари ҳам шакллантирилиши) талаб этилади.

**Масалан.** Агар ўқитувчи “Тұғри тұртбұрчак юзи” мавзусини үрганиш жараёнида мавзууни қундалик ҳаётдан олинган масалаларни үкувчилар билан ҳамкорликда бажарса, у ҳолда олинган назарий билимлар мустаҳкамланади.

Айниқса, мантиқий масалалардан кеңг фойдаланиш, үкувчилар ақдій фаолиятини тұғри йұналтиришга олиб келади. Чунки, бундай мазмундаги масалалар үкувчилар томонидан қизиқарлы тарзда қабул қилинади. Бу эса уларни математика фанига бүлганс қизиқишини оширади ва әгалланған билимларни узоқ вакт ёдда сақлаб қолинишига олиб келади.

Одатда дарс жараёнида масалалардан асосан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- масаланы ечиш орқали янги назарий билимларни бериш;
- бирор исботланған теоремадан келгусида аниқ вазияттарда фойдаланиш малака ва құникмаларини шакллантириш;
- үтилған мавзуларни тақрорлаш;
- янги үрганилған мавзу үкувчилар томонидан қай даражада үзлаштирганларини текшириш ва ҳ.к.

Үкувчилар мантиқий фикрлаш қобиляйтларини ривожлантиришда математика фанининг имкониятлари юқори ҳисобланиб, у шахснинг келгусидаги фаолияти учун базавий құникмалар ҳисобланған фаолиятини режалаштириш, зришган натижаларини таҳлил этиш, керакты ҳисоб-китобларнинг аниқлигини ошириш, математик моделлар куриш ва тадқиқ этиш, оптималлаштириш кабиларни шакллантиради ҳамда унинг касбий сифатларини белгилашда ҳам мұхим үрин тутади.

## 2. Математика ўқитишида масалаларнинг бажарадиган функциялари

Үкувчиларда математик билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда математик мазмундаги масалалар мұхим ҳисобланади. Чунки, математика фанини ўқитиши жараёнида масалаларни ечиш орқали таълимнинг факаттина таълимий мақсадига ишда ҳам асосий үрин тутади.

Одатда масалалар үкувчиларда янги билимлар беришга, шу асосида қўникма ва малакани шакллантиришга, әгаллаган билимларини мустаҳкамлаштағанда әки әгаллаган билимларини

амалиётда күллаш малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлиши мумкин, яъни:

1. Назарий билимларни эгаллашга йўналтирилган математик масалалар системаси ўрганилаётган янги тушунчани тўла ўзлаштиришни таъминлашдан иборат бўлиши.

2. Ўрганилаётган теорема исботини, кўлланишини ва ўзлаштиришни таъминловчи қонди ва алгоритмларни ўкувчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлашта қаратилган бўлиши.

3. Эгалланган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ёки баҳолашга қаратилган бўлиши мумкин.

Масалалар системаси қайси мақсадга йўналтирилганлигига қараб турли хусусиятларга эга бўлади.

**Масалан.** 1. Математик тушунчани ва унинг таърифини ўзлаштиришга қаратилган масалалар системасининг хусусиятлари куйидагилардан иборат бўлади:

– масалалар системасида янги математик тушунчаларни амалий аҳамиятини очиб беришга қаратилган масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилаётган янги тушунчани ўкувчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилишига хизмат қиласидиган масалаларни мавжудлиги;

– ўрганилаётган тушунча аломатларини аниқлашга йўналтирилган масалаларни мавжудлиги;

– ўрганилаётган янги тушунчани ўкувчиларга олдиндан маълум бўлган тушунчалардан фарқлай олишга йўналтирилган масалаларни мавжудлиги;

– ўрганилаётган янги тушунча ўзлаштиришга хизмат қилувчи масалаларнинг мавжудлиги;

ўрганилаётган янги тушунчага боғлиқ бўлган математик белгиларни ишлатишга йўналтирилган масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилган янги тушунчанинг хоссаларини ўрганишга йўналтирилган масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилган янги математик тушунчани янги билимларни эгаллашда ва қундалик амалиётида кўллай олишга ўргатадиган масалаларнинг мавжудлиги ва х.з.о.

2. Теоремалар ва уларнинг исботини ўзлаштиришга хизмат қилувчи масалалар системасини хусусиятлари куйидагиларни ўз ичига олади:

– ўрганилаётган теоремада келтирилган математик фактни очиб бериш учун олдиндан ўрганилган билимларни зарурлигини курсатиш мазмунидаги масалаларнинг мавжудлиги;

– теоремани исботини келтириб чиқариш жараённида фойдаланиладиган фактларни муҳимлигини кўрсатишга қаратилган масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилаётган теорема шартида келтирилган фактларни онгли равища ўзлаштиришга хизмат қиласидиган хисоблашга, исботлашга ёки ясашга доир масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилган теоремани етарли даражада ўзлаштирилишига хизмат қиласидагая масалаларнинг мавжудлиги;

– теорема исботининг ҳар бир босқичи моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи масалаларнинг мавжудлиги;

– теоремани турли хил усуслар(йуллар) билан исботлашга хизмат қилувчи масалаларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

3. Янги математик қоида ва алгоритмларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш жараённида кулланиладиган масалалар системасининг хусусиятлари қуидагилардан иборат:

– ўрганилаётган янги математик қоидани муҳимлигини асослаб беришга хизмат қилувчи масалаларнинг мавжудлиги;

– янги математик қоидани ўзлаштириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилган математик қоидани алоҳида математик операцияларни бажаришда ёрдам беришга йўналтирилган масалаларнинг мавжудлиги;

– ўрганилган янги математик қоидани турли вазиятларда куллашга ўргатишга қаратилган масалаларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

### **3. Математика ўқитиша фойдаланадиган масалаларнинг таснифи ва уларни счиш методлари**

Хозирги кунда математика фанини ўргатиш ва ўрганиш жараённида фойдаланиладиган масалалар таснифи (классификацияси) қуидагича булади:

1. Хисоблашга доир масалалар.
2. Ижодий мазмундаги масалалар.
3. Экспериментал масалалар.
4. График масалалар.

## 5. Техник масалалар ва ҳ.к.

Масалаларни ечиш методлари эса күйидагилардан иборат:

1. Арифметик метод.
2. Алгебраик метод.
3. Геометрик метод.
4. Аналитик метод.
5. График метод.
6. Проекцион метод.
7. Синтетик метод.

Юқоридаги методлардан фойдаланган ҳолда масаларни ечишни күйидаги алгоритм асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Масаланиң мазмуни билан ўкувчиларни таништириш.
2. Масалада берилған ва топиш талаб қилинаёттан катталиктарни анықлаш ва ёзіб олиш.
3. Масалага тегишли чизмани чизиш.
4. Масаладаги маълум ва номаълум катталикларни бөгловчын тенгламаларни тузиш.
5. Тузилған тенгламани ечиш учун ишчи формулани келтириб чиқариш.
6. Тенгламани ечиш.
7. Натижани текшириш.
8. Якуний хулоса чиқариш.


Энди геометрия курсини үрганишда ўкувчиларда ижодкорликни ривожлантирувчи хизмат қилувчи масалалардан намуналар күриб чиқайлик. Чunksи, ўкувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда геометрик масалаларни имкониятлари юкори хисобланади.

Маълумки, геометрик масалалар уч турға бўлинади:

- ҳисоблаш;
- исботлаш;
- ясашга доир масалалар.

**Эслатма.** Ҳисоблашга доир масалалар кўпинча исботлашга доир масала ҳам бўлиши мумкин, чунки у асослашни талаб қиласи. Ясашга доир масала ҳар доим исботлаш билан бөғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда исботлаш масала ечишнинг муҳим қисмини ташкил этади.

**1-масала.** Учбурчак ташқи бурчакларидан бири  $120^\circ$  га, шу бурчакка күшни бўлмаган ички бурчаклар айирмаси  $30^\circ$  га тенг. Учбурчак ички бурчакларидан каттасини топинг.



**Ечиш:**

$$\alpha - \beta = 30^\circ, \text{ каттаси -?}$$

$$\gamma = 180^\circ - 120^\circ = 60^\circ$$


$$\alpha + \beta = 120$$

$$\alpha - \beta = 30$$

$$2\alpha = 150^\circ, \alpha = 75^\circ, \beta = 45^\circ,$$

$$\gamma = 60^\circ$$

**2-масала.** АВС учурчак В ва С бурчакларини биссектрисалари  $128^\circ$  бурчак остида кесишади. А бурчак қийматини топинг.



**Ечиш:**

ВЕ ва DC - биссектрисалар


$$\beta + \gamma + 128^\circ = 180^\circ$$

$$\beta + \gamma = 52^\circ$$

$$\angle B + \angle C = 104^\circ$$

$$\angle A = 180^\circ - 104^\circ = 76^\circ$$

**3-масала.** Тенг ёнли трапеция диагонали ён томонига перпендикуляр. Унинг ўтмас учидан тушрилган баланддиги 4 га тенг ва асосини 4 : 1 нисбатда бўлади. Трапеция юзини топинг.



**Ечиш:**

$$S = (3x + 4x) / 2 \times x = 8x^2$$

$$2 \times 4 = 16x$$

$$x^2 = 4x \times x,$$

$$4^2 = 4x \times x$$

$$x = 2$$

$$S = 16 \times 2 = 32$$

**Масала:** Автобус Бухоро шаҳаридан 40 км узоқликдан жойлашган туман марказига қараб жўнади. Орадан 10 минут вақт ўтгандан кейин тезлиги автобус тезлигидан 20 км/соат ортиқ бўлган енгил автомобиль жўнади. Агар улар туман марказига бир вақтда етиб келган бўлса, уларнинг ҳар бирининг тезлигини топинг.

**Ечаш:** Автобуснинг тезлиги –  $x$  км/соат.

Енгил автомобиль тезлиги –  $(x+20)$  км/соат

Автобуснинг ҳаракат вақти –  $\frac{40}{x}$  соат

Енгил автомобиль тезлиги ҳаракат вақти эса –  $\frac{40}{x+20}$  соат.

Масаланинг шартига кўра автобус билан такси ҳаракатлари вақти орасидаги фарқ 10 мин. га тенг, яъни  $\frac{1}{6}$  соат. Демак,  $\frac{40}{x} - \frac{40}{x+20} = \frac{1}{6}$  (1).

Ҳосил бўлган тенгламани ечамиш.

Тенгламанинг иккала қисмини  $6x(x+20)$ га кўпайтириб, қўйидаги тенгламани ҳосил қиласиз:

$$40 \cdot 6 \cdot (x+20) - 40 \cdot 6x = x(x+20) \Rightarrow 240x + 4800 - 240x = x^2 + 20x \Rightarrow x^2 + 20x - 4800 = 0$$

$$x_{1,2} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

$$\Rightarrow \frac{-20 \pm \sqrt{20^2 - 4(-4800)}}{2} = \frac{-20 \pm \sqrt{400 + 19200}}{2} = \frac{-20 \pm \sqrt{19600}}{2} = \frac{-20 \pm 140}{2} \Rightarrow$$

$$x_1 = \frac{-20 + 140}{2} = \frac{120}{2} = 60; x_2 = \frac{-20 - 140}{2} = \frac{-160}{2} = -80. \text{ Демак, тенглама ечими } x = 60 \text{ бўлади, яъни } x \text{ нинг бу (1) тенглама ечимга эга бўлади. Чунки, автобус } x \text{ тезлиги мусбат бўлган учун, масаланинг шартини фақат битта илдиз, яъни } x = 60 \text{ км/с қаноатлантиради. У ҳолда енгил автомобиль тезлиги } (x+20) \text{ км/соат эканлигидан унинг тезлиги } 80 \text{ км/с бўлади..}$$

**Жавоб:** Автобус тезлиги – 60 км/с

Енгил автомобиль тезлиги – 80 км/с

#### 4. «Укувчиларнинг математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида масалаларнинг ҳамияти, масала ечиш усуслари» мавзусининг лойиҳалари

##### Модулнинг номи ва мақсадлари

##### 4.1-жадвал

| Модулнинг номи                      | Модулда кузланган мақсадлар  |
|-------------------------------------|--|
| Укувчиларнинг математик тафаккурини | Таълимий:<br>Талаба математик таълим жараёнида масаланинг ўрни ва аҳамиятини тушунади, укувчиларни |

|  |   |
|--|---|
| <p><b>Ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ечиш усуллари</b></p> | <p>математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида математик масалаларнинг аҳамиятини тасаввур эта олади, математика фанининг назарий кисмларини ўрганиш учун математик масалаларни ечиш кераклигини англайди, математика фанини ўргатиш математик масалаларни ечиш билан биргаликда олиб борилишини тасаввур эта олади, математикани ўрганиш масала ёки мисоллар ечиши орқали амалга оширилишини хис киласди, математика ўқитишда масалаларнинг бажарадиган функцияларини таҳлил эта олади, масаланинг тарбиявий функциясини ва ўкувчиларда илмий дунёкарошни шакллантирадиги аҳамиятини англайди, масала ечишда умумий ва хусусий усулларни кўллай олади ва математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ечиш усулларига оид дарс машгулотлари лойиҳаларини тузиш кўникмаси шаклланади ҳамда амалда татбиқ эта олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b></p> <p>Талабада масалалар ечиш ва унинг бажарадиган функциялари орқали мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўкувчиларда илмий дунёкарошни шакллантириш яъни “Жонли мушоҳададан абстракт тафаккурға ва ундан амалиётга” каби билиш назариясига асосланган конуният руҳида тарбиялаш кўникмаси шаклланади.</p> <p><b>Амалий:</b></p> <p>Талабада масалани амалий мақсадидан келиб чиқсан холда мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўкувчиларда амалий маъзмунга эга булган масалаларни хисоблатиб уларда мантикий тафаккур килиш фаолиятларини шакллантиришта ёрдам берадиган илmlар мажмуасини хосил қилиш кўникмаси хосил бўлади.</p> |
|--|---|

## Кичик модуллар номлари ва мақсадлари

4.2-жадвал

| Т/р | Кичик модуллар номи                        | Кичик модулларнинг мақсади  |
|-----|--|---|
| 1.  | Математик таълим жараёнида масаланинг ўрни | Талаба математик таълим жараёнида масаланинг ўрнини тушунади; математика дарсида мавзуга доир ечиладиган масалаларни роли ва ўрнини очиб берини кўникмаси шаклланади; уларни амалда кўллай олади. |

|    |  |  |
|----|--|--|
| 2. | Математика ўқитишида масалаларнинг бажарадиган функциялари                         | Талаба математика ўқитишида масалаларнинг бажарадиган функцияларини билади; масалалар ўкувчиларда янги билимлар беришга, шу асосида күнигма ва малакани шаклантиришга, эгаллаган билимларини мустахкамлашга ёки эгаллаган билимларини амалиётда кўллаш малакаларини шаклантиришга қартилган булишини тушунади; масалалар системаси қайси мақсадга йўналтирилганлигига қараб турли хусусиятларга эга булиши ҳакида тасаввурга эга бўлади; масалаларни ҳал килиш кўнигмаси шакланади ва уларни ўкув амалиётига қўллай олади. |
| 3  | Математика ўқитишида фойдаланадиган масалаларнинг таснифи ва уларни ечиш методлари | Талаба математика ўқитишида фойдаланадиган масалаларнинг таснифи ва уларни ечиш методларини билади; математикани ўқитиш жараёнида мавзуларга доир ечиладиган мисол ва масалаларни бажарадиган функцияларини маъносини очиб бериш кўнигмаси шакланади; уларни амалда қўллай олади.  |

### Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

#### 4.3-жадвал

| T/r | Таянч тушунчалар   | Назорат саволлари   |
|-----|--|---|
| 1   | Таълим жараёни, математик таълим, масала, масаланинг ўрни  | 1) Масала деб нимага айтилади?<br>2) Масалани дарс жараёнидаги ўрни нималардан иборат?<br>3) Таълим жараёни ўрганиладиган масала асосан нечта қисмдан иборат бўлади?                                    |
| 2   | Таълимий функция, тарбиявий функция, ривожлантирувчи характердаги функция,   | 1) Масаланинг таълимий функцияси қандай амалга оширилади?<br>2) Масаланинг тарбиявий функцияси нималарни ўз ичига олади?<br>3) Масалани ривожлантирувчи характердаги функцияси қандай амалга оширилади? |
| 3   | Масалаларнинг таснифи, хисоблашга доир масалалар, ижодий мазмундаги масалалар, экспериментал масалалар, график масалаалр ва техник масалалар | 1) Математика ўқитишида фойдаланадиган масалаларнинг таснифини айтинг?<br>2) Масалаларни ечиш методларини кўрсатинг?<br>3) Масаларни ечиш алгоритмини кўрсатиб беринг?                                  |

## Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

4.4-жадвал

| Т/р | Саволлар   | Мүмкін бўлған жавоблар |  |
|-----|--|------------------------|--|
| 1.  | Масала деб нимага айтилади?                              | А.                     | Тугалланган фикри ифода килувчи гапга масала дейилади.   |
|     |  | Б.                     | Шарт ва холосага эга бўлган гапга масала дейилади.   |
|     |  | В.                     | Кундалик ҳәётимизда учрайдиган визиятларнинг табиий тилдаги ифодасига масала дейилади.                         |
|     |  | Г.                     | Кундалик ҳәётимиздаги муаммоларни ечитига масала дейилади.   |
| 2   | Масалани дарс жараёнидаги ўрни нималардан иборат?        | А.                     | Ўкувчилардан ўтилган мавзуни сўраш пайтида   |
|     |  | Б                      | Янги ўтилган мавзуни мустахкамлаш жараёнида  |
|     |  | В                      | Янги мавзуни назарий қисмларини ўргатиш жараёнида  |
|     |  | Г                      | Уй вазифаларини текнириш ва уйга вазифалар бериш жараёнида   |
| 3   | Масаланинг таълимий функцияси кандай амалга оширилади?   | А                      | Теоремаларни шарт ва холосаларга кўра исботлаш жараёнида   |
|     |  | Б                      | Масалаларни турли усууллар билан ечиш жараёнида  |
|     |  | В                      | Аввал ўрганилган назарий маълумотларга доир масалалар ечиш жараёнида   |
|     |  | Г                      | Масалани шартига кўра унинг хулюсасидаги талабни топиш жараёнида   |
| 4   | Масаланинг тарбиявий функцияси нималарни ўз ичига олади? | А                      | Математика дарсларида ўкувчиларга ахлок ва одобга доир масалалар ечиш жараёнида                                |
|     |  | Б                      | Бозор иқтисодиётига доир бўлган масалаларни ечиш хам ўкувчиларни меҳнатга мухаббат руҳида тарбиялайди.         |
|     |  | В                      | Математикани ўрганиш жараёнида масалаларни ечиш масалани тарбиявий функциясига киради.                         |
|     |  | Г                      | Масалани тарбиявий функцияси деганда ўкувчиларда илмий дунёкараш ва уларни меҳнатга мухаббат руҳида тарбиялаш. |

|    |   |                      |   |
|----|---|----------------------|---|
| 5. | Масалани ривожлантирувчи характердаги функцияси кандай амалга оширилади?                | A<br>Б<br>В<br>Г     | Тафаккур операцияларини күлаш оркали ечиладиган масалаларни ўз ичига олади.<br>Ўкуучиларни ўзлаштиришларига доир булган масалаларни ечишини ўз ичига олди.<br>Назарий маълумотларни мустажкамлам учун ечиладиган масалаларни ўз ичига олади.<br>Ўкуучиларни кай даражада ўзлантирганликларини аниқлаш учун ечиладиган масалаларни ўз ичига олади. |
| 6. | Математика дарсларида математик масаланинг роли ва ўрни нечта боскичда амалга оширилади | A)<br>B)<br>C)<br>D) | *3<br>7<br>10<br>12   |
| 7. | Математик тафаккурнинг турларини курсатинг  | A)<br>B)<br>C)<br>D) | *Аниқлаштирилган абстракт, индуктив, функционал, диалектик, структуравий, ижодий<br>Аниқлаштирилган, диалектик, ижодий<br>Индуктив тафаккур<br>Диалектик, ижодий, индуктив  |

### Дарс тури хамда унда кўлланиладиган педагогик усул ва услублар

4.5-жадвал

| Дарс тури                            | Кўлланиладиган педагогик усул ва услублар   |
|--------------------------------------|---|
| Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш | Усул тури: Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, курсатмалилик<br>Усул тури: Оғзаки ва кўргазмали<br>Услублар : Сухбат, тушунтириш |

**Ўкув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар  
ва дидактик материалларнинг қулланыш жойлари**  
**4.6-жадвал**

| <b>Ахборот технологиялар</b>   | <b>Дидактик материаллар</b>  |
|--|--|
| Мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар орқали намойиш қилиш, компьютер, ёзув доскаси | Математика укитиш методикаси фанига доир дарслик, услубий қулланмалар ва кўрсатмали куроллар ҳамда ушбу фан ўкув жараени лойинчалари, тест |

4.7. «Ўқувчиларнинг математик тафаккурини ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ечиш усуслари» мавзусининг мазмуни ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

Фойдаланиладиган қушимча адабиётлар:[9, 11, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 27, 25, 29, 31, 32, 35, 37, 39, 46, 51, 52].

## БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛ НГ УЧИНЧИ ҮРТА МОДУЛИ

### 5.3-МАВЗУ. МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШДА АНАЛИТИК МЕТОД БИЛАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШ ВА ТЕОРЕМАЛАРНИ ИСБОТЛАШ

Кичик модуллар:

1. Математик индукция методи ёрдамида исботлашлар.
2. Теоремаларни исботлашда умумлаштириш.
3. Масалаларни ечишда умумлаштириш.
4. «Математика ўқитишида аналитик метод билан масалалар ечиш ва теоремаларни исботлаш» мавзусининг лойиҳалари.

#### 1. Хулоса чиқариш методлари ёрдамида исботлашлар

Хулоса чиқариш методларидан яна бири бу аналогиядир.

**Таъриф.** Ўхшашликка асосланиб хулоса чиқариш аналогия дейилади.

Аналогия бўйича хулоса чиқаришни схематик равишда қўйида-  
гича тасвирлаш мумкин:  $F$  фигура  $a, b, c, d, \dots$  хоссаларга эга.  $F_1$   
фигура эса  $a, b, c, \dots$  хоссаларга зга бўлса, у ҳолда  $F_1$  фигура ҳам  $d$   
хоссага эга бўлиши мумкин.


Фикримизнинг далили сифатида қўйидаги тенгсизликни исбот  
қиласайлик. Ҳар қандай тетраэдр учун

$$\frac{1}{2}(|AB|+|BC|+|AC|) < |SA|+|SB|+|SC| \text{ тенгсизлик ўринли.}$$

Бизга маълумки, фазодаги тетраэдр фигураси текисликда уч-  
бурчак фигурасига аналогик фигурадир, шунинг учун ҳар қандай  
учбурчак учун ўринли бўлган қўйидаги хоссадан фойдаланамиз.

Ҳар қандай учбурчақда икки томон узунлигининг йиғиндиси  
учинчи томон узунлигидан каттадир (5-чизма):


$$|AB| + |BC| > |AC|$$



5-чизма.

Агар учбурчак учун ўринли бўлган ана шу хоссани унга аналогик бўлган фигура тетраздрга татбиқ қиласак, куйидаги тенгсизлик хосил бўлади (6-чиизма):

$$\left| \begin{array}{l} |AB| < |SA| + |SB| \\ |BC| < |SB| + |SC| \\ |AC| < |SA| + |SC| \end{array} \right| \Rightarrow \frac{1}{2}(|AB| + |BC| + |AC|) < |SA| + |SB| + |SC|$$



6-чиизма.


## 2. Теоремаларни исботлашда умумлаштириш

Теоремаларни умумлаштириш жараёнида ўкувчилар унинг шарт ва холоса кисмини узаро ажратишлари ҳамда улар орасидаги ўхшаш ва фарқ томонларини анализ қилишлари лозимдир.

Анализ қилиш қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

- 1) теоремада қатнашаётган хоссаларни асосий ва асосий бўлмаган хоссалар группасига ажратилади;
- 2) теоремани умумлаштириш учун унинг шартида қатнашаётган асосий хоссалардан қайси бирининг мазмунини ўзгартириш кераклиги аниқланади;
- 3) теорема умумлашган ҳолда исбот қилинади.

**Теорема.** Агар бир тўғри чизикда бир неча конгурент кесма ажратилса, уларнинг учларидан иккинчи тўғри чизикни кесувчи узаро параллел тўғри чизиклар ўтказилса, улар иккияччи тўғри чизикда узаро конгурент кесмалар ажратади (7-чиизма).



7-чиизма.

Берилган:

$$[AB], [CD] \in a, [AB] \cong [CD]; [AA_1] // [BB_1] \wedge [CC_1] // [DD_1]$$

Исбот килиш керак:

$$[A_1B_1] \cong [C_1D_1] \in b.$$

**Исботи.** Бу теоремани исботлашпа учбурчаклар конгурентлигининг аломатидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Чизмадан,  $[AB] // [A_1E] \wedge [CD] // [C_1H]$ .

$\Delta A_1EB_1 \cong \Delta C_1HD_1$  – учбурчакларнинг бир томони ва унга ёпишган бурчакларига ва конгурентлик аломатига кўра. Бундан,  $[A_1B_1] \cong [C_1D_1] \in b$ .

Фалес теоремасида асосан икки шарт бор: 1)  $a$  тўғри чизикда конгурент кесмалар ажратилсин, 2) кесмаларнинг учларидан  $b$  тўғри чизикни кесувчи параллел тўғри чизиклар ўтказилсин.

Фараз қиласайлик,  $a$  тўғри чизикда конгурент кесмалар эмас, балки ихтиёрий кесмалар ажратайлик, у ҳолда теореманинг мазмуни қўйидагича бўлади: «Агар бир тўғри чизикда бир неча ихтиёрий кесма ажратилса, уларнинг учларидан иккинчи тўғри чизикни кесувчи ўзаро параллел тўғри чизиклар ўтказилса, улар иккинчи тўғри чизикда хам ихтиёрий кесмалар ажратади».

Берилган:  $([AB], [BC]) \in a; [AA_1] // [BB_1] // [CC_1] // [DD_1]$


Исбот килиш керак:  $\frac{|AB|}{|CD|} = \frac{|A_1B_1|}{|C_1D_1|}$ .

Исботи: Чизмадан (8-чиизма):

$$(\Delta A_1EB_1 \cong \Delta C_1HD_1) \Rightarrow \frac{|A_1B_1|}{|C_1D_1|} = \frac{|A_1E|}{|C_1H|} \quad (1). \text{ Бундан,}$$

$$[A_1E] // [AB]; ([C_1H] // [CD]); [A_1E] \cong [AB]; ([C_1H] \cong [CD]). \text{ Бундан эса,}$$

$$(|A_1E| = |AB|); (|C_1H| = |CD|) \quad (2)$$



### 8-чизма.

(1) тенгликдаги  $|A_1E|$  ва  $|C_1H|$  ўрнига (2) тенгликдаги AB ва CD ларни қўисак:

$$\frac{|AB|}{|CD|} = \frac{|A_1B_1|}{|C_1D_1|} \quad (3)$$

(3) тенглик пропорционал кесмалар ҳақидаги теореманинг натижасидир. Демак, пропорционал кесмалар ҳақидаги теорема Фалес теоремасининг умумлашган ҳоли экан.

### 3. Масалаларни счишда умумлаштириш

Бизга маълумки, мактаб геометрия курси дедуктив асосда мантикий қурилган фандир. Шунинг учун ҳам мактаб математика курсидаги барча амалий материаллар ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини хар томонлама шакллантиришга каратилгандир. Бунга ўқитишнинг илмий изланиш методларидан фойдаланиш орқалигина зорлиш мумкин. Буни биз мисоллар асосида кўриб чиқайлик.

1-мисол. Берилган икки кесмага ўрта пропорционал бўлган кесмани ясаш қоидасига асосланиб, бир-бирига тенг бўлмаган ихтиёрий икки мусбат соннинг ўрта арифметиги шу сонларнинг ўрта геометригидан катта эканлигини исбот қилинг.

**Берилган:**  $a > 0, b > 0$  сонлар, бунда  $a \neq b$ .

**Исбот қилиш керак:**  $\frac{a+b}{2} \geq \sqrt{ab}$

**Исбот :**

$$\frac{a+b}{2} \geq \sqrt{ab} \Rightarrow \frac{a+b}{2} - \sqrt{ab} = 0 \Rightarrow a+b - 2\sqrt{ab} \geq 0 \Rightarrow (\sqrt{a} - \sqrt{b})^2 \geq 0 \Rightarrow \frac{a+b}{2} \geq \sqrt{ab}$$

Энди шу хоссанинг ихтиёрий З та мусбат сон учун түгри эканлигини исбот қилайлик, яъни  $a, b, c \in \mathbb{N}$  сонлар берилган бўлиб,  $a > 0, b > 0, c > 0, a \neq b \neq c$  бўлсин.

Исбот қилиш керак:  $\frac{a+b+c}{3} \geq \sqrt[3]{abc}$

Исбот. Фараз қилайлик,  $a = x^3, b = y^3, c = z^3$  бўлсин, у ҳолда

$$\left( \frac{x^3+y^3+z^3}{3} \geq \sqrt[3]{x^3y^3z^3} \right) \Rightarrow (x^3+y^3+z^3 \geq \sqrt[3]{x^3y^3z^3} \cdot 3) \Rightarrow (x^3+y^3+z^3 \geq 3xyz) \Rightarrow \\ \Rightarrow (x^3+y^3+z^3 - 3xyz \geq 0) \quad (1)$$

Энди (1) тенгсизликни ўринли эканлигини курсата олсак,  $\frac{a+b+c}{3} \geq \sqrt[3]{abc}$  түгри эканлиги келиб чиқади.

$$[(x^3+y^3+z^3 - 3xyz) \geq 0] \Rightarrow \\ [(x+y+z)^3 - 3(x+y+z) * (xy+yz+xz) \geq 0] \Rightarrow \\ [(x+y+z) * (x^2+y^2+z^2 - (xy+yz+xz))] \geq 0. \quad (2)$$

(2) даги  $(x+y+z)$  кўпайтувчи мусбат, чунки  $a > 0, b > 0, c > 0$  (шартга асосан)  $x^2+y^2+z^2 - (xy+yz+xz)$  ифоданинг киймати мусбат эканлигини кўрсатсан, (1) тенгсизликнинг мусбат эканлигини кўрсатган бўламиз:

$$(x^2+y^2+z^2 - (xy+yz+xz)) = \frac{1}{2}(2x^2+2y^2+2z^2 - 2xy - 2xz - 2yz) \Rightarrow \\ \Rightarrow \frac{1}{2}[(x-z)^2 + (x-y)^2 + (y-z)^2] \geq 0 \quad (3)$$

(3) тенгсизлик доимо берилишига кўра мусбатдир, агар  $x=y=z$  бўлса, (3) тенгсизлик нолга тенг бўлади, бу ҳолда (1) тенгсизлик тенгликка айланади.

Демак,  $\frac{a+b+c}{3} \geq \sqrt[3]{abc}$  тенгсизлик ўринли экан.

II. Фараз қилайлик, берилган сонлар тўртта бўлсин.

Берилган:  $a, b, c, d$  - сонлар;  $a > 0, b > 0, c > 0, d > 0$ ;

Исбот қилиш керак:  $\frac{a+b+c+d}{4} \geq \sqrt[4]{abcd}$

Исботи.  $\frac{a+b}{2} \geq \sqrt{ab}$  га асосан

$$\left[ \frac{\frac{a+b}{2} + \frac{c+d}{2}}{2} \geq \sqrt{\left( \frac{a+b}{2} \right) \left( \frac{c+d}{2} \right)} \right] \Rightarrow \frac{a+b+c+d}{4} \geq \sqrt{\left( \frac{a+b}{2} \right) \left( \frac{c+d}{2} \right)} \\ \left( \frac{a+b}{2} \right) \geq \sqrt{ab} \quad \wedge \quad \left( \frac{c+d}{2} \right) \geq \sqrt{cd}. \quad (4)$$

бўлгани учун буларни (4) га кўйсак:

$$\frac{a+b+c+d}{4} \geq \sqrt{\sqrt{ab} \cdot \sqrt{cd}} \Rightarrow \frac{a+b+c+d}{4} \geq \sqrt[4]{abcd}.$$

Демак,  $\frac{a+b+c+d}{4} > \sqrt[4]{abcd}$  тенгсизлик үринли бўлади.

Энди юқоридаги тенгсизликни ҳар қандай п учун үринли деб, математик индукция методи орқали умумлашган ( $n+1$ ) хол учун исбот қиласиз:

$$a_{n+1} \geq \frac{a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n}{n} = N_n;$$

$$\frac{a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n + a_{n+1}}{n+1} = N_{n+1};$$

$$a_{n+1} = N_n + \varepsilon, \quad \varepsilon > 0 \text{ бўлсин}$$

$$\left( N_{n+1} = \frac{nN_n + a_{n+1}}{n+1} \right) \Rightarrow \left( N_{n+1} = \frac{nN_n + N_n + \varepsilon}{n+1} \right) \Rightarrow$$

$$\left( N_{n+1} = \frac{N_n(n+1) + \varepsilon}{n+1} \right) \Rightarrow \left( N_{n+1} = N_n + \frac{\varepsilon}{n+1} \right);$$

$$(N_{n+1})^{n+1} = \left( N_n + \frac{\varepsilon}{n+1} \right)^{n+1} = N_n^{n+1} + (n+1) \cdot N_n^n \cdot \frac{\varepsilon}{n+1} + \dots \geq$$


$$\geq (N_n^{n+1} + N_n^n \cdot \varepsilon) = N_n^n (N_n + \varepsilon) = N_n^n a_{n+1};$$

$$(N_{n+1})^{n+1} \geq N_n^n a_{n+1} \Rightarrow N_{n+1} \geq \sqrt[n+1]{N_n^n a_{n+1}} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow N_{n+1} \geq \sqrt[n+1]{a_1 a_2 \dots a_{n+1}}.$$

$$\text{Демак, } \frac{a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n + a_{n+1}}{n+1} \geq \sqrt[n+1]{a_1 a_2 \dots a_{n+1}}$$

**2-мисол.** С нуқта  $[AB]$  кесмани тенг иккига бўлади.  $O$  ихтиёрий нуқта  $\vec{OC}$  векторни  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$  векторлар орқали ифодаланг (9-чизма).



9-чизма.

Берилган:  $[AB]$ ,  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$ ,  $\left( \frac{\vec{AC}}{\vec{CB}} = 1 \right) \Rightarrow |\vec{AC}| = |\vec{CB}|$ .

Топиш керак:  $\vec{OC} = ?$

Е ч и ш: шартга күра:  $\begin{cases} \frac{\vec{AC}}{\vec{CB}} = 1 \\ \end{cases}$  бүлгани учун  $|\vec{AC}| = \frac{1}{2} |\vec{AB}|$  (1)

бүлади. Чизмадан:  $\vec{AC}$  ва  $\vec{AB}$  векторларнинг йўналишлари бир хил бўлгани учун

$$\vec{AC} = \vec{OC} - \vec{OA}, \quad (2)$$

$$\vec{AB} = \vec{OB} - \vec{OA}, \quad (3)$$


(2) ва (3) ларни (1) га кўйсак:

$$\vec{OC} - \vec{OA} = \frac{1}{2} (\vec{OB} - \vec{OA}), \quad \vec{OC} = \frac{1}{2} (\vec{OB} + \vec{OA}).$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{2} \vec{OB} + \frac{1}{2} \vec{OA}, \quad \vec{OC} = \frac{1}{2} (\vec{b} + \vec{a})$$

Энди шу кесмани иккита С ва D нуқталар ёрдамида тенг уч булакка бўлайлик.  $O$  ихтиёрий нуқта.  $\vec{OC}$  ва  $\vec{AD}$  векторларни  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$

векторлар орқали ифодаланг (10-чизма).



10-чизма.

Берилган:  $[AB]$ ,  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$ ,  $\vec{AC} = \frac{1}{3} \vec{AB}$

Топиш керак:  $\vec{OC} = ?$

Е ч и ш: шартга кўра:  $\begin{cases} \frac{\vec{AC}}{\vec{CB}} = \frac{1}{3} \\ \end{cases} \Rightarrow \vec{AC} = \frac{1}{3} \vec{AB}$  (1)

$\vec{AB}$  ва  $\vec{AC}$  векторларнинг йўналишлари бир хил бўлганлиги учун

$$\vec{AC} = \vec{OC} - \vec{OA}, \quad (2)$$

$$\vec{AB} = \vec{OB} - \vec{OA}, \quad (3)$$

(2) ва (3) ларни (1) га қүйсак:


$$\vec{OC} - \vec{OA} = \frac{1}{3}(\vec{OB} - \vec{OA}),$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{3}\vec{OB} + \frac{2}{3}\vec{OA},$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{3}(\vec{OB} + 2\vec{OA}),$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{3}(\vec{b} + 2\vec{a})$$

Энди шу  $[AB]$  кесмани C, D, E, ... нүкталар ёрдамида тенг пән та бўлакка бўлайлик. O – текисликнинг ихтиёрий нүктаси бўлсин (11-чиизма).  $\vec{OC}$  векторни  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$  векторлар орқали ифодаланг.



### 11-чиизма

Берилган:  $[AB]$ ,  $\vec{OA} = \vec{a}$ ,  $\vec{OB} = \vec{b}$ ,  $\frac{|AC|}{|AB|} = \frac{1}{n}$

Топиш керак:  $\vec{OC} = ?$

Е ч и ш: шартга кўра:  $\frac{|AC|}{|AB|} = \frac{1}{n}$

$\vec{AC}$  ва  $\vec{AB}$  векторларнинг йўналишлари бир хил булғанлиги учун

$$\vec{AC} = \vec{OC} - \vec{OA}, \quad (2)$$

$$\vec{AB} = \vec{OB} - \vec{OA}, \quad (3)$$

(2) ва (3) ларни (1) га қўйсак:

$$\vec{OC} - \vec{OA} = \frac{1}{n}(\vec{OB} - \vec{OA})$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{n}(\vec{OB} + (n-1)\vec{OA})$$

$$\vec{OC} = \frac{1}{n}(\vec{b} + (n-1)\vec{a})$$

**4. «Математика ўқитишида аналитик метод билан масалалар  
ечиш ва теоремаларни исботлаш»  
мавзусининг лойиҳалари  
Модулнинг мавзуси ва мақсадлари**

**4.1-жадвал**

| <b>Модулнинг номи</b>   | <b>Модулдан кўзлянган мақсадлар</b>   |
|---|---|
| <b>Математика ўқитишида аналитик метод билан масалаларни исботлаш</b> | <p><b>Таълимий:</b> Талаба аналитик метод билан масалаларни исботлашни тушунади ва теоремаларни исботлашни билади, математика ўқитишида индукция, дедукция методларини кўллашни уddyлайди, мактаб ва ўрта маҳсус математика курсида умумлаштириш тушунчасини татбик қилинида, яъни математик тушунчаларни умумлаштиришда, теоремаларни исботлашда, мисол ва масалаларни ечишда кўллай олади, абстракциялан ва классификацияланаш методларини амалда кўллай олади, илмий изданиш методларининг ўқитиши жараёнидаги аҳамиятини ҳис қиласди ва бу методларнинг мазмун ва моҳиятини илмий методик жихатдан мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларига етказиб бериш кўнижаси хосил бўлади ҳамда амалда кўллай олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талабада аналитик метод, математика ўқитишида индукция, дедукция, умумлаштириш, абстракциялан ва классификацияланаш методларини мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларига ўргатиш орқали уларда материядаги мавжуд нарсаларнинг фазовий формалари билан улар орасидаги микдорий муносабатларнинг мазмунини очиб бериш ҳамда математика фанини ўрганишга бўлган кизиқишиларини тарбиялаш кўнижаси шаклланади.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада аналитик метод, математика ўқитишида индукция, дедукция, умумлаштириш, абстракциялан ва классификацияланаш методларини ўргатиш орқали мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларида амалий аҳамиятга эга бўлган мисол ва масалаларни ечишга бўлган татбикларини кўрсатиб, уларнинг шу соҳадаги математик билимларини ошириш соҳасидаги кўнижаси шаклланади.</p> |

## Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

4.2-жадвал

| Т/р | Кичик модуллар номи                       | Кичик модулларнинг мақсади   |
|-----|---|--|
| 1.  | Холоса чиқариш метод ёрдамида исботлашлар | Талаба холоса чиқариш метод ёрдамида исботлашларни билади; ушбу методни тушунади; умумлаштириш методини тушунчаларни шакллантириш, мисол, масалаларни ечиш ва теоремаларни исботлашга татбик кила олади; |
| 2.  | Теоремаларни исботлашда умумлаштириш      | Талаба теоремаларни исботлашда умумлаштиришнинг търифини билади; уни амалда кўллай олади.  |
| 3.  | Масалаларни ечишда умумлаштириш           | Талаба масалаларни ечишда умумлаштиришнинг ўрнини билади; уни амалда кўллай олади.   |

## Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

4.3-жадвал

| Т/р | Таянч тушунчалар  | Назорат саволлари   |
|-----|---|---|
| 1.  | Математик индукция методи ёрдамида исботлаш, холоса чиқариш методлари   | 1) Математик индукция методини търифланг.<br>2) Холоса чиқариш методларини санаб беринг.  |
| 1   | Умумлаштириш, теоремаларни исботлашда умумлаштириш, теореманинг шарт ва холоса ҳисми, теоремада кигитнашаётган хоссаларни асосий ва асосий бўлмаган хоссалари, теоремани умумлашган ҳолда исбот қилиш | 1) Умумлаштириш тушунчасини търифланг.<br>2) Қандай тушунчага тур тушунчаси дейилади ?<br>3) Қандай тушунчага жинс тушунчаси дейилади ?<br>4) Теорема ва унинг турларини кўрсатинг. |
| 2   | Масалаларни ечишда умумлаштириш,  | 1) Абстракциялаш деб нимага айтилади?<br>2) Аниклаштириш деб нимага айтилади?<br>3) Классификациялаш деб нимага айтилади?   |

**Назорат саволлари асосида түзилгап тест  
төпширикләри**

4.4-жадвал

| T/p | Саволлар   | Мүмкін бүлгән жаңоблар |   |   |   |
|-----|--|------------------------|---|---|---|
| 1.  | Умумлаштириш түшүнчесини тәърифланғанын көрсөткіштерін сипаттаңыз?       | A                      | Кичик түпламдан катта түпламга ўтиш умумлаштириш дейилді.         | B | *Бирлік фикрлашлардан умумий фикрлашларга ўтиш умумлаштириш дейилді.            |
|     |  | C                      | Оддий фикрлашлардан кийин фикрлашларга ўтиш умумлаштириш дейилді. | D | Содда фикрлашлардан мұрақкаб холоса чиқарыштарға ўтиш умумлаштириш дейилді.     |
|     |  | A                      | Умумлаштириш  | B | Индукция на дедукция  |
|     |  | C                      | *Индукция, дедукция, аналогия                                     | D | Аналогия, таққослаш   |
| 2   | Холоса чиқарыш методлариниң күрсатынгын сипаттаңыз?                      | A                      | Тесскари теорема  | B | Аник теорема, чала теорема  |
|     |  | C                      | Тесскари теорема, унга қарама-қарши теорема                       | D | *Түғри, тесскари, түғри теоремага қарама-қарши, тесскари теоремага қарама-қарши |
|     |  | A                      | 7 хил   | B | *2 хил  |
|     |  | C                      | 5 хил   | D | 4 хил   |
| 3   | Теоремаларни ишбетлаш усули мактаб тизимидеги деңгээлде амалға оширилді? | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |
|     |  | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |
| 4   | Теоремаларни ишбетлаш усули мактаб тизимидеги деңгээлде амалға оширилді? | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |
|     |  | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |
| 5   | Теорема нима?  | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |
|     |  | A                      | Ишбетсиз қабул қилинадиган математик хукм                         | B | *Ишбет талаб этиладиган математик хукм  |
|     |  | C                      | Иккита қатый хукмдан учинчи нәтижавий хукмнинг чиқарилиши         | D | Ишбет талаб этилмайдиган математик хукм   |

**Дарс туриниң үндә қулланыладын педагогик усул ва услублар**

**4.5-жадвал**

| <b>Дарс туриниң</b>                         | <b>Кулланыладын педагогик усул ва<br/>методлар</b>  |
|---|---|
| Аралаш дарс;<br>янги билимларни<br>загаллаш | <b>Усул ва методлар:</b> Муаммоли баён килиш,<br>түшүнтириш, күрсөтмөлилік<br><b>Усул типи:</b> Оғзаки ва күргазмали методлар :<br>Сұхбат, түшүнтириш |

**4.6-жадвал.**

**Үкув жараёнида фойдаланыладын ахборот технологиялар ва  
дидактикалык материалларнинг күлланиш жойлари**

| <b>Ахборот технологиялар</b>  | <b>Дидактикалык материаллар</b>   |
|---|---|
| <b>Мавзу мазмунига доир түзилганса</b><br>тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва<br>назорат саволлари асосида түзилганса<br>слайдлар оркали намойиш килиш,<br>компьютер, ёзуу доскаси | <b>Математика үқитиши методикасы</b><br>фанига доир дарслык, услубий<br>күлланималар ва күрсөтмали<br>куроллар ҳамда ушбу фан үкув<br>жарагын лойихалари, тест<br>топшыриги |

**4.7. «Математика үқитишида аналитик метод билан масалалар  
ециш ва теоремаларни испбетлаш» мавзусининг мазмунни ва үкув  
жарагынини**

амалга оширишни ифода этувчи мати сценарийиси кичик  
модулларда берилган.

**Фойдаланыладын адабиётлар:**[4, 8, 9, 10, 11, 14, 15, 18, 21,  
24, 27, 31, 32, 35, 39, 40, 53, 58].

## **ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ҮРТА МОДУЛИ**

**МАТЕМАТИК ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ, МАТЕМАТИКА  
ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИНГ ТАСНИФИ, МУАММОЛИ,  
ЭВРИСТИК, ДАСТУРЛАШГАН, БЛОКЛИ, МОДУЛЛИ  
ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ**

#### **6.1-МАВЗУ. Математика ўқитишиш методлари ва уларнинг таснифи**

**Кичик модуллар:**

1. Математика ўқитишиш методлари.
2. Математика ўқитишиш методларининг таснифи.
3. Таълим технологияларининг таснифи.
4. Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси.
5. «Математика ўқитишиш методлари ва уларнинг таснифи» мав-  
зусининг лойиҳалари.

#### **1. Математика ўқитишиш методлари**

Математика фанининг ўқитишиш методлари умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар колледжларида ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги сифатини оширишда нимави, нима учун, қандай, нима ёрдамида ўқитса самарадорлик юқори булишига эришишни ўрганади. Бунда ўқитишиш методлари, уларни таълим жараёнларини ташкил этишда тўғри танлай билган ҳолда фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Анъанавий таълим методлари бу ўтган асрининг 90-йилларига-ча кенг қўлланилиб келинган таълим методлари бўлиб, уларда доимо ўқитувчи томонидан тайёр билимлар берилган, ўқувчи-талабалар томонидан бу билимлар тайёр ҳолда қабул қилинган. Бундай таълим методларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи, ўқувчи-талабалар учун билимлар манбаи ҳисобланган ва улар жараёнида тингловчи сифатида иштирок этган.

Ўқитувчи эса уга фаол иштирокчига айланған. Натижада ўқув-чи-талабалар кўп ҳолларда дарс жараёнида ўқитувчи томонидан

берилган билимлар доираси билан чекланиб қолган. Уларнинг пассивлиги туфайли мустақил билим олиш фаолиятлари ривожлантирилмаган. Натижада ўкувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, танқидий фикрлаш қобилиятлари етарли даражада ривожланмаган.

Бу ҳолатлар XX асрнинг охирларига келиб яққол намоён бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб дунё ҳамжамиятида ривожланган техника ва технологиялар бевосита кундалик ҳаётга кириб келди ва у XXI асрда янада ривожланишда давом этмоқда. Натижада кунлик ахборотлар оқими кундан-кунга қўпайиб бормоқда ва булар жуда тез эскириб қолмоқда. Ҳамда улар ўринини янада мукаммал бўлган техника, технология ва ахборотлар эгалланмоқда. Масалан, компьютер технологиялари буйича згалланган билимлар қисқа бир йил ичидаги эскириб қолмоқда. Технологияга оид билимларнинг ярмидан кўпи З йилдан кейин эскириб қолмоқда. Шунингдек, касб-хунар коллежларига оид билимларни ярми беш йилдан кейин, Олий ўкув муассасаларидан олинган билимларнинг ярми бир йилдан кейин эскирмоқда. Худди шунингдек, ахборотлар оқими кундан-кунга ортиб бормоқда.

Масалан, “OPEL” русумли автомобилларни таъмирлашга оид кўлланмалар ҳажми 1933 йилда 202 саҳифадан иборат бўлган бўлса, 1995 йилга келиб бундай кўлланманинг ҳажми 13866 саҳифадан иборат бўлди. Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирги кунда таълим жараёнида ўкув вактининг чекланганлиги хисобига ўкувчи-талабалар фаоллигини оширган ҳолда уларнинг мустақил таълим олишга йўналтирасдан туриб бугунги кун таълим жараёни мақсадларига эришиб бўлмайди. Эски анъанавий таълим методлари ёрдамида биз қисқа вақтда кўп ва чукур билимлар бериш имкониятларимиз чеклангандир. Ана шулар бу методларнинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Замонавий таълим мақсадларига эришиш учун, яъни ҳозирги замон технологияси ва техникасини бошқара оладиган, кундалик ахборот оқимлари (ҳаттоқи ҳозирги кунда ахборотлар ресурс даражасига кўтарилилди)ни ўрганиб, ундан ўз ахборотлар банки заҳираларига керақслиларини киритиб борадиган, техника ва технология оламида юз берадиган янгиликларни ўз вақтида ўзлаштириб бориши учун тайёр бўлган ёшларни тарбиялаб этиштириш таълим тизимини ва унинг мазмуни тубдан ислоҳ килишини талаб қилди.

Шу мақсадда ҳозирги кунда мамлакатимизда рүбга чиқарылаеттган “Таълим тұғрисидаги” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тұғрисида” ги Қонунлар асосида таълим тизими тубдан босқичма-босқич ислох қилинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида “Ноанъанавий таълим” методлари, яни замонавий таълим методларига асосланған ҳолда таълим жараёни ташкил этилмоқда ва бу ўз самарасини бермокда.

Таълим жараёнини замонавий таълим ва ахборот технологиялардан фойдаланған ҳолда ташкил этиш қуидаги ижобий натижаларга олиб келади:

Бизга тарихдан маълумки, ҳар доим янги авлод үзидаи олдинги авлодға қараганда хар бир жабхада, жумладан янги билимлар, айникса техникавий билим, малака ва күникмалардан күпроқ эгаллаган бўлади. XX асрнинг ўргаларида фан, техника ва технологиялар ривожи зволюцион тарзда, аста-секинлик билан амалга ошар эди. Шунинг учун ҳам бу давргача кетма-кет келувчи аилодларнинг илмий тараққиёти даражаси унчалик фарқ килмас эди. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, илмий-техник тараққиёт юксак даражага эришди ва кундан-кунга жадал суратда ривожланиб бормокда. Бу бугунги авлод вакилларидан чукур билим, малака ва күникмалар талаб қилиши билан бир қаторда ўз билимларини мустақил равишда ошириб боришни талаб қилмоқда. Негаки бугунги технологиядаги янгилик ўрнини эртага унданда мураккаброқ бир технологик янгилик эгалламоқда.

Моддий ресурсларга айланиб улгурган ахборотлар оқими тезлиги кундан-кунга ошиб бормокда. Бундай шароитда таълим тизими билан замон талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаб булмай қолди. Маълумки, анъанавий таълим тизимида ўқитувчи ягона субъект сифатида намоён бўлиб, ўқувчи-талабалар объект бўлиб хизмат қиласи. Мазкур тизимда ўқитиш мажбурий тарзда амалга оширилиб, унда ўқитувчи етакчилик вазифасини бажаради.

“Синф-дарс” тизимига амал қилиниб, унда ўқитувчи томонидан ўқувчи-талабаларга тайёр билимлар мажбурлаб уқитилади. Зўравонлик педагогикасига асосланған ҳолда ўқитишнинг тушунтириш, кўргазмали, оммавий уқитиш методларидан фойдаланилади. Бундай тарзда ўқитишда авторитар ўқитиш юқори бўлиб, у ўқувчи-талабага бу ҳали шаклланмаган, шунинг учун у фақат бажариши зарур деган қарашларда намоён бўлади. Бу тизимда ўқитувчи ўта фаол, ҳамма нарсани биладиган, таълим

жараёнининг ягона хўжайини ва ташаббускори сифатида намоён бўлади. Бундай таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги сифати ўқитувчининг дарс жараённида кўзланган мақсадга қай даражада эришганлиги билан ўлчанади. Ваҳоланки, ўкувчи-талаба таълим жараённида унинг кўзлаган мақсадиңга қай даражада эришганлиги муҳим ҳисобланади.

Анъанавий таълим методлари ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда асосий мақсад билим, малака ва қўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган булиб, шахсни ривожлантириш кўзда тутилди.

Анъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитишда ўкувчи-талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилиятлари ривожлантирилмайди. Натижада уларда мустақил фикрлаш, танқидий фикрлаш каби қобилиятлар тўла шаклланмайди. Бу ўз наебатида келгусида уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиришга олиб келади.

Муқаддас ҳадисларимиздан бирида “Бешикдан то қабргача илм ўрган” – дейилади. Ҳозирги кунда ана шу муқаддас тамойилга асосланмасдан туриб, ёш авлод онгига ушбу муборак ғояни сингдирмасдан туриб, таълим жараёнининг ҳозирги кун талаблари даражасигача эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бугунги кун талаби бўлиб қолди.

Олимларнинг ва шу соҳа мутаҳассисларининг олиб борилган илмий-педагогик, илмий-методик кузатишлар, тадқиқотлар, таҳлиллар натижаси таълим жараёнининг марказига ўкувчи-талабани қўймасдан туриб, таълим жараённи шахсни ривожланишга ва унинг табиий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кулагай шартшароит яратмасдан туриб мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш орзудан бошқа нарса бўймаслиги аён бўлди.

Ҳозирги кунда замонавий таълим ва ахборот технологияларини таълим жараёнига кенг жорий қилган ҳолда бу борада ижобий ютуқлар қўлга киритилмокда. Энди ноанъанавий ўқитиш методлари, яъни ўқитишнинг шахс ривожланишига йўналтирилган технологияларига тўхталиб ўтайлик.

Ўқитишнинг шахс ривожланишига (ҳар томонлама) йўналтирилган технологиялар (ноанъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитиш)нинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- шахсга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унинг ижодий фаолиятига ишонч билдириган ҳолда ривожланиши учун ҳар томонлама ёрдам бериш ва рағбатлантириш;
- таълимни демократлашувига олиб келиш, яъни ўқитувчи ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамкорлик, муносабатларини шакллантириш ҳамда ривожллантириш;
- шахсга ўз ҳаётий фаолияти йўналишини танлаб олиш эркинлиги ва мустақиллигини бериш, бунда ташқи таъсирлар натижасида эмас, балки ўз ички ҳиссиётларидан келиб чиқишига эришиш, яъни эркин тарбиялаш;
- таълим жараёнида ўқувчи-талабага инсоний-шахсий ёндашиш ва ҳ.к.

Замонавий таълим жараёнида ўқувчи-талабага шахсига янгича қарашни шакллантириш ва муносабатларни демократлаштириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- таълим жараёнида ўқувчи-талаба шахсига объект эмас, балки субъект сифатида қараш (ўқитувчи ҳам субъект ҳисобланади);
- ҳар бир ўқувчи-талабага ўзига хос қобилият эгаси, кўпчилигига эса истеъдол эгаси сифатида қараш;
- шахснинг барча фазилатларига (ватанпарварлик, инсонпарварлик, хақгўйлик ва оқиллик, саломатлик, меҳнатсеварлик, оила-парварлик, билимга чанқоқлик, интилувчанлик, ташкилотчилик ва ҳ.к.) ҳурмат билан қараш уларнинг шакллантириш ва ривожллантиришга доимо ёрдам бериш;
- ўқувчи-талабаларнинг ўз нуқатай назарига, ўзининг мустақил фикрга эга бўлиши ва уни очикдан-ойдин айта олиш ҳукуки;
- эркин танлаш имконини бериш;
- таълим жараёнини ўқитувчи томонидан эмас, биргаликда ҳамкорликда бошқариш;
- ўқитувчи томонидан буюриш эмас, балки ташкил этишга эришиш;
- ўқувчи-талаба уз фикрини, муносабатини билдиришда хатога йўл қўйиши мумкинлиги ва ҳ.к.

Юкоридагиларни жорий қилишнинг асосий мазмунни ва мақсади ҳозирги замон шароитида таълим жараёни самарадорлигини оширишга тусқин бўлаётган эскича ўқитиш тизимидан ўқитиш сифатини оширишга имкон берадиган ҳолатлардагина фойдаланиш лозим. Чунки эски таълим тизимида ўқитишни давом эттириш

ўкувчи-талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишини янада сусайтиради ва уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиради.

**Замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш:**

ўкув материалини ўзлаштиришга қизиқиш уйғотиш;

билишта ва фаол ижодий фикрлашга бўлган интилишларни рағбатлантириш;

таълим жараёнини ташкил этишда ўкувчи-талабалар мустакиллиги ва ташаббускорлигига таяниш;

ўз-ўзини бошқариш кенг йўл очиш;

ҳар бир ўкувчини қобилиятлари ва интилишларидан келиб чиқсан ҳолда шакллантириш (ҳаммага бир ҳил билим беришдан воз кечиш);

ҳар бир шахснинг яхши хислатларини излаш ва уларни ривожлантириш;

ўқитувчи “ҳар бир ўкувчи-талаба истеъдодли” деган ишончга эга бўлиши, шунга таянган ҳолда уни ҳурмат қилиш, ҳар бир фикрига зътибор билан қараш, унга ишониш;

ўкувчи-талабакинг ҳар бир ютугини кўллаб-қувватлаш, маъқуллап, унга хайриҳоҳ бўлган вазиятларни яратиш ва шулар асосида янада чуқурроқ билимлар эгаллашга бўлган интилишларини рағбатлантириш;

таълим жараённида ҳар бир ўкувчи-талабага ўз қобилиятларини намоён қилиш имкониятларини яратиш ва унга бу йўлда ёрдам бериш ва ҳ. к.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирги кун таълим тизимида самарали натижаларга эришиш учун биринчи навбатда ўкувчи-талабаларнинг барча мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитиш асосида мустакил билим олишга бўлган рағбатларини ошириш талаб этилади. Бунинг учун замонавий таълим ва ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда таълим мазмунини ўзлаштиришда ўкувчи-талабаларнинг билим савиаси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги замонавий таълим методларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш талаб этилади:

**ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини  
замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда  
кулланадиган педагогик усуллар**

Педагогик технологияни ва унинг таркибий қисми бўлган ўкув машғулотларини лойиҳалашда ва амалиётга қўллашда қуидаги учта тоифадаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи тоифадаги усуллар «Анъанавий усуллар» аталиб, улар ёрдамида талаба-ёшларга билимларни бериш «Етказиб берини» тамоилига асосланади. Уларга: ахборотли – рецептив ёки иллюстратив – тушунириш; репродуктив; муаммоли баён; эвристик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот, «айтиб бериш», «кўрсатиб бериши», «намойиш», «маъруза тақдимоти», «савол-жавоб» ва бошқалар киради.

Иккинчи тоифадаги усуллар ноанъанавий ёки «Интерактив усуллар» деб номланиб, укувчи-талабаларни билим згаллашларида «Фаоллаштириш» тамоилига сунади. Уларга: «Шаталовнинг жадаллаштириб ўқитиш усули», «муаммоли дарс», «фикрий ҳужум», «ақлий ҳужум», «кичик гурӯхлар билан ишлаш», «давра сұхбати», «кластер усули», «Б.Б.Б.», «бхбхб», («3x3», «4x4»,...), «бумеранг», «қора кути», «бешинчиси ортиқча», «ишбоб ўйин», «ролли ўйин», «бахс-мунозара», «қарама-қарши муносабат», «заковатли зукко», «зиг-заг», «чархпалак», «зинама-зина» ва бошқа кўидан-кўп усуллар киради.

Учинчи тоифадаги усуллар «Илгор ёки Замонавий усуллар» дейилиб, таълим-тарбия жараёнини «Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тамоилидан келиб чиқилади. Уларга: «йўналтирилган матн», «дастурлаштириш», «технологик харита усули» «модулли ўқитиш усули» ва «лойиҳалаш усули» ҳамда барча усулларнинг афзаллик томонларини ўзида мужассамлаштирган «Педагогик технология» усули киради.

Юқоридагилардан кўринадики, таълим методлари ўқитувчи ва ўкувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари усуллари мажмуаси бўлиб, бу фаолиятлар ёрдамида янги билим, кўникма ва малакаларга эришилади, ўкувчи-талабаларнинг дунёкараши шакллантирилади ва қобилиятлари ривожлантирилади, яъни:

ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етгашга ёрдам беради;

жамоанинг очиқ фикрини рағбатлантиради;

алока, тушунча ва хурматни икки томонлама жараен эканлигини (ўқитувчи, ўкувчи) очиб беради;

шахснинг ҳар томонлама ривожланишига шароит яратиб беради.

**Дарс жараёнида танқидий фикрлатни шакллантиришга ва ривожлантиришга ясосланади:**

ўқитувчи ва ўкувчи уртасида ҳамда ўкувчи билан ўкувчи уртасидаги хурматни тарбиялайди;

дарс жараёнида ўкувчи тажрибасидан фойдаланилади;

мальум ўкув мазмунидан ўкувчи талабларига мос холда аниқ фойдаланилади;

таълим жараёнида ҳар хил буюм ва қарашлар интеграциялашади;

дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади (райни ихтиёрий таълим);

ўкувчиларнинг мустақил таълим олиши учун шароит яратилади ва уларни тайёрлаш даражасига мувофиқ услублар аниқланади.

**Юқоридагилар учта босқичда ямалға оширилади:**

1. **Йулланма** – бу дарснинг шундай босқичики, бунда ўкувчи-талабалар мавзу бўйича билганлари ҳақида ўйлашга, мавзуга доир саволларни беришга ва урганиш учун вазифалар қўйишга йўналтирилади.

2. **Аҳамиятни англаш** – бу дарсни шундай босқичики, бунда ўкувчи-талабалар билимларни излайдилар ва ўрганадилар, шу билан бирга ўз фаолиятининг натижасида аҳамиятини англайдилар.

3. **Фикрлаш** – дарснинг шундай босқичики, бунда ўкувчи-талаба ўзлари тўқнашган фикрларга ва англаб етган маъноларга қайтишади. Шу билан бирга, саволлар берадилар, талқин этадилар, мунозара қиласидилар, маъно ва аҳамиятларини шубҳа остига қўядилар ёки билимнинг янги соҳасига ушбу тушунчаларни тадбиқ этадилар.

Буларга эришишда ўкувчи-талабаларга таълим жараёнида фикрлар имкониятини бериш, турли гоя ва фикрларини қабул қилиш, таълим жараёни қатнашувчиларига кенг имкон берилиш мухим хисобланади.

Хозирги пайтда математика ўқитиш методикаси фанида таълим методи икки томони билан характерланади.

1. **Ўқитиш**, бу таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятини ўз ичига олади. Демак, ўқитиш ўкувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини

бошқариш, назорат қилиш ва текширишга доир ахборотлари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

2. Урганиш, бу таълим жарабенида ўқувчи-талабаларнинг онгли фаолиятидан иборат бўлиб, у ўқув материалини уқувчи-талабалар томонидан ўзлаштиришнинг турлари; усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан кўринадикি таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари усуллари мажмуаси бўлиб, бу фаолиятлар ёрдамида янги билим, кўникма ва малакаларга эришилади, ўқувчи-талабаларнинг дунёкараши шакллантирилади ва қобилияtlари ривожлантирилади.

## 2. Математика ўқитиш методларининг таснифи

Ҳозирги замон дидактикасида таълим методлари таснифида турли хил ёндашувлар мавжуд.

Бу борада Ю.К.Бабанский томонидан берилган тасниф бизнинг нуқтаи назаримизда ҳозирги замон таълим тизимида энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таълим методларига таъриф берганда, улар ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг аниқ мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти эканлигини кўрдик. Бундай фаолият доимий равищда ташкил қилиш, рағбатлантириш ва назорат қилишни назарда тутади. Шунга кура академик Ю.К.Бабанский [13] таълим методларини учта гурухга ажратади:

I. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари;

II. Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш методлари;

III. Ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

I. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари

Бу методлар гурухи ўз навбатида бир нечта гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифланади:

а) ўқувчи-талабаларнинг ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилишга;

— оғзаки методлар (марьузга, тушунтириш, сухбат, хикоя, китоб билан ишлаш ва х.к.);

- ўкув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари, кўргазмали методлар (теварак - атрофдаги предметлар ва ҳодисаларни кузатиш, уларнинг моделлари ва тасвиirlарини қараш, замонавий таълим воситалари ва ҳ.к.);
- ўкув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш методлари; ўкувчи-талабаларнинг амалий ишлари (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

**б) Ўкувчи-талаба фикрининг йўналишига кура:**

- индукция;
- дедукция;
- аналогия.

**в) Педагогик таъсир, таълим жараёнини бопқариш даражаси, ўкувчи-талабаларнинг ўқишида мустақиллик даражаси бўйича:**

- ўқитувчи бошчилигига бажариладиган ўкув ишлари методи;
- ўкувчи-талабаларнинг мустақил ишлари методи;

**д) Ўкувчи-талабаларнинг мустақил фаолликлари даражаси бўйича:**

- изохли иллюстратив метод;
- репродуктив метод, билимларни муаммоли баён қилиш методи;
- қисман изланиш ва тадқиқ қилиш методи.

**1. Ўкувчиларнинг ўкув ахборотларини эшлиши орқали қабул қилишга кура ўқитиш методлари**

**Оғзаки методлар**

Қисқа вакт ичиди ҳажми бўйича энг кўп маълумотлар бериш, мазкур жараёнда ўкувчилар олдига муаммолар кўйиш, мазкур муаммоларни хал қилиш йўулларини курсатиш имконини берувчи ўқитиш методлари – ўқитишнинг оғзаки методлари деб юритилади.

**Ўқитишнинг оғзаки методлари ўз навбатида қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**а) Тушунтириш методи.** Бу метод асосида даре ташкил этилганда ўқитувчи янги ўкув материални баён қилади, ўкувчилар эса билимларни тайёр ҳолда қабул қиладилар. Бунда ўқитувчидан ўкув материални аниқ, қисқа ва тушунарли баён қилиш талаб этилади.

**б) Сұхбат методи.** Бу етакчи үқитиши методларидан бири бўлиб, ундан дарсни турли босқичларида қўлланилади. Мазкур метод – үқитишнинг савол- жавоб методи ҳисобланаб, бунда үқитувчи томонидан дарс мақсадидан келиб чиқкан ҳолда олдиндан тайёрланган саволлар ва уларга бериладиган жавоблар орқали ўкувчиларда назарий билимлар ва амалий қўнилмалар шакллантирилади.

Математика фанини үқитиши жараёнида янги математик тушунчалар ўрганилаётганда унга таалуқли бўлган турли қонуниятлар можиятини очиб беришда сұхбат методидан фойдаланилади.

Математикани үқитиши жараёнида катехизик ва эвристик сұхбатдан фойдаланилади.

**Катехизик сұхбат.** Үқитувчи томонидан олдиндан шундай саволлар тузиладики, улар ўкувчилар томонидан илгари эгалланган билимларни осонлик билан қайта эслашни талаб қиласи. Бундай савол-жавоб методи таълимда катехизик сұхбат методи деб юритилади. Мазкур методдан ўкувчилар томонидан олдиндан эгалланган билимларини текшириш ва баҳолаш, янги материални мустаҳкамлаш ва тақрерлаш дарсларда фойдаланиш мақсадга мувофик ҳисобланади..

Эвристик сұхбат (“Эвристика” грекча сўз бўлиб, у ўзбек тилида “төваман”, “очаман” деган маънени билдиради) методи үқитишнинг шундай савол-жавоб методи-ки, бунда үқитувчи ўкувчиларга тайёр билимларни бермайди, балки усталик билан олдиндан тайёрланган саволлар орқали уларнинг ўзларидан олдиндан эгаллагав билимлари, кузатишлари, шахсий ҳәетий тажрибаларига таянган ҳолда янги тушунчаларни эгаллашга, янги мавзу бўйича хуносалар чиқаришга ва янги қоидаларий ўзлаштиришларига олиб келади.

**Эслатма.** Үқитувчи томонидан тайёрланган саволлар ўкувчиларни фаол фикрлашга, уларни турли воқеа, ҳодиса ёки фактларни таққослашга, уларни турли гурухларга ажратишга ҳамда улар орасидаги турли боғланишларни излашга маҗбур қилиш керак.

**в) Ҳ и қ о я методи.** Бу метод ёрдамида дарсни ташкил этишда дан фойдаланилганда янги билимларни тушунтириш ҳикоя кўринишида амалга оширилади. Математикани үқитишида асосан “математика тарихи” ҳақида маълумотлар беришда фойдаланилади.

г) Үкувчиларнинг китоб билан ишләшлари. Дарслик - асосий таълим воситаларида бири ҳисобланиб, ундан үкувчиларни түгри фойдалана олиши мухим ҳисобланади. Айниқса, математикадан дарслклар ва ўкув кўлланмаларида фойдаланишда унда берилган математик матнни мустақил ўқий олиш, мисол ва масалаларни ечишда олдиндан берилган кўрсатмаларга эътибор бериш ва шу орқали янги билимларни мустақил эгаллаш малакаларини олдиндан шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Кўргазмали методлар.

Ўқитишининг кўргазмали методлари – ўқитишининг бундай методлари ўкувчи-талабаларга шахсий кузатишлари асосида янги билимларни эгаллаш имконини беради.

Ўқитишининг кўргазмали методларидан фойдаланишда атроф мухитдаги предмет ва ҳодисалар, уларнинг турли моделлари кузатиш объектлари бўлиб хизмат қиласди.

Ўқитишининг кўргазмали ва оғзаки методлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, улардан таълим жараёнида кўп ҳолларда биргаликда фойдаланилади. Масалан, дарс жараёнида кўргазмаларни намойиши тушунтириш методидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Педагог олим Л.В.Зайнков ўз илмий-педагогик, илмий-методик тадқиқотларда кўргазмали ва оғзаки методлардан биргаликда фойдаланишининг қуйидаги 4 та асосий кўринишини алоҳида ажратиб кўрсатган:

1. Ўқитувчи оғзаки нутки ёрдамида ўкувчи-талабаларнинг кузатишларини бошқаради;
2. Оғзаки тушунтиришлар кузатилаётган обьект тўғрисида янада чукурроқ маълумот бериш имкониятини беради;
3. Кўргазмали воситалар ўқитувчининг оғзаки тушунтиришларини тасдиқловчи ва конкретлигини таъминловчи иллюстрация бўлиб хизмат қиласди;
4. Кўргазмали методлар ўқитувчининг ўкувчи-талабаларни кузатишларини умумлаштиришда ва умумий хулоса чикаришда мухим роль ўйнайди.

### Амалий методлар:

Ўкувчиларда бирор тушунча ёки мавзу юзасидан ҳосил бўлган кўнинма ва малакаларни шакллантириш ҳамда янада такомиллаштириш жараёни билан баглик бўлган методлар ўқитишининг амалий методлари деб юритилади.

Одатда ёзма ва оғзаки машқлар, амалий ва лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг айрим турлари ўқитишнинг амалий методлари ҳисобланади.

Ёзма ва оғзаки машқлар асосан эгалланган янги назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш, эгалланган билимларни татбиқ қилиш, олинган назарий билимлар бўйича малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Бирор амални ўзлаштириш ёки уни мустаҳкамлаш мақсадида режали равишда амалга оширилган такорий бажариш - машқ дейилади ва улар характеристига кўра тайёрлаш, машқ килдириш, ижодий каби турларга бўлинади.

Ўкувчи-талабаларда олинган назарий билимлар асосида малака ва кўникмаларни шакллантириш ва уларни янада мукаммалаштириш жараёнига хизмат қиласидиган методлар ўқитишнинг амалий методлари бўлиб, улар ёзма ва оғзаки машқлар методи, амалий ва лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг баъзи турлари каби методлардан иборат бўлади. Амалий методлар олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва эгалланган билимларни амалиётда кўллай олиш малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришда кўлланилади.

## 2. Ўкувчи-талаба фикрининг йўналншига кўра ўқитиш методлари

**Индукция методи.** Бу метод ёрдамида ўкувчи-талабани фикрини яккалиқдан умумийликка ўтишга, хусусий холосаларга асосланган ҳолда умумий холосалар чиқаришга ўргатади. Чунки индуктив холоса, бу хусусий холосаларга асосланган ҳамда умумий холосага борадиган чиқариш йўлидир.

**Дедукция методи.** Бу метод ёрдамида ўкувчи-талаба ўзида мавжуд бўлган умумий билимларга асосланган ҳолда янги хусусий билимларни эгаллаш имкониятига эга бўлади.

**Аналогик методи.** Бу метод хусусийдан-хусусийга борадиган, бир конкрет фактдан бошқа бир конкрет фактга борадиган холоса бўлиб, бунда предметлардаги баъзи белгиларнинг ўхшашлиги бўйича бу предметларнинг бошқа белгилари ҳам ўхшаш деган тахминий холоса чиқарилади.

Юқорида кўриб чиқилган «Ўкувчи-талаба фикрининг йўналишига» кура (индукция, дедукция, аналогия) методларидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш ўкувчи-талабаларда ҳозирги кун таълим тизимининг энг катта муаммоларидан бири ҳисоб-

ланган мантикий фикрлашларини ва шу асосида танқидий фикрлашларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим ахамият қасб этади.

### **3. Педагогик таъсир, таълим жараённики бошқарип даражаси, уқувчиларнинг ўқишида мустақиллик даражаси бўйича ўқитиш методлари**

Хозирги ахборотлар оқими кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда таълим жараёни самарадорлигини оширишда уқувчи-тала-баларнинг мустақил ишлари методига катта зътибор билан қаратиш талаб этилмоқда. Мустақил ишлар ҳозирги кунда таълим жараённинг барча босқичларида, жумладан, янги назарий билимларни эгаллаш босқичида ҳам кенг кўлланишини кузатиш мумкин.

Дидактик адабиётларда мустақил иш тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Бизнинг нуктаи назаримизда академик Б.П.Есипов томонидан мустақил иш тушунчасига берилган таъриф ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йукотмаган. Б.П.Есипов изланиши натижаларига кўра «Ўқувчи-талабаларнинг таълим жараёнига кўшилувчи мустақил ишлари, бу ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, ўқув режаси бўйича маҳсус ажратилган вақт давомида унинг топшириқлари асосида бажарилган, аниқ мақсадга йўналтирилган иш бўлиб, бунда ўқувчи-талабалар топшириқда кўйилган мақсадларга эришиш учун якка ҳолда ёки гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз кучларини сарфлайдилар. Ақлий ёки жисмоний (ёки иккаласини бир вақтда) харакатлар натижасини бирор шаклда ифодалаб, мақсадга эришиш учун онгли равищда интиладилар».

Мустақил ишлар мазмуни ва мақсадига кўра турлича бўлиб, узаро бир-биридан қўйидагиларга кўра фарқ қилинади:

1. **Дидактик мақсадлар бўйича.** Бундай кўринишдаги мустақил ишлар янги назарий материални ўзлантиришга тайёрлашга, янги назарий билимларни ўзлаштиришга, уларни мустаҳкамлашга ёки илгари ўрганилган материалларни тақрорлашга йўналтирилган бўлиши мумкин;

2. **Ўқувчи-талабалар мустақил ишлаётган материал бўйича.** Масалан, дарслик билан ёки дидактик материал устида ишлашда ва ҳ.к.

3. **Ўқувчи-талабалардан талаб қилинадиган фаолият характеристи бўйича.** Бунда мустақил ишлар берилган намуна бўйича ёки берилган қоида бўйича бир-биридан фарқ қилинади.

**4. Ташкил қилинүши усулига кўра.** Бунда бутун гуруҳ иши (бунда бутун гуруҳ битта топшириқни бажаришади), кичик гурухларга бўлинган ҳолдаги иш (бунда гуруҳ аъзолари кичик гурухларга бўлинган ҳолда ҳар бир гуруҳ алоҳида-алоҳида ҳар хил топшириқларни бажаришади), якка тартибдаги иш (бунда гурухнинг ҳар бир аъзоси маҳсус топшириқ устида мустақил ишлайди).

Ўкувчи-талабаларнинг мустақил ишлари методларига қўйидагилар киради (бу методлар ҳозирги кунда фаол методлар деб ҳам юритилади):

**1. Изоҳли-иллюстратив метод.** Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан тайёр маълумотлар ҳар хил воситалар ёрдамида ўқувчи-талабаларга берилади, улар бу маълумотларни қабул қиласилар, тушуниб оладилар ва эслаб қоладилар. Бу маълумотларни беришда ўқитувчи оғзаки (гапириб бериш, тушунтириш) методлари, ёзма (дарслик, қўшимча ўқув қўлланмалари) методлари, кўргазмали (картиналар, расмлар, схемалар, ҳаракат усулларини кўрсатиш) методлар орқали амалга оширади. Бу жараёнда ўқувчи-талабалар билимларни чукур ўзлаштириш учун зарур бўладиган барча фаолият кўринишларини бажарадилар. Масалан, тинглашади, кўришади, сезишади, ўкишади, кузатишади, янги ўргангандарни илгари ўргангандарни билан таққослашади ва эслаб қолишади.

**2. Репродуктив метод.** Бу методнинг асосий белгиси фаолият усулини тинглаш ва ўқитувчининг топшириклари бўйича тақорглашдан иборат. Бу метод ёрдамида ўқувчи-талабаларда малака ва кўникмалар шакллантирилади.

**3. Муаммоли баён қилиш методи.** Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи у ёки бу қоида айтиш билан чегараланиб қолмасдан, овоз чиқарган ҳолда мулоҳаза юритиб, ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўяди ва уни ҳал қилиш жараёнини курсатади. Бундай тушунтириш ишончлироқ бўлади ва у ўқувчи-талабалар фаоллигининг ошишига олиб келади. Натижада уларнинг фикрлаш қобилиятлари ривожланади, билиш характеристидаги мустақил изланишларни олиб боришга ундейди.

**4. Қисман изланиш (эвристик) методи.** Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўяди, ўзи эса ўқув материалини баён этади. Лекин мавзуни баён қилиш жараёнида у ўқувчи-талабалар олдига саволлар қўйиб боради. Бу қўйилган саволлар улардан жавобларни

излаш жараёнинг қүшилиши ва натижада билиш характеридаги бирор топширикни бажаришни талаб этади. Натижада ўқувчи-талабаларда мустақил излаш, мустақил изланиш каби қобилияtlар шаклланади. Пировард натижада уларда мустақил ва мантикий фикрлаш қобилияtlари ривожланади.

5. Ўқитишвинг тадқиқот методи. Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўйилади. Улар қўйилган муаммони тушуниб олгандан сунг ўзлари уни ҳал қилиш режасини тузишади, текшириш усулинини аниқлашади, кузатишлар олиб боришади. Тажрибаларни туплашади, олинган фактларни таққослашади, таснифлашади, йиғилган маълумотларни умумлаштиришади ва якуний хуносалар чиқаришади. Куриниб турибдики, бу методдан фойдаланишда мантикий фикрлаш амалларига асосланиб иш олиб борилади. Демак, бундай метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш ўқувчи-талабаларнинг мустақил билим олишини рагбатлантириш билан бир қаторда улардаги фикрлаш қобилияtlарининг янада ўсишига олиб келади.

Дарс жараённан муаммоларни ҳал қилиш йўли билан ўқувчи-талабаларга янги билимлар беришда муаммоли баён қилиш, қисман изланиш ва тадқиқот методларидан биргалиқда фойдаланиш тақозо этилади.

Ўқувчи-талабалар изланиш фаолиятларининг мустақиллик даражасида юқоридаги методларни бир-биридан ажралган ҳолда намоён бўлади.

Масалан, тадқиқот методи ёрдамида дарс жараёнини ёки ўқувчи-талабалар мустақил таълимини ташкил этишда уларнинг мустақиллик даражаси энг юқори даражасига эришади. Бунда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятлари ўз характеристига ва босқичларига кўра илмий тадқиқот ишларига яхинлашиб боради.

Ҳозирги кунда энг оммалашиб бораётган муаммоли ўқитиш методи билимларни муаммоли баён қилиш, қисман изланиш ва тадқиқот методини ўз ичига олган бўлади. Бу уч методдан фойдаланган ҳолда таълим бериш методи муаммоли ўқитиш методи деб юритилади. Ҳозирги кунгача ҳам муаммоли ўқитишнинг бир қиймати таърифи бирор олим томонидан берилмаган.

Лекин кўпгина олимлар бу йўналишда катта ишларни амалга оширган ҳолда “Муаммоли ўқитиш методи” тушунчасига аниқлик

киритишган. Бу борада Н. М. Скаткин, Т. И. Шамова, М. И. Махмутов, В. Окоń ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган.

### **Муаммоли ўқитиши деганда:**

- муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш;
- муаммони шакллантириш (бунда аста-секин ўқувчи-талабаларнинг ўзлари жалб қилинади);
- муаммоларни ҳал қилишда уларга зарур ёрдамларни бериш ва бу ҳолатларни текшириш;
- эгалланган билимларни маълум тизимга солиш ва уларни мустаҳкамлап жараёнита бошчилик қилиш каби ишлар мажмуасини тушуниш мумкин.

Муаммоли ўқитиши жараёнидаги қўйилган ўқув муаммолари амалий ва назарий қийинчиликларни юзага келтирадики, буларни ҳар ўқувчи-талабалардан тадқиқотчилик фаоллигини талаб қиласди. Натижада улар маълум талаб ва эҳтиёжларга амал қилган ҳолда муаммони ҳал қилиш жараёнидаги юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтишга интиладилар. Натижада шу жараёнда янги билимларни эгаллайдилар, янги тажрибага эга бўладилар ва мустаҳқил фоалият юритиш қобилияtlарини янада ривожланишига эришадилар.

Юқоридагилардан кўринадики, муаммоли ўқитишининг энг муҳим хусусияти бу муаммоли вазиятларни яратади. Бу ўқитувчидан юқори касбий маҳорат ва назарий-амалий тайёргарлик талаб этади.

**Муаммоли вазият** – бу ўқитувчи томонидан янги назарий билимларни эгаллатп жараёнидаги ўқувчи-талабалар олдига билимлари етишмаслиги туфайли бирданига тула жавоб берадиган саволларни қўйилишидир.

Муаммоли вазиятнинг асосини ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган номаълум ёки қўйилган муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун ҳозирча улар эга бўлмаган билимлар мажмуаси тушунилди.

Юқорида кўриб чиқилган таълим методлари таълим самарадорлигини белгиловчи ўқувчи-талабаларнинг дарс жараёнидан кўзланган мақсадларига эришини таъминловчи асосий омишлардан бири бўлиб, бунда таълим методларини ўқитувчи томонидан тўғри танланиши муҳим хисобланади.

**Таълим методларининг самарадорлигининг асосий мезони - белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги бўлиб, у қўйидагиларни ўз ичига олади:**

1. Белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун танланган метод унга мос бўлиши ва вактда унумли фойдаланиш имконияти юқори булиши(тежамкор) талаб этилади.

2. Уни қўллашда қийинчиликлар туғилмаслиги(садда ва осон) керак.

3. У энг яхши натижаларга эришишни таъминлаши билан бир вактда уларга эришишнинг кафолатлай олиши керак.

**Таълим методларини танлашнинг асосий омиллари :**

1. Мақсадни белгилаш.

2. Ўкув-ахборот мазмуни, ҳажми ва мураккаблиги.

3. Таълим методлари ўкув ахборотини эгаллашларига таъсири.

4. Ўкувчи-талабаларни билиш имкониятлари.

5. Вакт сарфи.

6. Таълим бериш шароятлари.

7. Ўқитувчи ва ўкувчи-талаба ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари.

8. Ўкувчи-талабалар сони;

9. Ўқитувчининг юқори касбий тайёргарлиги ва шахсий сифатлари.

Таълим методларини ўқитувчи дарснинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда танлайди.

**Масалан**, янги назарий амалий билимларни ўрганиш дарсида муаммоли ўқитиш кўргазмали методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Олинган назарий билимлар асосида кўникма ва малакаларни шаслантириш мақсадида ташкил этилган дарсларда амалий, кўргазмали ва оғзаки методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим жараёнини ташкия этишда ўқитувчи томонидан ўқитиш методларини тўғри танлаши ва дарс босқичларида ўринли фойдалана олиш, биринчидан, таълим жараённи максадига эришишни таъминлайди; иккинчидан, ўкувчи-талабалар билим эгаллашга эришади. Пироярд натижада таълим жараёнининг асосий мақсади бўлган таълим самарадорлигини ошишига эришилади.

Таълим методларини танлашда асосий ёътибор шу жараёнда ўрганиладиган тушунчалар тизимига берилиб, бу тушунчалар моҳиятини, уларнинг алоҳида томонлари ва белгиларини тўла очиб

Бериш учун бир-бирини тұлдириб борувчи бир нечта методлар бир вактда құлланади. Бунда үкувчи-талабаларнинг умумий ривожланыш даражаси, таълим моддий-үкув базасыда маълум үқитиш методларидан фойдаланиш имкониятлари, үкувчи-талабаларни умумий назарий ва амалий тайёргарлик даражаси алохида ўрин тутади.

Таълим методларини танлаш ва уларни дарс жараёнида құллаш амалий тәжрибада ишлатиладиган фактлар ва шарт-шароитлар билан мувоғиқлаптирилади, янын үқитувчининг назарий-амалий тайёргарлик даражаси, бутун үқитиш жараёнининг қандай тарбиявий мақсадга йұналғанлиги ва унинг асосларини билиш даражаси ҳисобға олинади.

Методларни танлашда моддий-техника база: бино, ундаги мебеллар (стол, стул, доска), үкув жараёни учун зарур бўлган нарсалар (компьютерлар, аудио-видео техникалар, үкув лабораториялар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, моддий ашёлар, машғулотни амалга ошириш учун шарт-шароитлар ва х.к.), кутубхона ва бошқалар ҳамда үкув услугбий база: үкув-методик адабиётлар, үкув дастурлари, назарий билимларни синааб куриш учун үкув-педагогик амалиётлар ўтказиш учун базалар ва бошқаларнинг замонавий талаблар даражасыда таъминланғанлиги ҳам муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим методларини танлапидан олдин үқитувчи дарснинг мақсадларини (таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи) түғри аниклаб олиш, ўрганиладиган назарий ва амалий материал мазмунини аниклаштириб олини, бунда асосий вазиятларга аниклик киритиш, үкув материалининг мантиқан тутгалланған элементларини ажратиб чиқиши ва фойдаланиладиган үқитиш шакллари ва воситаларини аниклаб олиши талаб этилади.

### 3. Таълим технологияларининг таснифи

Агар үқитувчи-амалиётчиларнинг тадкиқотчилик даражасига кутарилиш натижаси үқитиш технологияларини амалиётта құллаш маҳорати деб ҳисобланса, унинг якуни эса сифатли янги үқитиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Үкув курси учун яратилган үқитиш технологияларининг айрим кисмларини ўзида мужассам этган даражани биринчи даражада деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, чет тили курсида «Фонетика» ва

«Грамматика»ни ўрганиш учун йўналтирилган уқитиш технологиялари шулар жумласидандир.

Кейинги даражада ўкув фанига йўналтирилган бир фан доирасида уқитишнинг белгиланган мақсад ва мазмунини амалга ошириш учун усул ва воситаларнинг системасини ўз ичига олган технологиялар туради.

Ўкув фанига йўналтирилган технологиялар жумласига: «Тўла ўзлаштириш технологияси» (Ж.Кэролл, Б.Блум, республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаев), «Табақалаштирилган таълим технологияси», «Чет тили ўқитишнинг коммуникатив технологияси» (Е.И.Пассов), «Ўқитишга йўналтирилган таълим назарияси» (П.Блонский, Г.Ибрагимов, А.Тубельский, М.Шетинин, В.Шаталов, республикамизда Н.Н. Азизхўжаева, Н.Сайдакмедов, У.Қ.Толипов), «Модулли таълим технологияси» (П.И.Третьяков, Т.И.Шамова, П.Юцевичене, республикамизда Б.Зиямуҳамедов, Н.Саидакмедов, М.Тожиев, Ч.Мирзаев, Г.Изетаева), «Муаммоли-модулли таълим технологияси» ва бошқалар.

Намуна сифатида билимларни тўла ўзлаштириш, модулли ва дастурлаштирилган таълим технологияларини кўриб чиқиб, таълим технологияларини тизимлаштириш асосларига мурожаат қиласиз.

Таълим технологиясини фарқлаш ва тизимлаштириш учун таълим мақсадлари, ўқитувчи ва талаба ўрни, бошқариш услуби, ўкув-билим фаолиятини ташкиллаштириш характеристи, ўқитиш восита ва шакллари, назорат ва баҳолаш, ташқи ва ички назорат турлари, талабанинг ўкув-билим фаолияти мотивлари турлари каби курсаткичлар мажмую хизмат қиласи.

Таълим технологиялари «Шахсга йўналтирилганлик бўйича», «Ташкилий шаклларига» кўра, «Мазмун ва тузилишига» кўра ҳамда «Устун турувчи усусларига»га ажратилади.

Ташкилий шакллари: таълимнинг жамоавий усули; дифференциацияланган таълим, гурӯҳ, индивидуал, клуб, академик, мұқобил, синф-дарс.

Мазмун ва тузилиши бўйича: гуманистик, технократи, умумтаълим, касбий, ўргатувчи, тарбияловчи, дунёвий, диний, монотехник, сингиб борувчи.

Устун турувчи усули: ахборот ёки компьютерли, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим, ижодий, ўйинли, диалогли, муаммоли-изловчи, тушунтиришли – иллюстрациявий, дастурлаштирилган таълим репродуктив, ривожлантирувчи таълим.

Ушбу ўкув ва илмий-методик қўлланмада фақат фанларни ўқитишида қўлланадиган «Тўла ўзлаштириш технологияси», «Модулли ва дастурлаштирилган таълим» технологияларигагина тўхталиб ўтамиз.

#### 4. Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси

Билимларни тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсонлардир, республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқотларида куриш мумкин.

Унда, анъанавий ўкув жараёнида таълим шартлари доимо ёзib қўйилганлиги (барча учун бир хил ўкув вақти, ахборотни тақдим этиш усули ва ҳоказо) ҳолатига дикқат қаратилади. Ўқитиши технологиясининг асосий ғояси, ўкув натижасининг кафолатланганлигидadir. Таълимнинг натижасини доимий параметр, таълимнинг шартларини эса, ўзгарувчан деб, ҳар бир ўқитилаётганинг белгиланган натижасидан келиб чиқадиган қилиб қўйилади.

Ушбу технологияда материални урганиш вақти чекланмаган вазиятда, талабалар қобилиятини ўргана борар экан ўрганувчиларни қўйидаги тоифаларга ажратилади:

- камқобилиятлилар, улар, ҳатто ўқиш учун кўп вакт сарф қилишса ҳам, аввалдан белгиланган билимлар даражасини ва кўникмаларни ўзлаштира олмайдилар;
- иқтидорлилар (5%га яқин), уларнинг барча уддалай олмайдиган нарсаларга курби етади;
- кўпчиликни ташкил қилувчи талабалар (90%га яқин), уларнинг билим ва кўникма ўрганишга бўлган қобилияtlари, ўқиш учун вақт сарфлашига боғлиқдир.

Бу маълумотлар, ўқишининг тўғри ташкил қилиниши, айниқса, вақт чекланмаганлиги, ўрганувчиларнинг 95 %га яқини ўкув курсининг барча мазмунини тўлиқ ўзлаштириши мумкин деган тахминга асосланади. Агарда ўқиш шартлари барча учун бир хил бўлса, унда кўпчилик талабалар фақат «Ўрта» натижаларга эришади.

Ушбу ёндашув асосида билимларни тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган ўқитиши технологиясининг бошланғич вақти, ушбу тизим буйича ишлаётган педагогнинг умумий ҳолатга киришидир: ўкув жараёни оқилона тўғри ташкил қилинса, барча ўрганувчилар зарур ўкув материалини тўлиқ ўзлаштиришга кодирдирлар.

Ушбу технологияни амалга ошириш учун, барча талабаларга бир хил ўкув вақти, мазмун, меҳнат шароитини берадиган, аммо чиқишида бир хил бўлмаган натижаларга эга бўлган анъанавий синф-дарс тизимининг сезиларли қайта ташкил қилиниши талаб килинади.

## **5. «Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўкув предмети сифатида мақсади, мазмуни» мавзусининг лойиҳалари**

### **Модулинг номи ва мақсадлари**

**5.1-жадвал**

| <b>Модулинг номи</b>                                   | <b>Модулдан кузланган мақсадлар</b>   |
|--|---|
| <b>Математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи</b> | <p><b>Таълимий:</b> Талаба математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифини билади; анъанавий таълим методларини таҳдил эта олади; ноанъанавий таълим методлари ва унинг замирида қўллана бошланган замонавий интерактив таълим методларига асосланган таълим жараёни ташкил этиш куннинг дозларб масаласи эканлигини тасаввур эта олади; ўқитишнинг шахс ривожланишига йўналтирилган технологиялар, њъини ноағъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитишнинг асосий тамойилларини тушуниб, англай олади; замонавий таълим жараёнида ўкувчи-таяабаларда шахсига янгича караш шаклланишини ва муносабатларни демократламиришишга олиб келишини англайди; замонавий таълим методлари асосида таълим жараёничи ташкил этиш кўникмаси шакулланади ва уларни амалда қўллай олади..</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талаба математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи маззу мазмунини тушунтириш оркали мақтаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўкувчиларга билимдонлик, ўрганивчанлик, зийраклик ҳамда уларни ижод килиш хусусиятларини тарбиялашга ёрдам берадиган илмияр мажмусини ҳосил килиш кўникмаси ҳосил бўлади.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада математика ўқитиш методлари оркали дарс ўтилганда мақтаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўкувчилари билан биргаликда амалий характерда бўлган мисол ва</p> |

|  |  |
|--|--|
|  | масалалардан фойдалантириш кўникмаси шакланади ҳамда уларда ўрганилаётган мавзу бўйича ўз билимларини мустакил ҳолатда ошириш кўникмаси ривожланади. |
|--|--|

## Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

5.2-жадвал

| T/r | Кичик модуллар номи                     | Кичик модулларнинг мақсади  |
|-----|---|---|
| 1.  | Математика ўқитиш методлари             | Талаба математика ўқитиш методларини билади; таълим методини мазмунини ва бу метод орқали дарс ўтиш методикасини тушунади; замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этишини тасаввур эта олади; уларни амалда кўллай олади.   |
| 2.  | Математика ўқитиш методларининг таснифи | Талаба математика ўқитиш методларининг таснифини билади; Ю.К.Бабанский томонидә ажратилган таълим методлари грухини тушунади; Л.В.Занковвинг илмий-педагогик, илмий-методик тадқиқотларда кўргазмали ва оғзаки методлардан биргаликда фойдаланишининг 4 та асосий кўринишини таҳлил эта олади; ўқитишнинг амалий методларини тушунади; укувчи-талаба фикрининг йўналишига кўра ўқитиш методларини англай олади; педагогик таъсир, таълим жараёнини бошқариш даражаси, ўкувчиларнинг ўзишда мустакиллик даражаси бўйича ўқитиш методларини тасаввур эта олади; таълим методларини тақлапнинг асосий омилларини билади ва уларни амалда кўллай олади. |
| 3.  | Таълим технологияларининг таснифи       | Талаба таълим усуллари ва технологияларининг фарқини билади; таълим технологияларининг таснифини таҳлил эта олади; таълим технологияларининг «Шахсга йўналтирилганик бўйича», «Гашкилий шаклларига», «Мазмун ва тузилишига» ҳамда «Устун турувчи усулга»га ажратилишини англайди; уларни таълим жараёнига кўллай олиш кўникмаси шакланади.  |

|    |   |  |
|----|---|--|
| 4. | Билимларни тұла үзлаштырыш технологиясы | Талаба билимларни тұла үзлаштыриш технологиясынинг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэролл, Б.Блум ва уларның издошлари Ж.Блок, Л.Андерсондардир, республикасында Х.Карипбек, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқот ишлери билан танишады; үқитиши технологиясынинг асосий ғояси, үкуя натижасыннан кафолатланғанлыгын түшүнәди; ўрганувчиларни тоифаларға ажратыши билады; ўкув жарабәни оқылона түгри ташкил килинса, барча ўрганувчилар зарур ўкув материалини тулик үзлаштырышқа кодир экзанлигини хис этады; ушбу технологияни таълим амалиётіга құллай олады |
|----|---|--|

### Таяпч түшүнчалар ва улар асосында түзилгән назорат саволлари

5.3-жадвал

| T/p | Таяпч түшүнчалар   | Назорат саволлари  |
|-----|--|--|
| 1.  | Анъанавий таълим методлари, үкитуачи эс атташа фәол иштирокчи, мустакил фикрлаш, танқидий фикрлаш кобилиятлары, «ноанъанавий таълим» методлари, үкитишинин шахс ривожланишига йүнәлтирилген технологиялари, замонавий таълим методлари | 1) Оғзаки метод деб нимага айтилади?<br>2) Амалий метод деб нимага айтилади?<br>3) «Технология» сүзининг маъносини курсатынг.<br>4) Мактаб математика курсында таълим методларини айтыв беринг.<br>5) Математика үкитиши методларига нималар киради?<br>6) Үкитиши методларини танлаш нималарга болғыл?<br>7) «ноанъанавий таълим методлари» деганда нимани түшүнасиз? |
| 2.  | Үкитиши методларининг таснифи, ўкув-билиш фаолиятини ташкия этиш методлари, ўкув-билиш фаолиятини рагбатлантириш методлари, ўкув-билиш фаолияти самарадорларлыгын назорат килиш методлари, оғзаки методлар, күргазмали                 | 1) Ўкув-билиш фаолиятини ташкия этиш методлари деганда нимани түшүнасиз?<br>2) Ўкув-билиш фаолиятини рагбатлантириш методлари деганда нимани түшүнасиз?<br>3) Ўкув-билиш фаолияти самарадорларлыгын назорат килиш методлари деганда нимани түшүнасиз?<br>4) Күргазмали методлар деганда нимани түшүнасиз?  |

|    |  |  |
|----|--|--|
|    | методлар, амалий методлар, ўқитишининг тадқикот методи.  | 5) Уқитишининг тадқикот методи деганда нимани тушунасиз?<br>6) Уқитиш методларини таснифлаб беринг   |
| 3. | Таълим технологиялари, тасниф, ўкув фанига йўналтирилган технологиялар, табақалаштирилган таълим технологияси, ўқитишга йўналтирилган таълим назарияси, модулли таълим технологияси, муаммоли-модулли таълим технологияси. | 1) Таълим технологияларининг таълим методидан фарқини айтиб беринг.<br>2) Таълим технологиялари таърифини келтириб беринг<br>3) Табақалаштирилган таълим технологияси деганда нимани тушунасиз?<br>4) Муаммоли-модулли таълим технологияси нима?<br>5) Таълим технологиялари таснифини тахлил ҳилинг   |
| 4. | Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси, ўкув натижасининг кафолатланганлиги, камкобилиятлилар. иқтидорлилар, кўпчиликни ташкил килинчи талабалар, анъанавий синф-дарс тизими  | 1) Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси нима?<br>2) Анъанавий синф-дарс тизими нима?<br>3) Талаба билимларини тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари американлик психологлар Ж.Кэролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсонларнинг тадқикот ишларини тахлил қилиб беринг.<br>4) Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси бўйича Х.Каршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқикот ишларини тахлил қилиб беринг |

### Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

5.4-жадвал

| Т/р | Саволлар   | Мумкин бўлган жавоблар |  |
|-----|--|------------------------|--|
| 1.  | «Метод» сўзи юнонча «metodos» сўзидан олинган бўлиб, ..... деган маъноларни англатади. | A                      | «Билиш» деган маънони англатади.   |
|     |  | B                      | «Тадқикот йўли» деган маънони англатади                                  |
|     |  | C                      | «Назария», «таълимот» деган маъноларни англатади                         |
|     |  | D                      | *«Билиш ёки тадқикот йули, назария, таълимот» деган маъноларни англатади |
| 2.  | Усул(метод) нима?  | A                      | *Максадга етишишда кўлланадиган таълимий тадбирлар ёки ўкув              |

|    |   |   |
|----|---|---|
|    |   | жараёнини амалга оширишда күлләпәдиган услублар системасы (мажмүи) (рус тилида у «метод» дейиләди, лекин «сусул» ни «метод» деб ишлатишими хам мүмкән)  |
|    | B   | Таълим жараёнида тақдим этилган назарий ва амалий билимларни эгаллаш йүлләрни   |
|    | C   | Үрганиш ва билиш учун хизмат қиладиган йүл-йүриклар   |
|    | D   | Билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, хизмат қиладиган йүл-йүриклар, услублар мажмусидир  |
| 3. | Үкитиш услугини нима?   | <p>A *Таълимий ва тарбиявий максадларга эришнешда, муйян түенкни сөнгүб ўтиш учун күлланадиган тәдбириң ва чоралар мажмуси (русчада уни педагогик «приём» дейиләди)</p> <p>B Үрганиш учун хизмат қиладиган йүл-йүриклар</p> <p>C Билимларни эгаллашга хизмат қиладиган йүл-йүриклар, услублар мажмусидир</p> <p>D Таълим жараёнида тақдим этилган амалий билимларни эгаллаш йүл-йүриклари</p> |
| 4. | Академик Ю.К.Бабанский таълим методларини нечта гурухга ажратиб үргаяган? | <p>A 5 та</p> <p>B 4 та</p> <p>C *3 та</p> <p>D 2 та</p>  |
| 5. | Математикали үкитиш методларига нималар киради?                           | <p>A Кузатиш, тажриба, тақкослаш, анализ ва синтез</p> <p>B Умумлаштириш абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш</p> <p>C Эвристик метод, программалаштирилгандың, таълим методи, мәтруза ва сұхбат методлари, индукция, дедукция ва яномология</p> <p>D *Эвристик метод, программалаштирилгандың, таълим метод</p>  |

|     |  |    |  |
|-----|--|----|--|
| 6.  | Оғзаки метод бу....  | A  | Муаммоли сұхбат  |
|     |  | B  | Эвристик сұхбаттар   |
|     |  | C  | *Сұхбат ва түшунтиришшар   |
|     |  | D  | Түшунтириш, муаммоли сұхбат, эвристик сұхбат   |
| 7.  | Үқувчиларнинг ўкув-билим фаолиятларини ташкил этишда қандай үқитиш методларыдан фойдаланилади? | A  | Күргазмалы, индукция методлари, дедукция ва аналогия   |
|     |  | B  | *Оғзаки амалий   |
|     |  | C  | Иллюстратив, муаммоли ва тадқиқий  |
|     |  | D  | Күргазмал  |
| 8.  | Амалий ишларни бажаришда құлланадиган методларин күрсатынг?                                    | A  | Иллюстратив, муаммоли.   |
|     |  | B  | Аналогия методи  |
|     |  | C  | *Индукция ва дедукция методлари  |
|     |  | D  | Тадқиқий   |
| 9.  | Үқитиш ыстодларини ажратып күрсатынг   | A  | *Монологик, күрсатмалылық эвристик, алгоритмик   |
|     |  | B  | Илмийлік, репродуктивлик   |
|     |  | C  | Фаоллаштыриш, янги билим, күнікма ва малаканы хосил қылыш ва ривожлантириш                                       |
|     |  | D  | Илмийлік   |
| 10. | Мактаб математика курсидаги таълим методлари кайсылар?   | A  | Умумлаштыриш абстракциялаш, конкретлаштыриш  |
|     |  | B  | *Илмий изланиш методлари, үқитиш методлари, холоса чыкарыш   |
|     |  | C  | Программалаشتырылған таълим методи, проблемали метод   |
|     |  | D  | Индукция, дедукция ва аналогия, кузатыш, тажриба   |
| 11. | Математикани үқитиш методларын нималар киради?   | A) | *Эвристик метод, программалаشتырылған, таълим метод  |
|     |  | B) | Умумлаштыриш абстракциялаш, конкретлаштыриш ва классификациялаш.   |
|     |  | C) | Эвристик метод, программалаشتырылған, таълим методи, маъруза ва сұхбат методлари, индукция, дедукция ва аналогия |
|     |  | D) | Кузатыш, тажриба, тәққослаш,   |

**Дарс түри ҳамда унда кулланадиган  
педагогик усул ва услублар**

**5.5-жадвал**

| <b>Дарс түри</b>                     | <b>Күлланадиган педагогик усул ва услублар</b>  |
|--------------------------------------|---|
| Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш | Усул түри: Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, күрсатмалилік<br>Усул типи: Оғзаки ва күргазмали<br>Услублар : Сұхбат, тушунтириш |

**Үқув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар  
ва дидактикалык материалларининг күлланиш жойлары**

**5.6-жадвал**

| <b>Ахборот технологиялар</b>  | <b>Дидактикалык материаллар</b>  |
|---|--|
| Мавзу мазмунига доир түзилганд тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида түзилганд слайдлар орқали намойиш қилиш | Математика ўқитиши методикаси фанига доир дарслік, услугбий күлланималар ва күрсатмали куроллар ҳамда ушбу фан үқув жараёни лойихалари |

**5.7. «Математика ўқитиши методлари ва уларниң таснифи» мавзусининг мазмуни ва үқув жараёнини амалта оширишни ифода этувчи матн сценарийиси кичик модулларда берилган.**

**Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:[4, 7, 9, 13, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 32, 33, 35, 36, 38, 39, 40, 42, 46, 59].**

## **ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ҮРТА МОДУЛИ**

### **6.2-МАВЗУ. МАТЕМАТИК ҮҚИТИШДА МУАММОЛИ ВА ЭВРИСТИК, ДАСТУРЛАШГАН, БЛОКЛИ ВА МОДУЛЛИ МЕТОДЛАР**

**Кичик модуллар:**

1. Математик үқитишида эвристик ва муаммоли методлар.
2. Математик үқитишида дастурлашган таълим методи.
3. Математик үқитишида блокли ва модулли таълим методлари.
4. «Математик үқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар» мавзусининг лойиҳалари.

#### **1. Математик үқитишида муаммоли ва эвристик методлар**

**Муаммоли үқитиши** – бу муаммоли вазиятларни ташкил қилиш, муаммоларни формаллаштириш, қўйилган муаммоларни ечишида талабаларга зарур ёрдамни кўрсатиш, ушбу ечимларни текшириш ва ниҳоят згаллангани билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тизимлаштириш жараёнига раҳбарлик қилишдан иборатdir.

Муаммоли үқитиши ривожлантирувчи үқитиши тури бўлиб, унинг мазмуни мураккабликнинг турлича даражасидаги муаммоли масалалари тизими билан тақдим этилган, уларни ечиш жараённида талабалар янги билимлар ва ҳаракат усуllibарига эга бўлиб оладилар, бу орқали эса серунум фикрлаш, хаёл, билим мотивацияси, интеллектуал эмоциялар каби ижодий қобилияtlари шаклланади. Үқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятларни ва уларни ечиш буйича талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида профессионал тарзда билимлар, малакалар ва кўникмаларни ижодий згалланиши, фикрлаш қобилияtlарининг ривожланиши юз беради.

Муаммоли үқитишида үқитувчи томонидан ташкиллаштирилган субъектнинг үқитишининг муаммоли-тақдим этилган мазмуни билан фаол узаро ҳаракат усул бўлиб, унинг боришида илмий билимнинг объектив қарама-қаршиликларига ва уларни ечиш усуllibарига эргашади. Талабаларни фикрлашга, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўргатади.

Муаммоли үқитишига мукобил сифатида эвристик үқитиши ётади.

Муаммоли ўқитиши схемаси ичига ўқитувчи томонидан ўкув-муаммоли вазифани қўйилиши, талабалар учун муаммоли вазиятни яратиш; пайдо бўлган муаммони англаш, қабул қилиш ва ечиш, унинг жараёнида улар янги билимлар олишнинг умумлашган усулларини эгаллайдилар; ушбу усулларни масалаларнинг аниқ тизимини ечиш учун қўллаш каби тадбирлар изчилиги сифатида тақдим этилади.

Муаммоли вазият – бу билим бериш масаласи бўлиб, у эгалланган билимлар, қўникмалар, муносабатлар ва қилинадиган талаб ўртасидаги қарама-қаршилик билан характерланади.

Унинг назарий асоси бўлиб, талаба ижодий фаолиятини рагбатлантириш зарурлиги ва унга тадқиқот фаолияти жараёнида ёрдам курсатиш ва амалга ошириш усулларини маҳсус тарзда, ўкув материалиини шакллантириш ва баён қилиш орқали белгиланади. Муаммоли ифодаланган топшириклар қўйилиши ва фаоллашиш воситасида ўрганувчиларнинг ижодий фаолиятидан фойдаланишғояси, унинг ҳисобига уларнинг билимга қизиқиши ва охирокибатда бутун билим фаолияти ташкил қиласди.

Муаммоли ўқитишини муваффакиятли қўллаш учун қуйидаги асосий психологик шартларни курсатиш мумкин:

- муаммоли вазиятлар билимлар тизими шаклланиши мақсадларига жавоб берини;
- талабалар учун эришиш мумкин бўлган ва уларнинг билим қобилиятларига мувофиқ келиши;
- ўз билим фаолиятини ва фаоллигини чақириши;
- топшириклар шундай бўлиши керакки, талаба аввал эгаллаган билимларига таяниб бажармаслиги, балки муаммони мустақил таҳлил қилиш ва номаълумликни топиш учун етарли бўлиши керак.

Муаммоли ўқитишининг устунликлари: талабаларнинг юкори даражадаги мустақиллиги. Билимга қизиқиши ёки талабанинг шахс мотивациясининг шаклланиши. Талабаларнинг фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши.

Эвристик ўқитиши – талаба томонидан таълим мақсадлари, мазмунини англашни ва изланишлар орқали таълимни самарали ташкил қилишни мақсад қилиб қўйган ўқитишидир.

Талаба учун эвристик ўқитиши – янгисини топиш ва излашни англатади, яъни эвристика – грекчадан олинган бўлиб, *heurisko* – излайман, топаман, очаман деган маънони англатади.

Эвристик ўқитиши деганда, ўқитиши шакли, масалан, эвристик сұхбат, ўқитиши усули, масалан, ақлий құжум усули ва талабалар ижодий ривожланиши технологияси түшүніләди.

Эвристик ўқитишининг тимсоли Сүкрот усули бўлади, у сұхбатдоши билан бирга алоҳида саволлар ва фикрлаш йўли билан сұхбатлашиш янги билимлар туғилишига олиб келади деб хисоблаган.

Эвристик ўқитиши орқали инсондаги яширин билимларни чиқариб олиш нафақат усул, балки, умуман олганда, таълим методи бўлиши мумкин. Бу ҳолда талабага ҳар бир ўрганилаётган соҳадан нафақат билимларни бериш, балки машғулотларда ўрганилаётган мавзуларни ўзлаштириш усулларини, таълим шаклларини ва баҳолашнинг таълим траекториясини бир қатор сафга тортиш таклиф этилади. Талабанинг шахсий тажрибаси таълимнинг таркибий қисмита айланади, таълим мағзунини эса унинг фаолияти жараённанда ташкил қилинади.

Дидактик эвристика – эвристик ўқитиши назарияси, эвристиканинг педагогик турли хиллиги – янгини кашф қилиниши ҳақидаги фан.

Эвристик ўқитиши, эвристик усул, таълимий максад, таълимнинг мағзунини, индивидуал таълим доираси, эвристик назият, таълим маҳсулоти, рефлексия, креатив компетентлик дидактик эвристиканинг энг муҳим тушунчалари ҳисобланилади.

Дидактик эвристикада талаба аввал бошданоқ тадқиқ қилаётган соҳа өңөлигида билимлар лойиҳасини тузади. Бунинг учун унга реал муҳим объект (табиат ҳодисаси, тарихий воқеа, лойиҳа тузиш учун материал ва шунга ўхшаш, аммо у ҳақда тайёр билимлар эмас) – таклиф этилади. Талаба томонидан олинган фаолият маҳсулоти (гипотеза, иншо, майда-чуйда буюм ва шунга ўхшаш) кейин ўқитувчи ёрдамида маданий-тарихий ўхшашликлар – тегишли соҳадаги маълум бўлган ютуқлар билан солиштирилади. Натижада, талаба ўз натижасини қайта фикрлайди, охиригача куради ёки драмалаштиради. Талабанинг шахс сифатида таълимий ўсиши юз беради (унинг билимларининг, түйғуларининг, қобилиятларининг, тажрибасининг), тегишли маҳсулот яратилади. Талаба фаолияти натижалари нафақат шахс, балки умуммаданий ўсиш сифатида чиқиши мумкин, шунда талаба маданий-тарихий жараёнларга уларнинг тўла ҳукуқли иштирокчиси сифатида киритилган бўлиб қолади.

### *Дидактик эвристика тамоииллари.*

Талабанинг шахсий таълимий мақсади бўлиши мумкинлиги тамоиили. Ҳар бир талабанинг таълими унинг шахсий ўкув мақсадлари асосида ва уни ҳисобга олиш билан юз беради.

Индивидуал таълим доирасида танлов тамоиили. Талаба ўз таълимининг асосий таркибий қисмларини: мақсади, мақсадлари, вазифалари, суръати, ўқитим шакллари ва усуллари, таълимнинг мазмунни, назорат тизими ва натижаларни баҳолаш, онгли ва педагог билан келишилган ҳолда танлашга ҳақли.

Ўқитишнинг маҳсулдорлиги тамоиили. Ўқитишнинг бош йўналиши талаба ўкув фаолиятининг ички (кўникмалари, қобилиятлари, фаолият усуллари ва ҳоказо) ва ташқи (тахмин, матн, расм ва шунга ухшаш) маҳсулотларидан юзага келувчи шахсий таълим ўсиши бўлади.

Ўқитиш вазиятлилиги тамоиили. Таълим жараёни талабалар узлари белгилашини ва уларни ечишнинг эвристик изловини таҳмин қилувчи ташкиллаштирилаётган вазиятларда курилади. Ўқитувчи талабани унинг таълим ҳаракатида кузатиб боради.

Таълим рефлексияси тамоиили. Таълим жараёни талаба ва ўқитувчи томонидан ўз фаолиятининг узлуксиз англанишини киритади: ушбу фаслият усуллари, олинаётган натижалар таҳлили ва ўзлаштирилиши, ушбу асосда кейинги ҳаракатлар ва ўқитиш режаларнинг лойиҳасини тузиш.

Ушбу илмий мактаб тасаввурларига мувофиқ дидактик эвристика педагогик назария бўлиб, унга мувофиқ таълим, талаба ва педагогларнинг ўрганаётган билим ва фаолият соҳаларида улар томонидан яратилаётган таълим маҳсулотларини яратиш жараёнида, ижодий узини амалга оширилиши асосида курилади.

## **2. Математик ўқитишда дастурлашган таълим методи**

Таълим технологияларининг ривожланишида «Бошқарув назарияси» ва унинг тамоииллари етакчи ўринларни эгаллайди. Ишлаб чиқаришда технологик жараён самарадорлигининг асосий омилларидан бири бу технологик жараённи тўғри ташкиллаштиришdir. Бунинг учун маҳсулот сифати тез-тез назорат қилиб турилиши шарт.

Технологик ёндашув ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлган дастурлаштирилган ўқитишида ўқитувчининг асосий функцияси таълим жараёнини бошқариш ҳисобланади.

Бунда:

1. Назорат натижалари ўкув жараёнинг самарадорлик дараҷасининг кўрсаткичларири.

2. Ўкув мақсадига эришилмаганлиги – ўкув жараёнини ташкиллаштиришда хатога йўл кўйилганлигининг белгисидир. Бундай ҳолларда ўкув жараёнига зарурий ўзгартиришлар киритиш лозим.

Анъанавий таълимда билим олувчиларнинг билим, кўнишка, малакалари даражасини назорат қилишдаги камчиликлар мавжуд булиб, улар: табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишнинг қийинлиги; баҳо жазолаш қуроли сифатида қўлланилиши; назорат ишларининг тез-тез ўтказиб турилмаслиги;

Натижада: назорат жараёнида талабаларнинг индивидуал ҳусусиятлари инобатга олинмайди; талабада назорат ишларига нисбатан қўрқув ҳисси шаклланади; ўқитувчи таълим жараёнига ўз вактида ўзгартириш кирита олмайди.

Дастурлаштирилган таълим технологиясини чизиқли, тармоқлашган, мосланишувчи ва комбинациялашган дастурларга бўлиш мумкин.

Дастурлаштирилган ўқитиши, ўқитувчи ва ўрганувчилар ўртасидаги бевосита мулокотнинг субъектив омилини максимал имконликда бартараф этиш билан ўқитиши жараёнини формаллаштиришга бўлган уриниш деб қараш мумкин. Ҳозирги вақтда бу ёндашув ўзини оқламади деб ҳисобланмоқда. Ундан фойдаланиш, ўқитиши жараёни тўла автоматлаштирилган бўлиши мумкин эмаслигини, ўқитувчининг роли ва ўқитиши жараёнида, у билан талабанинг мулокоти устувор бўлиб қолишини кўрсатди. Шундай бўлса-да, компьютер технологиялари ва масофавий ўқитишининг ривожланиши, таълим амалиётида дастурлаштирилган ўқитиши назарияси ролини оширмокда.

Дастурлаштирилган ўқитиши компьютер технологиялари ривожи ва масофавий таълим шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунида янада ривожланаётган ва индивидуал фойдаланишга йўналтирилган маҳсус ўкув курслари асосида ўқитиши индивидуаллаштиришга бўлган ёндашувларни ишлаб чиқишида жиддий ҳисса кушди.

Дастурлаштирилган тәълим деганда, үкитиши ..... бўлмиш қурилмалар (АКТ, дастурлаштирилган дарслик, кинотренажёр ва бошқалар) ёрдамида дастурлаштирилган ўкув материалыни ўзлаштириш тушунилади. Дастурлаштирилган ўкув материалы узи билан белгиланган мантиций изчилликда бериладиган уччалик катта бўймаган порциялар/алоҳида бўлакларда («Кадрлар», «Файллар», «Қадамлар») тақдим этилади.

Ҳар қандай дастурлаштирилган тәълим қуйидаги тамойилларга асосланади:

- маълумотлилик тамойили. Таълим жараёнида билим олувчига албатта янги маълумот берилиши керак;
- билим олувчи фаоллигини таъминлаш тамойили. Таълим жараёнида билим олувчининг фаоллигини таъминлаб бериши керак. Ушбу фаоллик маълумотни ишлаб чиқиши билан боғлик;
- кичик қадамлар тамойили. Ушбу тамойилга мувофиқ, ўкув материалини имкони борича кичик қадамларга (қадамлар, микрорахборотлар) булиш лозим, чунки катталарга қараганда, уларни талабалар осон згаллайди;
- жавобни зудликда тасдиқлаш тамойили. Ушбу тамойилга мувофиқ дастурлаштирилган матн/дастурда жойлашган саволга жавобдан кейиник бирданига талаба ўзининг жавобини тўғриси билан тақкослаб, тўғри жавоб берганлигини текшириш имконини беради. Жавоблар тўла мос келгандагина талаба материални ўрганишда давом этади;
- ўқишини индивидуаллаштириш тамойили. Бу тамойил талабалар ўзи учун оптималь суръатда ишлашларини талаб қиласи, чунки фақат шундагина улар ўқишида тегишли натижаларга эришадилар;
- қийинчиликларни босқичма-босқич ошириш тамойили. Унга риоя қилиш натижасида, талабаларга айтиб туришлар босқичма-босқич камаяди, натижада дастурнинг қийинлик даражаси ортиб боради;
- билимларни мустаҳкамлашда дифференциялаштириш тамойили. Ушбу тамойилда дастур матннаги мавжуд ҳар бир умумлашмани турли мазмуний контекстларда бир неча бор тақрорлап ва синчиклаб танлаб олинган намуналарнинг етарли микдори ёрдамида иллюстрациялаштирилади.

**Чизиқли дастур.** Чизиқли дастурлашнинг назарий асосларини иммерикалик психолог Ф.Скиннер томонидан ишлаб чиқилган. Чизиқли дастурлашнинг график кўриниши 12-чизмада кўрсатилган.

1 2 3 4 5 n



### 12-чизма. Чизиқли дастурнинг таркибий тузилиши

Дастур «қадамларини» рамзлаштирувчи алоҳида эллипслардаги доиралар талабалар эгаллаши зарур бўлган мазмун элементларини билдиради. Ўта муҳим эллипслар ўзаро кесишаётган эллипсларда икки бор чиқади. Курсаткич дастурдан фойдаланувчи барча талаба босиб ўтадиган йўлни билдиради. Бу йўл тўғри чизик бўйлаб утади, шундан дастурнинг чизиқли номи келиб чиқкан.

Чизиқли дастурлар ўкув материалининг 95% ини талабалар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Лекин улар билим олувчидан жуда кўп куч, вақт сарфлашни талаб этади.

**Тармоклашган дастур.** Тармоклашган дастурлашнинг асосини куйидаги назарий масалалар ташкил этади:


- ўкув материалини анъанавий матнларнинг энг кам мавзулар хажмига тўғри келадиган қисмлар (порциялар, қадамлар) микдорига булиш лозим, талаба ўқиш жараённида эришиши лозим бўлган мақсадни англаш имкониятига эга бўлиш, буни эса факат, сунъий равишда бир-биридан узоқлашмаган «Ахборот парчалари»га булинмаган кенг матн таъминланиши;

- ҳар бир «қадам»дан кейин тест топшириги ва унинг жавоб бўлиши;

- талаба танлаган жавоб кўрсатилганидан кейин, бевосита унинг танлови тўғрилиги текширилиши ва шунга боғлиқ ҳолда, дастур талабани ҳар бир танлов натижаси ҳақида хабардор қилиши, ҳатто баъзи ҳолатларда уни дастлабки пунктга тўғри танловни танлашга қайтадан уриниб куриш учун қайтариши лозим.

Тармоклашган дастурнинг таркиби 13-чизмада кўрсатилган. Такдим этилган схемада асосий доираларда (1, 2, 3 ва хоказо) жойлашган саволларга тўғри жавоб берган талаба энг қисқа йўлдан юриб бораётганлиги кўринади. Ўз навбатида қолган талабалар, дастур бўйича ўқиш давомида йўл кўйилган камчиликларни

бартараф этишга имкон беради, улар құшимча маълумот оладиган тузатувчи доираларга юборилади. Схемада курсатилған күплаб тармоқлар дастур номини «тармоқлашған дастур» деб аташа имкон беради.



### 13-чизна. Тармоқлашған дастур таркибий түзилмасы

Дастур билан қамраб олинған үкув материали мураккаблиги даражаси ошиб бориши лозим, шу билан бирга «Оддийдан мураккабға» тамойили саволларни тайёрлашда ва улар билан боғлиқ жавобларда амал қиласы.

Тармоқлашған дастур мазмунига киругачи мулоҳазалар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар ва шунга үхашшлар матннинг мазмунан бир-бири билан боғланған түрли контекстларда тақдим этилиши лозим, шу билан бирга тузатувчи доираларда, мақсадын үшін өткізу үшін мазмуннан қаралуда анықлаш мүмкін боладиган намуналарни көлтириш лозим болади.

**Мослашувчи дастур.** Үрганувчининг ўзига янги материал мураккаблігі даражасини танлаш, ўзлаштириш меъёри бүйіча уни ўзгартириш, электрон маълумотномаларга, лугатларга, күлланмаларга ва ҳоказоларга мурожаат қилишга имконият беради.

Үкув иши суръатида мослашувчанликка ва таълим оптималлашувига факт таълимнинг оптималь режимини ахтариш ва топилған шартларви автоматик күллаш дастури бүйіча ишлайдиган таълимнинг маҳсус воситалари (хусусан, компьютер) дан фойдаланиш йўли билан эришиләди.

Қисман мослашув дастурида талабанинг битта (охирги) жавоби асосида тармоқланиш (бошқа вариант берилади) амалга ошириләди. Тўла мослашув дастурида талаба билимларини баҳолаш, ҳар бир қадамида узидан аввалғиларнинг натижалари ҳисобга олинувчи күп қадамли жараён тақдим этилади.

**Комбинациялашған дастур.** Ўз таркибига чизиқли, тармоқли, мослашувчанлик дастурлар қисмларини олади.

Қадамли дастурлар таълимни алгоритмлашни, ўқув алгоритмларини тузиши келтириб чиқаради. Дидактикада алгоритм, бу белгиланган синфдаги вазифаларни ечиш бўйича ақлий ёки амалий амалларнинг изчилигини белгилайдиган курсатмадир. Алгоритм таълимнинг мустакил воситаси бўлиш билан бирга, у умумий дастурнинг бир кисмидир.

Шундай қилиб, таълим муассасаларида юкоридагиларга асосан фанларни ўқитиш таълим сифатини кафолатлади.

### **3. Математик ўқитишда блокли ва модулли таълим методлари**

Модулли таълим анъанавий таълимга муқобил равишда пайдо бўлган бўлиб, замонимизнинг педагогик назарияси ва амалиётида тўпланган барча илғор ғояларни яхлит ҳолатга келтирган. Модулли таълимнинг асосий мақсади талабалар томонидан аниқ ўқув мавзуси бўйича билимлар системасини ўзлаштириш ва қўникмаларга айлантиришдан иборатdir.

Таҳдиллар курсатдики, олий таълимда деярли барча фанларга модулли ўқитиш технологиясини қўллап талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби, профессор-ўқитувчиларда бу технология тўғрисида етарли тушунча йўклигида. Малака ошириш курсларида улар бўйича машғулотлар, семинар-тренинглар кам ўтказилади. Айниқса, бу муаммолар аниқ фанларда яққол кўринади. Мамлакатимизда такомиллаштирилаётган мазкур технологиянинг асосий вазифаси таълим сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Модулли ўқитиш технологиясини жорий этиш негизида янгича педагогик тафаккурни ривожлантириш, ўқитишнинг инновацион усулларини ва технологияларини яратиш куннинг долзарб вазифаларидан биридир, чунки улар ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширади.

Модулли ўқитиш таълим мақсади, мазмуни, усул ва шакл ҳамда воситаларини талабанинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштиришдан иборат. Асосий вазифаси эса, тугалланган ахборотлар блокини, ўқув дастурларини тўла, қисқа ёки чукурлаштирилган табақалаш орқали бўлакларга бўлиб ўқитиш имкониятини яратишдан иборат. Модулли ўқитишда, ўқув жараёнда талабалар модуллардан тузилган ўқуя материаллари билан мустакил ишлашади.

Модулли таълим технологияси ақлий ҳаракатларнинг боскичма-боскич шаклланиш назариясининг бош тушунчаси – фаолиятнинг йўналтирилганлиги асосида жойлашади. Ўкув-билим олиш фаолиятининг индивидуал суръати модулли таълимга дастурлаштиришдан келган. Модулли таълимда ҳаммаси олдиндан режалаштирилган: ўкув материалини ўрганишнинг изчиллиги, эгалланиши зарур бўлган асосий тушунчалар, кўникмалар ва маҳоратлар рўйхати, ўзлаштириш даражаси ва ўзлаштириш сифатининг назорати. Модуллар миқдори ҳам фаннинг хусусиятларига, ҳам таълим назоратининг исталган частотасига bogлангандир.

Модулли таълим назоратнинг рейтинг тизими билан чамбарчас bogланган бўлиб, модул қанчалик катта ва муҳим бўлса, шунча баллар сони унга ажратилади. Фаннинг негиз мазмуни тушунчаси, негиз мазмун блоклари тизимда мантиқий bogланган ўкув модули тушунчаси билан чамбарчас bogлангандир. Кибернетик ёндашув модулли таълимни ўз-узини бошқаришга ўтадиган талабалар фаолиятини усталик билан бошқариш гояси билан бойитди.

Модул – бу мақсадли вазифали тугун, унда ўкув мазмуни ва унга эгалик қилиш технологияси бирлашган ёки модул – маълум ҳодиса, конун, бўлим, йирик мавзу ёки ўзаро bogлик тушуичалар гурӯхини ўз ичига олади ёки ўкув материалининг мантиқан туталланган бирлиги бўлиб, ўкув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга каратилган бўлиб, модулни баъзан бўлим ёки блок деб ҳам тушунишади. Бизнингча, модул – бу талабалар бажарадиган ишнинг муайян бир кўриниши бўлиб, ўкув машғулотининг мазмуни билан уни ўзлаштириш технологиясини бирлаштирувчи мақсадли, функционал таълим қисми бўлиб, ўкув фанини яхлитликда куриб, уни энг катта модул деб, унинг ичидаги билимларнинг ҳажми, мантиқий bogлиқлиги ва фикрнинг туталланганлигидан келиб чикиб, ундаги ўкув материалини катта модулларга ажратилади ва ҳар бир катта модул ичидан мантиқан boglik бўлган, шу билан бирга бир жуфт соатда талабалар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуалари бўлган ўрта модулларга ҳамда бир жуфт соатлик ўкув машғулоти урта модулни олиб, ичидан бир нечта кичик модуллар ажратилади. Кичик модулларни ажратишда, педагогнинг шу ўкув машғулотининг ҳар бир булаги олдида куйган мақсади ва ундаги фикрларнинг туталланганлигидан келиб чиқилади.

Модулда уқув машғулотларини (тугалланган ахборотлар блоки) 3-6 соатли маъruzавий машғулотлар ва шу билан боғланган амалий, семинар, лаборатория машғулотларидан (такминан 16-18 соат вақтга мўлжалланса, мақсадга мувофиқ бўлади) иборат бўлинишидир. Модулларни ҳар хил танлаш мумкин. Уқув мақсадларига кўра модулларда ахборотларни қисқа (сиқилган), ўргача, тўла ва мукаммал танлаш мумкин. Шунинг учун ўқув материалларини модуллаштириш талабалар билан дифференциал (табақали) ва индивидуал ишлаш имкониятини яратади.

Модулларни шакллантириш учун асос бўлиб фаннинг ишчи дастури хизмат қиласди. Модуль кўпинча фан мавзуси ёки ўзаро боғланган мавзулардан иборат бўлиши мумкин. Бироқ мавзудан фарқли ўлароқ модулда ҳамма парса ўлчанади, ҳамма нарса баҳоланади[36].

Ўқитиш модуллари таълимни субъект-субъект асосига ўтказишига, талабалар ишни индивидуаллаштиришга, индивидуал ёрдами миқдорлашни, ўқитувчи ва талаба муносабатини ўзгартиришга имкон беради.

Педагог ўқув модуллар мажмуи ва изчил мураккаблашиб борадиган дидактик вазифалардан иборат бўлган дастурни ишлаб чиқади, бунда талабага ўқитувчи билан бирга ўқишини бошқаришини амалга оширишга имкон берадиган, кирувчи ва оралиқ назоратини таъминлашни ташкил этади.

Ўқув модулининг талқинида модуллар сони ва тўлгазувчанлигини, уларнинг ҳар бирида назарий ва амалий қисмлари нисбати, навбатлилиги, модул ҳамда якуний назоратнинг мазмуни ва шаклларини белгилаш лозим.

Модулли ўқитиш – фаолият кўрсата оладиган ўзаро узвий боғланган элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Модулли ўқитишнинг асосий вазифаси тугалланган ахборотлар блокидир. Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла, қисқа ёки чуқурлаштирилган табақалаш орқали табақалаб ўқитиш имконияти яратилади. Модулни ўқитишда фанлараро алоқадорликка жиддий эътибор берилади. Ўрганилаётган материалдаги асосий тушунча ва таянч ибораларнинг татбиқлари, берилиш ҳажми, фанлараро боғланиши ва муаммолари таълим стандартларига мос берилади. Талаба учун бундаги муаммоларни ечиш билан курс ишлари, мустақил ишлар, битирув малакавий ишлар, илмий методик характердаги ишлар бажариш мумкинлиги кўрсатилади. Модулли

ўқитишида талаба ва ўкувчилик учун ўкув услугий мажмуда (ЎУМ)нинг яратилиши талаб этилади.

Модулнинг ўкув элементи тахминан кўйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлиши мумкин:

- ўкув машгулоти босқичлари ва вақт тақсимоти;
- ўкув мақоадининг аниқ қўйилиши: умумий мақсадлар, педагог мақсади, талаба мақсадлари;
- ўкув машгулоти шакли;

Дареда фойдалапиши мумкин бўлган ўқитиш усуллари ва технологиялари:

Ўкув машгулоти усули, услублари;

Муаммоли;

Ўкув жараёни учун зарур бўлган воситалар:

Педагог учун. Методик кўлланма, ишланмалар, ўкув дастури, дарс режаси, маъруза матни.

Талаба учун. Дарслик, жадваллар, тарқатма материаллар, технологик харита, топширик варакаси.

Ўкув машғулотини ўтказиш учун. Слайдлар, ўкув жиҳозлари, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг рўйхати; дарс вазифаларини ишлаб чиқишини енгиллаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлган феъллар рўйхати; бир-бирига яқин ўкув элементлари рўйхати; иллюстрациялар билан жиҳозланган қисқа ва аниқ матн кўринишидаги ўкув материали; ушбу ўкув элементига тааллуқли, зарур малакаларни яхши ўзлаштириш учун амалий машғулотлар; ўкув машғулотларининг лойиҳаси ва шунга асосланган янги авлод ўкув адабиётлари; мавзуни баён қилиш жараёни; ушбу ўкув элементида қўйилган мақсадларга қатъян мос келадиган назорат.

Ҳар бир модулни яратиш мақсади аввалдан режалаштирилган таълим натижасига эришишдир. Модуль бўйича назорат турлари тенг миқдорда ҳам талаба ўкув фаолиятининг муваффақиятини, ҳам ўқитувчи томонидан танланган педагогик технология самарадорлигини белгилайди.

Шак-шубҳасиз назоратнинг рейтинг шаклининг афзаликлари мавжуд бўлиб, жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклида амалга оширилади.

Фанни ўрганишнинг бошида ёқ ҳар бир талаба топшириқнинг уч даражаси бўйича бажариладиган рўйхати ва баллар шкаласидан иборат бўлган рейтинг бўйича ишлашга йуналтирадиган «Эслат-

мани» олади. Шунингдек, рагбат ва жарима (муддатларни бузганлиги учун) баллари ҳам ҳисобга олинади.

Рейтинг назоратини ишлаб чиқиш учун икки гурухдаги вазифаларни ечиш зарур:

1) Мазмун бўйича: фанин тўла идрок этиш, шунингдек, мазмунни ўзлаштириш даражалари учун мазмунини таҳлил қилиш, мавзуни, бўлимларни, асосий қонунлар ва тушунчаларни ажратиб кўрсатишни билиш мажбурийдир. Ҳар бир даража аниқ мазмунни ва уни эгаллаш даражасини кўрсатади.

2) Фаолият бўйича: фаолиятнинг ҳар бир турини таҳлил қилиш, уни изчил амаллар мажмуи сифатида тақдим этилади. Ҳар бир амални бажаришнинг уч даражасини урнатиш ва ушбу даражаларга мос келадиган ҳар бир даражани баҳолашнинг ва натижаларни тақдим этишнинг мезонларини шакллантиради.

Шунинг учун ҳам таълим тизими бошқарувининг жонкуяр мутасаддилари томонидан педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш технологияси асосида ўкув машгулотлари лойиҳаларини тузиб, таълим жарабини ташкил этилишини куннинг долзарб масалаларидан бири этиб қўйилиши, колаверса, профессор-ўқитувчи ва педагогларимиз бу технологиянинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда таълимдаги фаолиятларни ташкил этсалар, таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошишини кафолатлади.

Модулли таълимнинг бошқа усуллардан фарки қуйидагича:

- таълим мазмуни, тутгалланган мустақил комплексларда тақдим этилиши керак; ҳар бир талаба ўқитувчидан ёзма шаклда маслаҳатлар олади: қандай оқилона ҳаракат қилиш керак, зарур ўкув материалини қаердан топиш ва ҳоказо;

- модулли таълим ўқитувчининг талabalар билан мулоқот шакларини ўзгартиришни тақозо этади, улар билан модуллар воситасида ҳам, ҳам бевосита – ҳар бир талаба билан индивидуал мулоқот ўрнатади. Айнан модуллар таълимни субъект-субъект асосига ўтказишга имкон беради. Ўқитувчи ва талabalар муносабатлари бирмунча тенглашади;

- босма асосдаги модуллар мавжудлиги ўқитувчига алоҳида талabalар билан, алоҳида ёрдам микдоридаги, ҳар бирига маслаҳат бериш йўли ишлашни индивидуаллаштириш имконини беради.

#### 4. «Математик ўқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар» мавзусининг лойиҳалари

4.1-жадвал.

#### Модулнинг номи ва мақсадлари

| Модулнинг номи   | Модулдан кўзланган мақсадлар   |
|--|--|
| Математик ўқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар | <p><b>Таълимий:</b> Талаба эвристиканинг мақсадини тушунади, эвристик метод моҳиятини изчилликда тузилган режа-схема орқали амалга ошириши билади, эвристик таълим методини кўллаб тенглама ва масалани ечишини улдалай олади, математика дарсларида муаммоли таълимни кўллаш кўникмаси шаклланади, дастурлашган, блокли ва модулли ўқитиши методлари моҳиятини билади, анъанавий ва дастурлашган таълим технологияларини ўзаро солиштира олади, дастурлаштирилган таълим технологияларини куллаш учун зарур бўлган дидактик амалларни тушунади, дастурлашган таълим технологисига асосланган машғулотни ташкил килиш учун ўқитувчи томонидан бажариладиган ишларни амалга ошира олади, тармоклашган дастур тузилмасини, мақсад ва моҳиятини ва тармоқлашган дастурнинг ютукли томонлари ҳамда камчиликларини таҳлил қила олади, математика дарсларида муаммоли, эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли ўқитиши методлари мазмунини ишлаб чиқиши ҳамда бу мазмунни мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларига илмий методик жихатдан тушунтириб бериш кўникмаси шаклланади ва уларни амалда куллай олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талабада муаммоли, эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли ўқитиши методлари орқали ўтиладиган мавзу мазмунини тушунтириш орқали мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларига билимдонлик, ўрганувчанлик, зийраклик ҳамда уларни ижод килиш хусусиятларини тарбиялашга ёрдам берадиган илмлар мажмусини яратиш кўникмаси хосил бўлади.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада муаммоли, эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли ўқитиши методлари орқали дарс ўтилганда мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчилари билан биргаликда амалий характерда бўлган мисол ва масалалардан фойдаланиш кўникмаси шаклланади ҳамда уларда ўрганилаётган мавзу бўйича мустакил ҳолатда ўз билимларини ошириш кўникмаси ривожланади.</p> |

## Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

4.2-жадвал

| Т/р | Кичик модуллар номи                                   | Кичик модулларнинг мақсади   |
|-----|---|--|
| 1.  | Математик ўқитишида эвристик ва муаммоли методлар     | Талаба математик ўқитишида эвристик ва муаммоли методлар търифини билади; ушбу таълим методини мазмунини ва бу метод орқали дарс ўтиш методикасини тушунади; математик ўқитишида эвристик ва муаммоли таълим методлари асосида таълими жараёнини ташкил этишини тасаввур эта олади; уларни амалда кўллай олади |
| 2.  | Математик ўқитишида дастурлашгтан таълим методи       | Талаба математика дарсларида дастурлаштирилган таълимни билади; дастурлаштирилган таълимнинг мазмунини ва уни математика дарсларига татбик килиш кўникмаси шаклланади; уларни амалда кўллай олади  |
| 3.  | Математик ўқитишида блокли ва модули таълим методлари | Талаба математика дарсларида муаммоли таълим мазмун ва моҳиятини билади; математика дарсларида муаммоли таълимнинг кўллай олиш кўникмаси шаклланади; уларни амалда кўллай олади  |

## Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

4.3-жадвал

| Т/р | Таянч тушунчалар  | Назорат саволлари  |
|-----|---|--|
| 1   | Муаммоли ўқитиш, муаммоли вазият, эвристика, эвристик ўқитиш, муаммоли ва эвристик методлар, Сукрот усули, дидактик эвристика | 1) Эвристика сўзининг маъноси нима?<br>2) Эвристик методнинг мақсади нималардан иборат?<br>3) Эвристик метод дарс жараённида қандай амалга оширилади?<br>4) Муаммоли вазиятни търифланг.<br>5) Қандай дарс жараёнига муаммоли таълим дейилади? |
| 2   | Дастурлашгтан таълим метод, чизиқли дастурлаштирилган таълим, тармоқли дастурлаштирилган таълим, мослашувчи ва комби-         | 1) Қандай таълимга чизиқли дастурлаштирилган таълим дейилади?<br>2) Қандай дастурга тармоқли дастурлаштирилган таълим дейилади?<br>3) Қандай дастурга мослашувчи ва комбинавциялашган таълим дейилади?   |

|    |   |  |
|----|---|--|
|    | нациялашган дастурлаштирилган таълим.   |  |
| 3. | Модул, блокли ва модулли таълим методлари, модулли ўқитиш технологияси, ўкув элементи, ўкув материалини урганишнинг изчилиги, эгаланиши зарур булган асосий тушунчалар, куникмалар ва маҳоратлар рўйхати, узлаштириш даражаси ва ўзлаштириш сифатининг назорати, модулда ҳамма нарса ўлчаниши, ҳамма нарса баҳоланиши, рейтинг назоратини | <p>1) Модулли таълим методини тушунтириб беринг.</p> <p>2) Блокли ва модулли таълим методларини тушунтириб беринг.</p> <p>3) Ўкув элементи деганда нимани тушунасиз? Санаб беринг?</p> <p>4) Ўзлаштириш даражаси ва ўзлаштириш сифатининг назорати қандай олиб борилади?</p> <p>5) умумурта ва урта маҳсус таълимда қандай рейтинг тизими ишлайди?</p> <p>6) Модулли технологияда ҳамма нарса ўлчаниши, ҳамма нарса баҳоланишини изохлаб беринг.</p> |

#### 4.4-жадвал.

#### Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

| T/r | Саволлар                                      | Мумкин бўлган жавоблар |   |
|-----|---|------------------------|---|
| 1.  | Эвристика сузининг маъноси нима?              | A                      | «Топаман» деган маънони англатади.  |
|     |   | B                      | «Ўйлаб кураман» деган маънони англатади.  |
|     |   | C                      | *«Савол жавобга асосан топаман» деган маънони англатади.                                      |
|     |   | D                      | Ишилаб чикаман деган маънони англатади.   |
| 2.  | Эвристик методнинг мақсади нималардан иборат? | A                      | *Эвристиканинг мақсади-янгиликларга олиб борувчи усул ва коидаларни излаш демакдир.           |
|     |   | B                      | Эвристиканинг мақсади теоремаларни исботлашга олиб борувчи йўлдир.                            |
|     |   | C                      | Эвристиканинг мақсади ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги билишга доир муаммони очиб беришдир. |
|     |   | D                      | Эвристиканинг мақсади дарс жараёнида кўйилган муаммоларни ўйлаб кураман демакдир.             |
| 3.  | Эвристик метод дарс жараёнида                 | A                      | Масаланинг кўйилиши ва ечилиши асосида амалга оширилади.                                      |

|    |  |   |  |
|----|--|---|--|
|    | қандай амалга оширилади?                                   | A | Теоремаларни шарт ва хулосаларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.  |
|    |  | C | Мисол ва масалаларни ечиш жараёнида уларни шарт ва хулосаларга ажратиш эвристик метод оркали амалга оширилади.   |
|    |  | D | *Дарс жараёнида масаланинг қўйиллиги, режасининг тузилиши, тузилган режани амалга оширилиши ҳамда ечимни текшириш босқичлари эвристик метод оркали амалга оширилади. |
| 4. | Муаммоли вазиятни таърифланг.                              | A | Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги бирор саволга нисбатан тортишувга муаммоли вазият дейилади.  |
|    |  | B | *Урганилаётган объект билан ўрганувчи субъект орасидаги билишга доир бўлган узаро ҳаракатларнинг ўзига хос бўлган турига муаммоли вазият дейилади.                   |
|    |  | C | Муаммоли саволларнинг ўқитувчига ўқувчилар томонидан берилиши муаммоли вазият дейилади.  |
|    |  | D | Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга мисол ва масалаларни мустақил ҳолатда ечиш топшириғига -муаммоли вазият дейилади.   |
| 5. | Қандай дарс жараёнига муаммоли таълим дейилади?            | A | Билиш ва ўрганишга доир ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ечишга муаммоли таълим дейилади.   |
|    |  | B | *Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида хосил қилинган дарс жараёнига муаммоли таълим дейилади.  |
|    |  | C | Теоремаларни исботлаш жараёнига нисбатан хосил қилинган дарс жараёнига муаммоли таълим дейилади.   |
|    |  | D | Масалаларни ишлаш жараёнига нисбатан хосил қилинган дарс жараёнига муаммоли таълим дейилади.   |
| 6. | Қандай таълимга чизикли дастурлаштирилган таълим дейилади? | A | Ўқув материалидаги чизикли функцияларни ўрганишга чизикли дастурлаштирилган таълим дейилади.   |
|    |  | B | Ўқув материалига доир чизмаларни чизиш оркали амалга оширилган таълим чизикли дастурлаштирилган таълим дейилади.   |

|    |   |   |  |
|----|---|---|--|
|    |   | C | *Укув материалдаги толширик жағовблар булак - булак бүлгән кадр элементларидан иборат бүлсә - бундай укув материалини ўрганишга чизикли дастурлаштирилгән тәълим дейиләди. |
|    |   | D | Ўқитувчи томонидан құйилған математик муаммолярни шарт ва холоса қисмларга ажратып ўрганишга чизикли дастурлаштирилгән тәълим дейиләди.                                    |
| 7. | Кандай дастурға тармоқли дастурлаштирилгән тәълим дейиләди? | A | Ўқитувчи томонидан құйилған математик муаммони бир неча турға бўлиб ўрганишга тармоқли дастурлаштирилгән тәълим дейиләди.  |
|    |   | B | Мисол ва масалаларни бир неча усулларда ечиб курсатиш жараёнинга тармоқли дастурлаштирилгән тәълим дейиләди.   |
|    |   | C | Кўйилған математик муаммоларни электрон қисоблаш машиналарда амалга ошириш жараёнинга дастурлаштирилгән тәълим дейиләди.   |
|    |   | D | Кўйилған математик масалаларни муаммолар ҳосил қилиш орқали ечиш жараёнинга дастурлаштирилгән тәълим дейиләди.   |
| 8. | Дастурлашган тәълим кандай усуллар билан амалга ошириләди?  | A | Ўқиши, ўрганиши  |
|    |   | B | Билиши, билдириши  |
|    |   | C | Кургазамилилик, электрон варзиш  |
|    |   | D | *Чизикли, тармоқли   |
| 9. | Эвристик тәълим методини мәньносини анықланг                | A | *савол-жавоб методи  |
|    |   | B | устоз ва шогирд орасидаги муносабат  |
|    |   | C | ёзма иш методи   |
|    |   | D | топаман  |

Дарс тури ҳамда ушда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

4.5-жадвал

| Дарс тури                            | Қўлланиладиган педагогик усул ва услублар   |
|--------------------------------------|---|
| Аралаш дарс; янги билимларни згаллаш | Усул тури: Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, кўрсатмалилик<br>Усул типи: Оғзаки ва кўргазмали<br>Услублар : Сухбат, тушунтириш |

**Ўқув жараёнида фойдалаилиадиган ахборот технологиялар  
ва дидактик материалларнинг қўлланиш жойлари**  
**4.6-жадвал**

| <b>Ахборот технологиялар</b>  | <b>Дидактик материаллар</b>   |
|---|---|
| Мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар орқали намойиш килиш | Математика ўқитиши методикаси фанига доир дарслик, услубий қўлланмалар ва кўргазмали курсоллар ҳамда ушбу фан ўқуп жараёни лойиҳалари |

**4.7. «Математик ўқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар» мавзусининг мазмуни ва ўқув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.**

**Фойдалаилиадиган қўшимча адабиётлар:[7, 9, 13, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 32, 33, 35, 36, 38, 39, 40, 42, 46, 58, 59].**

## **ЕТТИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **МАТЕМАТИКА БҮЙИЧА СИНФДАН ТАШҚАРИ ВА ФАКУЛЬТАТИВ МАШГУЛОТЛАР, УЛАРНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

**7.1-МАВЗУ.** Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машгулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси

#### **Кичик модуллар:**

1. Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машгулотларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Математика бўйича синфдан ташқари машгулотлар ва уларни ташкил этиш методикаси.
3. «Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машгулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси» мавзусининг лойихалари.

#### **1. Математикадан синфдан ташқари ва факультатив машгулотларниң мақсади ва вазифалари**

Ўкувчиларнинг дарсдан ташқари вақтида ташкил қилинган, дастур билан боғлиқ бўлган материал асосида ихтиёрийлик тамоилига асосланган ҳолда ташкил этилган машгулотлар синфдан ташқари машгулотлар дейилади.

Синфдан ташқари ишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ўкувчиларнинг билимлари ва амалий қуниқмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш;
- ўкувчиларнинг мантикий тафаккурларини, топқирликларини, математик зийракликларини ривожлантириш;
- математикага қизиқишларини орттириш, қобилиятли ва лаёқатли болаларни аниқлаш;
- талабчанликни, иродалиликни, меҳнатга муносабатни, мустақилликни, уюшқоқликни тарбиялаш ва х.к.

Математикадан синфдан ташқари иш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

1. Ўз мазмунига кўра, у давлат дастури билан чекланмаган бўлиб, математик материал ўқувчиларнинг билимлари, кўнима ва малакаларига мос равишда берилиши керак.

2. Синфдан ташқари ишлар ихтиёрийлик тамойили асосида ташкил этилиб, бунда ўқувчиларга баҳо қўйилмайди. Аммо мулоҳазаларни асослаб бериши, топқирлиги, зийраклиги, ечишнинг рационал усулларидан фойдаланиши ўз вақтида рағбатлантириб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Машгулотлар мазмуни ва ўтказилиш шаклларига қараб 10-12 дақиқа ёки бир соатга ҳам мўлжалланган бўлиши мумкин.

4. Синфдан ташқари ишлар шакл ва турларининг қўп хиллигига қараб, мазмунининг турли-туманлиги билан характерланади.

**Масалан:** Машгулотларда текстли масалалар, қизикарли масалалар, математик воқеалар, ребуслар, фокус, бошқотирмага кент ўрин берилади.

## **2. Математикадан синфдан ташқари машгулотлар ва уларни ташкил этиш методикаси**

Синфдан ташқари ишларнинг қўйидаги турлари бор:

1. Математик соатлар.
2. Математик тўгараклари.
3. Математик конкурс ва олимпиадалар.
4. Қизиқарли математик кечалар ва викториналар.
5. Математик матбуот.
6. Математик экспурсия.

**Математик соатлар.** Бундай машгулотлар одатда ҳафтасига бир марта ўқувчиларнинг дам олиш вақтларида, табиатга, мактаб ҳовлисига чиқиб ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг мазмунин ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлигини оширишга хизмат қилиши керак. Бунда машгулот топшириклари дарс жараёнида ўрганилган математик топшириклардан фарқ қилиши талаб этилади ва бу топшириклар ўқувчилар учун тушунарли бўлиши, жавобларнинг тез топилиши ва мумкин қадар оғзаки бажарилиши ҳисобга олиниши керак.

**Масалан:** Қизиқарли математик соат – дарсдан кейин ойда 1-2 марта ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланниб, бундай машгулотлар бошланғич синфларда 20-40 дақиқага, юқори синфларда

эса бир соатга мұлжаллаган ҳолда ташкил этиш мақсадға мувофик бўлади.

Машғулотларни ўтказиш учун қизиқарли масалалар, кийинрок масалалар, ребус бошқотирмалар, топишмоклар ва бошқалар материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Математик тўгараклар.** Математик тўгараклар – синфдан ташқари ишларнинг мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган шакли бўлиб, унинг асосий вазифаси – математикага алоҳида қизиқувчи ўқувчилар билан бажариладиган чукурлаштирилган ўкув машғулотидир.

Тўгарак машғулотларида бир мактабнинг параллел синфлари ўкувчилари, шунингдек, бошқа мактаб ўкувчилари ҳам қатнашиши мумкин бўлиб, бундай тўгараклар кўпинча «Математика клуби» деб ҳам юритилади.

Тўгарак машғулотларини характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки, унинг қатнашчилари катта мустақилликка эга бўлиб, ташаббус кўрсатиш имкониятлари юкори бўлади, **Машғулотлар жараёнида қатнашчилар:**

- қисқача тарихий маълумотлар тайёрлайди;
- кургазмали куроллар тайёрлайди,
- математик кечалар ва викториналарга тайёргарлик кўрадилар.

Шу билан бир қаторда улар тўгаракда турли масалалар ечадилар, ребус, бошқотирмалар, топишмокларни топадилар, дидактик ўйинлар ўтказадилар.

**Эслатма.** Математик тўгаракнинг йиллик иш режаси тўгарак раҳбари томонидан ўкув йилининг бошида ишлаб чиқилади.

**Математик конкурс ва олимпиадалар.** Математик конкурслар – кийин масалаларни ечиш, ўткир зехн ва тез тушуна олишни талаб қилувчи топширикларни бажариш бўйича ўзига хос мусобақалар хисобланаб, унинг асосий мақсади тез тушунадиган, зийрак математикни, яхши синфи аниқлашдан иборат.

Конкурс мавзуси ва уни ўтказиш вақти олдиндан белгиланади.

**Математик олимпиадалар** мактабнинг ҳамма синфларини ҳам жалб қилган ҳолда ўтказилади. Олимпиадалар йилига бир марта математик қобилияти юкори бўлган ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Олимпиадалар қатнашчиларнинг таркибиға қараб мактаб, туман, шаҳар...да ўтказилиши мумкин.

**Мактабда олимпиадани мактаб директори тасдиклаган ҳайъат аъзолари бошқарив, ҳайъат аъзолари топшириқларнинг мазмунини, қатнашчиларни таълаш шартларини аниклади ва олимпиада ўтказилиш вактини белгилайди.**

**Математик кечалар ва викториналар.** Математик кечалар математика тұғарагининг ҳисоботи тариқасида ўтказиш мүмкін бўлиб, унинг мақсади ўқувчиларнинг математикадан билимларини амалда татбик қилиш қобиляйтлари, фазоний тасаввурларини ҳисобга олишдан иборатdir.

Унинг мазмуни тарихий маълумотлар, ҳисоблашлар ва қизиқарли масалалар ва математик ўйинлардан иборат бўлиши мүмкін (Кечага ота-оналар, ўқитувчилар ва хоҳловчилар қатнашиши мүмкін).

**Математик викториналар** асосан ўқувчиларга ечиш учун бериладиган саволлар ва топшириқлардан иборат бўлиб, унда саволларнинг жавоблари ёзма равишда топширилади ва ғолиблар аникланади.

**Математик матбуот.** Математик газетада одатда, мазмuni қизиқарли материаллар ҳамда мураккаб топшириқлар, математикага ва мактаб ҳаётiga доир янгиликларни ўз ичига олиб, уни тұғарак аъзолари чиқаришади.

**Математик экскурсиялар.** Математик экскурсияларнинг асосий мақсади – реал ҳаётий факт ва таассуротларни талаб қилиш ва ўқувчиларни шу фактлар билан турмушда учраптиришдан иборат бўлиб, у ўқитувчидан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Экскурсияни ташкил этишдан кузланган мақсад ўқувчиларга тушунарли булиши мухим ҳисобланади. Чунки, бу улар олдиндан нималарга эътибор каратишлири ва ўзларини қандай тутиш кераклигини билишларида мухим ҳисобланади.

Экскурсиялар таълим муассасасининг жойлашган ўрнига қараб, турли устахоналар, фабрикалар, фермалар, далалар ва бошқа жойларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда ўқувчилар ишчи ва хизматчилар меҳнат фаолияти билан яқиндан танишадилар ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми, материаллар сарфи, иш унумига доир сонлар билан бевосита амалда танишадилар ҳамда маълумотларни қайд қилиб борадилар. Мазкур маълумотлар ўқувчиларнинг ўзлари масалалар түзиши ва ечишларига, кўргазмали курол тайёрлашларига асос бўлиб хизмат қиласди.

**3. «Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларниг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси» мавзусининг лойиҳалари**

**Модулнинг номи ва мақсадлари**

**3.1-жадвал**

| <b>Модулнинг номи</b>   | <b>Модулдан кўзланган мақсадлар</b>  |
|---|--|
| <b>Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларниг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси</b> | <p><b>Таълимий:</b> Талаба математикадан синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар мөхиятини тушунади; уларниг мақсад ва вазифалари ва ташкил этиш методикасини билади; синфдан ташқари ишнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканингини англайди; математика бўйича синфдан ташқари ишнинг ўзиги хос хусусиятларини ҳис этади; математика бўйича факультатив машғулотлар ва уларни ташкил этиш методикасини билади; уларни таълим амалиётида кўллай олади.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> Талабада математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотларни ташкил қилиш орқали мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларда зийраклик хамда уларни ижод қилиш қобилиятларини ривожлантиради.</p> <p><b>Амалий:</b> Талабада математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотларни ташкил қилиш орқали ўрганилаётган мавзу бўйича ўз билимларини мустакил ҳолатда ошириш кўникмаси ривожланади.</p> |

**Модул ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари**

**3.2-жадвал**

| <b>T/r</b> | <b>Кичик модуллар номи</b>  | <b>Кичик модулларнинг мақсади</b>  |
|------------|---|--|
| 1.         | <b>Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотларнинг мақсади ва вазифалари</b> | Талаба математикадан синфдан ташқари ва факультатив машғулотларнинг ўрини ва ахамиятини тушунади; ушбу машғулотларнинг мақсади ва вазифаларини билади; синфдан ташқари ва факультатив машғулотларнинг мөхиятини англайди; уларни таълим амалиётида кўллай олиш кўникмаси шаклланади. |

|    |  |  |
|----|--|--|
| 2. | Математика бўйича синфдан ташқари машғулотлар ва уларни ташкил этиш методикаси | Галаба синфдан ташқари ишларнинг турларини билади ва уларни кўллаш уринини тушуниб ташкил эта олади; математика бўйича синфдан ташқари машғулотлар ва уларни ташкил этиш методикасини амалда кўллай олади. |
|----|--|--|

## Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

3.3-жадвал

| T/p | Таянч тушунчалар   | Назорат саволлари   |
|-----|--|---|
| 1   | Синфдан ташқари машғулотлар, факультатив машғулотлар, ихтиёрийлик тамойили, текстли масалалар, кизикарли масалалар, математик вокеалар, ребуслар, фокус          | 1) Синфдан ташқари машғулотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беринг.<br>2) Синфдан ташқари ишнинг асосий вазифалари нимадан иборат?<br>3) Факультатив машғулотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беринг.<br>4) Синфдан ташқари ва факультатив машғулотларнинг ихтиёрийлик тамойилини изоҳлаб беринг. |
| 2   | Математик соатлар, математик тўгараклар, математик конкурс ва олимпиадалар, кизикарли математик кечалари ва викториналар, математик матбуот, математик экскурсия | 1) Математика бўйича синфдан ташқари ишларнинг турларини айтиб беринг.<br>2) Математика тўгаракларининг асосий мақсади нимадан иборат?<br>3) Математик экскурсияларнинг асосий мақсади нимадан иборат<br>4) Математик конкурс ва олимпиадаларнинг моҳияти нимадан иборат                                      |

## Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

3.4-жадвал

| T/p | Саволлар  | Мумкин бўлган жиҳоблар |   |  |
|-----|---|------------------------|---|--|
| 1.  | Математикадан синфдан ташқари ишлар дейилганда нималар тушунилди? | A                      | *Дарсдан ташқари вақтда ўқитувчининг ўқувчилар билан мажбурий ва тизимли бўлмаган машғулотларнинг олиб борилиши |  |
|     |   | B                      | Дарсдан ташқари вақтда ўқитувчининг ўқувчилар билан мажбурий бўлмаган машғулотлар тизимини олиб бориши          |  |
|     |   | C                      | Дарс вақтида ўқитувчининг ўқувчилар билан мажбурий машғулотлар тизимини олиб бориши                             |  |

|    |  |   |   |
|----|--|---|---|
|    |  | D | Дарс вактида ўқитувчининг ўкувчилар билан мажбурий бўлмаган машгулотлар тизимини олиб бориши  |
| 2. | Синфдан ташқари ишнинг асосий вазифалари нимадан иборат?                     | A | Ўкувчиларнинг билимлари ва амалий кўникмаларини чукурлаштириш ва кенгайтириш  |
|    |  | B | Ўкувчиларнинг мантикий тафаккурларини, топқирликларини, математик зийракликларини ривожлантириш   |
|    |  | C | Математикага қизиқишларини орттириш, кобилиятли ва лаёкатли болаларни толиш, уларда талабчанликни, иродалиликни, меҳнатта муносабатни, мустакилликни, ўюшколикни тарбиялаш  |
|    |  | D | *Барчаси түғри  |
| 3. | Математикадан синфдан ташқари ишнинг ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб беринг | A | Ўз мазмунига кура, у давлат дастури билан чекланмаган бўлиб, математик материал ўкувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларига мос равишда берилиши керак   |
|    |  | B | Синфдан ташқари ишлар ихтиёрийлик тамоили асосида ташкил этилиб, бунда ўкувчиларга баҳо кўйилмайди. Аммо мулоҳазаларни асослаб бериши, топқирлиги, зийраклиги, ечишнинг рационал усулларидан фойдаланиш ўз вактида рағбарлантирилиб борилиши мақсадга мувофиқ хисобланади |
|    |  | C | Машгулотлар мазмuni ва ўтказилиш шаклларига қараб 10-12 дақиқа ёки 1 соатга мулжалланиб, унинг шакл ва турларининг кўп хиллигига қараб, мазмунининг турли туманлиги билан характерланади  |
|    |  | D | *Барчаси түғри  |
| 4. | Математикадан синфдан ташқари ишлар қандай турларга бўлинади                 | A | Ўкувчиларнинг мустақил ишлари   |
|    |  | B | Ўкувчиларнинг уй вазифаларни бажариш учун ажратилган вакти  |
|    |  | C | Ўкувчиларнинг спорт мусобакалардаги иштирок этган вакти   |
|    |  | D | *Математик соатлар, математика тугараклари, математик конкурс ва олимпиадалар, қизиқарли математика кечалари ва викториналар, математик матбуот ва математик экскурсиялар   |

## **Дарс тури ҳамда унда қўлланадиган педагогик усул ва услублар**

**3.5-жадвал**

| <b>Дарс турни</b>                             | <b>Қўлланадиган педагогик усул ва услублар</b>  |
|---|---|
| Аралаш дарс;<br>янги<br>билимларни<br>эгаллаш | Усул тури: Муаммоли баён килиш, тушунтириш,<br>кўрсатмалийк<br>Усул типи: Оғзаки ва кўргазмали<br>Услублар : Сухбат, тушунтириш |

## **Ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактикак материалларнинг қўлланиш жойлари**

**3.6-жадвал**

| <b>Ахборот технологиялар</b>  | <b>Дидактикак материаллар</b>  |
|---|--|
| Мавзу мазмунига доир тузилган<br>тестлар, назорат саволлари ҳамда<br>тест ва назорат саволлари асосида<br>тузилган слайдлар орқали намойиш<br>килиш | Математика үқитиши методикаси<br>фанига доир дарслик, услубий<br>қўлланмалар ва кўргазмали қуроллар<br>ҳамда ушбу фан ўқув жараёни<br>лойиҳалари |

3.7. «Математикадан синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси» мавзусининг мазмуни ва ўқув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

**Фойдаланиладиган адабиётлар:**[4, 9, 12, 20, 21, 27, 32, 35, 37, 40, 42, 58, 59].

## **САККИЗИНЧИ КАТТА МОДУЛ**

### **МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**8.1-МАВЗУ. Математика уқитишида замонавий педагогик технология, педагогик технология моҳияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамойиллари**

#### **Кичик модуллар:**

- 1. Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги педагогик технология фанининг вужудга келиши. Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси, таълим-тарбия соҳасида мажмua ёндашув.**
- 2. Таълимга технологик ёндашув моҳияти, ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари, “Технология” сўзининг маъноси, педагогик технология замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти.**
- 3. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик мақсадларни белгилаш технологияси, педагогик мақсадлар таксономияси.**
- 4. «Математика уқитишида замонавий педагогик технология, педагогик технология моҳияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамойиллари» мавзусининг лойиҳалари.**

**1. Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги педагогик технология фанининг вужудга келиши.**

**Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси, таълим-тарбия соҳасида мажмун ёндошув**

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Янги хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин

хозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз наебатида уларнинг қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга кўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсулни бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч ва кам вақт сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (кишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, майший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга технологик ёндошув анъанаси юзага келди.

Технологик ёндошув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қиласи. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хомашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнгти босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида зътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндошув муайян соҳаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятиви таъминлаш, эришилган ютукларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни кўллаш шартларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва карашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз наебатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмокда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тұлақонли англаш имкониятига зга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта оловучи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж

таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу бонс ижтимоий тараккиёт билан узвий алокадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликла ахборотлар оқими кириб келмокла ва кўп соҳаларни камраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда кабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, кайта ишланти, назарий жиҳатдан үмумлаштириш, хуносалаш ҳамда таҳсил олувчиға етказиб беришни жадаллаштириши ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олнила турган долзарб муаммолардан бирни хисобланали. Таълим-тарбия жараёнинг педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қиласи[28].

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчи педагоглари илмий асосланган ҳамда Узбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий таълим технологиясини ўрганиб, уларни таълим-тарбия амалиётида кўллаш жараёни кетмоқда.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби сифатида майдонга чиқсан эди, эндиликда ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув лозим деб топилмоқда.

Бу зарурият, шу вақтгача ижтимоий фанларни ўқитганда, мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна, мисол)лар асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслиқ, факат ўқитувчининг фикрини туғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қандай ижтимоий тараққиётга гов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбияда (баъзи илғор ўкув муасссалари бундан истисно) депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафаққият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни ўрганиб,

халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология модели яратилди.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш ва унинг худудимизга мос турини яратиш учун мажмуалар назариясини тұла згаллаб олиш зарур. Чунки, педагогик технология мажмуалар назариясининг конуниятларига юз фоиз сүянгін булиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кишиларнинг ҳаётга онгли муносабатини, дунёқарашини белгилашга донмо янгича ёндалиш зарурлигини ўз вактида аңграб етиш даражасини курсатгиб берувчи мудим омил – янги фалсафий маънавиятдир. Айниқса, ҳар бир инсон ҳаётда ўзининг муносаб ўрнини топиш учун кураштаётган ҳозирги даврда бўлажак мутахассиснинг фалсафий маънавияти, гуманистик, илғор дунёқараши, инсоний фазилатлари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Педагогик технологияни бошқа таълим усулларидан ажратиб турадиган ўзига хос ҳусусиятлари қўйидагилардир.

Биринчидан, аввал ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, педагогик технология синергетик дунёқарашдан келиб чикувчи объектив нарса ва ҳодисаларга мажму ғендошув тамойили асосида яратилган. Аввалиги педагогик усуллар, тузилиши жиҳатидан эркин булиб, дарс таркибини белгилаш ўқитувчи ихтиёрида бўлган.

Иккинчидан, педагогик технологияда олдиндан белгиланган асосий мақсадга эришиш кафолатланган. Бошқа барча педагогик усулларда таълим-тарбия фаолиятининг кафолатланган натижаси мавжуд бўлмай, стихияли натижалар билан кифояланиб келинган.

Учинчидан, педагогик технологияда, асосий мақсадга эришиш босқичма – босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда олдинга қўйилган мақсадлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб килинадиган воситалар ҳамда усул ва услубларнинг аниқ модуллари ҳосил қилинади. Бошқа педагогик усулларда таълим – тарбия жараёнининг якупидаги умумий мақсад қўйилиб, унга эришиш йўллари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинган.

Туртинчидан, педагогик технология универсал ҳусусиятта эга бўлиб, уни ҳар бир мутахассис, аъло бўлмаса ҳамки, яхши амалга ошира олади. Дарснинг интенсивлигига ва самараорлигига,

педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки дарснинг лойиҳаси аввалдан, маҳоратли методист-ўқитувчилар томонидан тузилади. Аввалги дарс бериш усулларини амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати, шахсий сифатлари етакчилик килган.

**Бешинчидан,** педагогик технология ёрдамида дарс ўтганда, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиш имкони мавжуд. Аввалари бундай имкониятга ўқитувчилар эга эмас эдилар.

**Олтиначидан,** педагогик технология ёрдамида таълим жараёнини амалга оширганда, натижаси, талабаларда кўнишка хосил қилиш билан якунланади. Бошқа педагогик усуллар ёрдамида дарс берганда, талабалар берилган билимни зўрга эслаб қола олардилар холос.

**Еттиячидан,** педагогик технология, Давлат таълим стандартларига эришишни кафолатлади ва сарфлаш талаб қилинган вақт, куч ҳамда воситаларнинг меъёр даражасида ушлайди.

#### **Квантлар назарияси ва сипергетика, мажмуулар назарияси**

XX аср урталари гача, қарийб икки аср мобайнида, барча турдаги олимлар Ньютоннинг механик дунёқарашига лол бўлиб, физиканинг механика қонунларидан келиб чиқсан ҳолда ўз назария ва таълимотларини яратдилар. Бу ғояга биноан бутун дунё ва унинг унсурлари яхши созланган машина кабидир. Уларни ўрганиш учун хар бирини қисм-қисмларга бўлиб ўрганиш лозим дейилган. Инсоният тафаккури тараккиётининг маълум бир босқичида, шундай қилиш тўғри бўлган бўлиши керак. Бу ғояни нафакат физик, кимёгар ҳамда биологлар, балки жамиятшунос олимлар ҳам ўз фаолиятларига методологик асос қилиб олган эдилар.

“Оlamга механик қарашни шакллантириб, бизнинг тафаккуримиз билан ҳиссиётимиз, рухимиз билан танамиз, ўзимиз билан жамият ва жамият билан бутун табиат орасига пона уриб, уларни бир-биридан ажralиб қолишига физиклар сабабчи”, дейди америкалик физик олим Дэвид Гид.

Ньютоннинг концепцияси бўйича, бутун борлик майдада қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўзаро боғлиқдир. Дунёда содир бўладиган барча нарса ва воқеликларни олдиндан англаб, уларни билиб, мақсадга мос равишда ўзгартирса бўлади, деб ўйлаган Ньютон. Даставвал сайёralар ҳаракатини илмий асосда кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйган бу ғоя инсониятнинг икки юз йилялик ҳайтига жуда катта таъсир этиб, жамият ва одамларни табиатдан

гашқарига чиқариб қўйди. Инсон табиатга четдан туриб қарайдиган бўлиб, унинг ҳукмдорига айланиб қолди. Бу позицияда, механик дунёга четдан қараган ҳолда ёндамиб, уни ўзимизга бўйсундирмоқчи бўлдик. Натижада, тирик коинотнинг ажралмас аъзоси бўла туриб, ўзимизни ундан ажратдик. Инсониятни табиатдан, инсон руҳини танасидан, ақл-шуурини ҳиссиётидан бегона қилиб, ажратиб ташланди. Шу туфайли инсоният икки юз йил давомида қарама-қаршилик кайфиятида яшаб келди. Бу қарама-қаршиликларни фақат куч билан бартараф этиш мумкин, деган фикрга ишонгаян ҳолда коинотда етим (ожиз) бўлиб қолдик. Ўзини ёлғиз ҳис қилган одам доимо қўркувда хаёт кечиради. Қўркув эса имонсизлик белгисидир. Қўркувни фақат билим енгади ва киши имонини мустаҳкамлайди.

Ҳамма нарсадан қўркиб яшайдиган ожиз одамлар, ўзларининг тинчлигини кафолатлаш мақсадида тинмай дунё йигадилар ва куролланадилар. Бу фикрда мустаҳкам турғанлар ҳали ҳам жуда кўп. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетади, бу билан уларнинг дили таскин топиб, тинчлиги кафолатланмайди. Зудлик билан бу позициядан воз кечиб, ўзаро бирлашишлари ва билим эгаллашлари, дунёқарашларини ўзгартиришлари ва имонларини мустаҳкамлаб тинч-тотув яшаашлари керак.

Эндилиқда квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тўлқинининг майдони сифатида идрок этилган бир пайтда, оламни яхлит бир жонли мавжудот деб тан олинмоқда. Ундаги барча унсурлар олам деб аталмиш тирик вужуднинг аъзолари экани исботланган. Бу гояга асосан инсон, олам деган тирик мавжудотнинг нутфа уруги, кичрайтирилган нусхаси сифатида талқин қилинади. “Ўзингни таниссанг Раббингни танийсан” деган ҳадиснинг маъноси ҳам шу бўлса керак.

Дунёнинг етакчи олимлари: “Тафаккуримизда содир бўлган, кейинчалик ҳаёт тарзимизга (маънавиятимизга) айланиб кетган бўлиниш ва қарама-қаршилик даври тугади” демокдалар. Квант назарияси шаклланиши билан, классик физиканинг механик назарияси барҳам топди ва бизга одат булиб қолган дунёқараш узгара бошлади. Кимда - ким узидағи механик дунёқарашни ўзгартирмаган бўлса, ўзгартирсин. Ньютон физикасининг механик қарashi асосида фикр юритган одам XIX аср ёки XX аср бошларида яшаётгандек бўлади. Афсуски, бизда, бундайлар кўпчиликни ташкил этиб турибди, чунки бу гоя ўта жўн

бўлиб, одамлар руҳига сингиб кетган. Албатта, дунёқарашни ўзгартириш иши осон кечмайди. Осон булмаса-да, шу йўналишда ҳаракат қилишимиз лозим. Акс ҳолда жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан орқада қолиб, бир жойда депсиниб тураверамиз.

Квант назарияси дунёқарашимизга яхлитлик гоясини олиб кирди. Аслида бу назария Куръонда, Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларида қашф этилган. Энди биз ўзимизни Коинотдан, руҳимиэни танамиздан, аклимизни хиссиётимиздан ажralган ҳолда идрок қилмасдан, инсонни Коинот ичида, унинг ажralmas бир аъзоси сифатида кўришимиз керак. “Инсон коинотнинг бир булаги экан, агар биз инсон фаолиятининг мақсадини билмоқчи бўлсак, аввало бутун Коинотнинг мақсадини билиб олишимиз зарур бўлади” [44]. Бошқача айтсак, бармоқлар – қулга, кўл эса гавдага, гавда бошга хизмат қилганидек, инсон жамият тараққиётига хизмат қилиши зарур.

Энди биз табиат ичида туриб, уни мутлақо бошқача идрок кила оламиз. Классик физика асослари ҳам ўзгара бошлади. Энди материя қотиб қолган бир нарса сифатида талкин қилинмай, у квант майдонининг ҳаракат жараёнидаги бир модели сифатида ҳис этилмоқда. Дунёга квант назарияси асосида қараш материяни ақлдан ажralмаган ҳолда, балки уларга бир бутуннинг икки ҳолати сифатида ёндашишни талаб қилмоқда.

Аввалги дунёқарашимиз нотуғри эканлиги аниқ бўлди. Аммо, бу деган сўз, у ёлғон экан дегани эмас. Бу фактат объектив борлиқка ёндашишмиш бошқачароқ, тўлиқ бўлмаган деганидир.

Квант назарияси дунёда ҳозиргача бўлган дунёқарашларнинг энг тўғриси десак хато қилмаган буламиз. У субатом зарралари ва биологик мажмулардан тортиб, галактика ва сайёralар ҳаракатини тұғри, яъни илмий асосда тушунтириб бермоқда.

Бу назарияни биринчи бор Макс Планк билан Альберт Эйнштейнлар “Қора ура” сирини ўрганиш жараённан яратдилар. Атомнинг турғунлик ҳолатига кўнмай, радиацион майдонга “квант ўлчамлари” билан ёндошдилар. Шундай қилиб, ноль ўлчамга эга “фотон” туғилди. Шундан кейин атом ичидағи электронлар ҳаракатига “квант” (энергия тўлқинининг бир булаги) ўлчамини бериб, электрон тўлқинларининг турғунлик сирини билдилар. Радиация майдонлари ва энергия тўлқинларини квант сифатида ўрганишлари жараённан, улар бир вактнинг ўзида ҳам зарра, ҳам тўлқин сифатида бўлишилигини қашф этдилар. Бу эса шу кунгача

шаклланган дунёқараашнинг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келди. Шу йўл оркали “Квант назарияси” ва унинг тарқибий қисми сифатида “Квант механикаси” яратилди.

Квантли фикр юритиш, нур тезлигидан ташқарида ҳам реал борлиқни ифода этувчи ўлчам бор эканини аниклади. Олимлар бутун дунёга квант манзарасидан қараашганда, макон ва замон моддий олам ичидаги мавжудлигини ва бутун оламни қамраб олган квант кучини аникладилар. Квант кучи хамма ёқда, барча нарсаларда мавжуд булиб у ўз қувватини тўлиқ намоён этса, табиатда ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар содир булиши мумкинлиги маълум бўлди. Олимлар бу қувват бутун олам бўйлаб, чексиз тарқалиб, квант майдонини ташкил қилишлигини топдилар.

**Дэвид Бомм ва бошқалар, квант тўлқини бутун борлиқниң асосий мапбаъти экапипп исботлайдилар.**

Квантли фикр юритишнинг энг истедодли вакилларидан Дэвид Бомм, бутун борлик, шу жумладан, энергия ва вакт ҳам Коинот ичидаги мавжуд яширин тартибининг ҳосиласи, шу туфайли барча нарсалар тартиб ичидаги тартиб оркали бошқарилади демокда. Олам ичидаги яширинган тартиб бутун борлиқни бошқарив турар экан.

Квантли фикр юритиш, Оламни, шу маҳалгача мавжуд бўлған илмлар кашф қилган билимлардан яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Бутун Олам ва ундаги нарсалар тартиб ичидаги тартиб оркали бошқарилиш гоясидан келиб чиқиб, илм-фанда “синергетика” оқими пайдо бўлди.

Синергетика, даставвал, физика-математиканинг назарияси сифатида XX асрнинг 60 - йилларида вужудга келди. Бунга асос солган белгиялик олим И. Пригожин, математикадаги диссиптив (лот. “диссипация” – ейиш) системани кашф қилди. У очиқ система ҳисобланиб, ўзини қуршаб турган муҳит билан энергия ва зарралар алмашуви натижасида доимо ўзаро боғлиқликда экан.

Бу оқимга германиялик олим Г.Хакен “синергетика” деб ном берди.

Синергетика гояси тараққий этиши жараёнида, очиқ система шароитида, унинг тадрижий ривожига олиб борувчи ўзини ўзи ташкил қила олиш ҳусусиятига катта эътибор қаратилди. Турли-туман системаларнинг ўзини ўзи ташкил қилиш жараёнида мавжуд универсал ҳусусиятлар ва объектив қонуниятлари аникланди.

Синергетик гоя ва тамойилларнинг асослилиги ҳамда кенг миқёслилиги унинг фанлараро илмий йўналиш булиб шаклланишига олиб келди. Бу эса, мухим фалсафий натижаларга ва янгича дунёқарашнинг шаклланишига сабаб булди. Табиий равишда, умумсинергетика оқими ичида ижтимоий синергетика ҳам ривожланиб бормоқда.

Йигирманчи аср ўрталарига келиб объектив борлик тўғрисидаги маълумотлар шу даражада ортиб кетдик, аср бошида гўёки шаклланиб битган деб хисобланган фан тармоқлари таракқий этиши натижасида уларнинг турлари қарийб юз баробар кўпайди. Ўрганиш обьекти ва тадқиқот усуллари жиҳатидан, уларнинг фанлараро, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг оммага етказиш ва уларнинг тафаккурига сингдириб, хотираларида сақлаб қолишиларни учун дунёни бошқача тушуниш тартибини жорий қилиш зарурияти пайдо бўлди.

Ундан ташқари, протон ва электронларни фотонларга, фотонларни нейронларга бўлиниб кетини ва квантни қашф қилиниши, дунёнинг пайдо бўлишининг янги концепциясини тузишни тақозо қиласиз.

Шу маҳалгача хукм суринб келаётган оламни механик тушуниш бу вазифани бажара олмас эди. Гап шундаки, аввал ҳам айтганимиздек, “классик” илм-фан нарса ва ҳодисаларни бўлакларга ажратиб ўрганар, сўнг бу қисмларни механик равишда бир-бирига бирлаштириб туриб идрок қиласар, шунда қисмлар орасидаги алоқадорликларга зътибор ҳам берилмас эди. Баъзи фан соҳаларида обьектив борликка бундай ёндашиш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аслида, нарса ва ҳодисалар ва уларнинг қисмлари гаснифидан, улар орасидаги алоқадорликларни билиш ҳаёт учун аҳамиятлироқдир.

Шундай шароитда 20-йилларда австриялик биолог олим Людвиг фон-Берталанфи томонидан нарса ва ҳодисаларни ўрганишда “органик” усул таклиф этилди. Бу усул – биологик ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ўзаро боғлик ҳолда, бир бутунлик сифатида ўрганишни тақозо этарди. Бошида бу усул биологияда қуллана бошланган. Аммо ҳаёт бу усулнинг тараққиётнинг бошқа жабхаларида, жумладан, ижтимоий ҳаётда ҳам қулланишига олиб келди. “Мен аминманки, оламдаги кўнчилик олислар биз келган натижасага келишигани, аммо, бизлар тарқоқ ва бир-бирини

*бигмаймиз, ундан ташқари, фанлар орасидаги чегаралар ҳаммамизнинг бирлашишимизга имкон бермай турибди”, [45] – деб ёзган экан англиялик иқтисодчи олим К.Боудинг ўзининг Л.Фон Берталанфига йуллаган хатида.*

Аста-секин дунёдаги илм-фан вакиллари, пайдо булиши жихатидан турли бўлган нарса ва ҳодисалар ривожининг умумий конуниятларини аниқлаш ва уларни бир тартибга келтириш зарур эканига тушуниб етдилар. Бир қатор хусусий фанларда, ҳодисага синергетика нұқтаи назаридан система сифатида ёндашишни, яъни ўзаро функционал боғлиқликда турган қисмлар бир бутуниликни ташкил қилишлiği исботланди.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам кўрса бўлади. Бутун борлиқ қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топғанингини Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида ҳам кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган.

Системали ёндашувни биринчи бўлиб англиялик иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Адам Фергустон, ундан кейин Чарлз Дарвин ҳам қуллаганини кўрса бўлади.

**Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектта ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўлаклардан ташкил топған бир бутунилик сифатида қарайдиган булиши.**

Даставвал, системалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар, уларни ташкил қилувчи қисмларда бирдай ишлайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник системаларни моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи системаларни ўрганиш жараённада информацион назария вужудга келди на охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи умум системалар назарияси пайдо бўлди.

Объектив борлиқни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга эга бўлган системалар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга система сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қисқа муддат ичida ўзининг хусусий конуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Системалар назарияси жуда ҳам тараққий этиб кетган

назария бўлиб, уз қонуниятларига, қонун-қоида ва категориал аппаратига ҳамда максус фикр юритиш услубига эга.

Системалар назариясига тўлиқ асосланувчи биология, кимё, олий математика, кибернетика, космология, космонавтика, роботатехника каби илм-фан тармоқлари мавжуд. Системалар назариясидан дунёни англаш усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга келиб, муайян фанинг тараққий этганилиги ва ҳар бир олимнинг етуклик даражаси, уларниг системалар назариясидан накадар унумли фойдалана олишилиги билан белгиланмокда.

Системалар назарияси (теория систем), системали ёндашув (системный подход) ва уларга тегишли бўлган тушунчалар Ўзбекистонга яқин ўтмишда кириб келди [16]. Бу тушунчалар Ўзбекистон олимлари томонидан ўзбекчага турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчилик орасида “мажмуали ёндашув”, “тизимли ёндашув” ва “мажмули ёндашув( бизнинг талқин)” деган атамалар билан кўллашиб келинмокда. Илмдаги гоят мураккаб бу ижтимоий воқеликни бу атамаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ифода этмайди.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўз бирикмаларидағи “мажмуа” тушунчаси биз назарда тутган воқеликни мутлақо ифода этмайди. Чунки, “мажмуа” (эътибор беринг, “мажму” сўзидан “а” ҳарфи билан фарқланади) атамаси русчадаги “комплекс” деган тушунчани билдиради. Илм ва амалнётда бундай ёндашув ҳам аслида мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жиҳатлари масалан, ранги, шакли, товуши, ёши ва ҳоказолар ўхшашилигига қараб бирлаштирилган нарса ва ҳодисалар йигиндисига айтилади. Улар ўзаро зарурий, яъни функционал боғлиқ эмаслар. Масалан, синфдаги болалар комплекс – мажмуа ҳисобланади, болаларнинг бир нечтаси булмаса ҳам дарс давом этаверади. Системада ундей эмас, система бўлганидан кейин, унинг бир элементи бўлмаса система ўз фаолиятини тухтатади ёки ўзгартиради.

“Тизимлар назарияси” ва “тизимли ёндашув” деган сўз бирикмалари системанинг классик ёки арифметик талқинини ифодалайди, холос. Ҳолбуки, системалар назариясида “тизим” тушунчаси тизимли ёки чизиқли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди, холос.

Биз таклиф қилган ва Ўзбекистоннинг етакчи мухаррирлари фикр-мулоҳазасидан ўтиб маъкулланган атама "мажму". Мажму деганда, узаро функционал алоқадорликда булиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.

Функционал алоқадорликда бўлган деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг тадрижий ривожи натижасида уларнинг ички заруриятидан келиб чиқсан боғлиқликларга айтилади. Масалан, стол ўз қисмлари – оёқлари, оёқ оралиғ тахта, қопқоқ тахталари билан функционал боғлиқликда. Бу мажму. Бир хил ранг ва фасондаги стол ва стуллар йиғиндиси - мажмуа. Сонлар кетма-кетлиги, яъни 1,2,3,4 ва ҳоказо тизим. Ёки болалар кетма-кетлиги – катта ўғил, ўртанча ўғил, кичик ўғил, бу ҳам мажму, аммо тизимли мажму. Эътибор беринг тизимли мажму, факат бир томонга ёки икки ёққа йўналтирилган бўлиши мумкин. Ваҳоданки, мажмулар назарияси буйича, мажму кўп томонли ёки доира шаклида, умуман, истаган шаклда бўлиши мумкин.

Хар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз нағбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чекли ва чексиз давом этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мажмуларнинг хусусиятларидан бири поғона (иерархия)дорлигидир.

Мажмуга жонли бир мисол келтирадиган бўлсак, одамнинг кўзи бир бутунлик – мажму. У кўз олмаси, гавҳари, киприклар, қовоқ ва ҳоказо ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўз олмаси ёки киприги (исталган қисми), ўз нағбатида мажму бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўзниң ўзи ҳам мустақил мажму бўлиб, ўзидан бир поғона юқори турган "юз" деган мажмуга қисм бўлиб киради. Юз эса бошнинг қисмидир ва ҳоказо. Ёки автомашинанинг ғилдирагини олиб кўрадиган бўлсак, у бир бутун нарса – мажму бўлиб, ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча – диска, покришка ва камера деган қисмлардан, шу билан биргаликда, ўзи машинанинг бир бўлаги -қисмидир. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бўлсак, "тўй" деган мажму бир бутунликни ташкил қилиши билан бирга, бир неча – тўй тараддуди, тўйнинг боши, авжи ва охири деган ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг ҳар бири бир бутун мажму ҳисобланиб, ўз нағбатида

бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билан бирга түйнинг ўзи миллий урф-одатлар ва анъаналар деган ижтимоий ҳодисанинг бир қисмидир ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Коинотдаги барча нарсалар - квантлардан тортиб, самодаги Сомон йўлигача ҳамда барча ҳодисалар - оддий кайфиятдан то жаҳон урушигача булганларга мажму сифатида ёндашиб мумкин. Бу дунёни тугри идрок қилишнинг охирги қонуниятни. Шунинг учун буни борликка мажму ёндашув тамойили дейилмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, мажму(системани)ни ташкил қилувчи қисмлар деб факат ўзаро узвий, яъни функционал алоқадорликда бўлган қисмларга айтилади. Чунки нарса ва ҳодисаларда функционал алоқадор бўлмаган боғлиқликлар ҳам жуда кўп. Ҳар қандай илмининг вазифаси, ўрганилаётган обьектда ана шу функционал алоқадорликларни бошқа турдаги боғлиқликлардан ажратиб бериш. Бу эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Масалан, икки киши орасида "муҳаббат" деган мажмунинг мавжуд ёки йўклигини аниқлап масаласини олсак. Ҳақиқий муҳаббат деганда, икки шаҳе орасидаги бир-бирига зарурий интилиш борлигига айтилади. Зарурий деганда, бизнинг мисолда, бири-бирисиз ҳаёт кечира олмаслик даражасидаги интилиш тушунилади. Интилиш бўлганда ҳам, икки томондан баробар қувватдаги интилиш ҳақиқий муҳаббатни ташкил қиласди. Бир одамда бошқасига кучли интилиш бўлса-ю, у интилаётган одамда унга нисбатан интилиш йўқ ёки суст дейлик, бу муҳаббат була олмайди. Бу бир одамнинг бошқасига бўлган ошиқлиги, холос. Муҳаббатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун, интилишларнинг турғулигини ҳам аниқлаш зарур. Улар ҳар қандай кучли бўлган тақдирда ҳам вақтинчалик бўлиши мумкин. Бу интилишлар вақтинча бўлса, қанча вақт давом этади? деган ва ҳоказо саволларга жавоб топишлик лозим. Кўриб турганимиздек, бу осон эмас экан. Осон эмас, аммо маълум усувлар ёрдамида аниқласа бўлади.

Муайян нарса ёки ҳодисанинг ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун, мажмuni ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. Мажмулар назарияси (теория систем) буйича, мажмuni ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан

мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмударнинг ҳар бири факат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йигиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти факат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боглиқлик эса, факат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замираиде алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади. Мажмулар диалектик мантиқ илмига асосланади.

Мажму, уни ташкил қилувчи қисмлар факат ўз поғонасидаги, яъни мажму ичидағи мажмучалар орасидаги алоқадорликларда намоён бўлади. Бир мажмуни ташкил қилувчи қисмларвинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа погонаидаги мажму қисмлари билан алоқадорлиқда бўлса, у бир вақтнинг узида, ўзининг мажмуси билан бир каторда, бошқа мажмуми ташкил қилишда иштирок этган бўлади. Чунки, ҳар қандай мажму асосили алоқадорлик ташкил қиласди. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташкарида мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон ҳоҳиш-истаги натижасида келиб чиқсан ва киши тасаввурида намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бундай алоқадорликлар антропоген алоқадорликлар дейилиб, уларга асосланиб шаклланган мажму субъектив бўлади. Субъектив алоқадорликлар объектив қонуниятлардан келиб чиқиб, жараён тадрижининг ички заруритидан пайдо қилинган бўлса, улар амалиётда ҳақиқий мажмуга айланади. Ҳар қандай оддий машина ва иморатдан тортиб мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот ва космик кемалар ҳам бунга мисол бўла олади. Аксинча, субъектив алоқадорликлар асосида яратилган нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларга зид ҳолда шаклланган бўлса, улар амалиётда ўз тасдигини топа олмай, инсон тафаккурида хаёлий нарса ёки ҳодиса булиб қолаверади. Уни мажбурий равишда амалга оширилса, у муваффақиятсизликка учрайди. Бунга, битганда кулаб тушган иншоот ёки каёлий ғояларга асосланган, амалда нураб кетган коммунизм жамияти мисол бўла олади.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиши, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осоплаштиради, баъзи

мураккаб ишларда, масалан, кибернетикада замонавий алоқа тизими ва космонавтикада мажмулар назариясини эгялламай туриб, уша иши бажариб ҳам бўлмайди. Таълим – тарбия жараёни ҳам ута мураккаб бўлганлиги туфайли, мажмулар назариясидан фойдаланимай туриб, уни замонавий тарзда амалга ошириб бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қиласди; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтириши осонлаштиради ҳамда бериладиган билимни тез тушунтириб, тез ўзлаштириб, эсда узоқ сақлаб туришга хизмат қиласди. Чунки инсон онг ва тафаккури, унинг тарихий ривожланиши жараёнида мажмулар назарияси конуниятларига мос равишда шакланган. Аслида, мажмулар назарияси инсон онгининг табиий фаолиятидан олинган. Бекорга уни органик усул дейилмаган.

Биринчи бор, бутун борлиқ катта ва кичик мажмулардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м.авн.490-430) айтиб кетган. У айтадики, *бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларниң ҳар бири, ўз навбатида, бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади*[47]. Шу фикрга яқия фикрни қадимга юонон файласуфи Марк Аврелий Антонин ҳам айтган: “*Ҳамма нарса бир-бирига чатишиб кетган. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қонидалар асосида бирлашиб, айнан бир оламни безашга хизмат қиласди*”[47]. Бу икки аллома фикрларидан бутун дунё чексиз кўп, ўзаро узвий bogлиқ бўлган бутунлик, яъни мажмулардан ташкил топганини англаса бўлади. Бироқ, оламни ихтиёрий, гоҳо нотуғри англашимиз натижасида, табиатдан берилган мажму ёндашув тафаккуридан ажралиб қолганмиз. *Ўзлигимизга, яъни табиий моҳиятимизга қайтиш учун мажмулар назариясини ўрганишимиз шарт.*

### **Таълим-тарбия соҳасида мажму ёндашув тамойилини кўллаш**

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, муайян фанинг таракқий этганлиги ва ҳар бир маълумотли кишининг етуклик даражаси уларнинг мажмулар назариясидан нақадар унумли фойдалана олишлиги билан белгиланар экан. Шундай бўлгач, педагогика фанининг илғор илм-фанлар қаторидан ўрин олиши ва

малакамизни замон талаби даражасига етказиш учун, бутун борлик ва уни ташкил қилувчи унсурларга мажму сифатида ёндашиш тамойилини билиб олиб, уни педагогик амалиётга мохирона кўлашни ўрганайлик.

**Синергетика ва ундан келиб чиқувчи мажмуулар назария-сининг асосий тамойилларидан бири, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларга ўзаро функционал боғлиқда бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида ёндашишdir.**

Шу тамойилдан келиб чиқдан ҳолда, расмий таълим-тарбияни, боғчадан бошлаб то малака оширишгача бўлган жараёнини йирик бир бутунлик, яъни мажмуу деб карашимиз тўғри бўлади. У куйидаги ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган: мактабгача таълим, умум ўрта таълим, маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш. Кўриб турганимиздек бу тизимли, очиқ типдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, қўп погонали, марказлашган имманент ва мураккаб мажмудир.

Тизимли ёки чизиқли деганда, узлуксиз таълим мажмунинг қисмлари муайян бир кетма-кетлиқда жойлашган бўлиб бир томонга йўналтирилган. Очиқ деганда, таълим-тарбия мажмууга доимо ўзгартириш киритилади. Бу билан у ўз фаолиятини тўхтатмайди. У тинмай ривожланиб боради, қотиб қолган догма эмас. Ҳар бир дарсни ёки бутун фанни қайтадан утса бўлади, шунинг учун у тикланувчан. Паст погонадан юқоригача, муайян бир тартибда мураккаблашиб боради, шунинг учун у тартибли ва қўппогонали. Мажму марказида доим талаба туради, шу нуқтаи назардан у марказлашган. Унинг имманент деб аталиши, бу мажмуни ижтимоий борлиқдаги бошқа мажмуулар билан алоқада бўлиши билан изоҳданади. Мураккаблигига далил, сўзсиз у мураккаб, чунки барча ижтимоий мажмуулар жуда мураккаб, таълим-тарбия мажмуи эса, унинг таркибий қисми бўлгани учун ҳам мураккаб.

**Мажмуулар назариясининг навбатдаги тамойили “погона-дорлик” ёки иерархиялилик (иерархичность) тамойили дейилади.** Уни қуйидагича тушунтирса бўлади. Ҳар қандай мажмуу, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорлиқда бўлган бир погона пастда турган мажмуу (қисм)лардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатида, у бу мажмудан бир погона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қиласди. Узлуксиз таълим-тарбия

жараёни бир бутун, яъни муайян погонадаги мажму бўла туриб, ўзи ўз погонасидан бир погона юқори турган “Шахсни шакллантириш” деган мажмуга элемент булиб киради. Шу билан бирга ўзи, унга элемент бўлиб хисобланувчи – “мактабгача таълим”, “умум ўрта таълим”, “махсус таълим”, “олий таълим”, “олий таълимдан кейинги таълим” ва “малака ошириш” деган мажмулардан ташкил топган. Булар, ўз навбатида, мажму хисобланиб, ўзларидан бир погона пастда турган мажмулардан иборат. Жумладан: мактабгача таълим-ясли, кичик, ўрта ва катта группа деган қисмлардан иборат, ва ҳоказо, бошқа погонадагилар ҳам шундай.

Мажмулар назариясининг кейинги тамойили, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг ҳар бири ўз погонасидағи мажму қисмлари билан баробар ботка погонадаги мажму қисмлари билан ҳам алоқада бўла олади. У ҳолда у, бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуи билан бир қаторда, бошқа мажмуларни ташкил қилишда иштирок этган бўлади.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуидан мисол келтирадиган булсак, таълим-тарбиянинг асосий элементи бўлган педагог бир вақтнинг ўзида таълим-тарбия мажмуни шакллантиришда иштироқ этиб, шу вақтнинг ўзида оила деган мажмунинг элементи бўла олади ва ҳоказо. Талабалар ҳам шундай, бир вақтнинг ўзида талаба оила ва спорт клубнинг ёки бошқа южтимоий уюшманинг аъзоси бўла олади.

Мажмулар назариясида тамойил ва конун қондалар жуда кўп бўлиб, уни маҳсус ўрганиш лозим. Бу ерда биз энг асосийларини қайд қилиб ўтдик, холос. Мажмулар назарияси билан батафсил танишмокчи бўлганлар шу мавзуга бағишлиланган адабиётларни топиб ўқишилари мумкин.

Юқорида биз фақат узлуксиз расмий таълим-тарбиянинг энг юқори ташкилий шаклини мажму сифатида кўриб чиқдик. Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини, унинг ҳар бир элементини ҳам мажму сифатида кўриш мумкин. Ундан ташқари, таълим-тарбия жараёнининг мазмунини ҳам энг умумий (давлат стандартларини) ҳар бир босқичда (укув режасини), ҳар бир фанни (укув дастурини) мажму сифатида кўриб, уларни ташкил қилувчи, ўзаро функционал боғлик бўлган элементларни ҳам мажму сифатида таҳлил қилишимиз мумкин.

Шу билан бирга узлуксиз расмий таълим-тарбия деб аталган мажмунинг фаолияти якунида эрипшилиши лозим бўлган

талабаларнинг ижтимоий сифатларини ҳам мажмуга келтириб ўрганишимиз мақсадга тўғри келади. Кисқаси, ижтимоий борлиқнинг, яъни ижтимоий ҳаёт деган мажмунинг асосий элементларидан бўлган узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуи ичida, қўйилган мақсадга биноан чексиз кўп мажмуларни аниклаб, улар устида тадқиқод олиб борса бўлади. Тадқиқод жараёнида шуни унутмаслигимиз лозимки, мажмуни ташкил қилувчи бирдан-бир омил, бу мажму элеменtlари орасидаги функционал боғлиқликдир. Илм, шу алоқадорликларни аниклаши лозим, чунки, ҳар қандай мажмуда функционал боғлиқликда бўлмаган алоқадорликлар ҳам кўп. Эслатиб утамиш, функционал алоқадорлик деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг тадрижий ривожи жараенида уларнинг ички заруриятидан келиб чиқсан боғлиқликларга айтилади.

## **2. Таълимга технологик ёндашув моҳияти, ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш ҳусусиятлари, “Технология” сўзининг маъноси, педагогик технология замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти**

Бизнинг жонкуяр муаллимларимиз, устозларимиз таълимтарбия жараёнига янгича қараш, таълим самарадорлигига қаратилган янги-янги усулларни жорий этиш устида кўп ўйладилар. Ва бугун биз ишлататибдан инновацион педагогик технология атамасидан фойдалана бошладик. Демак, бизнинг Ватанимизда педагогик технология сўзи 1997 йилдан бошлаб ишлатила бошланган, десак хато қилмаймиз.

**Инновацион педагогик технология – таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага зришиш учун илмий ва амалий асосланган янги усуллар ва воситалар система (мажмуй) сидир.**

Таълим технологияси, бу таълим мақсадига зришишнинг илмий асосланган ва кафолатланган натижаларга зришиш учун аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини барча таркибий қисмларининг мукаммал ишлайдиган системаси (мажмуй) дир. Бу тушунча «Педагогик технология» тушунчасига қараганда кенгроқ ифодаланади, негаки, таълим ва педагогикадан ташқари яна турли ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, бошқарув, маданий, психологик-педагогик, тиббий-педагогик, иқтисодий ва бошқа шунга ухшаш

жихатларни ичига олади. Бошқа томондан, «Педагогик технология» тушунчаси педагогиканинг барча бўлимларига тегишлидир.

Таълим технологиялари орасида муҳим ўринни ўкув жараёнини сифатли бошқаришни ва қўйилган ўкув максадларига эришишни кафолатлайдиган ҳамда таълимга технологик ёндашув эталлайди.

Хориж адабиётида *technology in education* – таълимдаги технологиилар, *technology of education* – таълим технологиялари, *Education technology* – педагогик технология каби атамалар мавжуд.

Ижтимоий жараёнларга, маънавий ишлаб чиқариш соҳасига – таълимга, маданиятга – технологик ёндашув ва «Технология» атамасини қўллаш, бу ижтимоий воқелик учун нисбатан янги ходисадир [36].

«Инновация», «Янги», «Янги тартиб-қоида», «Янгилик», тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқдаш борасида турлича талқинлар мавжуд. Гал шундаки, ҳозирги замон тилида бу сўзлар етарлича ухшаш ва улар янги тартиб, усул ёки ихтиро сифатида талқин этилади. «Янги тартиб-қоида» моддий маънода аслида ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиласидиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий тизим учун янги бўлган гоя, фаолият ёки моддий объекtnи англатади. Шу билан бирга «Янги тартиб-қоида» атамаси касбий маънода янги ва фойдали натижани юзага келтириш, ишлаб чиқиш, мослаштириш ва фойдаланиш жараёни сифатида қабул қилинади [17].

Янги педагогик технология атамасидаги «янги» сўзининг ишлатилишида ҳам маъно бор. Яъни бола тарбиясида эскича, шўро тузумидан қолган «Мен айтаман, сен тингла», «Айтганимни, айтиб бер», «Ўқитувчи фаол, ўкувчи пассив» қабилидаги дарс усулларидан воз кечиб, интерактив усулларда дарс ўтиш, таълим мазмунига мустақиллик мағкурасини сингдириш, эски дарслардаги совет гояларини янги миллий истиқлол гоялари билан алмаштириш назарда тутилади.

Республикамизда таълим соҳасининг ислоҳ қилиниши, айниқса «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг қабул қилиниши педагог-тарбиячиларимиз олдига жуда катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Улардан асосийси, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш масаласидир. Ёш авлодни эркин фикрлайдиган, билимли қилиб тарбиялаш

педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Қандай ва қайси йул билан билим берилса, самаралироқ бўлади?

Бугун дарсларни замонавий дарс сифатида самарали ташкил этиш учун инновацион педагогик технологиядан хабардор бўлишимиз керак. Шу кунларда Ўзбекистонимизда «Педагогик технология», «Таълим технологияси» ва «Ўқитиш технологияси» каби тушунчалар бир маънода ишлатилиб келинмокда.

Аслида, педагогик технология инсонларни тарбиялаш воситаси сифатида қадимдан мавжуддир. Узоқ йиллар давомида олимларимиз педагогик технология деганда ўкув жараёнини техника воситалари ёрдамида амалга оширишни тушуниб келганлар. 1970 йилларга келиб, педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти ягича талқин этила бошланди.

Бу борада 1961 йилда АҚШда «Таълим технологияси» журнали чоп этилди, 1971 йилда эса «Таълим коммуникацияси ассоциацияси» номли ташкилот фаолият бошлади.

1964 йилда Англияда «Таълим технологияси ва дастурли таълим» журнали чиқа бошлади, 1967 йилда «Педагогик таълим Миллий Кенгаши» ташкил этилди.

1965 йилда Японияда «Таълим технологияси» журнали нашр қилинди, 1965–70 йилларда 4 та илмий жамиятлар фаолият олиб бора бошлади.

1971 йилдан бошлаб Италияда «Таълим технологияси» журнали чоп этилди.

Мамлакатимиз олимлари ҳам 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Таълим маркази, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда барча олий таълим муассасаларида янги, миллий педагогик технологияни яратиш устида изланишлар олиб бордилар. Шунинг натижасида Республикаизда бир қанча илмий, ўкув-методик адабиётлар нашр қилинди.

Ушбу асарларни ўрганиб, педагогик технология атамаси нимани англатишини айтиб утмоқчимиз. «Технология» сўзи 1872 йилда фанга кириб келган. Юонча «Технос»-маҳорат, санъят, «логос»-фан сўзларидан ташкил топган бўлиб, «маҳорат хақидаги фан» деган маънони билдиради.

Педагогика фани – инсонларга таълим-тарбия беришни ўргатувчи фан. Методика фани эса – инсонларга таълим-тарбия

бериш усуллари ва йўлларини, предметларни ўқитишнинг қонуниятларини ургатуячи фандир. Умуман олганда, педагогика билан методика бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

«Педагог» сўзи эса грекча «Пайдос» – бола, «аго» – етакловчи деган сўзлардан олинган бўлиб, болаларни мактабга (илмга) етаклаб борувчи кишига нисбатан ишлатилган. Кейинчалик бу сўз ўрнини арабча «мударрис», «муаллим» атамалари эгаллаган.

Юкоридагилардан, *педагогик технология* – «*Таълим-тарбия бериш маҳоратини, санъатини ўргатувчи фан*» деган мазмунни англатиши маълум бўлади. Демак, педагогик технология ўқитувчи томонидан бошқариладиган таълим-тарбия жараёни (механизми) экан. Бугунги кунда педагогик технологияни алоҳида фан сифатида ўрганишга киришилди.

Педагогик технология тушунчасига жуда кўп педагог олимларимиз томонидан ҳар хил таърифлар берилган. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз:

Педагогик технология – техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнларининг лойиҳаларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг системали методи.

#### ЮНЕСКО.

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёвининг лойиҳасидир.

#### В.П.Беспалько.

Педагогик технология – ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус йигиндиси ва компавокаси (жойлашуви) ни белгиловчи психологик тартиблар (установкалар) мажмуаси. У педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситаларидан иборат.

#### Б.Т.Лихачев.

Педагогик технология – таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти.

#### И.П.Волков.

Педагогик технология – ўқув жараённининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сузсиз қуляй таъминлаши лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели.

**Н.М.Монахов.**

**Педагогик технология** – педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик виситаларнинг тизимли йиғиндисини ва уларнинг амал қилиш тартибини билдиради.

**М.В.Кларин.**

**Педагогик технология**, бу сўзиз риоя қилиш энг юкори натижани кафолатлайдиган курсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий аҳамиятидан иборат.

**В.Ю.Питюков.**

**Педагогик технология** – мажмуали фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир.

**Т.Сакомого.**

**Педагогик технология** – бу ўқитувчи томонидан ўқитиш виситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян ҳолатда ва маълум кетма-кетликда таъсир ўтказип ва акс таъсир сифатида олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёни.

**Н.Саидаҳмедов.**

**Педагогик технология** – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти ёки педагогик технология, маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидан иборат.

**Ж.Ғ.Йўлдошев.**

**Педагогик технология** инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

**С.А.Усмонов.**

**Педагогик технология** – вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда қутилган натижага эришишини таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аник белгилантан тизим.

**Ў.Қ.Толипов**

**Педагогик технология** – таълим олувчи шахсга йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчан ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методи.

**Ўзбек олимлари ижодий гуруҳи**

**Педагогик технология** – бу жамият эктиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали

шакллантирадиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўкув жараёнини мажмуа сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўкувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда ва маълум бир педагогик усуллардан фойдаланиб, кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

**Б.Зиёмуҳаммадов**

**Педагогик технология** – бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўкув жараёнини система (мажму) сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндашадиган таълимий тадбирдир.

**М.Тожиев**

Юқоридагилардан қўйидагича хulosа ясаш мумкин: Инновацион педагогик технология – таълим-тарбия беришнинг янги усул ва йулларини ўргатувчи, дарсни самараси юқори бўлишини кафолатловчи педагогик тизимнинг лойиҳасидир. У ўкувчини билим олишга кизиқишини орттирадиган, мустақил фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Педагогик тизим бу – ўқитувчи, ўкувчи ва ўқитишнинг техник воситалари, таълим-тарбия мақсади ва мазмуни, дидактик жараён ва ўқитишнинг ташкилий шаклларидан таркиб топади.

Педагогик технологиянинг моҳияти – таълим самарадорлигини яхшилаш, ўкувчиларнинг билим олишдаги фаоллигини ошириш асосида уларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантириш, дарсга кўйилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган педагогик жараённи англатади.

*Инновацион педагогик технологиянинг асосий талаблари таълимни юқори даражада ташкил этиши учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан белгилаб олиш, дарсни тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш учун дарс усулларини тўғри танлаш ҳамда зарурий таълим воситалари – ўкув қуроллари, кўрсатмали материаллар, техника воситалари ва бошқа керакли шарт-шарошларни тайёрлаш ва дарс мақсадига тўлиқ эришишдан иборатdir.*

Педагогик технология қўйидаги ўқитиш технологияларидан таркиб топади: 1) Муаммоли ўқитиш технологияси; 2) Дидактик уйин технологияси; 3) Ҳамкорликда ўқитиш технологияси;

4) Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси; 5) Жадаллаштириб ўқитиш технологияси; 6) Табақалаштириб ўқитиш технологияси; 7) Индивидуаллаштириб ўқитиш технологияси; 8) Мустақил ўқитиш технологияси; 9) Модулли ўқитиш технологияси ва бош.

1) Муаммоли ўқитиш – бу энг самарадор ўқитиш технологиясидир. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг таълим олишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш, муаммоларни ва саволларни ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришда илмий ва ижодий муносабатни вужудга келтиради. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни талаб қиласди. Муаммоли вазият ўқувчилардаги мавжуд билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда ташкил этилиши керак. Акс ҳолда, бу вазият салбий натижга бериши мумкин. Муаммоли ўқитиш усусларидан бири ақлий қужум усулидир. Бу усулни биринчи марта А.Ф.Особорн кўллаган. У муаммоларни қўйидагича ечишга асосланади: муаммолия вазият яратиш; ғояларни шакллантириш; энг яхти ғояларни текшириш, баҳолаш ва танлаш.

2) Дидактик ўйинлар орқали ўқитиш ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолатини меъёrlаштириш билан биргаликда уларни янги мавзуни ўрганишга бўлган дикқатини ва хотирасини ҳам жамлайди. Дидактик ўйин орқали дарсни ташкил этишда ҳам болаларнинг олган билимлари ҳисобга олиниши керак. Ўйинларнинг мазмуни олдин ўтилган мавзулар билан уйғунлашган бўлиши талаб этилади. Дидактик ўйинлар ўсмири ёшдаги синфларда, биринчи соат ва охирги соат дарсларда, шунингдек, жисмоний тарбиядан кейинги соат дарсларда ўtkazilsa, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўйин ижодийлиги билан ажralib туради. У мумкин қадар бой, фаол характеристерга эга бўлади. Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалашиш, ракобат шаклида намоён бўлади. Ўқитувчи ўз дарсига алоқадор ўйин усусларини тұғри танлаши муҳим аҳамиятга эга.

3) Ҳамкорликда ўқитиш ўқувчи шахсига ўта эътиборли бўлиб муносабатда бўлиш билан биргаликда боладаги билишга бўлган иштиёқни ривожлантириш ва чукур билим олишга шароит яратишни кўзда тутади. 1980-йилларда ҳамкорликда ўқитиш технологияси бўйича Шалва Александрович Амонашвили методи

кенг тарқалган эди. Амонашвилиниң асосий мақсади күйидагилардан иборат:

- боланинг шахсий хислатларини намоён қилиш орқали унда олийжаноб инсоннинг шаклланиши, ривожланиши ва тарбияланишига имкон туғдирмоқ;
- боланинг қалби ва юрагини улуғламоқ;
- боладаги билишга бўлган кучларни ривожлантириш ва шакллантириш;
- кенг ва чукур билим ҳамда малака олиш учун шароит туғдирмоқ;
- идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбияламоқ.

4) Дастурлаштириб ўқитиш – бутунги замонавий дарс тури бўлиб, болаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ошириш билан биргалиқда таълим олишга бўлган қизиқишиларини ҳам орттиради. Дастурлаштириб ўқитиш технологиясини 1950-йилларда америкалик психолог Б.Скиннер ишлаб чиқкан. Дастурлаштирилган ўкув материали муайян мантиқий изчилликда бериладиган нисбатан катта бўлмаган ўкув ахборотлари (кадрлар, одимлар, файллар, слайдлар, мультимедиялар, видеоплавжалар) сериясидан иборат бўлади. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи дарсни компьютер дастурларига киритишни билиши лозим.

5) Жадаллаштириб ўқитиш технологиясини 1980-йилларда Виктор Фёдорович Шаталов ишлаб чиқди ва ҳаётга жорий қилди. Унинг мақсади ҳар қандай индивидуал хусусиятга эга бўлган болаларни ўқитиш, уларда билим, малака ва кўнижмаларни шакллантириш, ўқитишни тезлантиришдан иборат бўлган. Шаталов методининг ўзига хослиги шундаки, материаллар катта ҳажмда киритилади, материаллар блоклар бўйича жойлаштириллади, ўкув материали таянч сигналлар конспекти куринишида расмийлаштириллади. Таянч конспект – ўкув материаллари ўзаро боғланган усулларнинг бутун қисмлари сифатида фактлар, тушунчалар, ғоялар тизими ўрнида қўллана оладиган кўрсатмали конструкциялардан иборат қисқача шартли конспект кўринишидаги таянч сигналлар системасидир. Таянч сигналлар ўкувчиларга мавзуни ўрганишга ёрдам берувчи асосий тушунчалардир. Бугун ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бир даврда таянч сигналлардан иборат бўлган дарс ишланмасини

ниндеопроекторлар орқали намойиш этиш орқали ўрганиш яхши салма беради.

Жадаллаштириб ўқитиш технологияси бўйича яна бир педагог С.Н.Лисенкова самарали усулларни яратган. У таянч сигналлар ва скемалар изоҳидан фойдаланиб дарс беришни тавсия этади. С.Н.Лисенкова технологиясининг хусусияти шундаки, қийин мавзулар дастурда белгиланган соатларда эмас, балки ундан олдин йўл-йўлакай ўрганила бошланади. Бу истиқболли тайёргарликдир.

6) Табақалаштириб ўқитиш технологиясини Г.К.Селевко ва Н.П.Гузак тадқиқотларида учратиш мумкин. Табақалаштириб ўқитиш деганда иккита маъно тушунилади. Биринчиси, таълим мазмунини табақалаштириш, иккинчиси, ўкувчилар гуруҳини табақалаштириш. Таълим мазмуни табақалаштирилганда, ўкувчиларга билим бериш қийинлик даражасига қараб уч босқичда амалга оширилади: осон тушунчаларни бериш, ўрта қийинликдаги тушунчаларни бериш ва қийин тушунчаларни бериш. Ўкувчилар табақалаштирилганда, иктидорли ўкувчиларни ажратиб ихтисослашган синфлар ёки чукурлаптириб ўқитишга асосланган синфлар ташкил этилади. Бу синфларда ўтиладиган дарслар нисбатан қийинроқ тушунчаларни интенсив ўргатишга қаратилади.

7) Индивидуаллаштириб ўқитиш, А.С.Границкая ва В.Д.Шадриков тадқиқотларида, ўкув жараёнини ташкил этиш шакли, модели сифатида белгиланади. Унда: педагог фақат биргина талаба билан ўзаро муносабатда булади; бир талаба фақат ўқитиш воситалари (китоб, компьютер ва б.) билан ўзаро алоқада бўлади. Индивидуал ўқитишда дарснинг мазмуни, методлари ва суръати ўкувчининг билим даражаси ва шахсий хусусиятларига мослаштирилади.

8) Мустақил ўқитиш замонавий таълим технологияси хисобланади. Билимга интиқ бўлган киши ўз интилишлари билан мустақил ўрганишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун ўқитувчи ўкувчиларга етарлича ўкув шароитларини яратиб бериши керак, яни ўкувчининг қизиқишларини ҳисобга олиб, етарлича ўкув адабиётлари, қушимча манбаларни тавсия этиши, ҳар бир мавзуни ўрганишда билиб олиши керак бўлган тушунчалар рўйхатини, шунингдек, тест саволларини тақдим қилиши керак. Ўкуячи билан ҳар вақт мулоқотда бўлиб, унинг саволларига жавоб бериб бориши лозим. Боланинг ўзи билим олишга қизиқмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, олий таълимда буни яққол

кўриш мумкин. Талабани мажбурлаб ўқитиб бўлмайди. Европанинг кўптина мамлакатларида мустақил ўқитиш технологияси йўлга қўйилган. Талабалар (ўкувчилар) мустақил билим олиб, имтиҳон топширадилар ва тегишли шаҳодатномага эга буладилар.

9) Модулли таълим технологияси бугунги кунда Ўзбекистонимизда энг замонавий таълим технологияларидан бири саналади. Модулли ўқитиш деганда укув дастури, укув режаси ва ишчи укув дастури асосида дарс машғулотларини модуллар (блоклар ёки бўлаклар)га бўлиб ўрганишни режалаштириш, укув йилига мўлжалланган силлабуслар ва шунга кўра ўкув методик мажмуалар, ҳар бир модул (бўлак) ни ўрганиш учун таянч тушунча ва топширикларни ўз ичига олган кейс-стадилар яратиш ҳамда уларни интернет тармоғига киритиш назарда тутилади. Талаба (ўкувчи) машғулот давомида ўзи ўргана олмай қолган тушунчаларни интернет тармоғи орқали ўқитувчисининг ўкув методик мажмуасига кириб ўрганади ва билмаганларини электрон алоқа почтаси орқали ўқитувчисидан сўраб олади. Бунинг учун ўқитувчи уз силлабусида талабалар билан мулоқот учун белгиланган вактни алоҳида қайд этади. Талаба шу белгиланган вактда ўқитувчи билан мулоқотда бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда, олий таълим муассасалари талабалари билимини баҳолапнинг модулли тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунда баҳолаш ҳам онлайн тизимида амалга оширилади. Талабанинг ҳар бир фан бўйича баҳолари йил давомида ўрганилган модуллар (фан блоклари) га қўйилган баллар йигиндисидан иборат бўлади.

*Силлабус – ўкув курси (фан) нинг режса-дастури*

*Кейс-стади – муаммоли вазиятни ўрганиш, ечиш.*

*Модул – 1) ўкув материали ёки таълим мазмунини ўзаро ўйгулаштирилган намунаси; 2) ўкув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин булади; 3) фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этувчи муайян жараён ёки қонун бўлими, муайян мавзу доирасида ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи.*

*Модулли таълим – модуллаштирилган ўкув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни.*

*Модули технология – таълим жараёнини модуллар ўкув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган қасбий*

*фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштирилган тизим.*

*Модулли ўқитиши – ўқитишининг изчилигидан тизим асосида амалга ошириладиган тури.*

Модулли ўқитишига ўтиш учун профессор-ўқитувчи фан бўйича ўз модулини – электрон мажмуани шакллантиради. Модул таркибига ўз фани бўйича ўкув йилига мўлжалланган силлабус, ўкув-методик мажмуа, яратилган тақдимот (презентация)лар, тарқатма материаллар, кейс-стадилар, вазиятли масалалар (топшириқлар), тест топшириқлари кабилар киритилади. Электрон мажмуа кафедра муҳокамасидан утказилгандан сунг, профессор-ўқитувчи уни веб-сайтдаги маҳсус порталга жойлаштиради.

Талабалар ушбу порталга кириб, ўзларини қизиктирган маълумотларни топини ва мустақил таълим олиш имкониятига эга бўладилар.

Профессор-ўқитувчи модулга қўшимчалар киритиш, муҳим эълон ва баҳолаш натижаларини жойлаштириб бориш каби оператив ўзгаришларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бунинг натижасида эса ортиқча ташвишлар ва қоғоз сарфи камаяди.

Европанинг кўпгина мамлакатларида модулли ўқитиши кенг йулга қўйилган[42; 32 – 43-б.].

### **3. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик мақсадларни белгилаш технологияси, педагогик мақсадлар таксономияси**

Педагогик технологиянинг миллий инновацион модели орқали ўкув машғулот лойиҳаси, қўйидаги ўзаро узвий боғлиқ бўлган тамойилларга асосланиб тузилади.

Биринчиси, ўкув машғулот лойиҳасини аввалдан тузиб олиш. Бунда, таълим – тарбия жараёни ҳажм ва мазмуни жиҳатидан иерархияга асосланган – “Энг катта”, “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” деган модулларга бўлиниб, бу модулларнинг олдига қўйилган таълимий ва тарбиявий мақсадлари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланиб, ҳар бир ўкув машғулоти ичидаги кичик модуллар орқали бериладиган билимлар орасидан таянч тушунчалар аниқланиб, бу билимларни талабаларга қайси машғулот типи орқали берилиши ва ҳар бир кичик модулларда

қўлланиладиган педагогик усуълар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материалларнинг тури ҳамда қўлланиш жойлари кўрсатиб берилади.

**Иккинчиси, мажму ёндашув тамойилини қўллаш.** Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳаларни амалиётда қўллашида, албатта, синергетиканинг “Мажму ёндашув” тамойилининг барча қонун-қоидаларига амал қилинади. Чунки педагогик технология мажмуулар назариясидан келиб чиқиб яратилган.

**Учинчиси, дидактиканинг қонуи, қоида ва принципларига амал қилиш.** Ўкув машғулотини лойиҳалашда ва шу лойиҳа бўйича таълим-тарбияни амалга оширишда, дидактиканинг барча принциплари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқилади.

**Туртингчиси, ўкув машғулоти мажмунанинг барча таркибий қисмларини узаро функционал боғлиқликда кўриш.** Ўкув машғулотнинг лойиҳаси тузилганда, бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – “Модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт”, “Билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар”, “Дарс тури ва типи”, “Педагогик услублар”, “Ахборот-коммуникация технологиялар” ва “Дидактик материаллар”нинг ўзаро узвий боғлиқликда кўрилади.

**Бешинчиси, талабалар билимларни мустақил равишда згаллашпариға ургу бериш.** Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва уни амалда қўллашда, талабалар згаллаши шарт бўлган билимларни, ўзлари мустақил равишда топишга ҳаракат қилинади.

**Олтиничиси, талабалар билимларни аиглаб етишлари, хотирада сақлашлари ва амалда қўллай олишлари.** Ўкув машғулот лойиҳасини тузишда ва тузилган лойиҳа асосида ўкув машғулотини амалга ошириш жараённида, талабалар берилаётган билимларнинг туб моҳиятини англашлари, хотирада сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликка эришилади.

**Етгинчиси, мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида булиши.** Ўкув машғулот лойиҳасини тузганда, муайян ўкув машғулотининг ҳар бир микро модулида талабаларнинг бажарадиган иш ҳаракатлари кўрсатилади.

**Саккизничиси, микро модуллар ичидан таянч тушунчаларни ажратиш.** Кичик модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида талабалар

билимларни згаллаганлик даражасини аниклаш учун назорат саволлари тузилади ва назоратнинг тури белгиланади.

Тўққизинчиси, ўкув машғулотларининг якунидаги талабаларниң билимларни згаллаганлик даражасини аниклаш. Муайян ўкув машғулоти учун қабул қилинган баҳолаш тури ва мезонларидан келиб чиккан ҳолда, барча талабаларнинг билимларни згаллаш даражаси аникланади[41; 26 – 27-б.].

### Ўкув мақсадларини белгилаш усуллари

Лойиҳа тузишни ўкув фанининг вазифасидан келиб чиккан ҳолда, макро ва микро модулларнинг ўкув мақсадларини аниклашдан бошлиш лозим. Чунки, мана шу жойда ўкув жараёнини лойиҳалаш амали бевосита намоён бўлади. Айнан шу босқичда лойиҳаловчи модуллар устида ишлаб, ўкув мақсадларини аниклайди.

Педагогик амалиётда мустаҳкам ўрин олган ўкув мақсадларини аниклашнинг қўйидаги анъанавий усуллари мавжуд:

а). Мақсадларни ўрганиладиган ўкув материалининг мазмунини орқали аниклаш. Масалан: «Электромагнит индукция ходисасини ўрганиш», «Виетта теоремасини. ўрганиш», ёки бирор боб мазмунини, теоремалар, ходисалар, Конунлар ва ҳоказоларни анъанавий усулда ўрганиш, бу каби мақсадларни белгилаш факат битта дарс ёки бир неча дарсларда ўтиладиган материални ўргатишга ишора қилиш ҳолос, унда ўкув жараёнини ташкил этиш учун аниқ бир йўналиш йўқ. Шунингдек, бундай шаклда ифодаланган мақсадларга эришилганлик ёки зришилмаганликни ҳам аниқлаб бўлмайди. Бошқача айттанды, бундай усулда белгиланган ўкув мақсадлари ўкув жараёнини ташкил этишининг инструментал (амалга оширувчи) қисми ҳам бўла олмайди. Шунинг учун ҳам педагогик технология тарафдорлари бундай ўкув мақсадларни ута ноаниқ деб ҳисоблаб, танқид қилган.

б). Анъанавий ўкув мақсадларини ўқитувчи фаолияти орқали аниклаш. Масалан: ўкувчиларни «ички ёнув двигателнинг ишлаш тамойили билан таништириш», «Ом қонунини намойиш қилиш», «географик картадаги шартли белгиларни ўқишга ўргатиш» ва ҳ.к. Ўкув мақсадларини бундай усулда аниклаш, ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган булиб, ишдаги тартиб ва тушунтириш ҳакида таассурот қолдиради ҳолос. Ўқитувчи ўкув мақсадларини олиандиган натижага таққослаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда харакат

қиласи, чунки ўкув мақсадлари бу усулда аниқланганда олинадиган натижанинг ўзи аниқ ифодаланмаганлиги куриниб турибди.

в). Ўкув мақсадларини ўкувчининг интеллектуал, ҳиссий соҳага оид ички ривожланиш жараёнлари орқали анъанавий аниқлаш. Масалан: «кузатилаётган ходисаларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш», «ифодали ўқиш малакасини шакллантириш», «физикадан масалалар ечишда ўкувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш» ва ҳ.к. Бундай ўкув мақсадлари ўкув юрти фан ёки фанлар цикли даражасидаги умумий мақсадларни ифодалайдилар холос, лекин улар ҳатто дарс ёки дарслар туркуми мақсадларини ҳам англатмайди.

Педагогик технология тарафдорлари бундай мақсадларни инкор этадилар. Ҳақиқатан ҳам, уларга эришганликка ёки бир дарс давомида бу мақсадларга, ҳатто яқинлашиб борилганлигига ҳам ишониб бўлмайди. Бу усуллар орқали мақсадга эришиш йуналишлари ҳақида ҳам фикр юритиб бўлмайди, чунки улар ниҳоятда умумий шаклда ифодаланган. Аммо бизнинг фикримизча бу усуллар бутунлай самарасиз эмас, факат мақсадларга жиддий аниқлик киритиш керак. Бу ўринда ҳам мақсадларни аниқлаштиришнинг педагогик технология доирасида яратилган услублари ёрдам беради.

г). Анъанавий ўкув мақсадларини талабалар ҳатти-харакати ва фаолияти орқали белтилаш. Масалан: «квадрат илдизли тенгламани ечиш», «айлана узунлигини ҳисоблаш», «ўсимликнинг тўқимали тузилишини ўрганиш», «газ тақсимлаш механизмини қисмларга ажратиш ёки йигиши» ва ҳ.к.

Бир қарашда ўкув мақсадларини бундай ифодалашда дарсни режалаш ва ўтказишга аниқлик киритилганга ўхшайди. Бироқ, бу усулда ҳам энг муҳим кўрсаткич - ўқитищдан кутиладиган натижа эътибордан тушиб қолган. Лекин бу натижа - талабанинг ўз шахси ривожланиши томон ички силжиш бўлиб, у талабанинг баъзи бир фаолиятида ўз аксини топади.

Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўкув мақсадларини аниқлаш усули ўзининг юқори даражада инструменталлиги (Ўта амалийлиги) билан ажралиб туради. Ўкув мақсадлари ўкувчининг ишончли ўлчаш ва ташқаридан билиб олиш мумкин бўлган ҳатти-харакатида ифодаланиб, улар ўқитиши натижалари орқали шакллантирилади. Шу билан бирга, ўкувчиларнинг бу ҳатти-харакатларини ўқитувчи ёки эксперт аниқ кузатиб баҳолаши мумкин бўлади.

Бироқ, бу самаралиғоя дастлаб күп қаршиликтарга учради. Қандай усул билан үқитиш натижасини үкувчи-талабанинг ҳатти-харакатларига үтказиш мүмкін? Бу үтказища қаттый бир хил маңынни қандай саклаб қолиш мүмкін? Бу каби муаммолар асосан қуйидаги иккі хил усул билан ҳал этилған:

а). Үкув мақсадларининг шундай мажмусини түзиш керакки, унинг ичидә үкув мақсадларининг тоифалари ва даражалари кетма-кетлиги аник белгиланған бўлсин. Үкув мақсадларининг бундай мажмуй педагогик тақсонаомия деб аталади.

б). Үкув мақсадларини ифодалаш учун шундай аник ва тушунарли тилни топиш керакки, үқитувчи бу тил орқали мақсадларни аник ифодалайдиган бўлсин.

Демак, үкув мақсадларини белгилашга юкорида қайд килинган аниқликларни киритиш, педагогик технологиянинг одатдаги үқитиш усулларидан тубдан фарқ қилувчи дастлабки, энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Үкув мақсадларининг ўта аник белгиланиши унга эришганликни яққол назорат қилишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида талаба шахсиги ривожланиб бораётганлик даражасини ҳамда үқитувчи фаолиятидаги камчиликларни ўз вактида аниқлаб, уларни бартараф қилиш имконини беради.

Үкув фани мақсадларини педагогик тақсонаомия асосида аниқлаш иккі босқичда бажарилади. Биринчи босқичда фан үқитилишининг умумий мақсади аниқланади. Иккинчи босқичда эса кундалик ва жорий үкув фаолиятининг мақсадлари аниқланади яъни, фанни кисмларга ажратиб аниқланған үкув мақсадларини на талабанинг бу бўлимларни узлаштиришдаги интеллектуал фаолиятининг асосий турлари аниқланилади [43; 7 – 10-б.].

### **Үкув мақсадларини назорат шакллари ва уларнинг тест топширикларига айлантириш**

*I-жадвал*

| <b>Харикатни ифодаловчи феъллар</b> | <b>Аник ҳаракат турлари (кўринишилари)</b>  | <b>Тест топшириклар намунаси</b>   |
|-------------------------------------|---|--|
| Татбиқ доирасини чегараланг         | Объект ёки ҳодисаларнинг алоҳида кисмларини курсатинг, белгилант, гурухларга ажратинг | «Куйидагилардан қайси бири далил (Д), қайсилиари эса фикр (Ф) эканлигини аниқланг» |

|                        |  |   |
|------------------------|--|---|
| Таърифланг             | Аник киймат ёки мухим тавсифларни ифодалайдиган оғзаки ёки ёзма таърифни баён килинг               | «Куйидаги ибораларнинг хар бирiga таъриф беринг»        |
| Ёзма равишда ифодаланг | Асосий белгилар, хусусиятлар ва ўзаро максадларни характерловичи оғзаки, ёзма таърифни баён килинг | «Ҳаво намлигини улчаш йўлларини баён килинг»            |
| Конструкциялаш         | Акс эттириш, ясаш, йигиш, тайёрлаш   | «Берилган катталикларни акс эттирувчи диаграмма тузинг» |

**4. «Математика ўқитишида замонавий педагогик технология, педагогик технология модияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамойиллари» мавзусининг лойиҳалари.**

**Модулнинг номи ва мақсадлари**

4. I-жадвал

| Модулнинг номи  | Модулдан қузаланган мақсадлар  |
|---|--|
| Педагогик технологиянинг назарий асослари. Замонавий педагогик технологиялар таснифи (12 соат). | <p>Талабаларга хар қандай соҳада ҳам замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассисни тайёрлашда таълимга янгича ёндашиб зарурлиги тушунтирилади. Уларнинг онгига “таълимга инновацион ёндашув” тушунчасини шакллантириш.</p> <p>Педагогик фаолиятни технологиялаштириш - ижтиёдий зарурият эканлиги ва Ўзбекистонда педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишининг долзарбилигини талабалар онги-шуурига етказиши.</p> <p>Педагогик технологияни таълим жараёнинга кўллашда квантлар назарияси ва синергетика ҳамда мажмуулар назарияси ва ундан келиб чикувчи объектив борликка мажму ёндашув тамойилларининг ўрни ва ахамиятини талабаларга тушунтириш.</p> <p>Педагогик технология тамойиллари ва улар асосида тузилган замонавий педагогик технологиянинг ўзбек миллый модели технология асосида лойиҳалаш андозасини талабалар онгига етказиши</p> |

|  |   |
|--|---|
|  | Ўзбекистонда ёш авлод учун зарур бўлган баркамоллик фазилатлари ва уларни шакллантиришда педагогик технологиянинг ўрни ва вҳамиятини талабалар тафаккурига сингдириш. |
|--|---|

**Изоҳ. Ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, фақат биринчи катта модулнинг мазмуни берилди.**

### Кичик модуллар номлари ва мақсадлари

4.2-жадвал

| Кичик модуллар номи   | Модулларда кўйланган мақсадлар  |
|---|---|
| Таълимни модернизация килиш масаласининг долзарблиги, педагогик технология фанининг вужудга келиши, квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси, таълим-тарбия соҳасида мажмуйй ёндашув | <p>Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган қадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади комил инсон ва етук малақали мутахассис етиштириш ва шахсга янгича қарашнинг туб моҳиятини талабалар онгига сингдириш.</p> <p>Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш заруриятини, бунинг учун талабаларда фанинг ҳозирги ривожланиш босқичини синергетика гоялари, мажмуйй ёндашув гоялари белгилаб берадётланлиги ва бунинг барча фанлар ривожланишига, шу жумладан педагогика фанига ҳам, курсатаётган таъсирини тушунтириш.</p> <p>Жамият ва иқтисодиётнинг бугунги ривожланиш босқичида таълим олдига янгича талабларнинг қўйилиши ва бунинг натижасида янгича концепция, янгича ёндашувларнинг вужудга келишини ва педагогик технология фанининг вужудга келиши омилларини ҳамда ушбу омилларнинг тарихан ва мантиқан бөгликлигини талабаларга тушунтириш.</p> |
| Таълимга технологик ёндашув моҳияти, ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари, “Технология” сўзининг маъноси, педагогик технология замонавий   | Талабалар томонидан моддий ишлаб чиқаришдаги технология ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш технологияси ўргасидаги фарқ ва умумийликни ва моддий ишлаб чиқариш технологиясининг таълим жараёнига нисбатан кўлланилини мумкин бўлган конуниятларини тушунтириш.  |

|  |  |
|--|--|
| таърифи, педагогик технология моҳияти  | <p>Талабаларнинг таълимга мажмуйй ёндаша олишига, педагогик жараённинг таркибий кисмлари ва улар ўртасидаги боғликларни аник кўра олишига эришиш.</p> <p>Талабаларга ўзаро боғлиқ ҳодисаларни мажму сифатида кўра олишни ургатиш орқали уларнинг синтез килиш қобилиятини ривожлантириш ва битта феноменини бошқа феномен билан ўзаро киёслаш, битта феноменга ҳос булган ҳусусиятни бошқа феноменга нисбатан қулашта ургатиш орқали талабаларда умумлаштириш қобилияти ҳамда моддий ҳамда ижтимоий ишлаб чикаридаги лойихалаш билан таништириш орқали талабаларда лойихавий тафаккурни ривожлантириш.</p> <p>Мехнат жараёнини түгри, самарали лойихалаштириш ғоялари билан таништириш орқали талабаларда тартиблилик, ўз фаолияти, вақтини түгри ташкиллантириш сифатларини шакллантириш.</p> <p>Педагогик технологиянинг мавжуд таърифлари таҳдил килиниши асосида мажмуу тамойилига асосланган замонавий таърифини ургатиш.</p>   |
| Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изохлари, педагогик мақсадларни белгилаш технологияси, педагогик мақсадлар таксономияси | <p>Талабаларда таълим-тарбия жараёнини мажмуйй, технологик ёндашув асосида самарали ташкиллантириш учун уқитувчи амал қилиши шарт бўлган тамойиллар, таълим мақсадлари ва уларни шакллантириш йўллари, мақсадга эришганлик даражасини аниqlаш йўллари, таълим жараёнига тузатишлар киритиш, таълим жараённи натижаларини баҳолоти ҳақидаги билимлар ва педагогик жараённи технологик ёндашув асосида лойихалаштириш учун зарур булган бошланғич куникмаларни шакллантириш.</p> <p>Талабаларда аввало педагогик технологияларнинг ҳар хил турлари мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, уларни Г.К.Селевко ишлаб чиқсан педагогик технологиялар таснифи билан таништириш, талабаларда педагогик технологиялар гурухлари ва уларга кируичи технологиялар турлари, уларнинг аҳамиятли ҳусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш.</p> <p>Таълим жараёнини лойихалаштиришга ургатиш орқали талабаларда лойихавий, мантикий, ижодий тафаккур ва ҳодисаларга ҳар тарафлама ёндашиш ҳусусиятини ривожлантириш.</p> |

#### 4.2-жадвалнинг давоми

|  |  |
|--|--|
|  | <p>Педагогик технологиялар таснифини ўрганили орқали талабаларда киеслаш, гурӯхлаш, умумлаштириши кобилиятларини ривожлантирилади ва лойиҳалаштирилган педагогик жараённи объектив, илмий баҳолашга ўргатиш орқали талабаларда, ўз фаолиятини баҳолаш сифатлари тарбиялаш; анъанавий таълим жиҳатларини объектив таҳдил килиш асосида инсонлар томонидан қатъий қонуният сифатида қабул килинадиган ғоя, фикрларни таҳлил килиш, уларнинг камчиликларини кўра олиш хамда ижодий ёндашишга ўргатиш ва шу орқали уларда илмий жасоратни тарбиялаш.</p> <p>Талабаларни турли педагогик технологиялар асосида бўлган узаро фарқланувчи таълимий концепциялар, ёндашувлар билан таништириш орқали уларда ишга пухта, оқилона ёндашиш, чукур фикрлаб, узгалар фикри, позициясини қабул кила олиш, толерантлик сифатларини тарбиялаш.</p> |
|--|--|

#### Кичик модулларнинг таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

#### 4.3-жадвал

| Т/р | Таянч тушунчалар  | Назорат саволлари  |
|-----|---|--|
| 1.  | Таълим модернизацияси, шахс, барқамол шахс, кадрлар сифати, педагогик техника | <ol style="list-style-type: none"><li>Узбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади нима?</li><li>Шахсга йўналтирилган педагогик технологиянинг асосий ғоясини таҳмин килиб кўринг.</li><li>Замонавий малакали мутахассис сифатларини айтиб беринг.</li><li>Шахсда замонавий малакали мутахассис эга булиши керак бўлган сифатларни шакллантириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?</li><li>Таълим жараёнида шахс қандай ролларни ижро этади?</li><li>Узбекистонда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотларда педагогик технологиянинг тутгани баҳолаб беринг.</li><li>Таълим технологияси назариясини вужудга келиши босқичларини санаб беринг, уларни шархлаб беринг.</li></ol> |

#### 4.3-жадвалнинг давоми

|    |   |  |
|----|---|--|
| 2. | <b>Дидактик тизим, технологик жараён, педагогик жараён, субъект, усул, услуга</b>                 | <p>1. Жаҳондаги дидактик тизимларни таҳлил килиб беринг.</p> <p>2. Технологик жараён деб қандай жараёнга айтилади?</p> <p>3. Ишлаб чиқаришдаги технологик жараённинг қайси жиҳатларини таълим жараёнига қўллаш мумкин, деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Ишлаб чиқаришда технологик жараён нима мақсадда қулланилади?</p> <p>5. “Таҳсил олувчи таълим жараёни субъектига айланниши керак” деган фикрни қандай тушунасиз?</p> <p>6. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш учун нима қилиш керак?</p> <p>7. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш нима беради?</p> |
| 3  | <b>Назария, системалар назарияси, мажмуа, мажму, квант назарияси, синергетика, замонавий дарс</b> | <p>1. Системалар назариясини тушунтириб беринг?</p> <p>2. “Мажмуа” ва “Мажму” тушунчалари фарқини айтиб беринг.</p> <p>3. Мажму турлари, тамойилларини санаб беринг, уларни шарҳланг.</p> <p>4. Мажму тушунчасини таълим жараёнига нисбатан қўлланг.</p> <p>5. “Квант назарияси” ва “Синергетика”ниаг моҳиятини айтиб беринг.</p> <p>6. Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш қандай натижка беради? Таълим жарёнида дарснинг ўрнини изоҳланг.</p> <p>7. Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилади?</p>   |

**Изоҳ.** Кичик модуллардаги назорат саволлари назорат шаклларига ва тестларга айланади, улардан талабалар мустакил таълимида хам фойдаланилади.

#### **Кичик модулларниң назорат саволлари асосида тузилган тест**

#### 4.4-жадвал

| Т/р | <b>Саволлар</b>                             | <b>Мумкин бўлган жавоблар</b> |   |
|-----|---|-------------------------------|---|
| 1.  | Мустакил<br>Ўзбекистонда<br>таълим соҳасида | 1                             | Ривожланган мамлакатлардан андоза олингани. |

|    |  |    |   |
|----|--|----|---|
|    | ислохотларни бошлаб юборилғанлигининг асосий сабаби нима?  | 3  | Кадрлар сифатига күйиладиган талабларнинг узгарғанлиги.   |
|    |  | 4  | Давлат таълим стандартлари қабул қилингани.   |
| 2. | Кадрлар сифатига күйиладиган талабларнинг узгарғанлиги, энг аввало, таълимнинг кайси таркибий қисмими узгаришини көлтириб чиқарди?           | 1. | Таълим шаюли  |
|    |  | 2  | Таълим тизими   |
|    |  | 3  | Таълим мазмуни  |
|    |  | 4  | Таълим мақсади  |
| 3. | Нима сабабдан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълимга педагогик технологияни жорий килипта мухим аҳамият ажратилған?                    | 1  | Педагогик технологияни жорий килиш - замон талабиға айланғанлиги  |
|    |  | 2  | Таълимда компьютер технологияларни күллаш зарурити туғилғани  |
|    |  | 3  | Үзгартган таълим мақсади таълим жараёнига бўлган ёндашувни тубдан ўзгартирини талаб қиласи  |
|    |  | 4  | Дунё мамлакатларига интеграциялашув учун Ўзбекистон таълим тизими ривожланган мамлакатлар таълим тизими каби ташкилланиши зарур эканлиги. |
| 4. | Нима сабабдан хозирда мутахассисдан мустақил таълим олиш, ўз малакасини мустақил оптириб бориш кўниумаси шаклланган булиши талаб қилинмоқда? | 1  | Барча соҳаларда ракобатнинг кучайганлиги  |
|    |  | 2  | Ахборотларни тезкор суръатда кўпайиб бориши, янгиланиши   |
|    |  | 3  | Глобаллашув жараённи мутахассисга турли мамлакатларга карашли корхоналарда ишлаш имкониятини берётганлиги                                 |
|    |  | 4  | Мутахассисларнинг таълимга бўлган мотивациясини тобора кучайиб бораётганлиги  |
| 5. | Анъанавий таълимга асосланган педагогик жараёнда шахсда кайси сифатларни шакллантириш айниқса қийин?   | 1  | Мустақил тафаккур, ижодкорлик   |
|    |  | 2  | Мустаҳкам билим, кўниум   |
|    |  | 3  | Мутаҳкам хотира, масъулият  |
|    |  | 4  | Касбий билимлар, интизом  |

4.4-жадгалинг давоми

|     |   |   |
|-----|---|---|
| 6.  | Таҳсил олувчи-нинг таълим жараени субъектига айланиши нимани ангалатди?   | 1 Укувчининг уқитувчига айланишини<br>2 Укувчининг мустақил таълим олишини.<br>3 Укувчи таълим жараёнининг тенг хуқуқли, фаол катнашчисига айланишини.<br>4 Укувчилар ўз-узини назорат килишини   |
| 7.  | “Технологик жараён” таърифи кайси жавобда тўғри берилган?   | 1 Энг замонавий техник жиҳозлар кулланиладиган мураккаб жараён<br>2 Замон талабаларига жавоб бера оладиган, замонавий техникида самарали иштрай оладиган мутахассислар катнашадиган жараён<br>3 Мухандис-технологлар томонидан лойиҳалаштирилган, техник жиҳозлар воситасида амалга ошириладиган жараён<br>4 Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хомашёни ташлашдан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган даврни ўз ичига олган жараён |
| 9.  | “Таълим технологияси” назарияси ривожланишининг кайси босқичида у “усул ва воситалар йигиндиси” (педагогик техника) маъносини англатар эди? | 1 XX асрнинг 30-йиллари<br>2 XX асрнинг 50-йиллари<br>3 XX асрнинг 60-йиллари<br>4 XX асрнинг 80-йиллари  |
| 10. | “Мажму”ни “мажмуа”дан фарқловчи асосий жиҳат.   | 1 Таркибий кисмларининг узаро функционал алоқалорликда эканлиги<br>2 Таркибий кисмлари тизимли жойлашгани<br>3 Таркибий кисмлари уртасида хеч қандай алоқаларнинг йўклиги<br>4 Таркибий кисмлари уртасида куп тармоқли боғланишларнинг мавжудлиги   |
| 11. | Таълим – тарбия тизимига мажмуйи ёндашиб, унинг сифатларини аникланг  | 1 Тартибли, тезликка эга, икки қарама-қарши, тизимли, марказалашмаган<br>2 Тизимли, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, кўп погонали, марказлашган, имманент, мураккаб<br>3 Вариатив, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тизимли, тургун, мураккаб, тикланувчи, кўп погонали, марказлашган, имманент,  |

**4.4-жадвалнинг давоми**

|   |  |   |   |
|---|--|---|---|
|   |  | 4 | Тизимлашган, ёник типдаги, тугалланган, мураккаб, минимал, имманент, кадрли, тулик, кўп погонали  |
| 12. Синергетиканинг асосий тамойиллари қайси жавобда тўгри кўрсатилган? |  | 1 | Погонадорлик, бир бутунлик, мажмуйй қисмларининг ўз погонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа погонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши           |
|   |  | 2 | Муҳимлик, погонадорлик, бир бутунлик, мажмуйй қисмларининг ўз погонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа погонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши |
|   |  | 3 | Нисбийлик, бир бутунлик, мажмуйй қисмларининг ўз погонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа погонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши              |
|   |  | 4 | Кафолатланганлик, мажмуйй қисмларининг ўз погонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа погонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши, погонадорлик       |

**Кичик модулларнинг ўкув машғулоти тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар**

**4.5-жадвал**

|                                 |  |
|---------------------------------|--|
| Ўкув машғулотининг шакли        | Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза  |
| Ўкув машғулотининг тури ва типи | Аралаш дарс; эгалланган билимни қуниумага айлантириш   |
| Қўлланиладиган усул ва услублар | Тушунтириш; айтиб бериш; илюстрация; ФСМУ; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест |
| Таълим воситалари               | PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЭТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар)      |
| Таълим шакллари                 | Якка ҳолда, жамоавий, оммавий  |
| Ўқитиш шароитлари               | Мультимедиа воситалари билан жихозланган аудитория   |
| Мониторинг ва баҳолаш           | ФСМУ усули бўйича ёзма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест           |

**Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган  
ахборот технологиялари ва дидактик материаллар ҳамда  
фаолият мазмуни**

**4.6-жадвал**

| <b>Ўқитишининг техник воситалари</b>  | <b>Дидактик материаллар</b>  |
|---|--|
| Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модуллар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади. | Педагогик технологияга оид дарсликлар, услугий қўлланмалар ва курсагали куроллар |

4.7. “Математика ўқитишда замонавий педагогик технология, педагогик технология моҳияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамоиллари” мавзусининг мазмуни ва ўкув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн СЦЕНАРИЙСИ [26] да берилган.

**Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар:**[4, 16, 17, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 36, 37, 39, 40, 41, 42, 45, 47, 48, 53, 57, 58, 59].

## **8.2-МАВЗУ. МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Кичик модуллар:**

1. Ахборот-коммуникация технологиясининг таълимда қулланилиши.
2. Ахборот таълим технологияларидан фойдаланиш методикасининг хусусиятлари.
3. Масофавий таълим технологияси хусусиятлари
4. Масофавий таълим технологияси курсларининг ташкилий жиҳатлари.
5. Видеокомпьютерли уқитиш технологиялари таълим самара-дорлигини ошириш воситаси сифатида
6. «Математика ўқитишда замонавий ахборот технологиялари» мавзусининг лойиҳалари.

### **1. Ахборот-коммуникация технологиясининг таълимда қулланилиши**

Ахборот таълим воситалари тараққиётини қуидаги 5 босқичга ажратиш мумкин:

1. Китоб яратилишигача қадар қулланилган ёзув;
2. Босма ахборот даври;
3. Таълимнинг техник воситалари;
4. Компьютер даври;
5. Глобал компьютер тармоқлари даври.

Китоблар чоп этила бошланган даврни (1455-й.) *биринчи ахборот инқилоби* деб аташади. XX аср эса техник ва ахборот воситалар ва уларнинг таълимда қулланилиши билан боғлик бўлган буюк капифиётлар асри бўлди. Фотография, кинематограф, радио, овозни магнитли ёзим, телевидение, видеомагнитофон каби воситаларнинг ихтиро қилиниши таълим жараёнига янгидан-янги имкониятларни олиб кирди.

XX асрнинг 50-60 йилларида таълимда тасвирни проекция қилиб беришга қодир аппаратлар, слайдлар, эпипроекторлар, ўкув кинофильмлари, ўкув телекўрсатувлар, автоматлаптирилган (электромеханик) назорат мосламалари (электромеханик), линга-

фон кабинетлар, видеомагнитофон каби ускуналар құлланила бошлади.

*Иккінчи ахборот инқилоби* 1976-йилда персонал компьютернинг яратилиши билан бөглиқ. Компьютернинг ихтиро қилиниши маданий ривожланиш жараёнига китоб ихтиросидан сүңг вужудга келган үзгаришлар билан тенг келадиган инқилобий үзгаришларни көлтириб чықарди. Ахборот ҳажми ва узатилиш тезлиги минг маротаба күтарилди. Инсоният янги, ахборот даврига қадам босди. Компьютер жамият, ишлаб чықаришнинг барча соҳалариға жадал кириб келди.

Глобал тармоқлар ва Интернетнинг кашф қилиниши учинчи *ахборот инқилоби* булди. Олимлар фикри бүйича ҳозир инсоният жамиятнинг индустрисал туридан ахборотли турига үтиш даврида турибди. Бугунги кунда бутун дунё алоқа тизимлари билан қуршаб олинган. Шу сабабли ёшларнинг ахборот технологияларни билиши, ахборот маданиятини згаллаши мухимдир. Ахборотта бўлган эҳтиёжнинг үсиши янгидан янги ахборот технологияларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Компьютер коммуникациялари үз ичига бир неча шаклларни олади:

- электрон почта;
- электрон конференция алоқаси (форум);
- видео-конференция алоқаси;
- интернет.

Телекоммуникация воситалари талаба ва үқитувчиларга катта имкониятларни яратади. Ҳар қандай ҳажмдаги ва турдаги ахборотни ҳар қайси жойга үша захотиёқ юбориш ва қабул қилиш; интерфаоллик ва қайтувчан алоқа; турли ахборот манбаларига кириш имконияти; ҳамкорликда телекоммуникацион лойихаларни амалга ошириш; электрон конференциялар орқали ҳар қандай қизиқтирган саволни бериш.

## Ахборот таълим технологиялари (ATT)

ўқув-услубий  
материаллар

ахборот ва алоқа  
технологиялари

### АТТ ларнинг кулланилиши натижасида:

Зарурый маълумотларни мустақил излаб топа оладиган, уларни таҳлил кила оладиган, таҳмин кила оладиган, моделлар яратса оладиган, тажриба ўтказса оладиган, хуроса чиқариш, мураккаб вазиятларда қарор қабул кила оладиган инсон шаклланади.

ўқув-тарбия жараёни жадаллашади; таълим санарадорлиги ва сифати ошади; таҳсил олувчида таълимга бўлган интилишни кучайтирувчи ва унинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи рағбатлар (стимуллар)и таъминланади; ахборотларни қайта ишилашда кулланадигая замонавий воситалар (шу жумладан аудиовизуал воситалар)ни кўллаш орқали фанлараро багланашлар кучайтирилади.

Фанларни ўқитишида АТТдан куйидаги даражаларда фойдаланилади:

хар хил тоифадаги таҳсил олувчиларни ўқитишида компютердан фойдаланиш;  
барча фанларни ўқитишда компютердан фойдаланиш;  
реал амалий масалаларни ечишда компютердан фойдаланиш;  
таълим жараёнида компьютер ўкув дастурлари, мультимедиа материаллари, мустақил таълим, тренинг, назорат дастурларидан фойдаланиш.

Компьютер ўкув фаолияти бошқарувини такомияллаштиришга ёрдам беради. Бунда компьютернинг интерактивлик фаолияти куйидагича намоён бўлади: *таҳсил олувчи ўзи* компьютерли ёрдам шаклини, яъни, маълумотларни тақдим этиш шакли, усулини – танлаши мумкин – таълим жараёнини ўзи бошқариши мумкин.

Сўнгти тадқиқотларнинг таъкидлашicha, инсон хотирасида эшилган маълумотларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми, кўриш орқали қабул қилган маълумотларнинг  $\frac{1}{3}$  қисми, бир пайтнинг ўзида кўриш ва эшитиш орқали қабул қилинган маълумотларнинг  $\frac{1}{2}$  қисми, юкорида санаб ўтилганлардан ташқари агарда таҳсил олувчи таълим жараёнига фаол киришган бўлса,  $\frac{3}{4}$  қисми қолар экан. Демак таълим жараёнида компьютерни қўллаш ушбу жараён самарадорлигини оширади.

Ўқитувчининг бошқариш-ўқитиш фаолияти қўйидагилардан иборат:

компьютер воситаларини қўллашнинг умумий стратегик режасини ишлаб чиқиш (узоқ муддатли педагогик жараённи мақсадлаш, режалаштириш). Бу босқичда ўқитувчи дидактик модуллар ва блокларни танлайди, тузади.

маъзуй тақтик режалаштириш;

компьютерни алоҳида ўкув машғулотларида қўллашни режалаштириш (назарий машғулот, амалиёт ва ҳоказо);

машғулот вақтида таҳсил олувчиларнинг таълимий фаолиятини бошқариш, анъанавий ва компьютер воситаларини ўзаро боғлаб қўллашни амалга ошириш;

таҳсил олувчилар билан шахсий мулоқот (сухбат, маслаҳат, тарбиявий таъсир).

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ўқитувчи қўйидагиларни эътиборга олиши шарт:

қўшимча ахборот компьютер воситалари аниқ услубий вазифани бажарипни керак бўлсагина уларни қўллаш керак;

ахборот технологияларни педагогик технологиялар билан биргаликда қўллаш;

ахборот коммуникатив воситаларни қўллашда таҳсил олувчилар саломатлигини сақлашга эътибор бериш керак;

таҳсил олувчига берилаётган маълумотларни чекламаслик – таҳсил олувчи қанча маълумотни ўзлаштира олса, барчасини унга тақдим этиш лозим;

компьютер одамнинг имкониятларини кўп маротаба кучайтириши мумкин бўлсада, унинг ўрнини боса олмайди.

Таълимнинг дастурий воситалари деб, ўзида маълум фан соҳасини акс эттирган, маълум даражада уни ўрганиш технологияси амалга оширилган, ўкув фаолиятининг хар хил

турларини амалга ошириш учун зарурый шартлар таъминланган компьютер маҳсулотларига айтилади.

Ўқув фанларининг дастурий таъминоти турлима-турлидир: *электрон дарсликлар, тренажёр-дастурлар, конструкторлар, лугатлар, мультимедиа, энциклопедиялар, хрестоматиялар, ўқиши учун китоблар, музейлар, экскурсиялар, саёҳатлар, ўйинлар, ўқитувчи учун услугубий материаллар, видеодарслар, электрон кўргазма куроллар кутубхонаси ва бошқалар*.

Масалан, тил ва алабиёт фанлари учун тренажёр-дастурлар – диктант, машқ, баён, ишю (компьютер ҳатоларни текширади).

**Математика.** Формула ва ҳисоб-китоблар электрон жавалларда. Турли мавзулар бўйича ўқитадиган дастурлар - “Жонли геометрия”, дастурий-услубий мажмуалар.

Бундай дастурларда ўрганилаётган объектлар ҳақида фазовий тасаввур муҳим бўлган геометрия, химия, физика, биология фанларини ўқитиш янгича тамойилларга асосланган.

**Чет тиллари.** Чет тилини ўрганиш бўйича интерактив курслар, лексик ўйинлар, мультимедиа тренажёрлар, электрон дарсликлар.

**Физика ва астрономия.** Тажрибалар натижаларини электрон жадвалларда қайта ишлаш. Турли мавзулардан ўргатувчи ва моделлаштирувчи дастурлар (“Жонли физика”, “Физик эксперимент”, “Интерактив планетарий” ва бошқалар).

## 2. Аҳборот таълим технологияларидан фойдаланиш услугубиётининг хусусиятлари

Компьютернинг таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциациялаштириш хусусиятлари асосида билим олиш технологиясининг ўзгариши педагогик жараёнда ўқитувчи ролини тубдан ўзгаришини келтириб чиқаради. Бунда ўқитувчи ёрдамчи, маслаҳатчи, навигатор (йўналтирувчи) вазифасини бажаради. “Билим бериш” шиори “Ўқишига ўргатиш” шиорига ўзгартирилади.

Компьютер воситаларини *интерактив* деб белгиланиши сабаби, улар таҳсил олувчи ёки ўқитувчи харакатларига “жавоб беришлари”, улар билан “диалогта киришишлари” мумкин.

**Таълимнинг гуруҳий шакллари** Индивидуал шаклларнинг ривожланишидан ташқари компьютер воситасида ҳамкорликда ўқиши шакллари ҳам таълимга кириб келмоқда. Келажакда маҳсус

компьютер тармоқларининг яратилиши ҳар хил ўкув муассасалари, ҳаттаки регионлари таҳсил олувчиларга ҳамкорликда ишлашга имконият яратади.

*Ахборотни тақдим этиши.* Компьютер ахборотни тақдим этиш имкониятларини кенгайтиради. Мультимедиадан фойдаланиш кургазмаларни реалликка яқинлаштира олади.

*Компьютерда модельлаштириш* (тажриба ўтказиш) табиий бөгланишларни чукур англаш ва дунёнинг табиий-илмий тасвирини шакллантириш учун айниқса аҳамиятлидир. Компьютер дастури маълум бир тизимни ифодалаши, таҳсия олувчи эса ушбу тизимга турли таъсирларни амалга ошириб, улар келтириб чиқарган натижаларни урганиб чиқиши мумкин.

*Мультимедиа.* Замонавий дастурий таълим воситалари мультимедиалидир. У анимация, овоз, видеотасвир билан таъминланган дастурлар билан ишлашга имкон яратади. Мультимедиа кўланилганда инсоннинг бир неча хис органларига таъсир амалга оширилади. Анимация (лот. alīta - рух) – расмларни машина графикаси ёрдамида “жонлантириш” маъносини англатади.

### **Мультимедиа воситалари ёрдамида ўтказиладиган интерфаол маъruzаларни ташкиллаш услубиётни**

Ўқитувчининг изохлари билан биргаликда қабул қилинаётган видеомаълумот ёки анимация талабалар диққатини фаоллаптиради. Таълим қизиқарли ва эмоционал бўлиб боради, талабаларда эстетик қониқиши пайдо бўлади. Ўқитувчи ўз ўрнида маърузанинг энг мураккаб жойларига кўпроқ тўхталиб, вактдан оқилона фойдаланади.

Ўқитувчи маърузага тайёрланиш жараённида «PowerPoint» ёрдамида зарурий микдорда слайдлар тайёрлайди. Маъруза мазмунини етказиш жараённида ўқитувчи слайдларни тасвир сифатида намойиш қиласди. Бу ўкув материалини ўзлаштириш сифатини оширади.

*Компьютерли дарс* – дарс жараённида таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланилган ҳар қандай дарс.

*Янги материални ўрганиш* (тушунтираш). Ўқитувчи таълим жараёнини бошкаради, йўналтиради, ташкиллайди. Янги маълумотни ўқитувчи таҳсил олувчиларга компьютер ёрдамида етказади ёки улар янги маълумотларни компьютердан мустакил

оладилар. Бу босқичда гурхий (фронтал) ташкилланади (компьютерли ёки компьютерсиз).

**Мустаҳкамлаш.** Таълим жараёнида компьютерни кўллаш мустаҳкамлаш индивидуал ёки табақалаштирилган дастурни кўллашга имконият яратади. Бунда синф маълум жиҳатларига кўра гурӯҳларга ажратилади ва ҳар бир гурӯҳ ўз варианти бўйича иш олиб боради.

**Такрорлашда билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш учун компьютернинг график имкониятлари, тренажёр-дастурлар кўлланилади.**

**Билимларни назорат қилиш.** Компьютер назорати қатор афзалликларга эга:

- назоратнинг индивидуаллашуви (вакти, мураккаблик даражаси бўйича);
- баҳонинг объективлиги ошади;
- таҳсил олувчи бажарган вазифаларда ўзи томонидан йўл кўйилган хато, камчиликларни аниқ кўра олади;
- баҳоланиш машгулот якунида эмас, балки ҳар бир босқичда, топшириқ бажарилганидан сўнг кўйилиб боради;
- баҳолашга минимал вақт сарфланади.

### 3. МТ технологияси хусусиятлари

Масофавий таълим бу масофадан туриб ўқитиш бўлиб, бунда ўқитувчи ва талаба ўртасида масофа мавжуд. Масофавий таълимнинг асосий жиҳати бу талabalарга мустақил билим олиш имкониятини берилишидир.

Масофавий таълим (МТ) бу машгулотлар матни эмас, балки ўз ичига тизимлардан ахборот излаш, ўзаро хатлар ёзиш, маълумотлар базаларига, матбуотга мурожаат қилишни ўз ичига олган яхлит жараёндир. МТ можиятан индивидуал таълимга асосланган булишига қарамай, талабани ўқитувчи ва бошқа талabalар билан боғланишини, ҳамкорликда фаолият олиб боришини инкор қилмаслиги зарур.

Видео- ва телевизион маъruzалар, “юмалоқ стол”лар, компьютерли видео- ва матнли конференцияларнинг ўтказилиши, ўқитувчидан тез-тез маслаҳатлар олиб туриш имконияти бўлганлиги ўқитувчи ва талabalар ўртасидаги ҳамкорликни янада

интенсивлаштиришга олиб келади. Бу ҳаттоти электрон семинар ва ишбилиармон ўйинлари ўтказишни ҳам назарда тутади.

Интернетнинг қуйидаги жиҳатлари уни масофавий таълимда самарали қўлланилишини белгилаб беради:

ахборот узатиш, ахборотларга ўзгартиришлар киритиш жиҳатлари;

интернетдан олинган ахборотни саклаш, чоп этиш, унга ўзгартиришлар киритиш имконияти борлиги;

мультимедиали ахборот ва тезкор қайтувчан алоқа ёрдамида интерфаолликният таъминланиши;

турли маълумотлар банкига кириш мумкинлиги;

электрон конференциялар, аудиоконференция ва видеоконференциялар ўтказиш имконияти;

интернетга уланган ҳар қандай бошқа инсон билан диалогга киришиш имконияти борлиги;

электрон конференциялар орқали ҳар қандай саволга жавоб сўраш имконияти борлиги;

олинган ахборотларни дискетага олиш ва керакли вактда ва жойда ушбу ахборотларни ишлатиш мумкинлиги.

Интернет ахборотни оммалаштиришида вакт, масофа, пул билан боғлиқ бўлган тусиқларни пасайтиришга олиб келди. Албатта, бу таълим учун катта аҳамият касб этади.

#### 4. МТ технологияси курсларининг ташкилни жиҳатлари

МТнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўкув материални тўтри ташкилланганлигига боғлиқ. Ўкув материали ўқитувчи ва талабалар, ҳамда талабалараро ҳамкорлик қандай ташкилланишидан келиб чиқиб тузилади. Агар ўкув курси мустақил таълимга мўяжалланган бўлса, унда ўкув материали бир кўринишида, таълим ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигига ташкилланишига асосланса, бошқа кўринишида бўлади.

Ҳамкорлик, биргаликдаги фаолият ҳакида сўз юритилганида бундай курслар қатор талабларга жавоб бериши керак, бу талаблар телекоммуникацион тизими шароитида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсириининг хусусиятларидан келиб чиқали:

- умумдидактик талаблар;
- ахборотни экрандан қабул қилишнинг психологик хусусиятлари;

– эргономика талаблари ва бошқалар.

Табиийки, биринчи ўринда дидактик ва билиш мақсадларидан келиб чиқилади. Иккинчидан, таълим оловчилар хусусиятлари инобатта олиниши даркор.

МТ самарадорлиги ўқув материаллари ва ушбу жараёнда қатнашаётган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Ҳар қандай масофавий ўқитишнинг самарадорлиги тўртта элементдан иборат:

а) ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорлигининг самарали ташкилланиши (уларнинг ўртасида катта масофа бўлса ҳам);

б) қўлланиладиган педагогик технологиялар;

в) услубий материаллар ва уларнинг етказилиши самарали ташкилланганлиги;

г) қайтувчан алоқанинг самарадорлиги.

Замонавий масофавий курсни ташкиллашда зътиборга олиши зарур бўлган педагогик талаблар:

1. Таълим жараёни марказида талабанинг мустақил ўқув фаолияти турди (ўқитиш эмас – уқиш фаолияти).

2. Талаба турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олишини ўрганиши мухим.

3. Мустақил таълим олиш пассив характерда бўлмасдан, аксинча, таҳсил оловчи жараённинг дастлабки босқичиданоқ фаол билиш жараёнига жалб қилинган бўлиши шарт.

4. Мустақил таълимнинг ташкилланиши таълимнинг ушбу шаклига мос келувчи замонавий педагогик технологияларни қўллашни талаб этади. Бунда айниқса самарали қўлланиладиган технологиялар деб ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳавий таълим, муаммоли таълимларни курсатиш мумкин.

5. Назорат мунтазам равишда ўтказилиб туриши ва тезкор қайтувчан алоқага асосланиши даркор.

Лекин Интернетда маълумотларнинг ниҳоятда қўплиги, уларни умумий тузилмага эга эмаслиги, ахборот излашни кийинлаштиради. Бундан ташқари Интернетда талаба дикқати бошка қизиқарли нарсаларга тез чалғыйди ва назоратсиз фаолият олиб бораётган талаба умуман ўқув курсига тааллуқли бўлмаган ахборотларга ўтиб кетади.

Бугунги кунда МТ курсининг куйидаги тузилмаси кенг қўлланилади:

- курс муаллифи ва тьютор исмлари ва расмлар (бу аудио- ёки видео ролик ҳам булиши мумкин), уларнинг биографиялари ва асосий илмий ишлари рўйхати;
- кириш (курс ҳақида маълумот: кимлар учун мулжалланган, ўзлаштириш учун зарурый шароитлар, жадвал, курс мақсад ва вазифалари, курсни аннотацияси, курсни ташкилий жиҳатлари, зарурый адабиётлар, таълим тартиби, бошқа фанлар билан боғлиқлиги);
- калит сўзлар ажратиб ёзилган, тасвирили модуллар кўринишида бўлган асосий матн;

анкеталар пакети, маълумотномалар; мониторинг блоки; янгиликлар, зълонлар доскаси; алоқа учун манзиллар рўйхати; тестлар; форум; электрон кутубхоналар; FAQ (кўп учрайдиган саволлар); назорат тизими.

МТнинг самарадорлигини аниглаш учун куйидаги мезонлар зътиборга олинади: таҳсил оловчиларнинг МТ хақида субъектив фикрлари; таҳсил оловчиларда шакллалтирилган малакалар даражаси; таълим олиш учун сарфланадиган вақт; курсни ўқишини бошлаган таҳсил оловчилар ва уни якунлаган таҳсил оловчилар сони ва бошқалар.

Интернет орқали ўқишининг камчиликларидан бири – Интернетта бир вақтда уланган одамлар сони қанчалик кўп бўлса, ундаги боғланиш сифати шунчалик ёмонлашади.

Ўз ечимини кутаётган яна бир масала бу МТни янада интерфаол бўлиши зарурлигидир. Ўқитувчи ва талаба, талабалараро боғланишнинг бир неча шакллари бўлсада, улардан фойдаланишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Ҳозирги кунда МТни “виртуал (хаёлдаги) синфда ўқитишга” яқинлаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.

## **5. Видеокомпьютерли ўқитиш технологиялари таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида**

Ҳозирги кун таълим жараёнида фаолият юритувчи педагог ходимларни олий таълим муассасаларида тайёрлаш жараёнида уларга дидактик материаллар, улардан фойдаланиш йўллари тўғрисида етарли даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантирмасдан туриб замон талаблари даражасидаги мутахассисларни тайёрлашга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам булажак педагогларда дидактик материалларнинг таркибий қисми бўлган дидактик воситалар, уларнинг турлари, имкониятлари ва

таълим жараёнида фойдаланиш кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга эришиш муҳим ҳисобланади. Буларга эришиш учун кўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Дидактик материалларнинг турлари билан танишиб чиқиш;  
ушбу материалларнинг дидактик имкониятларини аниқлаш;

уларни тайёрлаш ва таълим жараёнида фойдалана олишини ўрганиш;

дидактик материаллардан фойдаланишда кўлланиладиган воситаларнинг турлари, ишлаш тамоиллари ва уларнинг тузилишини билиш;

улардан тўғри ва ўринли фойдаланишни билиш;

уларнинг дидактик имкониятларини аниқлай олишини билиши;

дидактик воситалардан тузилган мажмуалар билан танишиш ва уларнинг дидактик имкониятларини таҳлил қила олиш;

машғулот учун мажмуа тузишни ўрганиш ҳ.к.

Юқоридагилардан кўринадики, ўқитишининг дидактик воситалари бўлгуси ўқитувчиларни келгусидаги касбий фаолияти жараёнида зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар билан куроллантиради.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида кенг тарқалган таълим технологияларидан бири бу - Видеокомпьютерли ўқитиш технологияси бўлиб, ундан тўғри фойдалана олиш таълим мақсадларига эришишни кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

Видеокомпьютерли ўқитиш технологияси бўлгуси педагогларда фаол билиш, олган билимларни янада чукурлаштириш, келгусида ўз педагогик фаолияти жараёнида самарали касбий фаолият юритишига хизмат қилувчи таълим технологияси бўлиб, у ўқув ахборотларини вербал ва тасаввурли шаклларини бир вақтда намойиш этиш ҳамда таълим мақсадларига эришиш имкониятларини олдиндан кафолатлаш имкониятларини яратувчи таълим технологияси ҳисобланади. Мазкур таълим технологияси ўзида “анъанавий” ва янги технологияларни мужассамлаштирган янги педагогик технология ҳисобланади.

Аммо видеокомпьютерли ўқитиш технологиясидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда айrim камчиликлар мавжуд бўлиб, таълим жараёни ташкил этишда уларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Мазкур камчиликлар қуидагиларни ўз ичига олади:**

Видеокомпьютерли ўқитиш технологияси ёрдамида уқитилганды талабаларнинг коммуникатив фаолият курсатиш имкониятлари чегараланиб қолади;

Муаммоли ўқитишнинг асосий омилларидан бири бўлган эвристик аспект йўқка чиқади (Таълимда эвристик ёндашув – бу талабаларда уларга олдиндан маълум бўлган маълумотларга нисбатан шахсий тажрибаси асосида янги гояларни тузиш ва уни ҳал этиш жараёни тушунилади);

Талабалар компьютер билан ишлаганда ўқитувчининг роли пасайиб, у расмий кўнималарга тузатишлар киритиш ва назорат қилиш билан чегараланиб қолишига олиб келади;

Маълумки, компьютерли ўқитишда образ бўлмайди. Бу ўқитишнинг эмоционал-мотивацион аспектининг сусайишига олиб келади ва ҳ.к.

Юкорида келтирилган камчиликларни бартараф этишининг энг асосий омилларидан бири – компьютерли ўқитишда ведноматериаллардан самарали фойдаланиш кузланган мақсадга эришишда мухим ҳисобланади ва бундай ўқитиш талабаларнинг мустақил билим олишга бўлган интилишларини рағбатлантиради.

Ведиокомпьютерли ўқитишда қуидаги воситалар мажмаусидан фойдаланилади:

1. Компьютерлар билан жиҳозланган ўкув хонаси.
2. Телевизор.
3. Ведиомагнитафон.
4. Ведиокамера.

5. Ўқитувчи ва талабалар учун олдиндан ишлаб чиқилган услубий ишланмалар (компьютер, видеомагнитафон, видеокамера ва телевизордан фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар, уларнинг техниковий тафсилотлари ва ҳ.к.).

Булар биргаликда Видеокомпьютерли воситалар мажмуаси деб юритилади.

Видеокомпьютерли воситалар мажмуасидан таълим жараёнини ташкил этишда тўгри ва уринли фойдаланишга эришишда қуидагиларга эътиборни каратиш мақсадга мувофик ҳисобланади:

Талабаларнинг компьютер технологиялари буйича бошлангич назарий ва амалий тайёргарлиги;

аудиовизуал ахборотларни тұпуниб етиш ва үзлаштиришдаги психологияк-физиологик имкониятлари;

ахборотларни тасаввур этишнинг вербал ва тасвирий шаклларини тұғри бирлаштира олиш малакаларни қай даражада шаклланғанлиги кабиларга боғылған болады.

## 6. «Математика үқитиши замонавий ахборот технологиялари» мавзусининг лойиҳалари

### Модулниң умумий мақсады

6.1-жадвал

Талабаларга үкув жараёнини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкиллаштириш хусусиятларини, таълим жараёнинде ахборот технологияларининг үрнини тұғри бақолаб бера олишни ва масофадан туриб таълим жараёнини амалга оширишини ташкиллаштириш ҳакида батағсил маълумот бериш шунингдек, замонавий технологияларга восита сифатида ёндаптунни шаклланғандағы инсон тафаккури, шахсан үз тафаккури кучига ишончни ва ахборотлар устида самарали ишлеш күнінмасини ривожлантириш

### Кичик модуллар номлари на мақсадлари

6.2-жадвал

| Т/р | Кичик модуллар номи  | Кичик модулларнинг мақсады   |
|-----|--|--|
| 1.  | Ахборот-коммуникация технологиясининг таълимда күлланилиши             | Талабаларга таълимда ахборот-коммуникация технологиясининг күлланилиш тарихини, ахборот таълим воситалари ичида компьютер таълим воситасининг үрнини, таълим жараёнинде ахборот таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланишининг таълим жараёнига бүлгән тәсисини, бунда таҳсил олувчиларда шаклланадиган сипатларни түшүнтириш |
| 2   | Ахборот таълим технологияларидан фойдаланиш услугбюдінинг хусусиятлари | Талабаларга “Ахборот таълим технологиялари” атамаси, фанларни үқитиши АТТларнинг күлланилиш мақсадлари, компьютерни күллашда таълим жараёны бөшкарувиштегі үзгаришларни, ушбу технологияларни күллашта оид мисоплар көлтира олишни ва ахборот таълим технологияларининг ютуқ ва камчиликларини тұғри күрсаты билишни үргатиш.        |

## 6.2-жадвалнинг давоми

|    |  |   |
|----|--|---|
| 3. | <b>Талаба мустакил таълимини ташкил этишининг хусусиятлари</b> | Талабаларга МТТ жараёнини ташкиллашниң хусусиятларини, унга кўйиладиган педагогик талаблар мазмунини, МТДа Ўзбекистон, электрон ахборот воситалардан фойдаланишинг ўзига хос жиҳатларини кўрсата олишни ўргатиш.  |
| 4  | <b>Талаба мустакил таълимини ташкилий жиҳатлари</b>            | Талабаларга МТТ курсларининг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларини, МТТ курсларининг самарадорлигини таъминловчи шартларни, МТТ самарадорлиги мезонларини, МТТ ютукли томонлари ва камчиликлари нуткан назардан тўғри таҳлил кила олишни ва ўз мутахассислиги бўйича МТТ курси модули лойиҳасини тузишни ва МТТнинг келажакдаги ривожи ҳақида асосланган таҳмин кила олишни ўргатиш. |

## Таянч тушунчалари ва улар асосида тузилган назорат саволлари

### 6.3-жадвал

| Т/р   | <b>Таянч тушунчалар</b>  | <b>Назорат саволлари</b>  |
|---|--|---|
| <b>Ахборот таълим воситаларининг таълимда кўлланилиши</b> |  |   |
| 1.  | Aхборот,<br>“Ахборот таълим технологиялари”<br>(АТТ),<br>Компьютерли бошқариш                  | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ахборолар соҳасидаги инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарган ихтиrolарни санаб беринг</li> <li>2. АТТдан фойдаланиш натижасида таълим жараёнидаги ўзгаришларни санаб беринг</li> <li>3. Таълим жараёнида АТТни кўллаш даражаларини санаб беринг</li> <li>4. Компьютерли ўқитишида таълимни бошқаришнинг ўзига хослиги нимада?</li> </ol>               |
| 2.  | АТТлардаги ўқитишиш фаолияти,<br>АТТларни кўллашга талаблар,<br>таълимнинг дастурий воситалари | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. АТТлар кўлланилган таълим жараёnda ўқитувчининг бошқариш-ўқитишиш фаолияти нималардан иборат?</li> <li>2. Таълим жараёнида АТТларни кўллашга кўйиладиган талабларни санаб беринг ва асосланг.</li> <li>3. “Таълимнинг дастурий воситалари” тушунчаси таърифини айтиб беринг.</li> <li>4. Таълимнинг дастурий воситаларига мисоллар келтиринг</li> </ol> |

### 6.3-жадвалнинг давоми

|    |   |  |
|----|---|--|
| 3. | <p><b>Масоғавий таълим (МТТ)</b><br/>МТТ да Интернет, электрон ахборот</p>                    | <p>1. "Масоғавий таълим" тушунчаси таърифини айтиб беринг. МТТнинг асосий ўзига хос жиҳати нима?</p> <p>2. МТТ да Интернетнинг кайси хусусиятларидан фойдаланилади?</p> <p>3. МТТ да таълим мазмунининг ташкилланиши кандай аҳамият касб этади? Уни ташкиллаштиришда нималарни ўтиборга олиш талаб килинади?</p>   |
| 4. | <p><b>МТТ самарадор омиллари, МТТни самарадорлик мезонлари, Интернетта асосланган МТТ</b></p> | <p>1. МТТ самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар нима? МТТни педагогик талабларни санаб беринг ва уларга изоҳ беринг</p> <p>2. МТТни самарадорлиги мезонларини санаб беринг ва асосланг. Уз мутахассислигингиз бўйича МТТ курси модули лойиҳасини ишлаб чикинг ва тақдим этинг</p> <p>3. Интернетта асосланган МТТнинг ютуқли томонлари ва камчиликларини айтиб беринг. МТТнинг келажакда ривожланиши ҳақида таҳмин килинг</p> |

### Назорат саволлари асосида тузилган тест

### 6.4-жадвал

| Т/р | Саволлар  | Мумкин булған жавоблар  |  |
|-----|---|---|--|
| 1.  | <p>ХХ асрнинг 50-60 йилларида таҳсил олувчиликарнинг турли фанлар бўйича БКМсини назорат килишини осонлаштирган техник восита</p> | <p>1 Проектор</p> <p>2 Ўқув кинофильми</p> <p>3 Лингафон кабинет</p> <p>4 Автоматлаштирилган восита</p>   |  |
| 2.  | <p>Глобал компьютер тармоқларининг кириб келиши ахборот соҳасидаги нечанчи инқилобий узгариш деб аталади?</p>                     | <p>1 иккинчи</p> <p>2 тўртинчи</p> <p>3 учинчи</p> <p>4 бешинчи</p>   |  |
| 3.  | <p>"Ахборот таълим технологиялари" тушунчасига түгри таъриф кайси каторда берилган?</p>   | <p>1 Ахборотларни ўқитувчидан ўқувчига узатишга асосланган таълим технологиялари</p> <p>2 Қайтувчан алоқалар самарали ташкилланган педагогик жараён</p> |  |

**6. 4-жадвалнинг даоми**

|    |  |   |  |
|----|--|---|--|
|    |  | 3 | Таҳсил олувчиларга бир вактнинг ўзида кatta ҳажмдаги ахборотларни узатишга кодир техник поситалар                |
| 4. | “Компьютер таълим технологиялари” тушунчасига тўғри таъриф қайси қаторда берилган?                   | 4 | Таълим соҳасида педагогик мақсадларга эришиш учун маҳсус техник ахборот поситаларни кўллончи барча технологиялар |
|    |  | 2 | Барча ахборотларни компьютерда саклаш ва кайта ишлаб чиқиш   |
|    |  | 3 | Электрон дарсликларни яратиш ва кўллаш жараёни   |
|    |  | 4 | Интернет тармоғидан унумли фойдаланишга асосланган таълим технологияси   |
| 5. | Таълим жараёнида АТГни кўллаш орқали таълимни табақалаштиришга қандай эришилади?                     | 1 | Таҳсил олувчилар алоҳида гурӯхларга ажратилиди   |
|    |  | 2 | Таҳсил олувчилар тест синовларини топширадилар   |
|    |  | 3 | Компьютер ўзи таҳсил олувчиларни табақалаштириб чиқади   |
|    |  | 4 | Ҳар хил тоифадаги таҳсил олувчиларга маҳсус дастурнинг ишлаб чиқилиши орқали                                     |
| 6. | Қайси турдаги дастурлар таҳсил олувчиларда кўнижмаларни ривожлантиришга каратилган?                  | 1 | Янги маълумот берувчи дастурлар  |
|    |  | 2 | Назорат дастурлари   |
|    |  | 3 | Барчаси  |
|    |  | 4 | Тренинг дастурлари   |
| 7. | Компьютерли ўқитишда таълимни бошқаришининг ўзига хослиги нимада?                                    | 1 | Таҳсил олувчи ўзи ўз таълимини бошқариши мумкин  |
|    |  | 2 | Таҳсия олувчи ўқитувчи инструкцияси бўйича ишлайди   |
|    |  | 3 | Ўкувчи ўз-ўзини назорат килади   |
|    |  | 4 | Ўқитувчи томонидан қатъий назорат амалга оширилади   |
| 8. | “Ахборот технологияларни педагогик технологиялар билан биргаликда кўллаш” талаби нимани таъминлайди? | 1 | Таълим жараёнини тезроқ кечишини   |
|    |  | 2 | Таълим жараёнини кизисарли булишини  |
|    |  | 3 | Таҳсил олувчиларга индивидуал ёндашувини   |
|    |  | 4 | Таълим жараёнини самарали ташкилланишини   |

**6. 4-жадвалнинг давоми**

|     |   |  |
|-----|---|--|
| 9.  | Кайси турдаги дастурий восита таҳсил олувчиларда лойиҳавий тафаккурни ривожлантира олади? | 1 Конструктор<br>2 Электрон дарслік<br>3 Тренажёр-дастур<br>4 Компьютер уйинлари   |
| 10. | Моделлаштирувчи дастурлар қачон күлланилади?  | 1 Мәлум ҳодисани реаллиқда күзатиш ва урганиш имконияти мавжуд бўлмаса<br>2 Мәлум ҳодисани аудитория шароитида ўрганиб чикиш лозим бўлса<br>3 Таълим жараёни самарадорлигини ошириш зарур бўлса<br>4 1 ва 2 – жавоблар тўғри   |
| 11. | Компьютер воситаларининг интерактивлиги деб нимага айтилади?                              | 1 Компьютернинг таҳсил олувчи ёки ўқитувчи ҳаракатларига “жавоб беришлари”, улар билан “диалогта киришишлари” га<br>2 Таҳсил олувчилар фаоллик даражасининг юкори бўлишига<br>3 Таҳсил олувчилар ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришларига<br>4 Компьютерлар тармокка уланган ҳолда ишлашига   |
| 12. | Таълим жараёнида мультимедиа қандай имкониятларни яратади?                                | 1 Анимация, овоз, видеотасири билан таъминланган дастурлар билан ишлаш<br>2 Видеолавхалар томоша қилиш ва таҳлил утказиш<br>3 Мәълумотларни куптайтириш ва узатиш<br>4 Барча кўрсатилганларни амалга оширишга  |
| 13. | Таълим жараёни натижаларини диагностика қилишда компьютердан қандай фойдаланилади?        | 1 Натижаларни мәълумотлар базасига киритиш, сақлаш<br>2 Таълим жараёни натижаларини ошириб бориш<br>3 Таълим жараёни натижаларини тўлиқ назорат қилиб бориш<br>4 Мониторинг режимини қўллаш, натижаларни сақлаш ва таҳлил қилиш<br>2 Компьютер орқали катта ҳажмдаги материаллар берилган дарс<br>3 Дарс жараёнида таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланилган ҳар қандай дарс |

**6.4-жадвалнинг давоми**

|  |  |   |   |
|--|--|---|---|
|  |  | 4 | Таълим жараёнининг натижаси<br>компьютер ёрдамида аниқланган дарс   |
|  |  | 2 | бошланғич мактаб ўқувчилари - 50<br>дақика, урта босқич синфлари<br>ўқувчилари - 120 дақика, юқори синф<br>ўқувчилари – 200 дақика. |
|  |  | 3 | бошланғич мактаб ўқувчилари - 30<br>дақика, урта босқич синфлари<br>ўқувчилари - 220 дақиқа, юқори синф<br>ўқувчилари – 300 дақика  |
|  |  | 4 | бошланғич мактаб ўқувчилари - 50<br>дақика, урта босқич синфлари<br>ўқувчилари - 220 дақиқа, юқори синф<br>ўқувчилари – 300 дақика  |
|  |  | 2 | таълим олиш учун сарфланадиган<br>маблағ  |
|  |  | 3 | талабаларда шакллантирилган<br>малакалар даражаси   |
|  |  | 4 | таълим олиш учун сарфланадиган<br>вакт  |

**6.5. “Математика ўқитишида замонавий ахборот технологиялари” мавзусининг мазмуни ва ўқув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн СЦЕНАРИЙСИ берилади.**

**Фойдаланиладиган кўшимча адабиётлар:[17, 22, 25, 26, 28, 29, 36, 37, 39, 42, 45, 47, 48, 53, 57, 59].**

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Бутун дунёда, жумладан Республикализнинг иқтисодий-ижтимоий ва бошқа соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар таълим соҳасини янада ривожлантириши тақозо этмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони [42] чиқарилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра таълим самарадорлигини ошириш, замонавий таълим технологияларини кўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, фанларни уқитиш жараёнини педагогик технология, дидактика ва системали ёндашув тамойиллари асосида лойиҳаларини тузишни тақозо этади.

Ушбу ўкув кўлланма юқоридаги устувор назифаларнинг ижроси сифатида «Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналишининг «Математика ўқитиш методикаси» фани ўкув машгулотлари лойиҳалари асосида яратилган янги авлод ўкув адабиёти сифатида рақобатбардош кадрларни тайёрлашга хизмат қиласди. Чунки, педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида яратилган янги авлод ўкув адабиётлари таълим самарадорлигини оширишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда таълим беруви ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда кўлланилган замонавий усуллар, воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашга имконият яратади.

Ушбу ўкув кўлланмани яратишда «Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели» асос қилиб олининб, педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машгулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди ва унда фанларни ўқитишнинг таълимий ва тарбиявий томони билан биргаликда методикасини кучайтирилишига алоҳида зътибор қаратилди.

Том маънода “Математика ўқитиш методикаси” фанини лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди. Бундан эса, педагогик технология тамойиллари асосида математика ўқитиш методикаси ўкув машгулотларни лойиҳалари асосида ўқитиш бўлажак математика ўқитувчисини ундан талаб қилинадиган ва унинг

методик тайёргарлиги, компитенциясини шакллантиришда инновацион компонент сифатида хизмат қиласы.

Юкорида берилган фикрларни барча үқитувчи (педагог)лар яхши үзлаштириб олиб, амалиётта тинмай құллаб борсаларгина жамиятимиз маориғчилар олдига күяётгап ижтимоий буортмани, фахр билан, бажара олишга мұваффақ буладылар.

Үкув қулланма педагогика йұналишидаги олий таълим муассасаларининг «Математика үкитиши методикаси» үкув фани дастури ассоцида ва математика үкитиши методикаси дидактик системаси хисобга олинган ҳолда яратылған булып, таълим йұналиши бакалавриатида таҳсил олаётгап талабалар билан, узлуксиз таълим тизимининг барча бүгінларида фаолият күрсатаётгап үқитувчи, профессор-үқитувчи ва педагоглар жамоваси ҳамда илмий тадқиқотчилар учун зарур мәнба ва шу йұналищдаги янги авлод дарслікларини яратыш буйича методик ёрдам вазифасини үтайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
4. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги «Янгиланган классификаторга мувофиқ ишлаб чиқилган олий таълим йуналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари ва укув режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 387-сонли буйруги билан тасдиқланган 5110100 – «Математика ўқитиш методикаси» таълим йуналиши Давлат таълим стандарти(ДТС).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартағи «Янгиланган классификатор асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва укув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилган намунавий фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда укув адабиётларини нашр этишга рухсат бериш тўғрисида»ги 107-сонли буйруги билан тасдиқланган фан дастурлари.
7. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А., «Case-study» услуги: назария, амалиёти ва тажриба. – Т.: «Тафаккур каноти», 2012. – 134 б.
8. Акмалов А. «Математикани ўқитишда тарихий материаллардан фойдаланиш». Т.: «FAN», 2005. 56 б.
9. Alixopov S. «Matematika o'qitish metodikasi». –Т.: «TAFAKKUR-BO'STONI», 2011. 385 б.

10. Алихонов С., Раевов М. «Математика ўқитиш методикаси». Иқтисод молия. 2010.
11. Александров А.Д. ва бошқалар. 9-10 синфлар учун геометрия: Математика чукур ўрганиладиган мактабларнинг ва синфларнинг ўқувчилари учун. – М., 1984 йил, 6-7 бетлар.
12. Абдуҳамидов А.У., Мусурмонов О.Л., Насимов Х.А. Математика тарихидан лавҳалар. – Т.: ЎМКҲТМ, 200. – 45 б.
13. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумтаълим мактабларида ўқитиш методлари». – Тошкент. «Ўқитувчи», 1990. – 342 б.
14. Бакирова А.Ю., Сайдалиева Ф.Х. «Методика преподавания математики», Тошкент 2008, 300 б.
15. Гайбуллаев Н.Р. Практические занятия как средство повышения эффективности обучения математике. – Т. «Ўқитувчи», 1989. – 243 с.
16. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. «Педагогик технология: замонавий ўзбек миллый модели». – Т.: Lider - Press, 2009.
17. Изетаева Г.К. Математик фанларни модулли технология асосида ўқитишнинг назарияси ва амалиёти. // Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2013. -190 б.
18. Икромов Ж. «Мактаб математика тили». – Т.: «Ўқитувчи», 1977 йил, 195 бет.
19. Колягин Ю.М.. «Математика ўқитиш методикаси», –М., 1980 й, 57-бет.
20. Колягин Ю.М. Методика преподавания математики. Москва. Просвещение. 1977 г. Общая методика.
21. Саранцев Г.И. Гуманизация и гуманитаризация школьного математического образования. //Педагогика. -1999. – №4. – 39-45с.
22. Мавлянов А., Абдалова С., Алламбергенова М. «Ижтимоий-гуманитар фанлар мавзулари ўқув мақсадларини аниқлаштириш ва уларни топширикларга айлантириш». Услубий тавсиянома. – Тошкент, 2013, 100 б.
23. Мирзаев Ч.Э. Ўрта таълим муассасаларида математика ўқитиш муаммолари. маҳсус курси учун замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган ўқув-услубий мажмua. Гулистон, 2010 – 128 б.

24. Мишин В.И. Лекции по методике преподавания математики. –М.: МГПИ. – 1988. – 75 с.
25. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. «Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни». // Монография, –Т., Мумтоз-Сўз, 2010.
26. Тожиев М., Мамадалиев К. Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш. Ўкув қўлланма/ – Т.: «FAN VA TEKNOLOGIYA», 2013. - 160 б.
27. Тўлаганов Т. «Математика ўқитиш методикаси» (маърузалар тўплами), ТДПУ, 2001.
28. Толипов У.К., Усмонбоева М. «Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари». – Т.: Фан, 2006.
29. Юнусова Д.И. «Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари». Тошкент «Фан ва технологиялар», 2011, – 200 б.
30. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари учун математика фанлари дастурлари.
31. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари учун математика фанларидан ўкув адабиётлар.
32. Рогановский Н.М. Методика преподавания математики в средней школе. Минск. 1990 й.
33. Сайдалиева Ф.Х., Эшпулатов Н.О., «Математика ўқитиш методикасидан лаборатория машғулотлари», ТДПУ, 2007 й., 67 б.
34. Остроградский А.Н. Материалы по методике геометрии. – М.:, 1884 йил, 8-бет.
35. «Педагогик таълим», «Халқ таълими», «Таълим муаммолари», «Таълим, фан ва инновация», «Узлуксиз таълим», «Педагогик маҳорат» ва бошқа журналлар.
36. Тожиев М., Хуррамов А. «Таълим жараенини замонавий педагогик технология асосида тағкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар ва уларнинг таълим йўналиши бўйича шакллантирилиши.//Методик тавсиянома. – Т.: «FAN VA TEKNOLOGIYA», 2014. 96 б.
37. Сейтхалилов Э., Тожиев М. Педагогическая технология: опыт практического применения и системно-содержательного анализа. /Учебное пособие. Т.: «ТАҒАККИР-ВО‘СТОНІ», 2012, – 256 с.

38. Rolf Biehler Roland w. Scholz Rudolf Strasser Bernard Winkelmann. Didactics of mathematics as a scientific discipline./ Iuwer Academic Publishers. 2002, Kluwer Academic Publishers New York, Boston, Dordrecht, London.
39. Martyn R. Dixon, Leonid Kurdachenko, Igor Ya. Subbotin. Algebra and number theory/ Published by John Wiley & Sons. Hoboken, New Jersey Canada 2010.
40. Bowers, A., Kalton, N. J. An Introductory Course in Functional Analysis/Springer, (2009. Germany.
41. Тожиев М. Олий таълимнинг бакалавр босқичидаги “(Математика) ўкув жараёнини лойиҳалаш” туркумдаги фанлар фан дастури ва адабиётларини яратишнинг методологик асоси ва методикаси //Ўкув-услубий кўлланма / М.Тожиев, Б.Зиёмуҳамедов, К.Мамадалиев, Г.Опаева; Масъул муҳаррир: Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ҳ.Раҳимов; техника фанлари доктори, профессор М.У.Мажидовнинг умумий таҳрири остида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Т.: “TAFAKKUR-BO’STONI”. 2013. – 80 бет. 1, Зиёмуҳамедов, Бўри. II, Мамадалиев, Камолиддин. III, Опаева, Гулбаҳор.
42. Бекниёзов Н.М. Ўқитувчи нималарни билиши керак. Педагогика фанлари доктори, профессор М.Тожиевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 192 бет.
43. Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления.- Т.: Минвуз, 2002.
44. Форобий, Арасту фалсафаси. Фозил одамлар шаҳри. Т.1993, Б.60
45. Берталанфи Л. Общая теория систем – обзор проблем и результатов // Системные исследования. - Москва, 1969. С.39.
46. Методика преподавания математики / Под. ред. Черкасова Р. С. , Столляр А. А. – М., 1985. – 336 с.
47. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. - Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.10.
48. Йулдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.

49. Ivanov P.I., Zufarova M.E.. Umumiy psixologiya. – Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyat” nashryoti, 2008, б.151-153
50. S.Valieva, K. Tuleanova. Птіу тадкікот metodologiyasi (оқынушылар). – Т.: Toshkent, 2016, б.24
51. Рахымбек Д. Арифметика, алгебра және анализ бастамаларын оқыту әдістемесі /Окулық / Рахымбек Д. – Шымкент: ОҚМПИ баспасы, 2015. - 432 б.
52. Злоцкий Г. В. Карточки-задания при обучении математике: Кн. для учителя: Из опыта работы. – М.: Просвещение, 1992. – 96.
53. Монахов В.М. Методология педагогический технологии академика В.А.Монахова. – Москва: Михайловка. МЦОП. 1997.
54. Мубараков А.М. Научно-методические основы преемственности обучения математике в системе непрерывного образования. Дис...док. пед. наук. – Алматы, 2003. – 300с.
55. Тожиев М., Баракаев М., Хуррамов А.. Математика ўқитиши методикаси фани ўкув машғулотларининг лойиҳаси. – Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 224 бет.
56. Ян Амос Коменский. Буюк дидактика Т.: “Ўқитувчи”, 1966.
57. Bloom B.S.,Madaus G.F. Evaluation to Improve Learning, New Jork, 1981, –121р.
58. Фридман Л.М. Теоретические основы методики обучения математике. – М.: Флинты, 1998. – 244с.
59. Баймұханов Б.Б. Математика есептерін шығаруға үйрету.- Алматы: Мектеп, 1988. – 144 б.
60. ziyonet.uz

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Кириш.....  | 3  |
| <b>БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатида унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатидаги мақсади, мазмуни.....</b>             | 7  |
| 1.1-МАВЗУ. Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатидаги мақсади, мазмуни.....                            | 7  |
| 1. Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети.....  | 7  |
| 2. Математика фанини ўқитиш методикасининг умумий, хусусий ва аниқ методикаси.....  | 13 |
| 3. Математика ўқитишнинг умумтаълимий, тарбиявий ва амалий мақсадлари.....  | 17 |
| 4. Математика ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси .....  | 23 |
| 5. Математик таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиллари .....  | 26 |
| 6. “Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув предмети сифатидаги мақсади, мазмуни” мавзусининг лойиҳалари .....          | 33 |
| <b>ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математика ўқитишни ташкил этиш шакллари, синф даре системаси, замонавий дарс ва унга кўйиладиган талаблар.....</b>                                     | 43 |
| 2.1-МАВЗУ. Математика фанини ўқитиш шакллари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларни ташкил этиш методлари ва дарс турлари.....                   | 43 |
| 1. Таълим шакллари хақида тушунча, математика фанини ўқитиш шакллари .....  | 43 |
| 2. Математика бўйича замонавий дарс ва унинг тузилиши.....  | 48 |
| 3. Математика дарсларининг турлари ва уларни тузилиши дарс тури ва босқичларини аниқлаш.....  | 52 |
| 4. Математика дарсига кўйилган талаблар.....  | 62 |
| 5. Математика дарсларини ташкил этиш методлари.....   | 63 |
| 6. «Математика фанини ўқитиш шакллари, математикадан замонавий дарс ва унинг тузилиши, математика дарсларни ташкил этиш методлари ва дарс турлари» мавзусининг лойиҳалари ..... | 66 |

|  |            |
|--|------------|
| <b>УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математика дарсига тайёрланиш. Дарс таҳлили, ўкувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.....</b>  | <b>74</b>  |
| 3.1-МАВЗУ. Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили. Математика дарсига қўйиладиган талаблар. Ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.....                  | 74         |
| 1. Математика дарсига тайёрланиш ва унинг босқичлари.....  | 74         |
| 2. Дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилиш жиҳатлари.....   | 83         |
| 3. Математика дарсининг таҳлил қилиш методикаси.....   | 86         |
| 4. Ўкувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш .....  | 87         |
| 5. «Математика дарсига тайёргарлик ва дарс таҳлили, математика дарсига қўйиладиган талаблар, ўкувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш» мавзусининг лойиҳалари..... | 94         |
| <b>ТЎРТИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математикани ўқитиш методлари .....</b>   | <b>103</b> |
| 4.1-МАВЗУ. Математикани ўқитишда илмий изланиш методлари: кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш ва таснифлаш методлари.....               | 103        |
| 1. Математик таълимнинг ўзига хос методлари.....   | 103        |
| 2. Илмий изланиш (тафаккурнинг мантиқий) методлари: математика ўқитишда кузатиш ва тажриба .....   | 104        |
| 3. Математика ўқитишда таққослаш методи .....  | 108        |
| 4. Математика ўқитишда анализ ва синтез методлари .....  | 111        |
| 5. Математика ўқитишда абстракциялаш, умумлаштириш, алиқлаштириш ва таснифлаш методлари.....   | 112        |
| 4.2-МАВЗУ. Математика ўқитишда индукция ва дедукция, аналогия методлари, уларнинг аҳамияти.....  | 126        |
| 1. Математик тула ва чала индукция методи, дедукция методи..   | 126        |
| 2. Математик ўқитишда аналогия методи.....   | 131        |
| 3. «Математика ўқитишда индукция, дедукция ва аналогия методлари, уларнинг аҳамияти» мавзусининг лойиҳалари.....   | 138        |
| <b>БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Мактаб ва ўрта маҳсус таълим муассасалари математика курсида математик мантиқ элементлари.....</b>   | <b>142</b> |
| 5.1-МАВЗУ. Математик тушунча, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг мантиқий тузилиши, зарурӣ етарли шартлар ва уларни таърифлаш ҳамда киритиш методикаси.....                   | 142        |

|   |     |
|---|-----|
| 1. Тушунчанинг фалсафий, психологик, педагогик ва дидактик<br>моҳияти.....  | 142 |
| 2. Математик тушунча, унинг мазмуни ва ҳажми.....   | 145 |
| 3. Таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушуичалар,<br>математик тушунчаларни таърифлаш .....   | 149 |
| 4. Математик тушуичалар киритиш методикаси.....   | 151 |
| 5. «Математик тушунча, таъриф, аксиома ва теоремаларнинг<br>мантиқий тузилиши, зарурӣ етарли шартлар ва уларни<br>таърифлаш ҳамда киритиш методикаси» мавзусининг<br>лойиҳалари .....   | 157 |
| <b>5.2-МАВЗУ. Үқувчиларининг математик тафаккурини<br/>ривожлантириш жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала<br/>ешиш усуллари.....</b>  | 164 |
| 1. Математик таълим жараёнида масаланинг ўрни.....  | 164 |
| 2. Математика ўқитишида масалаларнинг бажарадиган<br>функциялари.....   | 166 |
| 3. Математика ўқитишида фойдаланадиган масалаларнинг<br>таснифи ва уларни ешиш методлари.....   | 168 |
| 4. «Ўқувчиларининг математик тафаккурини ривожлантириш<br>жараёнида масалаларнинг аҳамияти, масала ешиш усуллари»<br>мавзусининг лойиҳалари.....  | 171 |
| <b>5.3-МАВЗУ. Математика ўқитишида аналитик метод билан<br/>масалалар ешиш ва теоремаларни исботлаш.....</b>  | 177 |
| 1. Холоса чиқариш методлари ёрдамида исботлашлар.....   | 177 |
| 2. Теоремаларни исботлашда умумлаштириш.....  | 178 |
| 3. Масалаларни ечишда умумлаштириш.....   | 180 |
| 4. «Математика ўқитишида аналитик метод билан масалалар<br>ешиш ва теоремаларни исботлаш» мавзусининг лойиҳалари.....   | 185 |
| <b>ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математик ўқитиши<br/>методлари, математика ўқитиши методларининг таснифи,<br/>муаммоли, эвристик, дастурлашган, блокли, модулли<br/>ўқитиши методлари.....</b> | 189 |
| <b>6.1-МАВЗУ. Математика ўқитиши методлари ва уларнинг<br/>таснифи.....</b>   | 189 |
| 1. Математика ўқитиши методлари.....  | 189 |
| 2. Математика ўқитиши методларининг таснифи.....  | 197 |
| 3. Таълим технологияларининг таснифи.....   | 207 |
| 4. Билимларни тӯла ўзлаштириш технологияси.....   | 209 |

|  |     |
|--|-----|
| 5. «Математика ўқитиши методикаси фанининг предмети, фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўкув предмети сифатида мақсади, мазмуни» мавзусининг лойиҳалари.....                                     | 210 |
| <b>6.2-МАВЗУ. Математик ўқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар.....</b>  | 217 |
| 1. Математик ўқитишида эвристик ва муаммоли методлар.....  | 217 |
| 2. Математик ўқитишида дастурлашган таълим методи.....   | 220 |
| 3. Математик ўқитишида блокли ва модулли таълим методлари  | 225 |
| 4. «Математик ўқитишида муаммоли ва эвристик, дастурлашган, блокли ва модулли методлар» мавзусининг лойиҳалари.....  | 230 |
| <b>ЕТТИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси.....</b>   | 236 |
| <b>7.1-МАВЗУ. Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси.....</b>   | 236 |
| 1. Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотларнинг мақсади ва вазифалари .....  | 236 |
| 2. Математикадан синфдан ташқари машғулотлар ва уларни ташкил этиш методикаси .....  | 237 |
| 3. «Математика бўйича синфдан ташқари ва факультатив машғулотлар, уларнинг мақсад, вазифалари ва ташкил этиш методикаси» мавзусининг лойиҳалари.   | 240 |
| <b>САККИЗИНЧИ КАТТА МОДУЛ: Математика ўқитишида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари.....</b>  | 244 |
| <b>8.1-МАВЗУ. Математика ўқитишида замонавий педагогик технология, педагогик технология моҳияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамоиллари.....</b>   | 244 |
| 1. «Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги педагогик технология фанининг вужудга келиши. Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси, таълим-тарбия соҳасида мажмуи ёндашув..... | 244 |
| 2. Таълимга технологик ёндашув моҳияти, ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари, “Технология” сўзининг маъноси, педагогик технологиянинг замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти.....  | 261 |

|  |            |
|--|------------|
| 3. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик мақсадларни белгилаш технологияси, педагогик мақсадлар тақсономияси.....   | 271        |
| 4. «Математика ўқитишида замонавий педагогик технология, педагогик технология моҳияти ва замонавий таърифи, педагогик технология тамойиллари» мавзусининг лойиҳалари 8.2-МАВЗУ. Математика ўқитишида замонавий ахборот технологиялари..... | 276        |
| 1. Ахборот-коммуникация технологиясининг таълимда кўлла-нилиши.....  | 285        |
| 2. Ахборот таълим технологияларидан фойдаланиш услубиётининг хусусиятлари.....   | 289        |
| 3. МТ технологияси хусусиятлари.....   | 291        |
| 4. МТ технологияси курсларининг ташкилий жихатлари.....  | 292        |
| 5. Видеокомпьютерли ўқитиш технологиялари таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида.....   | 294        |
| 6. «Математика ўқитишида замонавий ахборот технологиялари» мавзусининг лойиҳалари.....   | 297        |
| <b>Хулоса.....</b>   | <b>303</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>  | <b>305</b> |

## СОДЕРЖАНИЕ

|   |    |
|---|----|
| Введение.....   | 3  |
| <b>ПЕРВЫЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ:</b> предмет методики преподавания математики, ступени развития в качестве дисциплины, цель и смысл в качестве предмета обучения .....   | 7  |
| ТЕМА 1.1. предмет методики преподавания математики, ступени развития в качестве дисциплины, цель и смысл в качестве предмета обучения.....                        | 7  |
| 1. Предмет методики преподавания математики.....  | 7  |
| 2. Общая, особенная и точная методика преподавания математики .....   | 13 |
| 3. общеобразовательные, воспитательные и практические цели преподавания математики .....  | 17 |
| 4. Связь методики преподавания математики с другими предметами.....   | 23 |
| 5. Дидактические принципы осуществления процесса математического образования .....  | 26 |
| 6. Проекты по теме “предмет методики преподавания математики, ступени развития в качестве дисциплины, цель и смысл в качестве предмета обучения” .....            | 33 |
| <b>ВТОРОЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ:</b> формы организации преподавания математики, система классных занятий, современные занятия и требования, накладываемые на них.....    | 43 |
| ТЕМА 2.1. Формы организации преподавания математики, современные занятия по математике и их составление, методы организации математических занятий и их виды..... | 43 |
| 1. Концепция форм образования, формы преподавания математики .....  | 43 |
| 2. современные занятия по математике и их составление.....  | 48 |
| 3. Виды математических занятий и их составление, определение видов и ступеней .....   | 52 |
| 4. требования, накладываемые на уроки математики .....  | 62 |
| 5. методы организации уроков по математике.....   | 63 |
| 6. Проекты по теме: «Формы преподавания уроков математики, современные занятия по математике и их составление, виды математических занятий и виды уроков» .....   | 66 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>ТРЕТИЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ: подготовка к уроку математики. Анализ урока, контроль и оценка знаний учащихся.....</b>  | 74  |
| ТЕМА 3.1 подготовка к уроку математики и анализ урока. Требования, наложенные на урок математики, контроль и оценка знаний учащихся.....                           | 74  |
| 1. Ступени и подготовка к уроку математики .....   | 74  |
| 2. Аспекты наблюдения и анализа урока.....   | 83  |
| 3. Методика анализа урока математики .....   | 86  |
| 4. Контроль и оценка знаний учащихся .....   | 87  |
| 5. Проекты по теме: «Подготовка к уроку математики и анализ урока, требования к уроку, контроль и оценка знаний учащихся» .....                                    | 94  |
| <b>ЧЕТВЕРТЫЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ: Методы преподавания математики .....</b>  | 103 |
| ТЕМА 4.1. методы научных исследований в преподавании математики: наблюдение, опыт, сравнение, анализ, синтез, обобщение, методы абстракций и классификаций .....   | 103 |
| 1. Своеобразные методы математического образования.....  | 103 |
| 2. Методы научного исследования: наблюдение и опыт в преподавании математики .....   | 104 |
| 3. Метод сравнения в преподавании математики .....   | 108 |
| 4. Методы анализа и синтеза в преподавании математики.....   | 111 |
| 5. Методы абстракции, обобщения, вычисления и классификации в преподавании математики.....   | 112 |
| ТЕМА 4.2. Методы индукции и дедукции, аналогии и их значение в преподавании математики.....  | 126 |
| 1. Методы полной и неполной математической индукции, метод дедукции.....   | 126 |
| 2. Метод аналогии в преподавании математики .....  | 131 |
| 3. Проекты по теме «Методы индукции и дедукции, аналогии и их значение в преподавании математики» .....  | 138 |
| <b>ПЯТЫЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ: Элементы математической логики на курсах математики в школах и среднеспециальных образовательных учреждений.....</b>                      | 142 |
| ТЕМА-5.1. Логическое образование математической концепции, описания, аксиомы и теоремы, обязательные требования и их описание, а так же методика их внедрения..... | 142 |

|   |            |
|---|------------|
| 1. Философские, психологические, педагогические и дидактические особенности концепции.....  | 142        |
| 2. Математическая концепция, смысл и объем.....   | 145        |
| 3. Объяснимые и необъяснимые концепции, описание математических концепций .....   | 149        |
| 4. Методика внедрения математических концепций.....   | 151        |
| 5. Проекты по теме «Логическое образование математической концепции, описания, аксиомы и теоремы, обязательные требования и их описание, а также методика их внедрения» .....                           | 157        |
| <b>ТЕМА-5.2. Значение задач в процессе развития математического отражения у учащихся, виды решения задач.....</b>   | <b>164</b> |
| 1. Место задач в процессе математического образования.....  | 164        |
| 2. Функции задач в преподавании математики.....   | 166        |
| 3. Методы решения и классификации задач, используемых в преподавании математики .....   | 168        |
| 4. Проекты по теме «Значение задач в процессе развития математического отражения у учащихся, виды решения задач» .....  | 171        |
| <b>ТЕМА 5.3. Доказательство теорем и решение задач аналитическим методом в преподавании математики.....</b>   | <b>177</b> |
| 1. Доказательства методом заключения .....  | 177        |
| 2. Обобщение в доказательствах теорем.....  | 178        |
| 3. Обобщение в решении задач.....   | 180        |
| 4. Проекты по теме «Доказательство теорем и решение задач аналитическим методом в преподавании математики» .....  | 185        |
| <b>ШЕСТОЙ БОЛЬШОЙ МЕТОД: Методы преподавания математики, классификация методов в преподавании математики, проблемные, эвристические, программные, блокированные, модульные методы преподавания.....</b> | <b>189</b> |
| <b>ТЕМА-6.1. Методы преподавания математики и их классификация.....</b>   | <b>189</b> |
| 1. Методы преподавания математики.....  | 189        |
| 2. Классификация методов преподавания математики.....   | 197        |
| 3. Классификация образовательных технологий.....  | 207        |
| 4. Технологии полного освоения знаний.....  | 209        |
| 5. Проекты по теме «Предмет методики преподавания математики, ступени развития в качестве дисциплины, цель и смысл в качестве предмета обучения” .....  | 210        |

|  |     |
|--|-----|
| <b>ТЕМА-6.2.</b> Проблемные, эвристические, программные, блокированные, модульные методы преподавания.....   | 217 |
| 1. Эвристические и проблемные методы в преподавании математики.....  | 217 |
| 2. Метод программного образования в преподавании математики.....   | 220 |
| 3. Блокированные и модульные методы образования в преподавании математики .....  | 225 |
| 4. Проекты по теме «проблемные, эвристические, программные, блокированные, модульные методы преподавания»  | 230 |
| <b>СЕДЬМОЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ:</b> Внеурочные и факультативные занятия по математике, их цели, задачи и методика их организации .....  | 236 |
| <b>ТЕМА-7.1.</b> Методика организации, задачи, цели внеурочных и факультативных занятий по математике .....  | 236 |
| 1. Цели и задачи внеурочных и факультативных занятий по математике .....   | 236 |
| 2. Внеурочные занятия по математике и методика их организации .....  | 237 |
| 3. Проекты по теме «Внеурочные и факультативные занятия по математике, их цели, задачи и методика их организации»..  | 240 |
| <b>ВОСЬМОЙ БОЛЬШОЙ МОДУЛЬ:</b> Современные педагогические и информационно-коммуникационные технологии в преподавании математики.....   | 244 |
| <b>ТЕМА-8.1.</b> Современные педагогические технологии в преподавании математики, значение педагогических технологий и их современное описание, принципы педагогических технологий.....  | 244 |
| 1. «Актуальность задачи модернизации образования, возникновение предмета педагогической технологии. Теория квантов и синергетики, комплексная теория, комплексный подход к образовательно-воспитательной сфере.....                | 244 |
| 2. Значение технологического подхода к образованию, особенности технологического подхода в процессе обучения, смысл понятия “Технология”, современное описание педагогических технологий, значение педагогических технологий... .. | 261 |
| 3. Принципы педагогических технологий и комментарии к ним, технологии определения педагогических целей, таксономия педагогических целей.....   | 271 |

|  |            |
|--|------------|
| 4. Проекты по теме «Современные педагогические технологии в преподавании математики, значение педагогических технологий и их современное описание, принципы педагогических технологий» ..... | 276        |
| <b>ТЕМА-8.2. Современные информационные технологии в преподавании математики.....</b>  | <b>285</b> |
| 1. Использование информационно-коммуникационных технологий в получении образования.....  | 285        |
| 2. Особенности методологии руководства информационными технологиями в образовании.....   | 289        |
| 3. Особенности МТТ .....   | 291        |
| 4. Организационные аспекты курсов МТТ .....  | 292        |
| 5. Видеокомпьютерное преподавание как средство повышения эффективности технологического образования .....  | 294        |
| 6. Проекты по теме «Современные информационные технологии в преподавании математики» .....   | 297        |
| <b>Заключение .....</b>  | <b>303</b> |
| <b>Литература.....</b>   | <b>305</b> |

## LIST OF CONTENTS

|  |           |
|--|-----------|
| Introduction.....  | 3         |
| <b>FIRST BIG MODULE: Subject of methods of teaching mathematics, its development steps as a science, its objectives as a teaching subject.....</b>                                 | <b>7</b>  |
| 1.1-TOPIC. Subject of methods of teaching mathematics science, its development steps as a science, its objectives as a teaching subject, meaning.....                              | 7         |
| 1. Subject of methods of teaching science of mathematics .....   | 7         |
| 2. General, specific and clear teaching methodic of science of mathematics.....  | 13        |
| 3. Educational, behavioral and practical objectives of teaching mathematics.....   | 17        |
| 4. Connection of methods of teaching mathematics with other subjects.....  | 23        |
| 5. Didactic principles of realization of educational process of mathematic.....  | 26        |
| 6. "Subject of methods of teaching mathematics science, its development steps as a science, its objectives as a teaching subject, meaning" topic's projects.....                   | 33        |
| <b>SECOND BIG MODULE: Forms of development of teaching mathematics, class teaching system, up-to-date lesson and requirements on it.....</b>                                       | <b>43</b> |
| 2.1- TOPIC. Forms of teaching mathematics, up-to-date lesson and its structure, methods of organization of mathematics lessons and types of lessons.....                           | 43        |
| 1. Concept of education forms, forms of teaching mathematics ...   | 43        |
| 2. Modern lesson on mathematics and its structure.....   | 48        |
| 3. Types of mathematics lessons and their structure, course type and determining their level .....   | 52        |
| 4. Requirements on mathematics lesson.....   | 62        |
| 5. Methods of organizing mathematics lesson.....   | 63        |
| 6. «Forms of teaching mathematics science, modern course on mathematics and its structure, methods of organizing mathematics lesson and types of the lesson» topic's projects..... | 66        |
| <b>THIRD BIG MODULE: Preparation to mathematics lesson. Analysis of the lesson, Controlling and assessment knowledge of pupils.....</b>  | <b>74</b> |

|   |     |
|---|-----|
| <b>3.1-TOPIC.</b> Preparation to mathematics lesson and analysis of the lesson. Requirements on mathematics. Controlling and assessment knowledge of pupils.....          | 74  |
| 1.Preparation to mathematics lessons and its level.....   | 74  |
| 2. Lesson observation and aspects of its analysis.....  | 83  |
| 3. Methods of mathematics lesson analysis .....   | 86  |
| 4. Controlling and assessment knowledge of pupils.....  | 87  |
| 5. «Preparation to mathematics lesson and lesson analysis, requirements on mathematics lesson, controlling and assessment knowledge of pupils» topic's projects .....     | 94  |
| <b>FOURTH BIG MODULE:</b> Teaching methods of mathematics.....  | 103 |
| 4.1-Topic. Methods of scientific research in teaching mathematics: observation, experience comparison, analysis, aggregation, abstraction and classification methods..... | 103 |
| 1. Specific methods in studying mathematics.....  | 103 |
| 2. Methods of scientific research (logical thinking): Observation and experience in teaching mathematics.....   | 104 |
| 3. Comparative method in teaching mathematics .....   | 108 |
| 4. Methods of analysis and synthesis in teaching mathematics .....  | 111 |
| 5. Methods of abstraction, aggregation, determination and classification in teaching mathematics.....   | 112 |
| 4.2-TOPIC. Induction and deduction, methods of analogy, their importance in teaching mathematics.....   | 126 |
| 1. Mathematic complete and incomplete induction method, deduction method.....   | 126 |
| 2. Analogy method in teaching mathematics.....  | 131 |
| 3. «Methods of induction, deduction and analogy in teaching mathematics and their importance» topic's projects.....   | 138 |
| <b>FIFTH BIG MODULE:</b> Elements of mathematic logic in mathematics course at schools and special secondary educations.....  | 142 |
| 5.1-TOPIC. Mathematic concept, definition, axiom and logical structure of theorems, necessary conditions and their definition as well as method entering method.....      | 142 |
| 1.Importance of philosophical, psychological, pedagogical and didactic concept.....   | 142 |
| 2. Mathematic concept, its content and size.....  | 145 |
| 3.Defining of definable and indefinable, mathematic concepts ....   | 149 |

|  |            |
|--|------------|
| 4. Methods of entering mathematic concepts.....  | 151        |
| 5. « Mathematic concept, definition, axiom and logical structure of theorems, necessary conditions and their definition as well as entering method» topic's projects.....              | 157        |
| 5.2-TOPIC. Importance of problems in mathematic thinking of pupils, problem solving strategies.....  | 164        |
| 1. Importance of the problem in the process of studying mathematics.....   | 164        |
| 2. Functions of problems in the process of studying mathematics.....   | 166        |
| 3. Classification and solving methods of problems used in teaching mathematics.....  | 168        |
| 4. « Importance of problems in mathematic thinking of pupils, problem solving strategies» topic's projects.....  | 171        |
| 5.3-TOPIC. Problem solving and proving theorems through analytical method in teaching mathematics.....   | 177        |
| 1. Proofs through conclusion making methods .....  | 177        |
| 2. Aggregation in proving theorems.....  | 178        |
| 3. Aggregation in problem solving.....   | 180        |
| 4. « Problem solving and proving theorems through analytical method in teaching mathematics» topic's projects.....   | 185        |
| <b>SIXTH BIG MODULE: Mathematic teaching methods, classification of teaching methods of mathematics, problematic, intuitive, programmed, block type, modular teaching methods.....</b> | <b>189</b> |
| 6.1-TOPIC. Teaching methods of mathematics and their classification.....   | 189        |
| 1. Teaching methods of mathematics.....  | 189        |
| 2. Classification of teaching methods of mathematics.....  | 197        |
| 3. Classification of education technologies.....   | 207        |
| 4. Technology of knowledge development.....  | 209        |
| 5. “Subject of science of teaching methods of mathematics, development stages as a science, purpose as a subject of study, content” topic's projects.....                              | 210        |
| 6.2-TOPIC. Problematic and intuitive, programmed, block type and modular methods in teaching mathematics.....  | 217        |
| 1. Intuitive and problematic methods in teaching mathematics.....  | 217        |
| 2. Programmed education method in teaching mathematics.....  | 220        |

|  |            |
|--|------------|
| 3. Block type and modular education methods in teaching mathematics.....   | 225        |
| 4. «Problematic and intuitive, programmed, block type and modular methods in teaching mathematics» topic's projects.....   | 230        |
| <b>SEVENTH BIG MODULE: In mathematics, out of class and optional classes, their purpose, tasks and organizing methods.....</b>   | <b>236</b> |
| 7.1-TOPIC. In mathematics, out of class and optional classes, their purpose, tasks and organizing methods .....  | 236        |
| 1. In mathematics, the purpose and tasks of out of class and optional classes.....   | 236        |
| 2. In mathematics out of class classes and methods of organizing.....  | 237        |
| 3. « In mathematics, out of class and optional classes, their purpose, tasks and organizing methods» topic's projects.....   | 240        |
| <b>EIGHTH BIG MODULE: Modern pedagogical and information-communication technologies in teaching mathematics.</b>   | <b>244</b> |
| 8.1-TOPIC. Modern pedagogical technology, importance of pedagogical technology and modern concept, principles of pedagogical technology in teaching mathematics.....   | 244        |
| 1. «Importance of modernizing education, the occurrence of pedagogical technology subject. Kvant theory and synergy, the theory of complex, collective approach to education.....  | 244        |
| 2. Importance of technological approach to education, aspects of technological approach to teaching process, meaning of "Technology", modern definition of pedagogical technology, importance of pedagogical technology..... | 261        |
| 3. Principles of pedagogic technology and their explanation, technology of setting pedagogical purposes, taxonomy of pedagogical purposes.....   | 271        |
| 4. «Modern pedagogical and information-communication technologies in teaching mathematics» topic's projects.....   | 276        |
| 8.2-TOPIC. Modern information technologies in modern education.....  | 285        |
| 1. Using information-communication technology in education.....  | 285        |
| 2. Features of using educational information technologies.....   | 289        |
| 3. Features of MTT хусусиятлари.....   | 291        |
| 4. Organizational aspects of MTT courses.....  | 292        |

|   |     |
|---|-----|
| 5. Teaching through technologies of video computers as a tool of increasing effectiveness of education..... | 294 |
| 6. «Modern information technologies in teaching mathematics» topic's projects.....                          | 297 |
| Conclusion.....   | 303 |
| Used materials .....  | 305 |

М.ТОЖИЕВ, М.БАРАКАЕВ, А.ХУРРАМОВ

# МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(Ўкув кулланма)

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2017

Мухаррир: Ф.Исмоилова  
Тех. мухаррир: М.Холмуҳаммедов  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаҳҳиха: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

E-mail: tipografiyaest@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Пашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишга руҳсат этилди: 03.08.2017.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 20,0. Нашр босма табоги 20,5.  
Тиражи 200. Буюргма №123.